

СОЛИЙ ҲАСАНОВ



ХОРАЗМ
МАЪРИФАТИ-
ОЛАМ КЎЗГУСИ




СОЛИЙ ҲАСАНОВ

ХОРАЗМ
МАЪРИФАТИ—
ОЛАМ КЎЗГУСИ

*Ўзбекистон Республикаси халқ
таълими вазирлиги Олий ва ўрта
махсус билим юртлари ҳамда
мактаб ўқитувчилари учун тавсия
этилган*

Академик, тарбияшунослик фанлари
доктори, профессор И. О. Обидовнинг умумий
таҳрири остида.



Иқтидорли тарбияшунос олим, методист-ўқитувчи С. Ҳасанов тадқиқотларини кўпинча ўзи туғилиб ўсган буюк Хоразм мавзусига бағишлайди. Бу олим эътиқодининг бутлигидан нишона. Хусусан мазкур китобда Хоразм мутафаккирларининг таълим-тарбия соҳасидаги қимматбаҳо фикрлари, қарашлари билан танишасиз ва уларнинг ҳозирги кунда ҳам ўзининг маърифий-тарбиявий аҳамиятини йўқотмаганлигига тўла қаноат ҳосил қиласиз.

Ушбу китоб олий ва ўрта махсус билим юртларининг ўқитувчи ҳамда талабаларига, умумтаълим мактабларининг муаллимлари ва юқори синф ўқувчиларига, ота-оналарга, ўлкамиз маданияти тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Т а қ р и з ч и л а р :

Р. Усмонов,
профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ўқитувчи.

К. Ҳошимов, профессор.

К. Зарипов, педагогика фанлари доктори,
профессор.

К. Рафиқов, филология фанлари номзоди,
доцент.

Х 4402000000—121 107—96
353(04)—96

ISBN 5—645—02286—6

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996

МУҚАДДИМА

Хиванинг 2500 йиллигига бағишлайман

Муаллиф

Қайси халқнинг маданий тарихи қанчалик қадимий бўлса, ўша халқнинг ахлоқий гўзаллиги, урф-одат ранг-баранглиги кўлами кенг, таълим-тарбия тизими илдизлари ҳам шунчалик чуқур бўлади. Чунки, ҳар қандай маданият, ахлоқ, урф-одат ва таълим-тарбия инсоний фаолиятнинг кечинмалари, синовлари, бой ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади ва мақбуллари авлоддан авлодга ўтади.

Қадимги Хоразмдан «Ипак йўли»нинг ўтиши, Шарқ билан Ғарбнинг боғланиши воҳанинг иқтисодий ва маданий ривожига таъсир этган, албатта. Биз Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Аёзқалъа, Бургутқалъа, Жонбасқалъа, Қирққизқалъа, Норинжанқалъа, Эллиққалъадан археологик қазиш пайтида топилган воҳа антик даври маданияти ва санъатига оид ёдгорликларга ҳамда қадимий қўлёзмалардаги фикрларга асосланиб шуни айтиб ўтмоғимиз керакки, Хоразм ҳамма даврларда жаҳоннинг энг йирик маданий марказларидан бири саналган. Бу қадимий маданият ҳатто бугунги кунда Оврупода антик дунё деб аталиб келаётган юнон ва рим маданияти билан бир қаторда туради. Зотан, Хоразмдан ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Ироқ, Умар аз-Замахшарий, Умар, Чағминий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Мунис Хоразмий, Огаҳий каби олиму фозилларнинг, шоиру адибларнинг етишиб чиққанлиги, бежиз эмасдир. Бинобарин, Олмония тарихчи олими Ҳердер бу ҳақда шундай деб ёзади: «Овруполик бирорта халқ ўз ёзувини ўзи кашф этган эмас, испанлар ёзуви ҳам Осиёдан олинган; Шимолий ва Ғарбий Оврупо маданияти юнон-румо-араб уруғидан униб чиққандир... Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон қўлига табобат сирларини очмоққа қалит

тутқаздилар... Физиканинг барча бўлимларини шу қалит ёрдамида очдилар ва бу қалит, асрлар давомида амалда қўлланиб келинмоқда...»¹. Ҳақиқатан ҳам қадимги Юнон, Ҳинд, Рим, Чин довишмандлари қатори Марказий Осиёлик, жумладан, хоразмлик алломаларнинг фан ва маданият олдидаги буюқ хизматларини хорижликлар биздан кўра кўпроқ эътироф этишади. Амриқода «Ал-Хоразмий — ўз даврининг энг буюқ математигидир», деган жумла асарларга, китобларга катта ҳарфлар билан ёзилади. Ал-Хоразмий алгебра, яъни алжабр фанининг отаси эканлигини ниҳоят энди эътироф этаяпмиз.

Абу Райҳон Беруний Ернинг Қуёш атропоиди ва ўз ўқи бўйлаб айланишини Коперникдан беш юз йил илгари исботлаган. Берунийгача бўлган олимлар вакуум мавжудлигини инкор қилар эдилар. Олим вакуумнинг мавжудлигини тажрибалар йўли билан исботлаб беради.

Мусулмон Шарқида «Устоз ал-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахру Хворазм» («Хоразмнинг фаҳри») каби муътабар номларга эга бўлган аз-Замаҳшарийнинг асарлари ҳатто ҳозирги кунларда ҳам араб мамлакатларини мадраса ва дорилфунунларида изчиллик билан ўрганилмоқда. Араб мамлакатлари шаҳарларидаги кўчалар, майдонлар, кутубхоналар, китоб дўконларига унинг номи берилган.

Қадимги даврларда турли мамлакатлардан Гурганч, Кат ва Хива мадрасаларига илм излаб келишган. Илм толиблари Хоразмда диний, илмий, аниқ фанлар бўйича сабоқ олганлар. Мактабларда Хоразмдан етишиб чиққан илм-фан дарғалари-ю, ўз шеърятти билан, жаҳонни хайратга солган Нажмиддин Кубро, аз-Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Мувиё, Отаҳий, Аваф Утар ўғли каби забардаст шоирлар ҳақида деярли қисқа маълумот берилади. Уша давр илм-фанини жаҳонга танитган ал-Хоразмий, Ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, аз-Замаҳшарий, ал-Чағминий каби мутафаккир олимлар ҳаёти ва ижоди жаҳон тараққийпарвар халқлари томонидан, хусусан, Амриқода, Олмонияда, Англияда, Фарангистонда кенг ўрганилади. Лекин бизда уларнинг илмий ижодига кенг йўл очилмагани ташвишлидир.

Хоразм мутафаккирларининг асарларини ўқиб-ўрга-

¹ Қаранг: Каримов Ҳ. Тарбия илдиэлари. «Уқитувчилар газетаси», 1990 йил, 31 март.

ниш баробарида ўша улкан шахслар фазилатларини, ахлоқ-одобга онд қарашларини ёшларга ўргатиш муҳимдир. Зеро, бу ёшлар учун ўзлигини билиб олишда беқиёс аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир маърифатпарвар устоз ўз бурчини бажармоққа киришаётиб дастлаб келажак авлод тарбияси олдида ўзини масъул эканлигини чин дилдан ҳис этиши лозим.

Ушбу китобни юзага келишида фойдали маслаҳатларини аямаган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги М. М. Хайруллаев, академик, педагогика фанлари доктори, профессор И. О. Обидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Й. Жумабоев, филология фанлари доктори, профессор Н. Маллаев, профессор К. Хошимов, тарих фанлари номзоди Н. Норқулов, филология фанлари номзодлари У. Уватов, Н. Жумаев, В. Раҳмонов, Б. Норбоев, М. Махмудов, К. Рафиқов, педагогика фанлари номзодлари С. Темурова, Ҳ. Абдуллаев, Р. Йўлдошева, педагогика фанлари докторлари Ж. Ғ. Йўлдошев, М. Очилов, К. Зарипов ва П. Магзумов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи О. Шарипов, филология фанлари номзоди, хоразмлик хассос шоир Сафо Очил ва бошқа ўртоқларга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

ХОРАЗМДА МАЪРИФИЙ-ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ ШАРОИТЛАРИ

1- §. Хоразмда маърифий-педагогик фикрларнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаган омиллар

Хоразм жуда қадим замонлардаёқ илм-фан ва маданияти ривожланган мамлакат сифатида Миср, Бобил, Ироқ, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рум мамлакатлари қаторида турган. Биз «Авесто»да Доро I нинг Биҳистун тоғи қояларига биттирган китобасида, паҳлавий ва санскрит тилидаги диний китобларда, юнон, лотин, хитой, арман ва бошқа қадимий ёзма манбаларда Хоразм ҳақидаги ёдномаларга дуч келамиз. Бу мамлакат халқи чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантиришда, шаҳар ва қалъалар бунёд қилишда юксак натижаларга эришган. Бу ерда инсоннинг фақат қўл меҳнати, ишлаб чиқариш салоҳияти ривожланибгина қолмай, балки илм ва тафаккури, маданияти ҳам юксак тараққий этди.

Қадимий манбаларда эътироф этилишича, хоразмликлар Кўҳна Васият «Ветхий Завет»да, Мавжудот «Би-тия» китобида тилга олинган орийларнинг бир уруғи; Инжилда таърифланган Нуҳ ўғли бўлмиш Иофет авлодларидир. Бу сершоҳ шажара илдизлари бепоён Марказий Осиё қир-адирлари бўйлаб ёйилиб кетган бўлиб, олимлар ўртасида кенг тарқалган фикрга кўра, худди мана шу макон инсониятни вояга етказган олтин бешиқдир.

Мозийда бу қабила (улар ўзларини «орифлар», яъни олижаноб, улуғ, ҳурматга лойиқ одамлар, деб аташарди) ўртасида илк бор бўлиниш, ажралиш бошланган. Бир қисм орифлар Осиё бўйлаб тарқалишган. Қабила-нинг бир улкан гуруҳи, вақт ўтиши билан Урол тизмалари, Каспий соҳилларига ёйилиб, дашт бўйлаб Оврупо томон силжий борди. Осиёда қолган гуруҳ эса янада йириклаша бошлади. Бу гуруҳ вакиллари Ҳинд ярим оролига бориб, ўша ерда ўтроқлашиб қолди. Шу сабабларга кўра — орий ирқининг Осиё ва Оврупо тармоқла-

ри яхлит ном — Ҳинд-Оврупо ирқи номи билан аталади. Бу атамада мазкур ирқнинг бир замонлар ягона илдишга эга бўлганлигига, аynи пайтда икки тармоққа ажралиб кетганлигига ишора мавжуд.

Орийларнинг Осиёдаги гуруҳи ҳам ўз навбатида икки йўналишга ажралиб кетган: бир гуруҳи, юқорида айтганимиздек, Ҳинд ярим оролида, иккинчи гуруҳи эса ўз ватанидан Жануби-Ғарб томон силжиб, бир неча тоғлардан ошиб, Эрон ва Хоразм худудларида жойлашиб қолди. Марказий Осиёда жойлашган қабилалар ичида, айниқса, хоразмийлар тез ва муваффақиятли тараққий қила бошлади. Бу диёрнинг куч-қудрати, давлати гуркираб ўсиб, шуҳрати оламга ёйла борди¹.

Қадимги Хоразм маданияти ва санъати, илм-фани ҳақида сўз юритганда ўқузчиларга, аввало, «Хоразм» сўзининг этимологияси ҳақида батафсил маълумот бериш зарур. Чунки ҳар бир жой номининг ўз тарихи бўлиб, у бевосита халқ ҳаётининг турли томонларини ўзида акс эттиради. Номлар кўпинча шу ҳудудда яшаган халқ ҳаёти, яшаш шароити, урф-одатлари ва тарбия анъаналари билан боғлиқ бўлади. Жумладан, Хоразм ҳақидаги дастлабки маълумотларни зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да учратамиз. «Авесто»нинг «Митхра ёшти» деб аталувчи V бўлими, 14-қисмида Сўғд номи билан бирга, Хоразм ҳам тилга олинади: «Ўзининг олтин вужуди билан гўзал тоғ чўққиларини қамраб олиб, сўнг орийлар тамоман эгаллаб оладиган Митрага ҳамду санолар ўқиймиз. Орийлар юртида ҳукмдорларнинг теварак-атрофда ажойиб ерлари бор. У ерларда озиқ-овқатга мўл-кўл улкан тоғлар мавжуд. Мол чорвалари учун сувга сероб чашмалари муҳайё. Серсув каналлар, бағри кенг дарёлар Моуру ва Харнаёву Гоу, Сўғд ва Қайризао томон шитоб билан оқади»². Немис шарқшунос олими Э. Захаунинг фикрича, қайризао сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, зем-ер, хайри қорста—озиқ-овқат маъносини билдиради, яъни қайризао — озиқ-овқат мамлакати, озиқага бой юрт, деганидир.

¹ Қаранг: Березиков Е. Зардушт туғилган диёр. «Ёшлик» ойномаси, 1991 йил 8-сон.

² Захау Э. Хоразм тарихи ва хронологиясига доир. Вена, 1873, 3-бет (немис тилида нашр этилган).

Хоразм сўзининг этимологияси араб сайёҳи ал-Муқаддасий (985 й.)нинг «Аҳсан ут-тақосим фи-маърифат ул-қолим» («Иқлимларни билиб олишда энг яхши тақсимлашлар») асарида қуйидагича талқин қилинади: «Шарқ подшоси ўз давлати хизматидагилардан тўрт юз кишига қаҳру ғазаб қилибди. Кейин буларни юз фарсах узоқликдаги одам яшамайдиган жойга элтиб ташлашларини буюрибди. Уларни ҳозир Кос шаҳри жойлашган ерга келтириб қўйибдилар. Бир қанча вақт ўтгач, шоҳ одам юбориб, улар ҳолидан хабар олишни буюрибди.

Подшоҳ одамлари келишса, бадарға қилинганларнинг ҳаммаси тирик эмиш, улар ўзларича чайлалар қуриб, балиқ овлаб кун кечираётган эканлар. Уларда ўтин-чўп кўп экан. Бу гаплар подшога етгач, у сўрабди:

— Ғўштни улар нима дер эканлар?

— Хор.

— Утин-чўпни-чи?

— Разм.

Шунда у, ўша жойларни мен уларга бағишладим. Уларнинг юрти «Хоразм» деб аталсин, дебди. Сўнгра у тўрт юз турк қизини олиб бориб уларнинг ихтиёрига топширишни буюрибди. Шундай қилиб, уларда туркларга ўхшашлик сақланиб қолди...»¹. Хоразмнинг пайдо бўлиши тўғрисида бундай ривоятлар, афсоналар жуда кўп.

Таниқли тилшунос олим, профессор Отаназар Мадраҳимов эса кўпгина олимларнинг Хоразм этимологияси тўғрисидаги фикрларини қиёсий таққослаб, шундай хулосага келади: «А. Веселовский Хива хонлиги ҳақидаги бир очеркида (1877 й.) «Хоразм» сўзининг маъноси ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни айтади: қадимги юнонлар бу мамлакатни «Хоразмия (Хўрўзмия)» деб атаганлар; миҳҳат ёзувида «Хварезмийя», «Зенд-Авестода «Гаприсас» деб ёзилган; араблар «Хорарезм» (Хуворезм) деб атаганлар; хитой манбаларида эса «Хо-лиси-ми-кия» деб берилган. Шу тарзда А. Веселовский «Хоразм» сўзи ҳақидаги бир неча фикрларни санаб ўтади. Жумладан, Ёқут ибн Абдуллоҳ ховар-ғўшт, резм-разм — ўтин маъноларини билдиради. Демак, Ховар-разм-ғўшт ва ўтин мамлакатидир, дейди. Бюрн-уфнинг айтишича, куари — ейимлик, замер, яъни «Хоразм» ейим-

¹ «Материалы по истории туркмен и Туркмении» М.—Л., 1941, 185-бет.

ликлар ёки ҳосилдор ер маъносини англатади. А. Вамберн эса хаҳ-хоҳловчи, резм-разм майдон, бинобарин, «Хоразм» жанг майдонини хоҳловчилар ёки уришқоқ халқ, деган маънони англатади, дейди. Савельев қадимий форс манбаларидаги «Хорейз» ёки «Хорезмия» сўзига таққослаб, Хор-Хўвор—қуёш, зам-зем—ер, яъни «Қуёш ери ўлкаси» ёки «Шарқ ўлкаси» маъносида, Шпингель форсча хувархор—паст, азм—ер, яъни паст ер, ёмон ер маъносида; лерх, ҳувар—паст, текислик, азм—ер, паст текислик, ер маъносида келади, дейдилар.

Атоқли олим С. П. Толстов «Хоразм»—Хвари-замин-Хварри қабиласининг ери» деган маънони билдиради, дейди. Б. Греков «Хоразм» сўзини икки қисмга бўлади: Ҳур — замин, Ҳур — хуршид — офтоб — қуёш, замйн—ер — «Хоразм» қуёш ўлкаси дегани.

Машҳур сайёҳ Еқут Ҳамавий ўзининг ўлмас асари «Муъжам албулдон» («Мамлакатлар ғулоти»)да Хоразм сўзи ҳақида шундай дейди: «Хоразм бу муайян бир шаҳарнинг номи эмас, балки ноҳия, ўлка номидир». Демак, унинг фикридан, «Хоразм» сўзи маълум ҳудуд, қабила номи бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

«Хоразм» сўзининг этимологияси тўғрисида гап кетганда бу масалада эрон тилларининг ҳам таъсири бўлганлигини назарда тутиш лозим. Академик В. В. Бартольд бу ҳақдаги ўз фикрини шундай баён этади: Беруний келтирган календар атамалар, байрам номлари ва бошқалар бир вақтлар Хоразмда аҳоли Эрон шева-сида гаплашгани ҳақида баъзи бир тасаввурлар беради. Масалан: «Гау ховар» сўзи гау—сигир, ховара—ем, емиш» маъносида келади. С. П. Толстов эса бу фикрни қувватлаб шундай изоҳлайди: Сирдарёнинг қуйи қисмида ўз даврида турк-ўғиз ҳукмдорларининг қароргоҳи ҳисобланган Янгикент шаҳри мавжуд бўлган. Шунга яқин жойда Хоразмга тобе бўлган Хувора, Жанд деган шаҳарлар бор эди. Хуррит қабилалар шимоли-шарқий шаҳобчасининг ҳаракати билан «Янги Ариана»—«Хурритларнинг янги мамлакати» тузилади. Демак, Хорризем—Хурритлар ери, яъни қуёш элатининг ери маъносини англатади. Чунончи, ғарбий ҳазарлар тилидаги қовар-хвар, ховар сўзлари хоразмликларнинг умумий маъносида ишлатилган.

Шундай қилиб, «Хоразм» сўзи таркибида манзил, макон, қуёш деган сўзлар бор. Аммо бундан ўтин ва тўшт маъноси келиб чиқмайди. Юқорида келтирилган

хвар=хуррит=хорезм, хур—хуршид, қуёш каби сўзлар ўша даврда Хоразм ҳудудида яшаган қабилалар номи билан боғлиқдир. Демак, «Хоразм» сўзи қабиланомидан келиб чиққан этник ном деган хулоса илмий жиҳатдан олиб қараганда ҳақиқатга яқинроқдир¹.

Атамашунос олим, профессор Зарифбой Дўсимов эса Хоразм атамасига янгича талқин бериб «Ажойиб қалъалар диёри», «Мустаҳкам қўрғонли истехком» деган фикрни илгари суради.

Хоразмда эрамизгача ва эрамиздан кейин илм-фан, маданиятнинг гуллаб яшнагани, оламга довруғ таратгани хусусида қадимшунос олим С. П. Толстов шундай деб ёзади: «Қадимги Хоразм фанининг Шарқ фани тарихидаги ўрни жуда муҳимдир. Биз Хоразмнинг исломга қадар бўлган, яъни антик ва африғийлар ҳукмронлиги даврини жуда оз биламиз. Аммо моддий ва маданий ёдгорликларни ҳар томонлама текширгач, айта оламизки, Хоразмда аниқ фанлар—риёзиёт, ҳандаса, тригонометрия, астрономия, топография, химия, минералогия ва санъат ўша даврлардаёқ юксак даражада тараққий этган»². Тупроққалъа, Гулдурсунқалъа, Аёзқалъа, Қалалиқир, Енбошқалъа, Енпикқалъа, Шўрахон, Ҳазорасп, Қалажиқ, Боворқалъа, Жонбосқалъа Қўйқирилганқалъа, Бургутқалъа, Қирққизқалъа, Филқалъа, Норийжонқалъа, Эллиққалъаларда олиб борилган археологик қазиниш ишлари чоғида топилган ашъвий далиллар, тарих ва маданиятга алоқадор неолит, полеолит, бронза асрлари, ибтидоий жамоа ва қулдорлик даврлари, қадимги Хоразм давлатининг пайдо бўлиши, кучайиши ва емирилишига доир бебаҳо тарихий топилмалар юқоридаги фикрни тўла тасдиқлайди. Масалан, Жонбосқалъа яқинидаги қадимги Қалтаминор қишлоғида эрамиздан аввалги IV—III минг йилларда қурилган чайла уйда 100—120 кишилик жамоа истиқомат қилган. Бу уйда яшовчилар бир неча жуфт оилага бўлинганлар. Уйнинг маросимларда рақсларга тушадиган саҳнаси бўлган. Бу неолит даври маданият ва санъат намунаси бўлиши билан ҳам қимматлидир. Шунингдек, неолит даврига мансуб сопол идиш-товоқларга битилган суратларда турли пантомима ва рақс ҳаракатлари тасвир-

¹ Мадраҳимов О. «Хоразм» сўзининг маънолари. «Фан ва турмуш» ойномаси, 1974 йил, 2-сон.

² «Гулистон» ойномаси, 1981 йил, 8-сон.

ланган. Ибтидоий жамоа даврида ҳар бир уруғ ўз тамғасига эга бўлганлиги тарихдан маълум. Улар ҳайвон ва қушларнинг номи билан (от уруғи, пишак — мушук уруғи, эчки, қўй, йўлбарс уруғи) юритилган. Ҳар бир уруғ ўзи ишлаган идиш ва товоқларга ўз тамғасини чизган. Ана шу аймақ ва уруғлар ўз қўшиқ, ўз рақсларига эга бўлишган. Хоразм халқлари, масҳарабозлари, дорбозларининг қўшиқ ва рақсларининг номларига эътибор беринг: «Чағаллоқ» ўйини, «Зимлак ўйини», «Чорлоқ ўйини», «Юмрон қозик ўйини», «Айик ўйини», «Дев ўйини», «Пишак ўйини» ва ҳоказо. Масҳарабозларнинг қўшиқ ва рақслари ибтидоий жамоа тузумида овга кетиш олдидан ва овдан қайтганда ижро қилинадиган «овчилик ўйинлари»га ҳамоҳанг бўлиши мумкин. Замонавий Хоразм «Лазги»си, «Чипрадалли», «Хўпимбай», «Зимлак», «Чағаллоқ» сингари ўйинлар масҳарабозларнинг қўшиқ ва рақслари билан боғлиқ экани шубҳасиздир.

Эрамиздан аввалги IV ва эрамизнинг I асрлари оралиғида Жонбосқалъада ҳаёт қайнаган. Аниқланишича, Қўйқирилганқалъа Хоразм давлатининг милоддан аввалги IV ва милодий I асрига тегишли обод ва маданият гуллаган шаҳарларидан бири бўлган. Қўйқирилганқалъа ўн саккиз қиррали айлана девори мавжудлиги билан ажралиб турган. Қалъанинг Қуёшга ўхшатиб доира шаклида қурилиши қадимги хоразмликларнинг қуёшга сифиниб келганликларидан далолат беради. М. Воробьёва, М. Р. Рожанская, И. Н. Веселёвская Қўйқирилганқалъадаги олти-етти метрли деворлар орасидан кўкка қараб қия қурилган деразалар бинонинг биринчи қаватидан туриб осмон гумбазининг фақат маълум йўналишдаги ёритқичларини кузатишга мўлжалланганлигини аниқлашди. Баъзи тадқиқотчилар мазкур обидадан ўз даврида расадхона сифатида фойдаланиш кўзда тутилган, дея тахмин қилишади. Масалан, қалъанинг асосий ўқи — ғарб йўналишидан шарқда 21° шимолга, ғарбда шунча жанубга бурилган бўлиб, ўқда жойлашган деразалар қуёшни унинг оғиш бурчаги муайян бир катталиқка эга бўлган кунларда кузатишга имкон беради. Қўйқирилганқалъани тадқиқ этиш натижасида у ерда фақат Қуёш эмас, балки бошқа самовий жисмлар ҳам кузатилганлиги аниқланди. Қалъа харобаларидан сопол гардиш ва ораси йўнилган ҳалқа парчалари топилган. Бу гардишлар ҳалқалар орасига ўрна-

тилган. Меридианда ёритқичнинг баландлик бурчагини ўлчов асбоби таъқи кўриниши, ишлаши жиҳатидан Беруийнинг «Қонуни Масъудий» китобида таърифланган сопол астролябияга ўхшаб кетади. Демак, Қўйқирилганқалъа марказида осмон жисмларини кузатувчи расадхона — обсерваториянинг бўлиши Хоразмда илмфан қадимий илдишларга эга эканлигини кўрсатади¹. Шунингдек, Қўйқирилганқалъадан, Марвдаги Гаврқалъаси харобаларидан топилган сопол идишларда: «Сабр — шодлик калитидир», «Айтадиларки, барака манбаи илмдир», «Таълим олишнинг аввалги аччиқ, ниҳоятси шириндир», «Олиҳимматлик калити илмдир» каби ҳикматли ва сермазмун гапларни ўқиймиз. Бундай ёзувли идишлар хона тоқчасини безаш билан биргаликда ўзига хос шиор вазифасини ҳам ўтаган. Бинобарин, тараққийпарвар кишилар ўз фикрларини тарғиб қилишда ўша даврларда шу каби халқчил усулдан кенг фойдаланишган. Маърифатпарвар кулоллар илмни поймол этувчи шахслар ҳукмронлигига қарамасдан эзгуликка ундовчи, илмнинг қадр-қимматини акс эттирувчи ғояларни омма орасига ёйишга муваффақ бўлганлар. Бу ёзувлар халқ донишмандлиги ифодасидир, у жуда қадимдан кишиларни эзгуликка чорлаган, илмни шарафлаган.

Тупроққалъа эрамининг III—IV асрларида Хоразм давлатининг пойтахти бўлган. Қадимги хоразмликларнинг энг ибтидий байрамларидан бири ҳисобланмиш Наврўз Тупроққалъа ва Ал-фил қалъасида қандай нишонланганлиги хусусида «Авесто»да битиклар мавжуд. Таърифланишича, Наврўз анъаналари ибтидий даврлардаги аждодларимизнинг «Ҳоварий» (қуёшга сифиниш, мадҳия ўқиш) ўйин томошаларига бориб тақалади. Уша замонда дунё ибтидоси қуёшда мужассам, деб тушунилаган. Кейинроқ эса Наврўз «Заррагул»га (Зардушт, мурчилик, яъни оташпарастликка) боғлиқ ўйинбайрамларига омукта бўлиб кетган. Ушбу маросимлар икки-уч ҳукизнинг терисидан қопланган ноғора садола-рию, қоҳинларнинг улкан гулхан атрофидаги зикр-санолари билан бошланган. Улкан ноғоралар «чўпи» сифа-

¹ Воровьева М. Г., Рожанская М. М., Веселовская И. Н. Древнехоразмский памятник IV в. до н. э. Койкирилганқалъа с точки зрения астрономии. Сб. «Историко-астрономические исследования»: выпуск X. М., 1969, 15—35-бетлар.

тида «саксуйил» (саксовул), яъни қадимги сак қабила-лари ишлатган суйил-қаттиқ ёғочдан фойдаланилган. Энг қадимий аجدодларимиз тил-забонига мансуб «саксуйил» (саксовул) сўзи ҳозиргача қўлланиб келаётир¹.

Тупроққалъа харобасини қазिश жараёнида 100 га яқин турар жой, 8 та сарой борлиги аниқланди. Уларнинг кўпчилигини девори ранг-баранг ўйма нақшлар билан безатилган. «Узум узаётган аёл», «Арфа чалаётган аёл», «Ниқоб билан рақсга тушувчилар» зали, «Ҳарбийлар» залидаги расм-композицияларда эса қадимги хоразмликларнинг қиёфаси аниқ тасвирланган. Тупроққалъа бинолари қатъий бир тартиб асосида қурилган бўлиб, деворлари турли хил суратлар (одамлар, қушлар, ҳайвонлар, зангори тўлқинлар, балиқлар расмлари), шунингдек ўша давр диний расм-русумларидан дарак берувчи айрим лавҳалар билан безатилган. Деворларга қадимий мусиқа асбобларидан арфа, сибизға, уд, ноғора, чилтор камонча билан чалинадиган асбоб ва эгилган шохга ўхшаган карнайлар, рубобга ўхшаш чолғу асбобини чалиб турган санъаткорлар суратлари туширилган. Залларга одам бўйи келадиган турли хил ҳайкаллар қўйилган. Ўймакор панжаралар ўрнатилган. Булар, шубҳасиз, қадимги Хоразм усталарининг бинокорлик маҳоратидан дарак бериб туради. Энг муҳими шундаки, ўша тасвирларда инсоннинг мураккаб руҳияти, маънавий дунёси, бирининг табиатидаги жиддийлик, донолик, бошқасиникидаги хушчақчақлик, ҳазил-мутойиба катта маҳорат билан очиб берилган. Лавҳалардан инсонга бўлган меҳру муҳаббат, ҳурматни, инсондаги ақл-заковатни бир қарашдаёқ илғамоқ мумкин.

Қадимшунослар томонидан Хоразмда эрамиздан аввалги IV ва III асрларга оид дастлабки календарнамо ҳужжатлар топилди. Бу топилмалар қадимда хоразмликлар ўз календарига эга бўлганлигидан гувоҳлик беради. Қадимги хоразм ёзуви ҳам тарихдан маълум. Бу эса бир вақтлар ўлка маданияти ва илм-фани юксак чўққига кўтарилганига ишончли далилдир. С. П. Толстов раҳбарлигида Тупроққалъада олиб борилган қазिश ишларида тери ва ёғоч тахтачаларга Хоразм ёзуви-

¹ Қараг: Насриддинов В. «Наврўз мозийда», «Маърифат» рўзномаси, 1992 йил, 19 март.

да битилган юздан ортиқ ҳужжат топилди. Таниқлиг шарқшунос олим Н. Норқуловнинг ёзишича, «Хоразм ёзуви Суриянинг қадимий хетти-оромей ёзувига ўхшар экан ва унинг таъсирида ихчамлашган»¹. Буни 1940-1950 йилларда Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа харобаларини кавлаган олимлар—С. П. Толстов, Е. Неразик, Ю. Рапопорт, В. Лившин исботлаб бердилар. Оромей ёзувида ҳарфлар сони 22 та, Хоразм ёзувида эса 20 та бўлган. С. П. Толстов Тупроққалъа деворларига, хум, ёғоч ва терига битилган саккиз парча ёзувни ўқишга муваффақ бўлди. Масалан: «аъло нав-ун», «ўн уч», «ўн тўққиз», «йигирма беш», «Наргва», «Рехимамака», «Ораштака», «252 йил» каби ёзувлар эрамизнинг 40—50-йилларидан то III асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Қизиғи шундаки, мазкур ёзув эрамиздан олдинги IV асрга оид Ойбугри қалъасидаги ва Туркменистоннинг Нисо харобаларидан топилган ёзувларни эслатар экан².

Хоразм тили сўзлашув ёки ёзув тили сифатида араб ва форс тили қаторида ўз аҳамиятини XIII аср охиригача сақлаб қолган³. А. А. Фрейманнинг кўрсатишига қараганда, Хоразм тили XIII—XIV асрлардан кейин тамомила турқлашади⁴. Демак, Хоразм ёзуви воҳада кишилик маданияти пайдо бўлиши жараёнида таркиб топган ва такомиллашган дейишга асос бор.

Гулдурсунқалъа эрамиздан аввалги II—I, эрамизнинг III—IV асрларидаёқ мавжуд бўлган. Айниқса, Гулдурсунқалъа X—XI асрларда Марказий Осиё, Хитой ва Оврупога савдо қарвонлари ўтадиган ипак йўли устидаги шаҳар бўлгани боис қалъада савдо-сотик ва маданият кенг тараққий этган.

Эрамиздан аввалги I асрда Бургутқалъада аҳоли яшаган. Бургутқалъа VII—VIII асрларда қайта қурилган бўлиб, бу қалъада қишлоқ патриархал оиласи ўрнашган ва уни бошқарувчи ота-зодагонга ҳамма бўйсунган. У жамоа бошлиғи, судья, диний устоз, раҳнамо

¹ Норқулов Н. Беруний ва Хоразм. Тошкент, «Фан» 1979, 17-бет.

² Нуржонов К. Хоразм тарихидаги лавҳалар. «Мураббий», Урганч, 1992, 17-бет.

³ Народы Средней Азии и Казахстана. Т. I, М. 1966. 138-бет.

⁴ Фрейман А. А. Хорезмский язык., М. Л. изд-во АН СССР 1951, 32-бет.

жаби барча муҳим сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий вазифаларни бажарган.

Бургутқалъанинг бозор майдони атрофида ўрта асрларда ҳунармандчилик устахоналари қад ростлаган. У ерда темир эритадиган ўчоқлар бўлиб, дастгоҳларда рўзгор, хўжалик ишларига асқотадиган асбоб-ускуналар ясалган. Бургутқалъадан топилган ҳайкалчалар, бошига қалпоқ кийган, қўлига найза ушлаб отда кетаётган ўша давр Хоразм аскарлари кўриниши, қанотли отнинг учи кетаётган тасвири Хоразмда санъатнинг ҳам беқиёс ривожланганлигини кўрсатади. Шунингдек, найза санчилган кийикнинг қочиб бораётган ҳолати, чопиб кетаётган от устида ёнбошлаб ўтирганча мусиқа чалаётган аёл тасвири, тош муҳрлардаги расм-композициялар, исломгача бўлган даврда Хоразмда илм-фан, маданият ва санъат тараққий қилиб келганлигига ашъвий далил бўла олади. Эрамизнинг III—IV асрларида Қирққизқалъада аҳоли истиқомат қилган. Қирққизқалъадаги хоналардан темир қолдиғи, шлак уюми, темир эритилдиган ўчоқ — печ топилди. Қирққизқалъада V—VI асрларда кўпроқ лак билан ишланган керамика маҳсулотлари тайёрловчи устахона бўлган. Гул япроғи туширилган безаклар кўп ишлатилган.

Қирққизқалъадан топилган танганинг ўнг томонида Хоразм подшоҳи Сиёвуш сурати акс эттирилган. Шоҳ бошидаги тож икки муюлишли бўлиб, чиқаётган қуёш шаклига ўхшатиб туширилган. Қуёш устида эса янги ҳилол тасвири жилоланади. Танганинг Сиёвуш тасвири туширилган томонида дуторга ўхшаш торли мусиқа асбобида куй чалаётган ёш санъаткор аёл тасвирланган. Бу санъат соҳибаси бошига қадимги хоразмлик қизжувонлар тўй-томошаларда ва байрамларда, сайилларда киядиган жиғадор дузийли, дузувли дўппи, эгнига эса узун ва енгил устки кийим кийган. Ўша тангада қадимги Хоразм ёзувида сўзлар битилган. Танганинг ишланиш услуби эрамизнинг V—VI асрларида зарб қилинганлигини исботлайди. Қирққизқалъадан сопол идишлар, рудани эритиб темир асбоблари ишлайдиган устахоналарнинг топилиши VII—VIII асрларда феодал муносабатлар ҳамда илм-фан ва маданиятнинг Хоразмда тараққиёт босқичига кўтарилганлигидан далолат беради.

Аёзқалъа эрамизнинг I асри охири—II асри бошида Хоразмда Қушонлар империяси даврида қурилган бў-

либ, бу ерда ижтимоий-маданий ҳаёт эрамизнинг III—IV асрларигача давом этган. Бу харобадан топилган аёллар ҳайкалчалари яланғоч кўринишда, ҳиндча би-лагузук таққан ҳолда ясалган. Ҳайкалчаларнинг яна бир қисми Кушон-Гадҳар скульптурасидаги кенг кийим-ли услубда ясалган, яланғоч ўтирган эркак киши тас-виридаги ҳайкалчалар ҳам будда қаҳрамонларига ўх-шатиб ишланган. Жажжи маймунлар тасвирланган ҳайкалчаларда ҳинд-будда санъати таъсирини пайқа-моқ мумкин. Бу таъсир эрамизнинг бошларида Эллин маданияти унсурларига қўшилиб Хоразм-Кангюй дав-лати ҳудудига кириб келади ва Хоразм Кушонлар ҳукм-ронлиги даврида яна кучаяди.

Ҳозирги Беруний шаҳри яқинида антик даврда Кат қалъаси қад ростлагани тарихдан маълумдир. Эрамиз-нинг II—III асрларида, аниқроғи 305 йилда шоҳ Африқ қалъанинг ал-Фил деган жойига ўз қасрини қурдиради. Берунийнинг таъкидлашича, Африқ ўз замонасида Хо-размнинг қадимий пойтахти—ал-Фил ёки Кат деб атал-ган шаҳарда кўплаб ариқлар, каналлар қаздирган, қу-дуқлар қавлатган. У Кат қалъасини янгитдан бино қи-лар экан, хоразмликларнинг барча мамлакатлар билан савдо-сотиқ, маданий алоқа қила олишлари учун пой-тахтнинг тўрт томонига қараб кетадиган, тош терилган кафтдек текис йўллар қурдирган. Айни пайтда шоҳ Африқ боғ-роғлар ҳам барпо қилади.

Энди қадимий шаҳарнинг Кат деб аталишига кел-сак, бу сўз Эрон атамасига яқин бўлиб, «Қадхудо», яъни «Уруғ бошлиғи» сўзидан келиб чиққан. Қадимги Кат жанубий Хоразмнинг пойтахти эди. Лекин 996 йил-да шимолий Хоразм подшоси Маъмун ибн Муҳаммад кичик Катни ягона бир давлатга бирлаштириб, Хоразм-шоҳ унводини олади ва Гурганч (Кўҳна Урганч)ни Хо-размнинг пойтахти, деб эълон қилади.

Норинжонқалъа Хоразмда африкийлар сулоласи дав-ри меъморчилиги услубида VIII—IX асрларда барпо этилган. Норинжон сўзини аслида «Норенжак» деб иш-латсак ҳақиқатга яқин келади. Бу сўз Эрон тилидан ҳозирги ўзбек тилига таржима қилинганда «граната» маъносини англатади. Бизнингча, Норинжонқалъа ўр-нашган жой қадимги хоразмликлар ёшларга ҳарбий ўйинларда граната отиб ўргатадиган майдон бўлган. Кейинчалик бу атама қалъа номи бўлиб қолганлиги эҳ-тимолдан холи эмас. Чунки қадимги хоразмликлар эрон

тили шарқий шеvasида то XIII—XIV асрларгача сўзлашганлар...

Норинжонқалъа харобаларидан эрамиздан аввалги IV—II асрларга оид кўк рангли шиша кўзmunчоқлар, билагузукка ўшаш ҳалқасимон, тўрт жойидан туташтирилган қорамтир шиша мунчоқлар, олтин суви берилган шиша мунчоқлар топилди. Мунчоқларнинг бу тури эрамизнинг IV асрида Ҳиндистонда кўплаб ишлаб чиқарилган. Бу эса Хоразм билан Ҳиндистон халқлари орасидаги маданий-иқтисодий алоқаларнинг мавжуд бўлганлигини кўрсатади¹.

Юқорида номлари зикр этилган Хоразмнинг антик даври илм-фани, маданияти ва санъатига оид маданий ёдгорликлардан кўриниб турибдики, хоразмликларнинг хўжалик ҳаётида эришган муваффақиятлари риёзиёт, геодезия, фалакиёт, кимё ва бошқа аниқ фанларга оид муайян билимларсиз рўёбга чиқмаган бўлур эди. Масалан, суғориш иншоотлари, канал, чиғир ва кориз усуллари билан сувсиз ерларига сув чиқариш, кемалар яшаш, қалъалар, кўпқаватли сарой бинолари бунёд қилиш ишлари ҳисоблаш ва ўлчаш техникасининг ривожланишини тақозо этарди. Хоразмда топографиянинг ривожланиши у ердаги суғориш иншоотлари қурилиши билан боғлиқ бўлса, деҳқончилик ва меъморчиликнинг амалий эҳтиёжлари ҳандаса фани тараққий этишига олиб келди. Риёзиёт-жўғрофия равнағи эса хоразмлик савдогарларнинг узоқ юртларга сафарлари билан боғлиқ. Зеро, фалакиёт денгизда ҳам, қуруқликда ҳам зарур. Ана шундай кенг кўламдаги жўғрофий алоқалар Хоразмда картография ва тасвирий жўғрофиянинг ривожланишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, қадимги хоразмликлар то араблар истилосига қадар тамомила кучли мустақил давлат бўлиб, илм-фан, маданият ва санъати гуллаб-яшнагани жиҳатидан алоҳида ўрин тутган. Араблар саркардаси Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий қўшинлари 712 йили шоҳ Чоғоннинг хоинлиги туфайлигина Хоразмни осонгина босиб олганлар. Бирмунча вақт бу ўлканинг мустақиллигига чек қўйилибгина қолмай, балки унинг қадимдан тараққий этган юксак маданияти, илм-фани, нодир

¹ Қиличев Т. Хоразм халқ театри. Тошкент. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988, 32—45-бетлар; Улка тарихини ўрганиш. «Совет мактаби» ойнамаси, 1991 йил, 3-сон.

китоблари, хат-саводли кишилари, хуллас, жамики маънавий бойлиги йўқ қилиб юборилган. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида афсус ва надомат билан ёзадики, «Қутайба Хоразм маданияти-санъатини ерга кўмди. Хоразм хатини яхши биладиган, у халқ ривоятларини ўрганган ва ўз билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборди. Шунинг учун нақл ва ривоятлар ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди...»

Лекин шунга қарамай, қадимги форс ёзувлари, юнон ва суриялик жўрроф ҳамда тарихчи олимларнинг маълумотларига, шунингдек, Фирдавсийнинг бизгача етиб келган ўлмас «Шоҳнома» асаридаги маълумотларга ва ниҳоят, бугунги кунда қадимшунос олимларимиз тўплаган манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, бутун Марказий Осиё сингари Хоразм ҳам жаҳон маданиятининг марказларидан бири бўлган. Бироқ VIII—IX асрнинг биринчи ярмида бу мамлакат илм-фани, маданияти ва сиёсий аҳволи ҳақида маълумот ниҳоятда оз.

Араблар ҳукмронлиги Хоразм ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида ўчмас из қолдирди. Гарчи араблар Хоразмни ўзларига тўлиқ бўйсундиришган бўлсалар-да, лекин мустақиллигини йўқота олишмади. Қутайба, Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Африғид Аскажмука ибн Аскажаварни Хоразм тахтида қолдиришга мажбур бўлган, аммо мамлакат халифаликка қарамлиги туфайли ўз вақтида хирож тўлаб туриши ҳамда араблар талаб қилганда қўшимча ҳарбий қисмлар юбориши шарт қилиб қўйилган. Манбаларда кўрсатилишича, ўша давр сиёсий воқеалари қуйидагилар билан боғлиқ: милодий 729 йили ҳозирги Чимбой ўрнида ёки унинг яқинида жойлашган, ўз даврида йирик савдо-ҳунармандчилик шаҳри бўлган Курдар аҳолиси кўзғолон кўтарган. Бу кўзғолон арабларнинг оғир зулмига, киши қурби етмайдиган солиқ ва мажбуриятларига қарши қаратилган эди.

Хоразм ҳукмдори араблар васийлигидан қутулиш мақсадида арабларга қарши иттифоқ тузди. Натижада VIII—IX асрнинг иккинчи ярмига келиб Хоразмнинг иқтисодий ривожланиши заминида мустақил Хоразмшоҳлар давлати ташкил топди. Бу давлатга Маъмун ибн Муҳаммад (995—997 й.) ва унинг ўғли Али ибн Маъмун (997—999 й.) асос солган эдилар. Хоразмшоҳлар

давлати айниқса, Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун (999—1017 й.) вақтида маданий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучайган. Бу ҳукмдор ниҳоятда билимдон ва маданиятли киши сифатида шуҳрат қозонади. У Гурганччи Шарқнинг энг йирик илмий-маданий марказларидан бирига айлантиради. Гурганчда «Маъмун Байтулҳикмаси» («Маъмун академияси») ташкил қилиниб, бу Академияни уламолар мажлиси, деб юритилган. Абу Райҳон Беруний Академияга раҳнамолик қилиб, буюк олимларни уюштирган. Буюк ҳаким ибн Сино, тарихчи Абу Али ибн Мисковайх, файласуф риёзиётчи олим ва ҳаким Абу Саҳл Масиҳий, риёзиётчи ва фалакиёт олими Абу Наср ибн Ироқ, файласуф, таржимон ва ҳаким Абул Хайр ибн ал-Ҳаммар, адиб ва шоир Абу Мансур ал-Саолибий, Абу Бакир Муҳаммад Хоразмий, Абу Саййид Шабибий, Абул Ҳасан Маъмун, Абу Абдуллоҳ Тожир ал-Вазир, Абу Муҳаммад Раққоши, Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва бошқа машҳур шоиру олимлар, тарихнавислар бу даргоҳда ишлаб, фалсафа, тарих, филология, тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, физика, жўғрофия, мусиқа ва бошқа фан тармоқлари бўйича ажойиб асарлар яратиб, жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

Маъмун академиясига жалб этилган ал-Беруний, ибн Сино, ал-Чағминий, ал-Журжоний каби алломалар Хоразм мақомларини «Дуваздаҳ мақом», яъни ўн икки мақом шаклида ривожлантириб, йилнинг ҳар бир ойига, ҳар бир куну тунига бағишлаб куй басталадилар. Буни IX—XIII асрларда Хоразмга ташриф буюрган араб сайёҳлари Ёқут Ҳамавий, Мақдисий, ибн Руста, ибн ал-Хайсамий ва бошқалар ҳам қайд этганлар. «Журжония эли,— деб ёзади Ёқут Ҳамавий ўзининг «Мужам улбулдон» номли асарига,— ўз мақомларини беҳад қадрлайди, мамлакат пойтахти Гурганчда мусиқа асбоблари ясаб тирикчилик қиладиган маҳаллаларни ўз кўзим билан кўрдим»¹. Ҳақиқатан ҳам Хоразм мақомларининг овозаси етти иқлимга тарқалган эди, бу мақомларни ўз юртини тарк этган ҳофиз ва машшоқлар Бухоро ва Самарқанд, Шош ва Ширвон, Ироқ ва Дамашқ, Рум ва Олтин Урдада, Қрим ва Шарқий Туркистон ўлкаларида ижро этиб юрдилар. Улуғ шоир Алишер Навоий

¹ Матёқубов Б., Нуржонов К. Халқнинг дил рози. «Еш ленинчи» рўзномаси, 1990 йил, 25 март.

«Хамса»сига кирган машхур «Сабъан сайёр» достонида мусофир созанда тилидан Хоразм ўлкасининг мусиқа санъатида «илми адвор» фани беқиёс ривожланганлигини қуйидаги мисраларда янада равшанроқ очиб беради:

Чун дуо қилди, деди фарзона,
Ки дей ўз кўрганимдин афсона:
Менки тушмиш буён гузар манга,
Мулки Хоразм эрур диёр манга.
Санъатим анда соз чалмоқ ниши,
Билмайин мен киби ишимни киши.
Илми адвору фанни мусиқий,
Мендин ул илм аҳли таҳқиқий.
Элга таълим этмоқ вирдим,
Қимки устоди қавм, шогирдим.
Қилди Хоразм аҳли истиқбол,
Фаҳм қилмоққаким, недур аҳвол!

Шойр айтгандай, Хоразм мақомлари фақатгина мафжуравий йўсинда бўлмай, ўз ватанидан узоқ-узоқларда, подшоҳ саройларида, тўй ва базмларда, сайл ва диралишмаларда қайта-қайта ижро этилди. Хоразм халқ мусиқаси тарихидан бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дарвоқе, Хоразмнинг қадимий шаҳри Ҳазораспдан топилган улкан мусиқа архиви — кўҳна Хоразм ноталарида битилган илк манбалар бу фикримизнинг тасдиғидир. Қарангки, бу «Хоразм мусиқа хати», яъни нотаси чизири XII аср бошларида Хоразмшоҳлар мамлакатида яратилган экан»².

Хоразмда IX ва X асрларда илм-фан ва маданиятнинг юксалиши, шубҳасиз, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг, қурилишнинг ривожланишига олиб келди. Масалан, жўрроф ва тарихчи олим ал-Истаҳрий 930—933 йилларда Хоразмда мавжуд бўлган ўн уч шаҳарнинг номини келтирган эди. Орадан эллик йил ўтгач, ал-Муқаддасийнинг шоҳидлик беришича, Хоразмдаги шаҳарларнинг сони ўттизтадан ошиб кетган.

Хоразмнинг IX—X асрлардаги иқтисодий юксалиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун бу ердан бошқа юртларга юборилган моллар тури билан танишиш кифоя бўлса керак. Бу молларни ал-Муқаддасий санаб ўтган: «... сувсар, оқсичқон, олмахон, сассиққўзан, латча, сав-

¹ Алишер Навоий. Сабъан сайёр. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 288—289-бетлар.

² Успенский В. А. Туркменская музыка. Москва. 1928, 33-бет.

сар, тулки, қундуз; қуён ва эчки мўйналари; шунингдек мум, камон ўқи, қайин пўстлоғи, чақмоқи телпак, балиқ елими, балиқ тишлари, канақунжут мойи, анбар, ошланган от териси, асал, ёнғоқ мағзи, бургут, шамшир қалқон, қўй ва сигирлар—буларнинг бари Булғордандир; бундан ташқари узум, кўплаб майиз, бодомли сомса, йўл-йўл мовут мато, гилам, той-той мовут, совғасалом зарбофи, малҳам матосидан чойшаб, қулф, аранж матоси, абжир йигитларгина ота оладиган камон, раҳбан пишлоғи, зардоб, балиқ қайиқлар ва ҳ. к. Булар Хоразмнинг Шарқ мамлакатлари, турклар ва Волгабўйи ўртасидаги савдо-сотиқда жуда катта роль ўйнаганлигидан далолат беради. Шуниси диққатга сазоворки, хоразмликлар фақат ўз юртидагина самарали савдо олиб борибгина қолмай, балки Истахрийнинг ёзишича: «Хуросонда ҳам савдо соҳасида бош вакил бўлиб қолишган».

Маълумки, Хоразмда иқтисоднинг ривожланиши, ўз навбатида илм-фан ва маданиятнинг тараққий этишига имкон яратиб берган. Ал-Муқаддасийнинг шоҳидлик беришича «...хоразмликлар—идрок; илм, фикҳ, қобилият ҳамда билим кишиларидир»¹. Аввало, ўша вақтдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишга қадимги юнон маданияти, шунингдек, қўшни халқлар, чунончи Эрон ва Ҳиндистон халқлари маданиятининг самарали таъсирини назарда тутмоқ керак. Дарвоқе, хоразм илм аҳлининг қадим замонлардан Ҳиндистон илм-фани ва маданиятига қизиққанликлари тарихий манбаларда ҳам қайд этилгандир. Масалан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (780—850) араб ва форс тилларидан ташқари қадимги Ҳиндистоннинг санскрит адабий тилини ҳам билган. VII асрда яшаган ҳинд фалакиёт ва риёзиёт олими Брахмагупта (598 йилда туғилган)нинг 628 йилда ёзилган «Синдханта» асарини санскрит тилидан арабчага таржима қилади ва асарни қайта ишлаб, унга бир қанча янги боблар қўшади, «Қисқартирилган Синдҳинд» («Ҳисоб ал-Ҳинд») деб ном беради. Бу асар ал-Хоразмийга катта шуҳрат келтирган.

Абу Райҳон Беруний (973—1048)нинг машҳур «Ҳиндистон» асари эса саксон бобдан иборат. Ундан ҳинд дарёлари, йўллари, ҳинд олимлари, ёзувчилари фалаки-

¹ Аҳмедов Б. Хоразмий замони. «Фан ва турмуш» ойнамаси, 1983 йил, 3-сон.

ётга оид маълумотлар, ҳинд халқининг диний ақидалари, урф-одатлари, ахлоқи, турмуш тарзига доир кўплаб мисоллар ўрин олган.

Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати раҳбари, йнрик давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру (1889—1964) ўзининг «Жаҳон тарихига назар» асарида, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ҳинд халқи маданиятининг ривожланишида муайян даражада из қолдирганини алоҳида қайд этади. Жавоҳарлаъл Неру қомусий даҳо Абу Райҳон Беруний ҳақида сўз юритиб, унинг жасоратда ибрат бўларли фаолиятини Маҳмуд Ғазнавийнинг босқинчилик юришлари билан таққослаб хулоса чиқаради. У қизи Индира Гандига йўллаган мактубларидан бирида илм чироғи жаҳолат зулматини ёритганлиги хусусида шундай дейди: «Мен сента Маҳмуд даврида яшаган, у билан Панжобга келган бошқа бир инсон ҳақида ҳали сўзлаб берганим йўқ. Бу — Берунийдир. У ўз замонасининг жоҳил ва мутаассиб босқинчиларидан тубдан фарқ қилувчи олим ва мутафаккир эди. Беруний янги мамлакат ва унинг аҳволини, ҳиндларнинг дунёқарашини ўрганиш учун бутун Ҳиндистонни кезди. Шу мақсадда у ўша давр ҳинд фалсафаси, маданияти ҳамда фанини ўрганди... Беруний кўз олдимизда вайронагарчилик, қон тўкиш ва тартибсизликлар ҳукм сураётган бир даврда ҳақиқатни айглаш иштиёқида сабр ва матонат билан воқеликни кузатаётган, уни ўрганаётган олим сифатида намён бўлади... Унинг китоблари фақат аниқ маълумотларга эга бўлибгина қолмай, шу билан бирга уларда уруш, талон-тарож, оммавий калтаклашлар ҳукм сурган бир шароитда илм аҳли ўзга мамлакат халқини ўзаро муносабатларига зулм ва ситам соя ташлаётганлигига қарамай тушунлишга ҳаракат қилганликлари ҳақида сўз юритилади»¹. Шуниси диққатга сазоворки, Жавоҳарлаъл Неру «Ўз бобоси Хивада мадрасада ўқиганини ҳам эслатиб ўтади»².

Кўҳна Хиванинг Ичонқалъа музей-қўриқхонасидаги Жумъа масжиди пешайвонини безаб турган ўйма нақшли устунларнинг сони 200 тадан зиёд бўлиб, Хоразм тарихийнинг билимдони, сайрбон Собиржон Юсуповнинг айтишига қараганда, нодир устунлардан бири бундан

¹ «Хоразм ҳақиқати» рўзномаси, 1986 йил, 25 ноябрь.

² Орипов Абдулла. Ҳаққий шоир: «Совет Ўзбекистони» рўзномаси, 1988 йил, 14 апрель.

700 йил муқаддам Ҳиндистондан келтирилган экан. Ма-на шу нақшин тўғрисида ажойиб бир афсона бор: Ҳин-дистон подшоҳи Рай Ропой Чўна Хоразм шоҳини ва хивалик машҳур рубоийнавис шоир ва курашчи Паҳла-вон Маҳмудни тўйга таклиф қилади. Ҳинд диёрида бў-либ ўтган кураш баҳсида Паҳлавон Маҳмуд Ер юзининг турли мамлакатларидан келган рақибларини енгади. Ҳиндистон ҳукмдори ғалаба шарафига ва Хоразм шоҳи-га ҳамда бутун элига чуқур эҳтиром белгиси сифатида ғоят қиммат турадиган ўйма нақшли устунни ва қим-матбаҳо совғаларни ҳадя қилади. Ривоятларга кўра, Паҳлавон Маҳмуд бу устунни ўзбек ва ҳинд халқлари дўстлигининг рамзи сифатида Жумъа масжидига ўрнат-ган экан. Нодир устун эса Паҳлавон Маҳмуднинг ин-сонпарварлик, халқлар дўстлигини мустаҳкамловчи фа-зилатини ва кураги ерга тегмаган паҳлаволигини эс-латиб турибди... Демак, юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, Хоразм ва ҳинд халқларининг иқти-содий ва маданий алоқалари узоқ тарихга бориб тақа-лади.

XII—XIII асрларда қўшни давлатларни ўзига бир-лаштирган Хоразм ўта кучли империяга айланди. Нати-жада, «Маъмун Академияси»дан 100 йил кейин Қутбид-дин Муҳаммад I ибн Ануштегин ва унинг ўғли ал-Ма-лик Абу Музаффар Алоуддин Жалолиддин Отсиз томо-нидан «Маъмун Академияси»га ўхшаган Академия таш-кил этилади.

Қутбиддин Муҳаммад ва Отсиз ҳукмдорлик қилган даврларда Хоразмга Арабистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа юртлардан йирик олимлар таклиф қилинди. Ис-моил Журжоний, Абу Бакир Абулқаҳр ибн Абдурахмон Журжоний, Ҳаким Азракий, Абдурахмон Ҳасан Алку-таний Марвазий, Абул Маҳасин, Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳусайин, Абу Абдулла Фахриддин ар-Розий, Маҳмуд ибн Муҳаммад Умар ал-Чағминий шулар жумласидан-дир. «Маъмун Академияси» 17 йил фаолият кўрсатган бўлса, бу Академияда камолга етган олимлар 60 йил фан ва маданият равнақиға хизмат қилишди. Йирик шарқшунос В. В. Бартольднинг фикрича, Отсиз ҳукм-ронлик қилган даврда Хоразмнинг нуфузи Каспий ден-гизидан тортиб, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта қисмларигача бўлган ерларга ёйилган. Уша даврда Хоразмни зиёрат қилган араб сайёҳи Абу Хомид ал-Ғарнотий (1080—1169) ўзининг «Тухфат ал-албаб ва нуҳбат ал-аъжаб»

(«Оқиллар тухфаси ва ажойиботлар сараси») номли асарда шундай ёзади; «...Хоразмда мен ўзим зиёрат қилган ҳеч бир ўлкада кўрмаган мевалар ўсади... Унинг аҳли эса — фозил олимлару шоирлар ва олижаноб кишилардир»¹.

Алоуддин Текеш ва Алоуддин Муҳаммад ҳукмронлик қилган даврларда буюк Хоразмшоҳлар давлати барпо этилиб, бу империя Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, Ширвон ва бошқа жойларда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Бу даврда Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганч иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалди. Илм-фан, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, тижорат соҳаларида юз берган катта ўзгаришлар Хоразмнинг Яқин Шарқ, Кавказ ва Шарқий Оврупо мамлакатлари билан маданий ҳамда савдо-сотиқ алоқаларини янада мустаҳкамлади. «Хоразмнинг бу даврдаги иқтисодий кўтарилиш жараёнини текширар эканмиз,— деб ёзади таниқли олим С. П. Толстов,— биз бу буюк феодал монархиянинг бизга қадар сақланиб қолган қолдиқларини пухта кўриб чиқамиз. Шунда юз минг гектар унумли ерларга янгидан жон бағишлаган катта ирригация ишлари, саҳро чеккасида чегара истеҳкомларининг қурилиши, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқнинг ичкарасига борадиган давлат аҳамиятига молик савдо йўлларининг мустаҳкамланиши, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик, савдонинг янгидан гуллаб-яшнаши, Урта Осиё, Эрон ва Волга бўйлари илм-фани ва маданиятининг бутун кейинги тарихига кучли таъсир кўрсатган «Хоразм ренессанси» яъни уйғониш даври санъатининг ҳашаматли ва бой тараққиёти кўз олдимиздан ўтади»².

Хоразмшоҳларнинг ҳаммаси билимли кишилар сифатида шуҳрат қозонишган, илм-фан ва маданият тараққиётини таъминлаганлар. Айрим маълумотларга кўра уд мусиқа асбобини чалишда ўз даврида шоҳ Алоуддин Текешга тенг қеладиган киши бўлмаган. Шу билан бирга у иқтидорли адиб бўлиб, араб ва форс тилларида ижод ҳам қилган. Хоразмда ал-Ҳанафия мазҳабидаги илм толиблари учун мадраса қурдиргани унинг маърифатпарварлигига ишончли бир далилдир.

¹ Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари. «Шарқ юлдузи» ойномаси, 1991 йил, 2-сон.

² Қарант: «Мулоқот» ойномаси, 1991 йил, 10-сон.

Алоуддин Текеш ҳукмронлик қилган даврда илм-фан ва адабиёт шу тариқа равнақ топади. Текешнинг илм толибларини билимли ва маърифатли қилиш мақсадида кўплаб мадрасалар, масжидлар, кутубхона (дорул кутуб)лар ва жамоат бинолари қурдиргани, ҳатто баъзи мадраса талабаларини пул ва озик-овқат, кийим-кечак билан ҳам таъминлаб тургани тарихдан маълумдир.

Уша даврда йирик илмий ва маданий марказлардан бирига айланган Гурганч ва Катда маънавиятнинг бундай ривожиди маҳаллий олиму адиблар, шоирлар билан бир қаторда хорижий юртлардан Хоразмга келиб яшаб, ижод қилган олиму фозиллар ва шоирларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган, албатта.

XI—XII асрларда Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври тарихан алоҳида ажралиб туради. Андалузиялик олим ва сайёҳ Абу Ҳамид ал-Ғарнотий (1080—1168), ибн Анйн номи билан танилган шомлик машҳур шоир Шарафуддин Муҳаммад ибн Наср (1144—1232), шунингдек, 1153 йилда Хоразмга келган жандлик шоир Ал-Қози Ёқуб ибн ал-Жандий, Хуросоннинг Наса шаҳридан келган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ан-Насавий, ал-Қассоб номи билан машҳур Сарийъ ул-Қаас лақабли нишопурлик адиб Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн, балхлик шоир ва адиб, машҳур котиб Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий Рашидуддин ал-Ватвот каби ўнлаб олиму фозиллар тил ва адабиёт, фалсафа, мантиқ, фалакиёт, физика, химия, табобат, жўғрофия, тарих ва бошқа фанларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Хоразм мадрасаларига мударрислар ва имомлар бевосита Султоннинг ёки ҳокимнинг махсус кўрсатмаси билан тайинланган. Хоразмшоҳлар давлатида кўзга кўринган машҳур давлат арбоби, маърифатпарвар мударрис Султон Алоуддин Муҳаммаднинг энг яқин маслаҳатчиси Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивақий бешта мадрасада фикҳдан дарс берган экан. Муфти Шаҳобиддин Хоразмда биринчи бўлиб масжид қошида кутубхона қурдирган. Бу кутубхона жуда ҳам нодир китоблар билан бойитилган.

Бундан ташқари Гурганч ва Катдаги мадрасаларда таълим олган илму фаннинг турли соҳаларига мансуб фозил кишилар Шарқнинг бир қанча мамлакат ва шаҳарларида турли фанлардан дарс берганликлари маълум. Шу тоифага мансублардан бири машҳур мударрис

Муҳаммад ибн Иброҳим Абу Абдуллоҳ ас-Санонийдир. У 1000 йилда Бағдодга келиб ал-Исфарамний ва ал-Бафий каби машҳур уламолардан фикҳ илми бўйича сабоқ олади. Ас-Саноний 1022 йилда ўз юрти Хоразмга қайтади ва умрининг охиригача ёшларга устозлик қилади.

Қорилардан Муҳаммад ал-Гурганжийнинг донғи узоқларга кетган бўлиб, бу борада у ўша даврдаги машҳур имомларга таълим беради. Ўз навбатида Муҳаммад ал-Гурганжий Сурия, Ироқ ва Ҳижозда машҳур уламолардан сабоқ олган. Турли араб мамлакатларида таҳсил кўрган талайгина хоразмликлар кейинчалик фикҳ, ҳадис ва илоҳиётнинг бошқа соҳалари бўйича қатта алломалар бўлиб етишганлар. Мисол тариқасида, Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аролон Заҳириддин ал-Хоразмийни кўрсатиш мумкин. Даставвал у Хоразмда билим олади, сўнгра Самарқанд ва Бухорода, бирмунча муддат Бағдодда яшайди. У ерда машҳур «ан-Низомия» мадрасасида хатиблик қилиш баробарида ҳадис илмини мукаммал ўрганади ва Хоразмга қайтгач, ўзининг кенг кўламдаги билимларини эл орасига тарқатади, бир неча китоблар ёзади. XIV асрда яшаган араб тарихнависи Тождуддин Абдулваҳоб ас-Субҳий (1327—1370). Заҳириддин ал-Хоразмий қаламига мансуб «Тарих»нинг биринчи жилдини кўрганини ёзади ва унинг йирик муҳаддис бўлганини алоҳида таъкидлайди.

Хоразмлик яна бир муҳаддис Абу Муайяд ал-Хоразмий Бағдодда таҳсил кўради. Сўнгра Дамашқда яшайди ва у ерда исломга оид фанлардан маърузалар тинглайди. Ватанига қайтгач, қози ва хатиблик вазифасида хизмат қилади. Тарихчи олим ибн Қутлубуғанинг (вафоти 1474 йил) ёзишича, Абу Муайяд ал-Хоразмий Бағдодда икки жилддан иборат «Масанийд Абу Ханифа» номли китоб яратган. Ан-Нисоий ва ибн ал-Можжа каби олимлар таниқли муҳаддис Довуд ибн Рашид ал-Хоразмий ҳақида талайгина маълумотлар ёзиб қолдирганлар. XI асрда яшаган араб тарихчиси ал-Хатиб ал-Бағдодий (1002—1071) ўзининг «Бағдод тарихи» номли машҳур асарида хоразмлик яна бир муҳаддис олим Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Толиб ал-Хоразмий ал-Барқоний ҳақида маълумотлар келтиради. «Ал-Барқоний 984 йилда туғилган ва узоқ йиллар Бағдодда яшаб, 1034 йилда шу жойда ва-

фот қилган», деб ёзади у. Ал-Хатиб ал-Бағдодий Аҳмад ибн Ғаним деган кишининг: «Бағдодда мен ал-Барқонийни яшаётган уйдан бошқа бир жойга кўчириб ўтказгандим. Унинг хилма-хил китоблар билан зич тўлдирилган олти сават ва икки сандиқдан бўлак ҳеч қандай матоҳи йўқ эди», деган сўзларини келтиради. Ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг ёзишича, Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хоразмий деган муҳаддис ҳам бир қанча муддат Мосул (Ироқда) да яшаган экан.

Узоқ-яқин элатлардан Хоразмга келган олиму фозиллар бу ерда илму фан, маданият ҳамда ижтимоий-педагогик тафаккурнинг ўсишида муайян ўрин тутганлигини қайд қилиш керак, фикҳ ва ҳадис билимдонлари дунёвий илмларнинг ривожига ҳам улкан ҳисса қўшдилар. Бу борада Имом Фахриддин ар-Розий, Фахриддин Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Яҳё ибн Робий ибн Сулаймон ал-Воситий, Абу Ҳамид ал-Ғарнотий қаторида йирик тилшунос ва адиб, арузнинг зукко билимдони Маҳмуд ибн ал-Жарир аз-Зобий ал-Исо-фаҳонийнинг ҳам хизматлари юксакдир. Бу олимнинг кўп соҳаларга оид мукамал илмидан Хоразм, аҳли анча вақт баҳраманд бўлган. У тил ва адабиёт соҳасида хоразмлик кўпгина олимларга, жумладан, машҳур олим аз-Замаҳшарийга ҳам устозлик қилади. Тарихчи ибн ал-Жавзийнинг ёзишича, у ўз даврининг кўпчилик фозил олимлари даврасида мулоқотларда қатнашган экан. Ёқут ал-Хоразмийнинг таъкидлашича, Абу Мадар Маҳмуд Шариф ал-Исфаҳоний тилшунослик соҳасида, айниқса наҳву сарфда беқиёс ном қозонган. Унинг илмий қобилияти ва фазилатлари ҳақида халқ орасида турли хил афсоналар, ривоятлар тарқалган. Ал-Исфаҳоний теран билими ва заковати, нуфузи катталиги туфайли муътазилӣ мазҳабини хоразмликлар ўртасида кенг ёйишга эришади¹.

Хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган балхлик Рашидуддин Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий (1094—1191) котиблик санъатида катта обрў қозонади. У умрининг охиригача Хоразмда яшаб, араб ва форс тилларида йигирмадан ортиқ асарлар яратгани тарихдан маълумдир. Унинг «Хадоиқ ас-сеҳр фи дақоиқ аш-шеър» («Шеърят нафосатида сеҳрли бўстонлар») асари алоҳида аҳамиятга молик. Хоразмшоҳ Отсизнинг набираси

¹ Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари. «Шарқ юлдузи» ойномаси, 1991 йил, 2-сон.

Султоншоҳ Маҳмудга (1172—1193) бағишланган «Мажмуат аррасоил» («Мактублар тўплами») асари эса икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми халифалар, султонлар, ҳоқонлар, вазиру амирлар, ҳоқимлар, қози ва муфтилар номига жўнатилган турли-туман мактублардан таркиб топган. «Мактублар» нинг иккинчи қисмида эса, юқори мансабли амалдорлар, машҳур шахслар, шоиру адибларга ва муаллифнинг ўз дўсту биродарларига йўллаган мактублари жамланган.

Рашидуддин ал-Ватвот мактублари орқали Хоразмда ўша пайтда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурганини англаймиз. Шу боисдан Хоразмга хорижий элу юртлардан кўчиб келувчилар кўп бўлган. «Хоразм шу даражага бориб етдики,— деб ёзади Рашидуддин ал-Ватвот,— у қўрққан ва хавф-хатарга тушганлар учун беҳатар макон, элма-эл кезиб юрадиганларга манзилгоҳ, дарвишлар учун паноҳжой бўлиб қолди. Одамлар Хоразмга ҳар тарафдан ўз кулфату мусибатларидан изтиробга тушиб, ҳасрату надоматлардан қалблари куйиб-ёниб нажот излаб келадилару, бу жойда барча иллатлари шифо топган, дарду аламлари бартараф бўлган, жамийки юмушу ташвишларидан қутилган ҳолда қайтадилар. Оллоий таолога бу ўлкага кенг кўламда бундай улуглигу бу даражадаги олийҳимматни муяссар кўрганлиги учун беҳад ҳамду санолар бўлсин»¹. Шунингдек, ал-Ватвот мактубларидан ўша пайтда Хоразмда яшаган олимлар, шоир ва адиблар ўртасида уюштирилган илмий мунозаралар ҳақида ҳам бой тасаввурга эга бўламиз.

Шуниси диққатга сазоворки, хорижий мамлакатларда яшаб фаолият кўрсатган хоразмликлар ҳам бошқа халқларнинг илм-фан ва маданияти ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Шулардан бири Мисрда яшаган Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий эди. Мисрлик тарихнавис, ёзувчи Жалолуддин Абдурахмон ас Суютийнинг (1344—1405) ёзишича, «ўзининг теран билими билан Аҳмад ал-Хоразмий ўша даврда Миср мафкуравий ғояларининг ўсишига муайян даражада ҳисса қўшган»². Хоразмлик шоир Абу Бакр ал-Хораз-

¹ У. Уватов. Хоразмнинг олис юлдузлари. «Шарқ юлдузи» ойномаси, 1991 йил, 2-сон.

² Уватов У. Рашидуддин ал-Ватвот мактублари. «Гулистон» ойномаси, 1991 йил 11-сон; Рашидуддин ал-Ватвот Хоразмда. «Еш ленинчи» 1991 йил 2 август.

мийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳам араб мамлакатлари билан узвий равишда боғланган. Ал-Хоразмий аввал Ироқда, сўнгра Сурияда яшаб, ўша даврнинг таълиқли олиму шоирлари билан илмий-ижодий мулоқотларга киришади.

Ўша давр манбаларида ёзилишича, аз-Замаҳшарий Табаристон, Абивард, Ҳалаб, Ироқ, Боғдод ва Маккада бўлиб, асосан адаб, грамматика, тафсир, ҳадисдан мадраса талабаларига дарс беради. Макка амири Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос ал-Ҳуснининг яхши муносабати ва рағбатлантириши туфайли аз-Замаҳшарий катта эътибор қозонган ва кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Арабистонга бориб қолган хоразмлик етук шоир ва адиб Сайфи Саройи Искандария шаҳрининг маликаларидан бири бўлмиш Тайхосбекка ёзган шеъринг мактубида эса араб халқи билан бошқа эллар ўртасида илмий-маданий ва дўстлик алоқалари мустаҳкамланишини таъкидлайди:

Бошим силадинг: «Юртдан жудо» деб,
Менам сўзинг этурман «жон фидо» деб.
Бу қул бирла, маликлар бирлигидур,
Бу бир элнинг у элга ҳурлигидур.
Ғариб кўнглим уйин обод қилдинг,
Элим номин минг-минг ёд қилдинг¹.

Демак, бу даврда илм-фан ва маданиятнинг тараққиёти Хоразмда ҳунармандчилик, деҳқончилик, меъморчилик, ташқи ва ички савдонинг ривожини билан уйғунлашиб кетади. Иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётдаги ижобий силжишлар мамлакат шаҳарларининг, айниқса, Гурганчининг гуллаб-яшнашига замин ҳозирлайди. Худди шу омиллар ҳамда Хоразмнинг қулай жўғрофий шароитда жойлашгани Шарқнинг йирик илмий-маданий ва савдо марказларидан бирига айланишида муҳим ўрин тутаяди.

Манбаларда таъкидланишича, хоразмлик савдогарлар ўз молу матолари билан Бағдодга, Хитойга, ҳатто Андалусиягача борганлар. Ибн Хавқалнинг ҳикоя қилишича, шойи ва ип газлама излаб хоразмлик савдогарлар Хитойгача борганлар. Ўз навбатида хоразмлик тожирлар Журжон, Ҳазор, Хуросон шаҳарларида савдо-сотиқ юритганлар.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1992 йил, 7 февраль.

Хоразмдаги табиий бойликлар ва бошқа ноз-несъматлар тўғрисида Ибн Хавкал: «Хоразм ерлари ҳосилдор бўлиб, унда озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-чева бисёр етиштирилади», деб ёзиб қолдирган. Ҳақиқатан ҳам Хоразмда турли-туман зироат экинлари, боғдорчилик, айниқса қовунчилик азалдан ривожланган. Хоразм қовунларининг донғи ҳатто хорижий ўлкаларга ҳам етиб боради. Шу боисдан ўрта аср манбаларида, жумладан, XI асрда яшаган Абу Мансур ас-Саолибий ўзининг «Латиф ал-маориф» («Латиф ахборотлар») деган асаридан IX асрда Хоразм қовунлари атрофи мўз билан ўралган қалайдан ясалган махсус идишларда Бағдодга етказиб берилгани ҳақида ёзади. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304—1377) Хоразмда бўлган пайтида олган таассуротларини ўзининг «Риҳлат», «Сайёҳатнома» номли асарларида кенг кўламда баён этади. «Мен шаҳар остонасигача етиб келиб, бир фурсат тўхтадим. Ҳамроҳларимдан бири шаҳар қозиси Садр Абу Ҳафс ал-Бакри деган кишининг ҳузурига йўл олди. У менга ўз ноибни Нурил Ислонни юборди. Нурил Ислон келиб мен билан саломлашиб ҳол-аҳвол сўрашгач, ўз хўжасининг олдига қайтиб кетди. Шундан сўнг қози ўз одамлари ҳамроҳлигида келиб мен билан кўришди. Ўзи ёш эрсанда, хизматлари улур бўлган қозининг икки ноиб бор эди. Бири исми-шарифи зикр этилган Нурил Ислон, иккинчиси эса Оллоҳ таолога эътиқоди устивор ва фикҳийлини сув қилиб симирган Нуриддин ал-Кирмонийдир. Биз хилват бир мадрасага қўндик. Бомдод номозидан кейин ҳузуримизга қози шаҳарнинг мартабали кишилари қуршовида ташриф буюрди. Улар орасида мавлоно Хумоиддин, мавлоно Зайниддин ал-Мақсадий, мавлоно Риоиддин ал-Ридовий, мавлоно Жалолиддин ал-Имомий ва Хоразм амирининг имоми Шамсиддин ас-Синджорийлар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳурматга лойиқ одамлар эди.... ..Бутун жаҳонда ҳали менга хоразмликлар қаби ажнабийларга нисбатан хушхулқ, олижаноб, меҳмондўст, доно кишиларни учратиш насиб этмаганди...»¹ деб ёзади у.

Шундай қилиб, Хоразм билан Шарқ, айниқса Араб мамлакатлари, қолаверса, Ғарбий Оврўпонинг деярли ҳамма ривожланган мамлакатлари ўртасида таркиб

¹ Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. М., «Наука», 1990. 74-бет.

топган илмий-маданий ҳамда савдо-сотиқ алоқалари IX—XII асрларда янада ривожланиб, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олди. Волга бўйида жойлашган Ҳозар подшолигининг пойтахти Итиль шаҳри савдо марказларидан бири бўлиб, унда «йигирма минг кишидан иборат хоразмликлар истиқомат қилишади. Хоразмликларнинг тасарруфида 30 та масжид бўлган. Шуниси характерлики, хоразмликлар Ҳозар подшолигида ўз таъсирини ўрнатишга эришганлар. Ибн Ҳавкалнинг таъкидлашича, Ҳазар подшоҳининг 12 минг кишилиқ жанговар қўшинлари ҳам хоразмликлардан таркиб топган экан. Бундан ташқари, хоразмлик савдогарлар Итилнинг ижтимоий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаганлар. Айрим маълумотларга қараганда, хоразмликларнинг таъсири Волга бўйларидан то Венгриягача тарқалган. Чунончи, Венгрия қироли Сомуил Аби (1041—1044) нинг насл-насаби хоразмликларга бориб тақалади»¹.

Хоразмшоҳ Муҳаммад II даврига келиб, Хоразм халқининг қадимий бой илм-фан ва маданияти таназулга юз тутди. Утмиш тарихчиси Жуванийнинг таърифига кўра, Хоразм бу даврда бошқа мамлакатлар ўртасида арқони қирқилган қапага ўхшаб қолган эди. Хусусан, 1222 йили Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинлари Хоразмнинг пойтахти Гурганчи босиб олиб, шаҳарни сувга бостириб, харобага айлантирганлар. Хоразмшоҳ Муҳаммад II Каспий денгизидаги ороллардан бирига қочиб жон сақлаб, ўша ерда ўлим топди. Хоразмшоҳнинг валиаҳди Жалолиддин Мангуберди билан Хоразмшоҳлар хонадонига мансуб қадимий Хўжанд ҳокими Темур Малик мўғул босқинчиларига қарши жонбозлик кўрсатган миллий қаҳрамонларимиздандир.

Шундай қилиб, Марказий Осиё, жумладан, Волга бўйлари ҳам мўғуллар томонидан истило қилинди. Шу тариқа, XIII асрнинг 40-йилларида Марказий Осиё ва Шарқий Оврупо ҳудудида улкан Олтин Урда феодал давлати ташкил этилиб, унинг пойтахти Берка саройи барпо этилди. Олтин Урда шаҳарларидаги Боту ва Берка саройлари қурилишида бошқа ўлкалардан келтирилганлар билан бир сафда хоразмлик ҳунармандлар, наққошлар, олимлар, қоҳинлар, савдогарлар ҳам фаол қат-

¹ Зияев Х. Волга ва Урал бўйи ўзбеклари. «Фан ва турмуш» ойнамаси, 1972 йил, 1-сон.

наштанлар. Н. Маллаевнинг таъкидлашича, Олтин Ўрда пойтахтидаги аҳоли бир неча халқлардан ташкил топган эди. Олтин Ўрдада мўғуллар озчиликни ташкил этар ва улар маҳаллий халқнинг таъсирига берилиб, ўз тиллари ва урф-одатларини йўқотиб, маҳаллий тил—туркий тил ва урф-одатларни қабул қила бошлаган эдилар¹. Мўғул хонлари давлат идора ишларини, мактаб ва мадрасаларда ўқитишни туркий тилда олиб борадилар, шу тилда ўз ёрлиқларини, фармон ва қонунларини ёздилар.

Олтин Ўрданинг иқтисодий, илм-фан ва маданий ҳаётида хоразмликларнинг мавқеи анча кучли бўлган. Масалан, Хўжаддин Абдурахмон ал-Хоразмий Олтин Ўрдада таржимонлик қилади. Албиддин Ойтуғди ал-Хоразмий Мисрда Ўзбекхоннинг (1312—1342) элчиси сифатида фаолият қўрсатади². Шунингдек, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг Берка саройида яшовчи гурганчлик шайх Нуъмониддин ал-Хоразмий саройда катта обрўга эга эди. Ўзбекхон у билан тез-тез маслаҳатлашиб турган. Шайх Нуъмониддин ал-Хоразмий мантиқ, фалсафа, тиббиёт ва бошқа илм соҳаларини яхши биладиган олим сифатида ном чиқарганди. Олтин Ўрда давлатига қарашли ерларда амирлик лавозимини эгаллаган кишилар орасида хоразмликлар ҳам кўп бўлган.

Хоразмликлар «Олтин Ўрда маданияти» деб номланган маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланишида катта роль ўйнашган. Хоразмлик усталар бу ерда кошинқорликнинг янгидан-янги усулларини яратганлар. Берка саройида XIII—XIV асрларда қурилган бинолардаги нақшлар ўзига хос мусулмон санъати мактаби мавжуд бўлганидан далолат беради. Марказий Осиё шаҳарларидаги меъморчилик услублари — расмларни тўр-тўр чизиқлар ва безак ҳарфли арабча ёзувлар билан уйғунлаштириш, кўк, феруза, яшил, сариқ сирларини Гурганчга хос қизил ранг ангоб бўёқ билан бирга ишлатиш сингари услублар Волга бўйи шаҳарларида ҳам ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам машҳур тарихчи олим С. П. Толстов «Боту саройи, Берка саройи ва Олтин Ўрданинг бошқа шаҳарлари бир қанча жиҳатдан Хоразмда тўпланган катта маданий-илмий мерос ҳисо-

¹ Маллаев, Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. «Ўқитувчи», 1976: 18-бет.

² Уша жойда, 181—182-бетлар.

бига яшаган», деб бежиз айтмаган эди. Бундан ташқари, хоразмликлар Олтин Урда илм-фанни, адабиёти ва тилига кучли таъсир кўрсатишди. XIV аср ўзбек адабиётидаги бир қатор асарлар Олтин Урдада яратилган. Хоразмийнинг «Муҳаббатномаси», Қутб Хоразмийнинг «Хисрав ва Ширин», Сайфи Саройининг «Гулистон» асари таржималари ва бошқалар, шулар жумласидандир.

Ички ихтилофлар натижасида Олтин Урда давлати ҳам инқирозга юз тутди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Амир Темур узоқ давом этган курашларда ғолиб келиб, Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритади ва бирлашган империяни ташкил этади.

Тарихий манбаларга қараганда, Улуғбек (1394—1449) даврида Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳаммом, мадраса, мактаблар қурилиб, мамлакатда илм-маърифатни ривожлантиришга кўплаб маблағ сарфланади. Самарқандда барпо этилган ҳаммом, расадхона, мадрасалар қурилишида хоразмлик машҳур меъморлар, наққош ва ўйма усул билан хат ёзиб довуғ таратган ва турли нақшлар соладиган уста Абдураҳмон Хоразмий ҳамда унинг ўғиллари Абдураҳим ва Абдукарим қатнашганлар. Уларнинг бу даврда ёғоч, мармар ва металлларга солган нақш ва ёзувлари ўз замонаси кишиларини ҳайратда қолдирган экан.

Шунингдек, Улуғбек атрофига тўпланган олимлар, шоиру адиблар орасида хоразмлик мутафаккирлар бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. XIV аср тарихчиси Восифийнинг маълумотига кўра, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг очилиш маросимида, 1425-йилда 90 киши Мавлоно Муҳаммад Хоразмийнинг маърузасини тинглаган.

Муҳаммад Шайбоний (1441—1510) Мовароуннаҳр ерларига ҳужум қилиб, уни забт этади. Бироз вақт Шайбонийхонга қарам бўлган Хоразм 1511 йилдан бошлаб яна мустақил давлатга айлана бошлади. Шайбонийхоннинг Хоразмни ўзига бутунлай қарам қилишга бўлган кейинги уринишлари натижа бермади. Ана шундай бир шароитда 1598 йилда эса сўнгги ҳукмдорлардан Абдулмўминнинг ўлдирилиши билан шайбонийларнинг 100 йиллик ҳукмронлиги ҳам тугатилди.

Хоразм пойтахти 1598 йилда Гурганчдан Хивага кўчирилди. Хоразм давлати шундан кейин Хива хонлиги деб атала бошлади. Шайбонийлар сулоласидан бўлган

-Абулғози Баҳодирхон ибн Араб Муҳаммадхон (1603—1664) қарийб йигирма йил (1645—1663) давомида ҳукмдорлик қилади. У мамлакатни иқтисодий-маданий жиҳатдан мустаҳкамлашга интилки, ўзаро феодал урушларга қисман бўлса-да чек қўйди.

Абулғози давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, илм-фан, санъат ва адабиёт билан муттасил шуғулланди, замонасининг етук шоири ва тарихчиси бўлиб етишди. Абулғозининг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарлари Хоразм халқларининг XVI—XVII асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Бу ҳар икки асарнинг ўрус, немис, француз тилларига таржима қилинганлиги унинг илмий ва маърифий қиммати нечоғлик юксаклигини кўрсатади.

Машҳур венгер олими Г. Вамбери: «Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади... жаҳон анинг «Шажараи турк» номли тарихий асари учун ундан миннатдордур», деб бежиз айтмаган. Мунис Хоразмий таъбирича «Бағоят ашъорфаҳм ва тарихдон киши» бўлган Абулғози тиббиёт билан ҳам шуғулланиб, «Манофез-ул инсон» («Кишиларнинг сиҳат-саломатликлари йўлида») номли рисола ёзган. Хуллас, Абулғози ўз даврида адабиёт, тарих ва тиббиёт фанларини янги тараққиёт поғонасига кўтариб, XVI асрда Хоразмда маданий ҳаётнинг равнақ топишига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшди.

XVIII асрнинг 40—60 йилларида Шоҳниёз, Шерозий, Элборс, Нодиршоҳ ҳукмронлик қилган даврда Хива хонлигининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги тенглик маданий ҳаётга таъсир этди. Аммо XVIII асрнинг охирига келиб, Муҳаммад Амин Иноқ (1770—1791), Авазбий иноқ (1791—1804), Элтузархон (1804—1806), Муҳаммад Раҳим (1806—1825), Оллоқули (1825—1842), Раҳимқули (1842—1846) ва бошқаларнинг ҳукмронлиги даврида Хива хонлигининг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Ҳокимият марказлашди, савдо-сотик, меъморчилик, тасвирий санъат, хатотлик ва мусиқа ривожланди. Хивада Раҳимхон мадрасаси, Оллоқулихон мадрасаси, Саидмуҳаммадхон мадрасаси, Муҳаммадамин II мадрасаси, Муҳаммадниёз Девонбеги мадрасасини барпо этиб, хоразмлик халқ усталари меъморчилик санъатининг мўъжизаларини яратдилар.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Хоразмда

китобиёт ва хаттотлик, мусиқа санъати янада ривожланди. Китоб ўз мазмуни билан эмас, балки шакли ва безатилиши билан ҳам китобхонга манзур бўлиши, унинг диди ва талабига жавоб бериши керак эди. Дарвоқе, нафис китоб яратиш ниҳоятда оғир ва мураккаб жараён бўлиб, бу жараён қоғозрез (қоғоз қуювчи), хаттот (каллиграф), мусаввир (рассом), лавоҳ (лавҳа чизувчи), баҳҳоф (муқовачи) каби мутахассисларнинг биргаликдаги меҳнат фаолиятига боғлиқдир. Бу даврда Хоразмдан Оллоқули Хоразмий, Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммадниёз Комил Хоразмий, устод Муҳаммад паноҳ, мулла Болтаниёз Харрот, Худойберган Муҳркон девон, Мулла Қаримберган девон ибн Раҳимберган Хоразмий, Муҳаммад Шариф Тарро девон, Матёқуб Харро девон, Бобожон Маҳдум девон, Таррах ибн Абдулазиз Маҳдум, Ходим, Муҳаммад Расул Мирзо каби истеъдодли хаттотлар мактаби яратилди ва кўпгина шогирдлар тайёрланди.

Ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти ва маданияти тарихида Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий давридаги машҳур тарихнавислардан Мирхонд ва Хондамирнинг «Равзат ус-сафо» асарининг Хива хонлигида форсчадан ўзбекчага таржима қилиниши муҳим воқеа бўлди. Жаҳонга шуҳрати кетган бу асар 7 жилддан иборат бўлиб, дунёнинг пайдо бўлишидан Сосонийларгача (I жилд), Муҳаммаддан Алигача (II жилд), Аббоснинг салтанати (III жилд), Чингизгача бўлган салтанатлар (IV жилд), Чингиз ва унинг авлодлари салтанати (V жилд), Темур ва темурийлар салтанати (VI жилд) даврида ва 1457 йилдан 1510 йилгача (VII жилд) бўлган воқеаларни бадий шаклда ифодалаб берувчи катта тарихий асардир.

Мунис «Равзат ус-сафо» асарининг I жилдини тўла таржима қилиб, II жилддан «Чоҳарёри узомнинг воқеатига еткурган». Огаҳий китобнинг шу жойидан ўгира бошлаган ва II—III жилдларни тўла таржима қилган. У ҳаммаси бўлиб, 16 та насрий, 3 та шеърий асарларни — Шарқда машҳур бўлган «Нодирнома», «Зафарнома», «Зубдатут ҳикоят», «Насиҳатномаи Қайковус» («Қобуснома»), «Шоҳ ва Гадо», «Гулистон», «Юсуф ва Зулайҳо», «Баҳористон», «Ҳафт пайкар», «Ҳашт беҳишт» ва бошқа асарларни юксак маҳорат билан ўзбекчалаштирган. Комил Хоразмий эса Ҳусайн воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Сайфиянинг «Латоифат—тавойиб»

(«Турли тоифаларнинг латифалари») асарини, хонқалик таржимон Маҳмуд эса Мавлоно Нидойининг «Манофиал инсон» номли асарини таржима қиладилар. Хуллас, хоразмлик моҳир таржимонлар юқорида эслатиб ўтилган бебаҳо асарларни ўзбек тилига ўгириш баробарида ўзбек маърифий фикри ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Шу билан бирга, китобият ва хаттотлик санъатига доир махсус рисодалар яратилган. Масалан, Мунис Хоразмий хаттотлик санъати ва услубияти ҳақида 1804 йилда «Саводи таълим» рисоласини яратди.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда мусиқа санъати шеъроят билан узвий боғланган ҳолда тараққий этди. Мусиқа шеърый асарга, ғазалга оҳанг беради, куйлар бахш этади, шеърнинг оҳангдорлигини таъминлайди, унинг таъсирчанлигини кучайтириб инсон руҳиятини кўтаради. Хоразмлик истеъдодли шоирларнинг кўпчилиги уста мусиқачи ва ҳофиз ҳам эдилар.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Хоразмда халқ санъатининг меъморчилик, ўймакорлик, кулолчилик соҳалари ривожланиши билан бирга, Хивада адабий ҳаракат ҳам кучая бошлади. Тарих ва шеъроят соҳасида бебаҳо асарлар яратилди. Мунис қаламига мансуб «Фирдавсул-иқбол» асари ва Огаҳийнинг «Риёзуд-давлат», «Зубдатут-таворих», «Жомеул-воқеати Султоний», «Гулшани давлат», «Иқболи Фирузий» ёки «Шоҳиди иқбол» асарлари фикримизнинг яққол далилидир.

Хива хонлиги ҳудудида ўша даврда 1500 мактабда 45 минг нафар ўқувчи ўқиган, 1636 масжид ва 130 мадраса бўлиб, бу мадрасаларда ислом дини қонун-қондалари, шариат ақидалари ҳамда мантиқ, фалсафа, хаттотлик, кимё, жўғрофия, тиббиёт, фалакиёт каби илмлар ўқитилган. Ҳар битта ҳужрада 2 нафардан 5 нафаргача талаба истиқомат қилган. Бундан ташқари, ҳужраларда даҳлиз, юз-қўл ювадиган ханик ва мўрили ошхона, қишда исиниб ўтириш учун ўчоқ қилинган. Мадрасада мударрис, мутавалли, муаззин, фаррош, қоровуллар учун учун махсус ҳужралар ажратилган.

Мадрасаларга сарфланадиган маблағлар, биноларни таъмирлаш, мударрис ва бошқа ходимларнинг маоши ва бошқа эҳтиёжлар — ер, сув, тегирмон, карвонсарой, дўкон, уй-жой, ҳаммом ва бошқа пуллардан тушган вақф даромадларидан олинарди. Вақфдан тушган даро-

маднинг сарфланиши вақф тўғрисидаги васиқада аниқ кўрсатиларди. Талабаларга ўқиши даражасига қараб аъло, ўрта авсот, қуйи адно тоифаси асосида нафақа тақсимланган.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, Хоразм халқларининг узоқ асрлар давомида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маданий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар маърифий-педагогик қарашларнинг шаклланиши ва ривожланишига сезиларли даражада ижобий таъсир қилмасдан қолмади. Гарчи қадимги ва илк ўрта асрдаги Хоразмнинг ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келмаган бўлса-да, бироқ қадимги Хоразм илмий анъанасини доврўғи оламга ёйилганлигини биламиз. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий, Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий, Юсуф Саккокий, Муҳаммад ибн Умар ал-Хусайн Абу Абдулла Фахриддин ар-Розий, Абу Фазл Муҳаммад ибн Абул Қосим ал-Баққолий-Хоразмий, Абу Али Ҳасан ибн Хорис Хоразмий, Нажмиддин Кубро Аҳмад ибн Умар Хивақий, Муҳаммад ибн Муҳаммад Арслон ал-Аббос Хоразмий, Тоҳир ибн Қосим Аҳмад Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Муҳаммадниёз Нишотий, Роқим, Мунис, Огаҳий каби олимларнинг илмий-бадий ва педагогик меросидан баҳраманд бўлмаган халқлар бўлмаса керак. Ана шу хоразмлик мутафаккирлар инсон тафаккурининг ва инсониятнинг ўзаро муносабатларини ривожига, табиий-илмий билимларнинг таъсир этишига ҳам чуқур ишонган эдилар. Уларнинг ҳаммаси фақатгина олимтадқиқотчигина эмас, балки жаҳон илму маърифатининг юлдузлари ҳам эдилар.

Бу мутафаккирларнинг барчаси шогирд тайёрлашга алоҳида эътибор берганлар. Улар ажойиб асарлар яратиш билан бирга ана шу илмий мерослари илм-маърифатга ҳавас қўйган ёшлар учун ибрат мактаби бўлишини яхши тушунишган. Бу илм даҳолари яратган рисолаларда педагогика ва психологияга доир ғоялар, одоб-ахлоққа оид насиҳатларни ва олган билимларни амалиётга татбиқ этиш соҳасидаги мўътабар фикрларни учратамиз. Ҳатто уларнинг илмий мазмунга эга бўлган барча асарларида фалсафа, мантиқ, психология, тарбияшунослик ва дидактикага доир фикрлар ўз ифодасини топганлиги диққатга сазовордир.

2- §. Хоразмнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларида маърифий-педагогик қарашлар

Маълумки, араблар истилосигача Марказий Осиёда зардуштийлик, будда, иуда, христиан ва монийлик динлари мавжуд бўлиб, улар орасида кенг тарқалган зардуштийлик дини эди. «Зардуштийлик,— деб ёзади академик С. Ф. Ольденбург — ўз даврида инсоннинг ер юзида фаровон яшашига катта аҳамият берган, энг оқилона диндир. Ю. А. Раппопортнинг фикрича, «...зардуштийлик ўтмишдаги динларнинг энг кучлиларидандир».

Зардуштийлик динининг илк макони ва «Авесто» китобининг яратилиши масалалари ҳақида олимлар ўртасида икки хил қараш мавжуддир. «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари ва зардуштийлик Мидиядан тарқалган деган «Ғарб назарияси» ва унинг акси ўлароқ, юзага келган «Шарқ назарияси»га биноан эса Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна ва Паркана мазкур диннинг ватани ҳисобланади. Лекин ўтмиш ва ҳозирги шарқшунослар орасида «Авесто» ва унинг асосини ташкил этган зардуштийлик ватани Марказий Осиёнинг энг қадимги давлатларидан Хоразмдир, деган «Шарқ назарияси» тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Тарихий ва археологик изланишлар ҳамда лингвистик маълумотлар «Шарқ назарияси» тўғрилигини қувватлайди. Жумладан, немис шарқшунос олими В. Альтхайм «Зардуштийлик дини бешиги Оксус соҳилларида бўлган, унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам ўша ерда яратилган», деб таъкидлайди. Машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельс эса хоразмшунос олимлардан С. П. Толстов, В. Хеннинг ҳамда И. Гершовичларнинг қадимги Хоразм давлати ҳақидаги археологик изланишлар, тарихий-географик маълумотларини солиштириб, «Авесто»нинг Хоразмда ёзилиши учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд бўлганлигини таъкидлайди ва бу китоб пайғамбар Зарадуштра томонидан Хоразмда ёзилган, деган хулосага келади. Академик Б. Ғ. Ғафуровнинг фикрича, «Авесто»нинг энг кўҳна қисми — «Гат»лари, яъни гимнлари (қўшиқлари) Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган Хоразмда яратилган. «Авесто» да тасвирланган Айриан-Важеа ўлкаси — бу Хоразм давлатидир», дея эътироф этади у. Қанқақалъа, Қўйқирилганқалъа, Жонбасқалъа, Тупроққалъа, Аёзқалъадан топилган буюмлар, доимий гулхан

ёниб турадиган оташхона, ибодатхона, бу борада ашёвий далил бўлмоғи мумкин.

Юқорида зикр этилган барча мулоҳазаларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, «Авесто» Хоразм заминида шаклланган энг қадимий дин—зардуштийликнинг муқаддас китобидир. Лекин шунга урғу бериш керакки, «Авесто»нинг яратилиши ва шаклланиши фақат қадимги Хоразм халқлари ижодий маҳсули бўлибгина қолмай, у ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, форс, афғон ва бошқа халқларнинг қайта-қайта ишланган ижоди маҳсулидир.

«Авесто»да акс этган асосий қонун-қондалар, диний этиқоднинг етакчи тушунчалари, фалсафий-ахлоқий қарашлар тарихий шахс Зардушт номи билан чамбарчас боғлиқ. Зардуштнинг бошқалардан фарқи шундаки, у ўта истеъдодли шоир, илоҳиёт билимдони, файласуф олим эди. Ягона маъбудага ишонишгина жамиятнинг янги тараққиёт босқичига кўтара олади, деб ҳисоблар эди у. Шу йўлда Зардушт ўз қавмларига ўз таълимотини тарғиб қила бошлайди. Бунинг учун гатлар деб аталган, қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган шеърлар яратади. Зардушт гатларидан 17 таси «Авесто»нинг «Ясна» деб аталган қисмига кирган ва бизгача сақланган.

Манбаларда кўрсатилишича, Зардуштнинг оиласи—хотини (Ҳавовини), уч ўғли (Иставатра, Урвататнара, Хваречитра) ва уч қизи (Френи, Трити, Поуричиста) бўлган. Унинг Хоразм ва Турон юртига сочган эзгуликдан дарак берувчи янги диний ғоялари хоразмийлар, массагетлар, суғдийлар, бақтрияликлар ва парканаликлар, чочликлар, марғов (Марв) ҳудудларидаги бошқа халқлар ҳаётининг маънавий асосига айлана борди.

Уруғ ва қабила оқсоқоллари, маҳаллий дин ва уларнинг худоларига сиғинишни қўлловчи коҳинларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган Зардушт Турону Хоразмни тарк этиб, қадимги Эроннинг шарқий вилоятларидан бирига боради. Зардуштнинг диний таълимоти Эрон шоҳи Кави Виштаспага маъқул бўлади ва бутун хонадони ҳамда аъёнлари билан бу динни қабул қилади. Шундан сўнг шоҳ Кави Виштаспанинг фармони билан Эроннинг барча шаҳарларида оташкадалар—ибодатхоналар қурилади. Зардушт аста-секин машҳур бўла бошлайди. Аммо уни 77 ёшида Балх шаҳридаги ибодатхонада ғоявий душманларидан бири — кўп худолик та-

рафдори Братарвахш ханжар санчиб ўлдиради. Зардуштнинг ўлимидан кейин унга нозил бўлган дуою такбирлар, сўраю оятлар, мадҳу алқовлар тартибга солиниб, муайян муқаддас китобга йиғилган. Бу китобга эса «Авесто» деб ном берилган. Бу сўзнинг маъноси «ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қондалар» демакдир. «Авесто»нинг қайси даврда яратилганлигини аниқ айтиш мушкул. Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрларига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, «Авесто» тахминан милоддан олдинги IX асрдан IV асрга қадар тўлиқ асар шаклига келтириш учун зардуштийлик динининг уламо-коҳинлари томонидан Хоразм, Эрон, Миср, Бақтрия, Сўғдиёна, Мидия, Арманистон, Озарбайжон, Турон, Парфия, Гиркания, Паркана, Хиндистон, Юнонистон, Чоқ, Вавилон, Афғонистонгача бўлган ўлкаларда тўлдирилиб такомиллаштирилганлиги шубҳасиздир.

Қадимги юнон тарихчиси Плиний «Авесто»ни икки миллион шеърий байтдан иборатлигини таъкидлайди. Е. Э. Бертельснинг ёзишича, «Авесто»нинг илк қўлёзмаси 8300000 сўздан иборат бўлган, олим Э. Вест эса «Авесто»нинг қайта ишланган нашрида 348 боб бўлиб, унда 345700 сўз бўлган, дейди. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида Абистонинг ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор экан. «Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтида уни кўйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Авестонинг бешдан уч, яъни ўн саккиз наски йўқолиб кетди. Абисто ўттиз наск эди; мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди. Биз қуръон бўлақларини ҳафтияклар деганимиздек наск ҳар бир бўлақнинг номидир» деб ёзади улуғ олим.

Эрамиздан аввалги 334—329 йиллар мобайнида македониялик Искандар (Александр Македонский) Эронни забт этганидан сўнг Истаҳр шаҳрида сақланаётган «Авесто» китобининг нужум илми, фалсафа ва тиббиётга доир қисмларини юнон тилига таржима қилдиради, қолган қисмини эса оловда ёқтириб, йўқ қилиб ташлайди. Лекин тарихий манбаларда ёзилишича, орадан 200—300 йил ўтмаёқ Парфия мамлакатада эрамизнинг 51—73 йиллари шоҳ Вологес I нинг фармонида биноан «Авесто»нинг ёзма ва оғзаки қолдиқлари қайта жамланди, шунингдек эрамизнинг 226—651 йилларида ҳукм

сурган сосонийлар сулоласи Ардашир I (226—242), Ардаширнинг ўғли Шопур I (242—272) ва Шопур II (303—379) даврида эса зардуштийлик расмий дин деб эълон қилинади ва унинг муқаддас китоби «Авесто» якка бир китоб ҳолида қайта тикланди. Хисрав I (531—579) подшолик қилган даврда «Авесто» матни паҳлавий тилига таржима этилиб бу изоҳли таржима, «Занд» деб («Занд» шарҳ маъносида) ном олган. Шу сабабдан ҳам бизгача етиб келган «Авесто»нинг иккинчи нусхаси аввалгисидан фарқли ўлароқ «Авесто» ва «Занд-Авесто» деб аталган.

«Авесто» оромий ёзувида битилган бўлиб, кейинчалик Марказий Осиёдаги бошқа хатларда ҳам кўчирилган. «Авесто»нинг бизгача етиб келган энг қадимий нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, у Даниянинг Копенгаген шаҳрида сақланмоқда.

«Авесто» аждодларимизнинг ижтимоий-фалсафий ва маърифий-педагогик фикрлар ёдгорлиги сифатида ўтмиш тарихимиз, маданият ва маънавиятимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, «Авесто» Шарқ ёзма адабиётимизнинг ва ижтимоий-фалсафий, маърифий-педагогик фикрлар тараққиёти тарихининг энг қадимги манбаси сифатида алоҳида аҳмият касб этади. Ўзига хос қомусий билимлар мажмуаси бўлган «Авесто»нинг фақат 4 та Ясна, Яшта, Виспарад (Висперед), Вендидад (Видевдат) қисмларигина бизгача етиб келган холос.

«Авесто»нинг «Вендидад» (Видевдат) қисмида қадимги Турон ўлкаси, Эрон, Сўғд ва Хоразмнинг ўзига хос тарихий жўғрофияси баён этилади. Жумладан, Ахурамазда Спитама Зардуштга бундай дейди: «Эй, Спитама Зардушт, мен Ахурамазда, бу нохуш, ғамгин жойни осойишта, фароғатли ўлкага айлантирдим. Энг аввало ғоят эзгу жой қилиб, юртлар ичра энг яхши юрт қилиб, Дайтийа дарёси ёқасидаги гўзал Эронвежни яратдим. Лекин ёвуз Ахримон менинг зиддимга туриб у юртнинг офати бўлган сариқ илонларни ва девлар юборган қишни яратди. У юртда ўн ой қаҳратон қиш, икки ой ёз бўлади: ери учун ҳам, суви учун ҳам, набототи, ўсимлиги учун ҳам совуқ (бу қишу ёз ойлари). Қиши қишларнинг қаҳратони, унинг поёни ўта серёгин. Мен, Ахурамазда, яратган юртларнинг иккинчиси Гава — сўғдлар яшайдиган юрт. Бу юрт яйловлари бўлиқ, ўтлоқлари серўт, моллари семиз..., учинчи ўлка — Мо-

уру (Марғиёна) қудратли юрт, ҳақ йўлига содиқ юрт...
Туғлари баланд кўтарилган гўзал юрт — Баҳдини яратдим мен — Ахурамазда..., Моуру ва Баҳди ўртасидаги Нисайя юртини ҳам мен яратдим...»¹

«Авесто»нинг ушбу жўғрофик маълумоти, тадқиқотчилар фикрича, Турон заминидан, хусусан, Сўғд ва Хоразмдан бошланиб, то жануб ва жануби-ғарб томон тарқалган зардуштийлик дини тарғиботининг босиб ўтган йўлини кўрсатади.

«Авесто» тадқиқотчиларидан Е. Э. Бертельс, Б. Ф. Фафуров, Ҳ. Ҳамидов, Р. Раҳимов, М. Расулов, А. Асқаров ва бошқа олимларнинг таъкидлашича, Йима, яъни Жамшид Хоразмнинг биринчи подшоларидан эди. Йима подшо бўлган даврларда одамлар азалий-абადий бахт-саодат маконида касаллик ва ўлим кўрмай, олтин асрини бошдан кечирганлар. «Авесто»нинг Яшта қисмидаги ушбу мисралар фикримизнинг ёрқин далилидир:

Қудратли ҳукмрон Йима даврида бўлмади,
На изғирин, на жазирама иссиқ, офат,
Унда на қаримоқ бор эдию на ўлмоқ,
Ва на девлар туғдирган рашку ҳасад.

«Авесто» ёзувларига кўра, Йима жамиятдаги кишиларга деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик касб-ҳунарларини ўргатиб, қобилиятли ёшларга эса илми ҳикмат орқали гиёҳлардан мушк-анбар, сабур олиб, инсонни соғлом қилиш ва касалликлардан қутқариш учун табиблик ҳунарини эгаллашга шароитлар яратиб беради.

Бу давр халқлари мафқураси ва ёшларнинг таълим-тарбияси ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, Турон, Эрон, Сўғд, Паркана, Хоразм ҳудудларида яшган форсийлар, амюргия саклари, дербиклар, осийлар, тохарлар, дахлар, массагетлар, бақтрияликлар, парканаликлар, хоразмликлар асосан зардуштийлик диний таълимотига мувофиқ ўз фарзандларини ибратли ахлоқ қондалари асосида тарбиялаганлар.

«Авесто» кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бошқа диний китоблар «Инжил», «Таврот», «Қуръон» ва қадимги Ҳиндистон халқларининг махсус диний китоблари — «Ригведа», «Шастра» сингари узоқ асрлар мобайнида болаларга илму маърифат ўргатишда ва

¹ Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1994, 107—108-бетлар.

одоб-ахлоқ фазилатларини шакллантиришда дастури-амал вазифасини ўтаган бу умуминсоний қадриятлар мажмуасининг маърифий-педагогик ва дидактик аҳамияти шундаки, унда фақат диний таълимот тарғиб этилмасдан, балки табиий-илмий ва маърифий-педагогик қарашлар ҳам тўлиқ ўз аксини топган.

«Авесто» китобини варақлар эканмиз, ўша даврда бола таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилганлигини гувоҳи бўламиз: Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги — таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин.

«Авесто»да болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари эса қуйидаги тартибда тавсия этилган:

- а) диний ва ахлоқий тарбия;
- б) жисмоний тарбия;
- в) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Болаларга диний тарбия бериш асосан 7 ёшдан бошланган. Ўғил болалар 7 ёшга етганда уларга ипакдан тикилган махсус «муқаддас кўйлак» кийдириш маросими ўтказиш расм бўлган. Ўғил болалар бундай маросим пайтида муаллим билан бир қаторда Қуёшга қараб туришган ва улар қоҳин муаллимига қўшилиб «Авесто»дан эзгулик ва яхшилик маъбудасига мададкор кучларни улуғловчи қуйидаги дуоларни такрорлашган: «Мен зардуштийлик динига содиқ бўлишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман...» Зардуштийлик диний маросими машғулотларидан сўнг эса болаларга совғалар улашилган. Бундай машғулотлар бир кунда беш марталаб такрорланган. Машғулотларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — болалар қалбида дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, илоҳий Ахурамаздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига бутун ёвузликлар ва ёмонликларни олиб келадиган Ахримондан эса нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат эди.

Зардуштийлик диний таълимотига, кўра 15 ёш балоғат ёши ҳисобланган. Балоғатга етган болалар зардуштийликка эътиқоди рамзи сифатида белига юнг ипакдан тўқилган камар боғлаб юриши ва «оташпарастрлар ибодатхонасида ўтказиладиган диний маросимларда қатнашиши шарт бўлган». Болаларни қоҳин муаллимлар зардуштийлик расм-русмларини бажаришга, фалса-

фа ва бошқа фанларни билишга ҳамда одоб-ахлоққа ўргатишган.

Зардуштийлик диний таълимотида маърифат ва билимнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинади ва жамият ҳаётида ҳам оқибат натижада илму ҳикмат ютиб чиқади, деб ҳисобланади. Уша даврда болаларнинг фақат сихат-саломат ва жисмонан бақувват бўлиши ҳақидагина қайғуришган эмас, балки илму ҳикмат олиши ва маънавий софлиги, яхшилик-эзгулик хислатларини эгаллашлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишган. Асосан болаларда ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, саховатлилик фазилатларини тарбиялашга муҳим аҳамият берилган.

Жисмоний тарбиядан назарда тутилган асосий мақсад болаларни ҳарбий жанговарликка тайёрлаш ва уларни жисмонан чиниқтиришдан иборат эди. Дарвоқе, ҳарбий-жанговарлик тайёргарлиги жараёнида болалар отда чопиш, ов қилиш, қиличбозлик ва қалқонда рақибдан ўзини ҳимоя қила билиш, сувда сузиш, узоққа югуриш, сакраш, найза иргитишни эгаллашни мажбурий бўлган. Бироқ, тарбиянинг синфий хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, диний-ахлоқий ва ҳарбий-жисмоний тарбияни эгаллаш барча табақадаги кишиларнинг фарзандлари учун шарт бўлса-да ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш (санашни) ўрганиш эса юқори табақадаги кишиларнинг болалари учун эди, холос. Юқори табақадаги кишиларнинг болалари учун сарой ва ибодатхоналар қошида махсус мактаблар мавжуд бўлиб, бу ерда уларга тажрибали устозлар сабоқ бериш билан бирга, таниқли лашкарбошилар ҳарбий санъат сир-асрорларини пухта ўргатишар эди. Ўқитувчилар уламо-коҳинлар бўлиб, улар жамият маънавий ҳаётида муҳим мавқега эга эдилар. Мактабда кичик ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида кўрсатмали қуроллардан, ҳикоя қилиш ва суҳбат-мулоқот услубларидан кенг фойдаланганлар. Дарсда ўқувчилардан ўтилган мавзунини шовқинсиз такрорлаш талаб қилинган. Болаларда ёшликдан меҳнатсеварлик ва касбхунарга эгаллаш малакаси ҳамда кўникмасини шакллантиришга катта эътибор берилган. Улар ёш пайтиданок дарахт кўчати ўтқизиш, уй-рўзғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилган.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўша давр кишилари фаровон турмуш кечириш учун фақат

меҳнатни восита деб билганлар, зотан, инсон меҳнатсиз тирикчилик қила олмайди. Шунинг учун меҳнат инсон камолоти ва ахлоқий соғломлигининг манбаи сифатида улуғланади. Бу фикрлар илдинини «Авесто»даги яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши; ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши зарурлиги тўғрисидаги ғоялардан изламоқ лозим. Бундан ташқари, «Авесто»да Турон ва Хоразм халқлари ҳалол меҳнатга ундалади. Инсон деб таълим берарди Зардушт ҳайвон боласини ўз фарзандларидек тарбияласагина, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва сугориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилсагина меҳнат маъбудаси Ардависура Анахитанинг иноятига ноил бўлғусидир. Бу билан Зардушт оддий меҳнаткаш инсонни улуғлаб, ҳукмдор-ҳокимлар табақасига тенглаштирди ва ҳатто муқаддас «Авесто»да уларга атаб «Деҳқончиликнинг фойдаси ҳақида» деган махсус боб ҳам ажратди. Бу бобда шундай дейилади: «О, моддий дунёни, ҳақиқатни яратувчи! Заминдаги энг муҳтарам манзил қайси гўшадир? Бу саволга Ахурамазда шундай деди:

— Порсо инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига, подаларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйда ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотини ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир. Кимда-ким, О, Спитама Зардушт, ўнг қўли ва сўл қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ерга ишлов берса, меҳнат қилса — у замин раҳматига мушарраф бўлажак.

Замин инсонга шундай дейди:

— О, сен, инсон, ўнг қўли ва сўл қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан менга ишлов берувчи, меҳнат қилувчи зот! Мен ҳақиқатан ҳам ҳар хил ноз-неъмат, зироатларимни, мўл-кўл ҳосилимни сендан аямайман. Ўнг қўли ва сўл қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ерга ишлов бермайдиган, меҳнат қилмайдиган кимсаларга эса, О, Спитама Зардушт, Заминнинг жавоби шундайдир: «О, сен, одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингда турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг

барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадулабад шундай бўлажак».

Бу ерда ҳаёт ва меҳнат фалсафаси ўз ифодасини топган. Зардушт меҳнатдан бўйин товлаган одам охир оқибатда хору зор бўлишини таъкидлаб, кишиларни инсон учун хос бўлган улуғворлик—меҳнатсеварликка чақирган.

Бинобарин, Зардушт таълимотига кўра, деҳқончилик меҳнати эзгулик рўёбга чиқишининг асосий шакли бўлиб, Ахурамазда шахсиятида мужассамлашган қонунқоидаларга бўйсунидир: «Ким галла экса олижанобдир... Галла эккан киши эзгулик уруғини сочади. Маздага эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди...» Бу қонуннинг бажарилиши ўз аҳамиятига кўра 10 минг дуо ўқиш, юзлаб қурбонлик қилишдан аълодир. Экин эсмоқ ёвузликни ер юзидан тугатмоқ демакдир, чунки «Буғдой ўстирила бошланса, девларни қора тер босади, совурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади; ун тайёр бўлгач эса девлар нола-фигон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим — бу овқатни егандан сўнг улар жуда қизишиб кетишади ва қоча бошлашади»...

Шундай қилиб, «Авесто»дан келтирилган бу мисолларда меҳнатнинг жуда катта моддий ва маънавий томонларига эътибор берилибгина қолмасдан, балки меҳнатни шахсн ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш асослари назарда тутилади.

Зардуштийлик дини ахлоқий таълимотида имон ва диёнат уч таянчга асосланади: 1) «эзгу фикрат», яъни фикрлар софлиги; 2) «эзгу калом», яъни сўзнинг собитлиги; 3) «эзгу амал», яъни амалларнинг инсонийлиги, Зардуштийлик динига эътиқод қилган ҳар бир киши бутун ҳаёти давомида ана шу учликни қалбига жо қилмоғи зарур. Шундагина унинг қалби ҳаддан зиёда покиза бўлади.

«Авесто» тадқиқотчиларидан бири— А. О. Маковельскийнинг фикрича, «эзгу фикрат» деганда ниятнинг яхшилиги илоҳий қонун руҳидаги, яқинларга нисбатан яхшилик қилиш, зарур бўлганда мадад беришга тайёрлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши курашга ҳозирлик руҳидаги ўй-фикр, барча билан тинч ва тотув яшашга интилиш туйғулари тушунилади. Инсон бошқаларга нисбатан баҳиллик қилмаслиги лозим. Эзгу

фикрлар эгаси жаҳолатга тушмайди, чунки жаҳолатда киши эзгу ниятларини йўқотади, бурч ва адолатни унутади, ўйламай иш қилади...

Демак, Зардуштийлик таълимотига кўра, яхши тушунча, яхши фикр, эзгу ният, латиф сўз, яхши ишнинг бирлиги дейилганда, фақирларга меҳрибонлик, мусофирпарварлик, киши шаънига иснод келтирадиган ишлардан, бировга ҳасад қилишдан, ўғрилиқ, талончилик, ўзгалар молини ўзлаштиришдан, зиного берилишдан, бировнинг дилини оғритишдан, ҳайвонларни, айниқса яхши, наслдор итларни ўлдиришдан ўзини тийиш ва берган сўзнинг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдосотиқ ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш ва ҳоказолар тушунилган.

Шунингдек, «Авесто»да имон ва диёнатли бўлиш, бунинг учун доимо тоза, пок юриш, ёвузликни қоралаётган пайтда тананинг тоза бўлиши, иблисларга қарши ҳаракатлар қилиш, гуноҳ қилмаслик, Ахурамаздан кечирим сўрашга доир дуолар келтирилади. Масалан, гуноҳдан холи бўлиш, имонли бўлиш учун шундай дуо ўқиш керак: «Эй, оламнинг ҳукмдори Ахурамазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман; ҳар қандай ёмон ниятлардан, ҳар қандай ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан кечаман; мен фикрлаган ва гапирган ёки қилмоқчи бўлган ва қила бошлаган ва қилган ҳамма ножўя ишларимдан воз кечаман; ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман, қилган гуноҳларимни кенг караминг ила кечиргил, танам ва жонимни у дунёю бу дунёда мунаввар этгил, эй парвардигорим!»

Зардуштийлик дини ахлоқий таълимотга кўра, оламдаги ёвузлик ва ёмонликлар, одамларнинг имонсиз ва диёнатсизлигидан келиб чиқади. Уларни бартараф этиш, бу истиқболдаги вазифа бўлиб, имонли ва диёнатли кишилар буларни бартараф этишда фаоллик кўрсатишлари керак.

«Авесто»да жамиятнинг биринчи куртаги оила ва никоҳ муносабатлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Оила бошлиғи «Нманапати», унинг хотини «Нманапатни» шаклида берилган. «Авесто»да «вира», яъни эркак киши ахлоқий йўл-йўриқларни ўзлаштириш билан бирга, оила қуриш ва фарзанд тўғрисида ҳам ўйлаш за-

рурлиги таъкидланади. Эркак киши роппа-роса 16 ёшда уйланиб, бир нечта хотин олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳамма вақт биринчи хотин бошқаларга бош бўлган». «Авесто»да қайд этилишича, эркак киши аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва жисмонан бақувват бўлиши лозим, бунинг учун ўз вақтида овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши ўз меҳнат ва эркаклик бурчларини бажара олмайди: «Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, бола туғдира олмайди» («Ясна» 33,3- боб). Шунингдек, оч қолиш ва яхши овқат емаслик кишиларнинг ахлоқ-одобиға ҳам салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашган: «Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади» («Ясна» 33, 3- боб).

«Авесто»да кўрсатиб ўтилганидек, оилавий ҳушчақ-чақлик ва бахтиёрлик манбаи, «Яхши кун кўриш учун даркор бўлган нарсалар мўл-кўлчиликдадир» («Ясна», 30).

Умуман, зардуштийлик дини ахлоқий таълимотида оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутди. Бу ўринда «Авесто» тадқиқотчиси Х. Ҳомидовнинг фикрини келтириб ўтиш жоиз: «Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солишиб калтаклашган. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила кўриши қатъий ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2—3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади».

«Авесто»да умумий гигиена масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Масалан, «Вендидат»нинг 3-, 9-, 10-, 16-, 17- бобларида кишилар руҳий поклиги билан бир қаторда тана поклитига риоя этиш зарурлиги баён қилинади. Ва, «поклик кишининг буюк бахт-саодатидир», деб ҳулоса ясалади.

«Ҳар бир зардушт,— деб ёзади таниқли олима Фозила Сулаймонова,— кўпинча беш марта ювиниб, покланиб, қуёшни олқишлаб сифиниши шарт бўлган. Бу анъана исломга зардуштийликдан ўтган. Зардуштийлар табиатни, ер, сув, дарахт, ўсимлик, жониворларни эъзоз-

лаши, ерни ишлатиб, суғориб, боғ-роғ, экинзор қилиши, чорвани, айниқса, йилқичиликни йўлга қўйиши, сувни муқаддас тутиши шарт эди. Бу таълимотга Марказий Оснё, айниқса, ўзбек ва тожик халқлари ҳозиргача амал қилиб келишади». Табиийки, «Авесто»да мамлакат ободончилиги масалаларига, яъни аҳолини тоза сув билан таъминлаш, озиқ-овқатни мўл қилиш, боғларга мевали дарахтлар экиш, деҳқончилик қилишга эътибор бериш зарурлиги кўрсатилади: «... ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Қаровсиз ер, гўё турмуш қурмаган қиздай. Ерга ўғит ташлаган ва экин эккан деҳқон эса аёлни фарзандли қила олган эркакдай. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган ғизо тополмайдиган ер энг ёмон заминдир». «Авесто»да ер, сув ва ҳаво муқаддас, деб эълон қилиниб, муҳитни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахсларни 400 қамчи уриш жазосига маҳкум этиш уқтирилган.

Шундай қилиб, зардуштийлик таълимоти ўша даврдаги кишиларга «инсон бутун умри давомида сув, ер, олов, ҳаво, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир», деб таълим беради. Бу таълимот мазмунидан эса, инсон ўзи ўсиб-улғайган заминни, ватанни севса, атроф муҳитни тоза сақлашни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб тушунмоғи керак, деган хулоса чиқади. «Авесто»да ана шундагина «ҳар бир инсон ўзи ўсиб улғайган мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб ҳисоблайди», дейилади.

Зардуштийлик дини маърифий-ахлоқий таълимоти одамларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини маълум бир тизимга солди. У жамоанинг тақдири, хусусан, ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишда ёрдам қилди, кишиларни ёмон ниятлардан қайтарди. Ибодат доимо меҳнат билан уйғунлашгандагина инсон фаровон яшаши ва ёш авлод эса соғлом, баркамол бўлиши мумкинлиги ғояси илгари сурилди. Яхши ният, яхши фикр, яхши амал ёшлар ҳаётининг мазмунини ташкил этмоғи зарурлиги уқтирилди. Ана шу умуминсоний қадриятлар мажмуаси даражасидаги ғоялар ўша замон бобокалонларимиз мафқурасининг асосини ташкил этарди.

Уша замон дунёқарашининг мафқураси ҳисобланган зардуштийлик дини ахлоқий таълимотида илгари сурилган эзгулик ва яхшилик, жаҳолат ва ёмонлик, таъ-

лим ва тарбия тўғрисидаги ғоялар эса ўзининг ғоявий-ахлоқий ва маърифий-педагогик таъсир кучига эга эди. Чунки яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш фақат ўша қадимги даврларга хос бўлибгина қолмасдан, ҳатто ҳозирги кундаги ҳаётимизга ҳам тегишлидир. Ҳозирги кунда ҳам яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш тўхтаган эмас. Инсон ҳаётини, унинг бахтиёрлигини ёки бахтсизлигини ана шу курашнинг натижаси белгилаб беради. Мана шунинг учун ҳам «Авесто»даги маърифий-педагогик ғояларни ўрганиш ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

3-§. Хоразм халқ педагогикасида таълим-тарбиянинг анъанавий шакллари

Узоқ ва бой тарихга эга бўлган Хоразм заминида яшаган ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг аجدодлари ўзининг тарбияпуносликка оид қарашларини, анъанавий тарбия тизимини ва услубларини ҳайратомуз топишмоқ, мақол, матал, эртак, достон ва қўшиқларида ифода этиб, такомиллаштириб, инсониятнинг юзлаб авлодларини инсонпарварлик, илмпарварлик, саҳоватлилик, меҳнатсеварлик, мардлик ва ватанпарварлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келганлар. Бинобарин, узоқ тарихий даврлар давомида шаклланган кўп қиррали маданиятимиз пойдевори ва халқ педагогикаси асосларини ташкил этган Хоразм халқ оғзаки ижоди билан ўнлаб олиму фузалолар ижоди муштарақдир. Олиму фузалолар бевосита ёки билвосита халқ оғзаки ижодидан фойдаланишган. Шунга кўра улар биринчи навбатда, халқимизнинг урф-одатлари ва маданият тарихини ўрганишда бошқа манбалар қаторида халқ оғзаки ижоди материалларига мурожаат қиладилар. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини яратишда халқ оғзаки ижоди материалларига суяниб, ўтмиш авлодлар тарихини ёзганлигини алоҳида таъкидлайди.

Қадимшунос олим С. П. Толстов хоразмликларнинг ранг-баранг афсоналари, фаройиб ривоятлари, эртак ва достонларини тўплаб, тарихий ёдгорликларни тадқиқ этишда қиёсий манба сифатида ўрганди. Олим ёзиб олган афсоналар ва ривоятлар халқимизнинг бадий тафаккури мўъжизаси сифатида нечоғлик қадрли бўлса, улардаги ҳақиқат учқунлари, зукколик, Хоразмда

мавжуд бўлган анъанавий халқ тарбияшунослиги тарихини ўрганиш учун ҳам шунчалик қимматлидир. Академик Я. Ғ. Ғуломовнинг зўр мамнуният билан қайд қилишича, Хоразмда суғориш тарихини ўрганишда халқ оғзаки ижоди материаллари унга қўшимча манба сифатида хизмат қилган.

Биз ҳам устозлар анъанасини давом эттириб, халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадрияти, тирик хотираси бўлмиш халқ оғзаки ижоди материалларини таҳлил этиш орқали Хоразм заминида асрлар давомида яратилган, такомиллаштирилган тарбия воситаларини маълум бир тизимга солишни ва унинг маърифий-педагогик аҳамиятини кўрсатиб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Инсон дунёга келибдики, фарзандли бўлиш, ўз фарзандини ботир, кучли, билимдон қилиб тарбиялашни орзу-ҳавас қилган. Масалан, «Олмос ботир» эртагида фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлиш энг юксак инсоний орзу-ҳавас эканлиги, у кишига катта умид, бахтсаодат, қувонч ва чуқур ички маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаши баён этилади: «Қадим замонларда бир чол билан кампир бор экан. Чол олтмиш ёшга кирибди, кампир эллик ёшга кирибди, лекин болалари бўлмабди. Кунлардан бир кун кампир ҳомиладор бўлиб, ой-куни яқинлашиб ажойиб бир ўғил туғибди. Бу бувакнинг оғирлиги бир ботмон, бўйи икки газ эмиш. Эртаси куни чол билан кампир суюна-суюна болани мулланинг олдига олиб борибдилар. Мулла: «Олма олиб келибсиз, ўғлингизнинг оти Олмос ботир бўлсин»,— дебди. Шундай қилиб, болани ҳар куни мулланинг олдига саломга олиб келаверибдилар. Бу бола кунда бир яшабди, ақлли, доно йигит бўлибди. От чопишда, қилич уришда ўз юртида Олмос ботирга бас келадиган одам қолмабди. Кунлардан бир кун Олмос ботирнинг довуғи подшонинг қулоғига етибди. Подшо уни саройга чақиртирибди. Чол билан кампир ноилож Олмос ботирни етаклаб, подшонинг саройига боришибди. Подшо Олмос ботирни ўз ёнида олиб қолибди.

Кунлар, ойлар ўтибди, Олмос ботирнинг довуғи ҳамма ёққа тарқалибди. Олмос ботир кўп ёвларни кирибди, эл-юрти тинч, фаровонликда яшай берибди. Подшо хурсанд бўлиб, уни бош вазир қилиб тайинлабди. Тўй қилиб, Олмос ботирга ўз қизини берибди».

Шунингдек, «Олтин бешик» эртагида эса: «...Қара-

салар подшонинг кичик хотини икки ёнида икки бешик-
да Хасан-Хусан ўғилларини терватиб — аллалаб ўти-
рибди эмиш. Подшо хотинини кўриб, жуда суюниб ке-
тибди, қучоқлаб ўпибди, болаларни суюбди», — дейи-
лади.

Дарвоқе, бола кўриш, ўстириш бахтига муяссар бўл-
ган оналарнинг қай даражада бўлмасин боласини йўр-
гаклаганда «алла» айтмаганлигини тасаввур қилиш
мумкин эмас. Қомусий олим Абу Али ибн Сино она ал-
ласининг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Бола-
нинг талабини қондирмоқ учун унга икки нарсани қўл-
ламоқ керак. Биринчи — болани секин-секин тебратиш,
иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган муси-
қа — аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига
қараб болаларнинг танаси билан бадантарбиясига ва
руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилина-
ди» — дейди. Хоразмда боланинг феъл-атвори, баднафс
ёки бераҳм бўлиши, инсофли ёки диёнатли бўлиши уни
туғдиришга ёрдамлашган энага (дояга) ва онанинг
сеҳрли ҳамда меҳрли алласига боғлиқ, деган нақл бор-
лиги бежиз эмас. Бу нақл замирида дояларни ва она-
ларни эл-юрт ичидаги обрў-эътибори болалар камоло-
тига улкан таъсир этишига ишора қилинади. Хусусан,
Хоразмда қадимдан чақалоқ туғилганининг бешинчи
куни бавак-бавак, яъни гўдак маросими ўтказиш урф-
одат тусига кирган. Бунда қариндош-қўшни хотинлар
йиғилишиб, еб-ичишиб овқатга фотиҳа ўқишгач, чақа-
лоқ келтирилади, уни бир уй аёллар навбатма-навбат
қўлга олиб, «бавак-бавак» айтишади. Ёши улуг, ували-
жували аёл янги меҳмон шаънига илиқ, муборак байт-
лар айтишини бошлаб беради:

Бавак-бавак жони бавак,
Отасининг хони бавак,
Онасининг жони бавак
Худони ёрони бавак.

Иккинчи аёл чақалоқни тавоф қилиб, эҳтиёткорлик
билан қўлга оларкан, унинг узоқ умр кўришини, боши
тошдан бўлишини тилаб, айтишувни давом эттиради.

Бешдан ўтдинг, тошдан ўтдинг,
Пайғамбар ёшига етдинг.
Бак-бавак, дур бавак¹ жон бавак.

¹ Бак, дур — сўзлари эса бу дунёда кўп вақт умр, узоқ умр
кўр маъносини англатади (С. Ҳ.)

Бавакнинг қутлуғ қадам келиши, ота-онасининг ишлари юришиб мартабаси улуғ, ризқ-рўзи мўл-жўл бўлиши ҳақидаги эзгу тилаклари мужассамлашган байтларни учинчи аёл овоз чиқариб айтади. Бу билан гўё йиғилганларга ҳам яхши кунлар ёр бўлиши тиланади ва фарзанд эса кишининг ёлғизликда овунчоғи, қариганда таянчи, эртанги куни, дунёда ёқиб қолдирган чироғи эканлиги аниқ, бир хил майин ва чўзиқ оҳангда айтилади:

Бедовланган отлар мингай,
Бу бавакнинг отаси.
Говмишланган сигир соққай,
Бу бавакнинг онаси...

Шу тариқа иссиқ-иссиқ меҳрлар самимий сўзлар орқали чақалтоққа ўтар, гўё у шу ерда ўтирган аёлларнинг ўз боласидай севимли, азиз бўларди. Бола улғайгач, онаси: шу холанг сенга дим жуда хушрўй бавак-бавак айтган, ўғиллари билан жўра, қизлари билан опа-ука бўлиб юр, яхшими, дея ёш қалбга меҳр-муҳаббат ва қариндошлик куртакларини сочади. Бола ҳам уларнинг ҳар бирининг ўт-сувига қарашар, ўз навбатида аёллар боланинг хуш қилиқларини алқаб, чакки қадамига дакки бериб тўғри йўлга солишади. Улар учун «Бегонанинг боласи билан на ишим бор» тушунчаси йўқ эди. «Бир қизга қирқ уйдан тиғ», деган халқимиз яратган мақол шулардан қолган.

Хоразмда халқ орасида бешик қўшиқлари ҳам машҳур бўлган. Илк фарзанд туғилганда, қизнинг ота-онаси яқинлари етовида бахмал-атласлар билан безатилган бешиклар келтиришган. Бешиклар Хоразмда асосан яхши қайишувчан пишиқ-пухта тут ёғочдан ҳарротлар томонидан тайёрланган. Дуваки (тувак)ни кулоллар, сумакни дурадгор-йўниқчилар яшашган. Болани дунё билан ошно қилиш, теварак-атрофга қизиқтириш, фикрлаш, ўйлашга ўргата бориш мақсадида учар қушнинг улгуси (нухаси)ни солишга қодир моҳир наққошлар бешикни қуёш, ой, юлдузлар, турфа гуллар билан безашган. Битта бешикка бола камолотини ўйлаб, шунча хунарманд меҳнати синггани бежиз эмас, албатта.

Энг аввало, бешик ичига шолининг қовуқ пўсти тикиб тикилган катта-кичик икки тўшакча қўйилган. Сўн асл матодан қўлбоғ қилинган. Ўртий-ёпинчоқлари ҳам бахмал ва атласдан тикилган. Бола бешикда тағи ҳўл бўлмасдан, безовталанмасдан, оёқ-қўллари тўғри ўси-

шига мослашган ҳолда ётқизишиб, маҳкам танғилади. Илк бор бешикка белаш ҳуқуқи серфарзанд, покиза, от-обрули аёлга тегади. У болани бешикка белаётганида ўнг қўли билан қовуғли тўшакчани текислаб, кейин болани ётқизаётиб шундай сўзларни айтади:

— Эгалари кирсин, бобовлари чиқсин!

Болани бешикдан ечиб олаётганда эса:

— Уйқуси бешикда қолсин!— дейди. Шунда ёш она— келин бешикка тўғри белаш, ундан олиш қондаларини ўрганиб ўтиради. Қайнона, қайноталари эса ёш онага халқимиз томонидан азалий айтиб келинган аллаларни ўргатишади:

Аллалар айтсам ўзингга,
Уйқулар келгай кўзингга.
Сан-сан мани жоним-а.
Жона гаракли дармоним-а.
Дармон бергай дармонсиз-а,
Умр-кун бергай қайғу-ғамсиз-а,
Қайғуда куйсанг нетайин-а,
Сенсиз қаёна гетайин-а,
Булбуллар сайрар боғларда,
Кийиклар ўйнар тоғларда,
Бу тоғлардан тоғ бўлмас,
Сувсиз чўлларда боғ бўлмас.
Қора кўзимнинг қароғисан-а,
Қоронғу уйим чароғисан-а,
Жоним айлангай жонингдан-а,
Гетасим галмас ёнингдан-а¹

Демак, она сутини тўйиб-тўйиб эмиб, сеҳрли ва меҳрли бешик алласи оғушида тиниқиб ширин уйқуга кетган бола худди эртақ ва дostonлардаги паҳлавонлардай кунма-кун тўлишиб, ўсиб, улғайиб боради. Она боланинг бешигини тебратиш жараёнида, унинг оналик ғурури жуш уриб, қалб тўридан фақат болани ардоқлаган, эркалаган, асабларини томшатган ва ниҳоят кўзларини уйқуга бошлаган майин куй туғилади, кейин унга сўз пайванд қилинади. Шу тариқа онанинг муқаддас орзулари боқий алла орқали фарзанд қалбига етиб боради.

Етақуй, хуйё, хуй, жоним-ей, олло,
Орримагай кўзим, ҳеч ёнинг-ей, олло.

Орриганда бир ёнинг-ей,
Э-э ўртанади-ку, мани жоним-ей, олло.

¹ Қаранг: Отаева Уллибиби. Илдиизингдан айро тушма. «Халқ сўзи» рўзномаси, 1991 йил, 29 август.

Қизил гул экиб хирмон этсак-ей, олло
Эй, эрка болам, санга тўйлар этсак-ай, олло.

Тўйинг тўйлара улашқай-ай,
Эй, давлат бошингда, кўзим, ўрнашқай-ей, олло.

Оллолар айтсам оғзимнан-ай, олло
Эй булбуллар сайрар ёзимнан-ай, олло.
Ҳеч бандасин айирмағай-ай,
Эй, эркагина кўзисин-ай, олло,
Олло, олло, ойншқинам-ай, олло,
Эй оллоға етқай нолишқинам-ай, олло.
Нолиш этаман ман оллоға-ай, олло,
Эй, ёлвораман бир худоға-ай, олло.
Хуйдин, хуйдин, хуйланди-ей, олло,
Эй сувда балиқлар лойланди-ей, олло.
Балиқмикан деб қарасам ман-ай,
Эй, илон бўлиб тўлғанди-ей, олло,
Қизил гул экиб хирмон этсам-ай, олло,
Эй сани жонимда дармон этсам-ай, олло.
Беринглар дармон дурусиз-ай,
Умр кун бергай, кўзим сан қайғусиз-ай олло¹.

Ҳа, уйимиз фарзандсиз ва бешиксиз бўлмасин, дунё-га келган ҳар бир зурриётимиз қулоғи Азон билан очил-гач, дили эса Олло (Алла) ила нурафшон бўлиб бор-син. Халқимиз боланинг соғлом бўлишини истаб, уни кўз тегишдан асраш учун бош кийимига ҳар донаси ет-ти тешик етти кўзли кўзмунчоқ илиштирик (меvasи тилосга ўхшаш, лекин қаттиқ пўстли дарахт) нинг ёғочи-дан матога тугиб тикилган қора зира, кумуш тангалар осиб қўйишган. Болали уй дарвозаси олдига ёки ҳов-лига одам кўзи катталигида кўплаб кўз шакли ўйил-ган оппоқ қоғоз осиб қўйилар, гўё кўз тегиши қайтари-лади. Йиқилиб шалпайиб қолган болаларнинг бошига тухум сариғи суртилган, охорли қозоқи оқ сурп рўмол-ни қаттиқ қисиб танғиб қўйишган, елкаларига эса ша-патилаб сув сепиб «Эй жин, эс-ҳушингни йўқот!» дея исирик тутатиб, бало-офатни даф қилиш йўсинлари бўлган. Бу муолажалардан бола ўзини анча енгил тор-тиб, ширин уйқуга кетиб ором олган...

Боланинг камолотида алладан кейинги тарбия во-ситаси овутмачоқдир. Овутмачоқнинг алладан фарқи шуки, алла чақалоқни тинчлантиришга, ухлатишга ёр-дам берса, овутмачоқлар, аксинча, болани бирон нарса

¹ Қаранг: Жабборова Ҳожарой. Хоразм алласи. «Халқ сўзи» рўномаси, 1991, йил, 5-июль.

билан машғул қидиш, ҳаракатлантириш, унинг фикрини нимагадир сафарбар қилишдек вазифаларни бажаришни ўтайди. Масала, она бешикдан болани ечиб олар экан, ўнг биллагидан ғоз кўтариб: «Ўс-ўс!» дейди, яна чап биллагидан кўтариб: «Ўс-ўс!» дейди. Бу ўринда оғзаки айтилган одатий сўзлар чақалоқни бир қўлида кўтариб туриш меъёрини белгилаб беради. Яна бир ҳаракат бор: Она болани юзи билан ерга ётқизиб қўйиб, чақалоқнинг ўнг қўлини чап оёғига, чап қўлини эса ўнг оёғига теккизади ва шу ҳаракат пайтида «Етими, етими?» деб икки марта айтади.

Болага тиш чиқиши билан боғлиқ иримларда эса халқ оғзидаги ривоятү афсоналар айтилади-да, баъзи одатий анъаналар қилинади: Оналар қозонда буғдой қовуриб, чақалоқнинг устидан сочадилар. «Чақалоқнинг тиши худди буғдойга ўхшаб чиройли чиқсин», дейишади. Тўпланган болаларни буғдой қовурмочи билан меҳмон қилинади. Баъзан бу одатни, яъни буғдой сочилишини «Насибалик бўлсин!», деган маънода тушунтирадилар.

Бола бўйнини тутиб, тиззага ўтирадиган бўлганида боланинг фикрини бир нуқтага тўплашга одатлантирадиган машғулотлар қилинади. Бу иш биринчи навбатда болага ўзининг тана аъзоларини таништиришдан бошланади. Ота боласини тиззасига ўтқизиб олиб, уни кичик, дўмбоқ бармоқчаларини бир чеккадан ушлаб туриб санаб кетади:

— Бош бармоқ, бодом бармоқ (қорамалдоқ) ўрта тарак, ҳожимижик (ҳожимерак), мижиклижик (кичкина бўбак). Ота охирги бармоқнинг номини айтганда «тутади» маъносини англатиш учун оҳангни ўзгартириб, бирданига тўхтади.

Чақалоқ ўз аъзоларини «таний» бошлайди. Ота-она у билан машғулотни давом эттиради: «Буниси—бурниси, буниси нима? Яна ўзи жавоб беради:—«Қулоқиси қулоғи эмас «Буниси—қошлари», «Буниси—кўзлари». Алоҳида-алоҳида қўл тегишиб туриб таъкидланади. Шу йўсинда—сочи, бурни, қўллари, оёқлари санаб чиқилади ва вазифалари ҳам содда қилиб айтиб ўтилади.

Навбатдаги таништиришда оила аъзолари бўлади. Бунда, одатда отадан бошланади: «Отанинг вазифаси ишлаб, бизга нанна (нон) олиб келиш» билан изоҳланади. Она чақалоқнинг қорнини тўйдирувчи, опа уни кўтариб юрувчи, ака ўтин териб келувчи ва шу синга-

риллар. Бола улғайган сари оилада, кишилар орасида, жамиятдаги меҳнат тақсимотини шу тариқа тобора чуқурроқ тушуна бошлайди.

Болаларга айтиладиган овутмачоқлар ичида турмушдаги ва кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳам кўришиб туради. Дейлик, ота боласи гапга тушуна бошлаган пайтда, ҳў, ўша бармоқ санашни яна такрорлайди:— Бош бармоқ айтаркан: «Бозор бораман», бодом бармоқ (қорамалдоқ) айтаркан: «Бирга бораман», ўрта терак айтаркан: «Том тешаман», ҳожи мижик (ҳожитерак) айтаркан: «Худодан қўрқмайсанми?», мижиклижик (кичкина бўбак) айтаркан: «Оламан-да, қочаман».

Шу кичкинагина овутмачоқ сўзларда бир қанча маънолар мавжуд: «биринчидан, ўша даврдаги кишиларнинг дунёқараши, савияси, тирикчилик йўсинлари, жамиятнинг сиёсий тузуми, диний эътиқодлар, мақсад ва интилишлари кўришиб турса, иккинчидан феодал жамиятдаги турмуш қийинчиликлари кўзга ташланади. Учинчидан, кичкинтойлигидан қўрқмаслик, дадиллик ва мардликка чорловчи асослар ўз ифодасини топган»¹.

Ота-оналар болаларига овутмачоқлар айтиб соғлом ўстириш билан бирга, бола тилга кириши биланоқ ахлоқий тарбиянинг алифбоси бўлган саломлашишни ҳам ўргатишган. Чунки, халқимиз ўзининг анъанавий тарбиявий услубларида болалардан ҳар доим катталарга биринчи бўлиб салом беришни талаб қилган. Болаларни уйга киришда, ўзидан катталар билан учрашганда, йўлда кетаётганда ўнг қўлини кўксига қўйган ҳолда «Ассалому алайкум» деб омонлашишга ўргатганлар. Бу халқ тарбияшунослигининг азалий ўлмас сабоғи ҳозирги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Халқимиз болаларнинг маданий хулқ кўникмаларини қарор топтиришда тарбиявий ишнинг энг таъсирчан услуби—ўйин шаклидан жуда ҳам оқилона ва мақсадли фойдаланишган. Хоразмда ўғил болаларни уддабурон, чаққон, топқир қилиб тарбиялайдиган, қизларни эса озода, эпчил, меҳр-шафқатли, уй ишларига киришимли қилиб тарбиялайдиган «Ешлом-ёшлом», «Гизланмажак», «Бекинмачоқ», «Саринчақ», «Халқинчақ», «Чумурдиқочди», «Олма менда», «Оқ теракми, кўк терак?» ва ҳоказо ўйинлар мавжуд бўлган. Масалан, «Оқ теракми,

¹ Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. «Ўқитувчи», Тошкент, 1975, 22—23-бетлар.

кўк терак?» ўйинида оралиғи 10—12 метрли масофада 7—8 нафардан бола саф бўлиб, икки томонда қўл ушлашиб, занжирсимон шаклда туришади. Бир томоннинг болалари бараварига қўшиқ қилиб айтадилар.

- Оқ теракми, кўк терак?
- Биздан сизга ким керак?

Жавоб:

— Оладиган жон керак!

Яна жавоб:

— Ол-е оладиган жонингни!

Нариги томоннинг болаларидан биттаси ўз тўдасидан ажралиб чиқиб, тўғри бирон боланинг қўлига уради. Занжирни узади ёки узолмайди, ё асир олади ёки ўзи асирликда қолади.

— «Чумурди-қочди» ўйинида 4—5 бола қатнашади. Болалар ёп ариқ бўйига келадилар. Шунда кимдир «Чумурди-қочди» ўйнаймиз, деб таклиф қилади. Қоида бўйича сувга ким кечикиб тушса, шу чумурилади—шўнритилади. Уч-тўрт бола кейин тушган болани сув тагига шўнритиб кейин қочиб—сузиб кетадилар. Чумурилган бола бошқаларни қувади. Кимни тутиб олса, энди ўша чумурилади.

«Олма менда» ўйинида эса бир неча бола сувга тушишади. Улардан бири «Олма менда» дея шўнғиб кетади. Кейин гўё олма қалқиётгандек сувдан фақат бошини чиқаради. Қолган болалар уни тутишга ҳаракат қиладилар. «Олма менда» деган бола яна сув остига кириб, қочишда давом этади. Ким олдин ҳалиги боланинг бошига қўл тегизса, олмани шу олган ҳисобланади. У қочади ва болалар уни тутишга уринадилар¹.

Болалик давридаги бундай ҳаракатли ўйинлар боланинг жисмоний кучини ривожлантирибгина қолмасдан, балки қўл, оёқ мускул-пайларини мустаҳкамлайди, бадани серҳаракат қилади, кўзлари яхши кўрадиган бўлади, боланинг диди, фаҳм қилиш, ҳиссий сезиш қобилияти ўсади, ташаббускорлиги ошади.

Ўзбек халқ тарбияшунослигини зукко тадқиқотчиси Зокир Миртурсуновнинг фикрига қараганда болаларни ов қилиш ўйинлари орқали тарбиялашнинг аҳамияти жуда каттадир: «Ешларни овга ўргатишнинг биз учун

¹ Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. «Ўқитувчи», Тошкент 1975. 110—115-бетлар.

қимматли томони шундаки, ов қилишга боғлиқ бўлган бир қатор жисмоний машқ малакалари эгалланади. Яъни, отда чопиш, от устида тик туриш, ётиш, от ёнига оғиш, отда чопа туриб камон ва милтиқдан ўқ ота билиш ва ҳоказо машқ малакаларини эгаллаган бўлиши зарур. Шу билан бирга, ов қушлари — қирғай, қарчиғай, бургут ва ов ити—този итни боқиш, овга ўргатиш ҳамда улардан фойдаланиш йўлларини ўрганиш талаб қилинарди. Ёшларни овга ўргатиш, албатта маълум тажрибага эга бўлган кишилар томонидан олиб борилар эди¹.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди материалларида, яъни эртак ва достонларида воқеа у ёки бу асар қаҳрамонининг чиниқиши билан боғлиқ бўлиб, от чопишда унга ҳеч ким етолмаслиги, қилич уришда, ёй отишда бас келадиган киши йўқлиги, овга чиққанда турли-туман қушлар ва кийик, жайрон, тулки, қуён овлаши баён этилади. Масалан, «Тўрабек хоним билан Султон Санжар» эртагида: «Кўҳна Урганч томонда Одилшоҳ деган подшоҳнинг дунёда биргина қизи бор экан, унинг отини Тўрабек хоним дер эканлар. Бу қиз якка-ю ягона экан, оқилу доно экан. Саройда маслаҳатчи, майдонда ботир жангчи, арғумоққа минганда, миниб бошини қўйганда, ҳеч ким унга етолмас, етиб ўтиб кетолмас экан». Шунингдек, у ўзига совчилар келганда ҳар доим учта шарт қўяр экан: «...ғазал айтганда енгиб чиқса, от чопишда ўзиб кетса, қилич уришда устун чиқса, шу одамга хотин бўламан дер экан»² дейилса, «Болтакай ботир» эртагида эса: «Қадимги замонларда бир Болтакай ботир деган ўтган экан. Унинг Гулжон сулув деган хотини ҳам бор экан. Гулжон сулув Болтакай ботирга тегмасдан илгари кўп йигитлар билан олишиб, енгиб чиққан экан, қилич уришда, от чопишда, ёй отишда унга ёлғиз Болтакай ботир бас кела олган экан. Шунинг учун Гулжон сулув Болтакай ботирга хотин бўлган экан. Шу юртда Болтакай ботир билан Гулжон сулувга бас келадиган киши йўқ экан», қабилда сўз юритилади.

«Хирмондали» достонида довьорак, шаддод қиз Гулихирмон тимсоли марказий ўринни эгаллайди. У забардаст, қўрқмас, бир сўзли, шу билан соз чалиш ва сўзга

¹ Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. «Фан», Тошкент, 1973, 166-бет.

² Хоразм эртаклари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 7-бет.

моҳир баркамол қиз тимсолидир. Асарда таъкидланишича, у курашда 360 йигитни енгиб, ҳалок қилганлиги сабабли қилган ишидан руҳан эзилиб, дали бўлиб қолади, халқ уни дали Хирмон (Хирмондали) деб атай бошлайди. Ҳатто ярғини ерга тегмаган паҳлавон Гўрўғли ҳам унга бас кела олмайди¹.

«Бозиргон» достоннда Ойсултон жасур, паҳлавон, дўстга садоқатли, душманга беаёв бўлган гўзал ва покиза қиз тимсолидир. Достонда Гўрўғлидек паҳлавонларни сескантирган оғаси Бозиргондан ҳам куч-қудрати юксак бўлган аёл сифатида ифода этилади. Гўрўғли билан отда қувишиб найза уриш ва кураш тушиш шартларини бажариб, иккисида ҳам Гўрўғлини енгади. У ҳар бир масалага ақл кўзи билан қарайдиган ифбатли ва олижаноб аёл эди. Ойсултон Чамбилга келгач, Гўрўғли ўз хатосини англаб, унинг чеккан изтиробларига тушуниб етади. Гўрўғли мардлик қилиб мени ўлдиришинг мумкин, деб қиличчини унинг қўлига бериб, бошини эгиб турганда Ойсултон қизикқонлик қилмайди, қон тўкишининг беҳуда эканлигини англаб етади ва оғасининг қотили бўлган бу йигитга нисбатан унда сингиллик меҳри уйғонади. У Гўрўғли билан ака-сингил тутиниб, душманларига қарши биргаликда курашишни асосий мақсад қилиб қўяди.

Шундай қилиб, Гулихирмон ва Ойсултон тимсоллари замирида туркий халқлар ижодида қадимдан куйланиб келаётган мардонавор аёлларнинг душманлар билан кураши, элу юртни адолатли бошқариши воқеалари етади. Бундай ботир, чавандоз, элга адолат билан ҳокимлик қилган аёллар ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» асарида ҳам қайд қилинган. Ҳаттоки, қадимги юнон тарихнавис олимлари Геродот ва Диодор (эрамиздан аввалги I аср) ҳамда Рим ёзувчиси Климент Александровскийнинг (эрамиздан олдинги II аср) ёзишича, қадимги Хоразм давлатини ўраб олган чўлларда, Амударё этаклари ва Орол бўйи ҳудудларида жуда қадим замонлардан массагет ва сак қабилалари хоразмликлар билан иноқ яшаб келар эди. Доимо кўчиб юрувчи массагет ва сак қабилаларининг бутун уйи ҳам, хазинаси, маданий бойлиги ҳам аравага, отга, туяга юкланган эди. Улар табиатнинг бутун инжиқликла-

¹ Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. Тошкент, «Фан», 1985, 46—48-бетлар.

рига чидаши, яйлов излаб юриб қўшни қабилалар ҳужумига дуч келиши турган гап эди.

Бундай қабилаларнинг эрлари ҳам, хотинлари ҳам, болалари ҳам пишиқ, чидамли ва чиниққан бўлиши, жами офат ва кулфатларга мардонавор туриб бериши шарт эди...

Халқимизнинг узоқ ўтмиши тарихидан бизгача етиб келган Тўмарис ва Широқ афсоналари ҳам ана шу сак, массагет қабилалари фарзандларининг ташқи душман—қадимги Эрон подшолари Қир ва Дороларга қарши қаҳрамонона курашлардан бир шингил ҳикоялардир, Массагет ва сак қабилалари ҳамда хоразмликларнинг тарбия тизимини ва анъаналарини тушуниш учун улар тарбиялаб ўстирган фарзандларнинг турмуш тарзи ва характерини аниқлаб олишимиз керак. Етук маънавият ва билим асоси, ўзлик ҳамда миллат туйғусининг шаклланиши — Ватан равнақи учун ягона йўлни англаган ҳолда баҳодир ва жасоратли йигит-қизларни тарбияламоқ шарт эди. Бу қабилалар ва қадимги хоразмликларнинг урф-одатларида қиз бола 14 ёшга етгач, ўзига мустақил саналар, ўз умр йўлдошини ўзи танлар эди. У турмушга чиқадиган йигит эса ҳар томонлама билимдон, жасоратли бўлиши, ўз ҳалолли олдида боши тик, кўкси тоғ бўлмоғи зарурат эди. Бу — Ватан ва халқнинг обрўси, шону шавкати. Шунинг учун ҳам массагет, сак қабилалари ва қадимги хоразмликлар туғилган фарзандини, ўғил ва қиз бўлишидан қатъи назар, ёшлигидан қўрқмас, ботир, адолатпарвар, ўз халқининг мустақиллиги учун жонини ҳам беришга тайёр қилиб тарбиялар эди. Шу боис ҳам «массагет, сак қабилалари ва қадимги хоразмликларнинг аёллари эркаклар билан ёнма-ён туриб ватан озодлиги учун жанг қилардилар... Хотин-қизлар ёлғондан чекинаётганга ўхшаб эркаклардек орқага бурилиб, отдан туриб мўлжалга аниқ ўқ узар эдилар»¹.

Халқ педагогикасида фарзандни жисмонан бақувват, паҳлавон, жасоратли қилиб тарбиялаш билан бирга, уларни ақлан баркамол ва билимли қилишга ҳам катта эътибор берилган. Чунки, киши ўз фаолиятининг ақлга қай даражада мувофиқлиги ёки хилофлигига қараб, жамиятга, атрофдаги кишиларга ижобий ёки салбий

¹ Толстов С. П. По следам древнехорезмской цивилизации. Москва—Ленинград, 1948, 23—24-бетлар.

таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун халқ донолигида таълим-тарбиянинг ўғит, насиҳат, намуна бўлиш, меҳнатга чиниқтириш сингари усул ва воситаларидан унумли фойдаланганлар. Масалан, «Бойнинг ўғли» эртагида ҳикоя қилинишича, қадим замонда бойнинг биттаю битта ўғли бўлиб, у ақлсизлик қилиб, ёшликдан кайф-сафога берилиб кетади. Бой боласини ёшликдан эркалатади, катта бўлгандан сўнг уни эплаб ололмайди. Отаси вафотидан кейин ҳам у маишатга берилади. Ҳеч вақоси қолмайди. Жўралари ундан юз ўгиришади. Йигит аламга чидай олмай: «Бундай бўлиб юргангидан кўра, ўлганим яхшироқ» дебди-да, отаси ясаб берган рапчанинг халқасига ип боғлаб, ўзини осибди. Бироқ ҳалиги рапча ўпирилиб кетиб, йигит ерга юмалабди. Устидан олтин-кумуш сочилиб кетибди. Қалласини ишлатиб қараса, отаси бу рапчанинг ичига олтин-кумуш тўлдириб қўйган экан. Шундан кейин унинг турмуши яхшиланиб кетибди. Жўралари яна ширага қўнган пашшадай тўпланиб келаверибдилар. Йигит уларнинг бари-ни ҳайдаб солибди. Кейин у ҳунар ўрганибди, бола-чақа қилиб, мурод-мақсадига етибди.

Кўлда молинг борида, бегоналардин ёр кўп,
Давлатинг кетса агар, дилдор йўқ, озор кўп,

деган эканлар ақлли одамлар»¹.

«Мулла билан кўса» эртагида эса бундай дейилади: «Подшо ўғил кўрибди. Бола кўнгли тусаган нарсани қилиб, ақлсиз бўлиб ўсаверибди. Бола еттига кирганда, подшоҳ: «Буни ўқитиб саводли қилиш керак» деб болани муллага берибди. Бола мулланинг айтганларини қилмас экан, муллани масхара қилар экан. Мулла болани уришиб сўкай деса, подшоҳдан қўрқар экан. Шундай қилиб, бир йил ўтибди. Бола алифни ҳам ўрганмабди. Подшоҳ бир йилгача ўғли қандай ўқиётганлигини ҳам сўрамабди. Бир йил ўтгандан кейин подшоҳ: «ўғлим ўқиш-ёзишни ўргангандир», деб мулла билан ўғлини олдига чақирибди. Юртнинг катталари ҳам саройга йиғилибди. Подшоҳ: «Қани, ўғлим, бизга бир ўқиб бергин», деб қўлига китоб берибди. Уғли индамай хатга қараб ўтираверибди. Кейин подшоҳ сўрабди: «Ахир, ўғлим, бир йил ичида сен нимани ўқидинг?»— дебди. Бо-

¹ Хоразм эртаклари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 118—120-бетлар.

ла чўнтагидан тўртта ошиқ олиб ўйнаб ўтираверибди.

Подшоҳ ғазабланиб «Сен, нодон мулла, нега ўғлимни ўқитмадинг?»—дебди. Мулла қизариб: «Подшоҳим, сиз боламни ўқит, урма-сўкма, хафа қилма, дедингиз. Болангиз сира сўзимга кирмади, уришай, қаттиқ ушлай десам, сиздан қўрқдим»—дебди. Подшоҳ муллага қаҳр қилиб, уни зиндонга солишни буюрибди.

Подшоҳ вазирларини чақириб: «Менинг ўғлимни ўқитадиган одам топинглар»,—дебди. Вазирлар ҳеч кимни бу ишга кўндиролмадилар.

Бир куни подшоҳнинг саройига бир кўса билан бир мулла уришиб келибди. «Нима гап ўзи» деб сўрабди подшоҳ. Мулла: «Бу кофир, подшоҳнинг боласи—хўкизга ўхшаган, одам қилолмайсан»—дейди. Мен: «Мулла қила оламан»—дедим. У: «Йўқ» деди.—Уни мулла қилгандан кўра, эшакни мулла қилган осонроқ»—деб айтади бу муттаҳам,—дебди мулла.

Шунда подшоҳ ғазаб қилиб: «Сен менинг ўғлим ҳақида нега бундай гапларни айтасан?»—дебди. «Ишонмасангиз синаб кўринг, подшоҳим», дебди кўса. Подшоҳ айтибди: «Яхши, мен ўғлимни мана бу муллага шогирд қилиб бераман, сенга бир ёмон эшак бераман. Қани кўрамиз, қандай қилиб сен эшакни мулла қилар экансан. Агар бир йилдан кейин эшакни мулла қилиб бермасанг, терингни шилдириб, ўзингни дорга остираман!»—дебди. Кейин ўғлини ҳалиги муллага топшириб, кўп инъомлар берибди. Кўсанинг қўлига бир йиллик ем-хашак билан бир эшакни тутқазибди.

Кўса эшакни уйига олиб борибди. Бир китоб келтириб, варақлари орасига кепак сепиб қўйибди. Аввал кўсанинг ўзи китобни варақлаб кепакни эшакка ялатибди. Беш-олти марта шундай қилган экан, эшакнинг ўзи китобни бошдан оёқ варақлаб, кепакни ялаб чиқадиган бўлибди.

Бир йил ўтгандан кейин подшоҳ мулла билан ўғлини, кўса билан эшакни олдириб келибди. Аввал боласининг олдига китоб қўйиб, «Ўқи!» деган экан, бола яна ўқий олмабди. Китобни эшакнинг олдига қўйган эканлар, эшак китобнинг қоғозларини тили билан варақлаб, кепак топмагандан кейин, ханграйверибди. Подшоҳ кўсадан: «Бу эшагинг нима деяётир?»—деб сўрабди. «Яна бошқа китобингиз бўлса, опкелаверинг, ўқийман—деяётир»,—дебди.

Кейин подшоҳ мамнун бўлиб, кўсага инъомлар бе-

рибди: «Сен менинг ўғлимни ҳам саводини чиқариб бер, дебди». Шунда кўса: «Менга яна ўнта эшакни берсангиз ҳам саводини чиқариб берай, лекин бу ўғлингизни менга берманг, жон подшоҳим!»— деб чиқиб кетибди¹.

«Ақлли бола» эртагига диққат қилайлик: «Бир мақтанчоқ подшоҳ бор экан. Бу подшоҳ «Юртда мендан бошқа ақлли одам йўқ»— деб юрар экан. Бир кун подшоҳ овга чиқибди. Тушгача юриб ҳеч ови юрмабди. Кейин бир болани учратибди. Подшоҳ болага қараб:

— Ҳой бола, бизни меҳмон қилмайсанми?— дебди.

Бола:

— Жоним билан ёшулли, дебди. Шунда подшоҳ:

— Бизларни нима сўйиб меҳмон қиласан?— деб сўрабди.

Бола:

— Топсак, бирни, топмасак иккени сўямиз,— деб жавоб берибди.

Подшоҳ боланинг жавобидан ҳайрон қолибди. Кейин вазирларига:

— Бу боланинг гапида бир хосият бор, буни бир си-наб кўрамиз,—дебди.

Подшоҳ одамлари билан боланинг уйига борибди. Бола подшоҳни, унинг одамларини яхшилаб меҳмон қилибди. Подшоҳ боладан:

— Бола, сен нечта қўй сўйдинг?— деб сўрабди. Шунда бола:

— Бирини топмадик, шунинг учун иккени сўйдик,— деб жавоб қайтарибди.

Подшоҳ яна таажжубланиб:

— Бирини топмасанг, иккени қаердан топиб сўясан?— дебди.

— Бизнинг бир бўғоз совлиғимиз бор эди. Бошқа бир қўй тополмай, шу бўғоз қўйни сўйдик. Ўзини сўйгандан кейин, боласи ҳам ўлди. Ана, иккени сўйдик, деганнинг маъноси шу,— дебди ҳалиги бола. Подшоҳ буни эшитиб, боланинг ақлига ҳайрон қолибди. Кейин уни саройга олиб кетибди. Бу бола ўқиб, доно бўлибди, кейин подшоҳ уни ўзига бош вазир қилиб олибди»².

Халқ оғзаки ижодида болаларнинг гўзал инсоний фазилатларини тарбиялашда тўғрилиқ, ҳақиқатгўйлик,

¹ Хоразм эртақлари. Ўздавнашр. Тошкент, 1961, 148—186-бетлар.

² Хоразм эртақлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 160-бет.

адолатпарварлик, ҳалоллик ва ростгўйлик ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, «Тўғрилиқ—бойлик» эртагида тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик каби олижаноб хислатлар улуғланади: «Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. Кунлардан бир кун ўша азамат бир айвон солдирмоқчи бўлибди. Айвон жуда баланд қилиб солингани учун унга ҳеч қаердан ўра (устун — С. Ҳ.) топа олмабдилар. Подшоҳ ноилож бўлиб: «Қимда-ким менинг айвонимга боп келадиган ёғоч топиб берса, шу ёғочнинг оғирлигича олтин бераман»— деб юртга жар чақиртирибди.

Кунлардан бир кун: «Фалон қишлоқда фалон момонинг ҳовлисида сизнинг айвонингизга мос келадиган қорамон бор экан»— деган хабар келибди. Подшоҳ дарров одамларини юборибди. Ёғочни олишнинг ҳеч иложи бўлмагандан кейин подшоҳнинг ўзи отланиб, момо турган қишлоққа борибди. Подшоҳ момога: «Шу ёғоч оғирлигича олтин бераман»— дебди. Момо ахийри кўнибди... Усталар уни нақшли этиб ўйиб, унга зарҳал берибдилар. Шу билан подшоҳнинг айвони битибди.

Бир қанча вақтлар ўтгандан кейин момо ўз қорамонини кўрмоқ учун подшоҳнинг саройига борибди. Қараса, устун кўз қамаштириб ҳар хил ранглар билан товланиб турган эмиш. Момо ўз қорамонини кўриб, кўзига ёш олибди: «Ана, ўзинг тўғри бўлганинг увун ҳам зарга чулғанибсан, мени ҳам зарга чулғадинг» дебди-да, уйига қайтибди»¹.

«Юсуф ва Аҳмад» дostonининг бош қаҳрамони Юсуф—ҳақиқатгўй, адолатпарвар, баркамол инсон тимсоли. У ҳар бир ишни бажаришда ақл-заковат билан иш тутиб, халқ фикрига таянади, эл-юрт маслаҳати унга раҳнамо. «Маслаҳат битқарур кори дунёни» дея англаган Юсуф ўз халқига қарата шундай дейди:

Маслаҳат бер, мунда турган халойиқ...
Улуғ подшомиздан инъом келибди.
Овозамиз юртга маълум бўлибди,
Бекларим, маслаҳат қандай бўлади?
Эслиларинг, эл оғаси, келинлар,
Юсуфман Аҳмадга беринг маслаҳат,
Қариндош маслаҳат қандай бўлади?

Мана, Юсуфнинг эътиқоди, ақл-заковати, яшаш ва кураш тутуми. Эл-юртнинг талаб ва истаклари, масла-

¹ Хоразм эртаклари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 157—158-бетлар.

ҳатлари билан иш юритиш учун бурч ва қонун. Юсуфнинг фикрича, халқнинг хоҳиш-иродасига суяниб иш тутиш аҳиллик ва тотувликнинг, тўлиқ ва фаровонликнинг муҳим мезони¹.

Демак, юқоридаги эртақ ва дostonларда тўғрилиқ, адолатпарварлик, ростгўйлик, аҳиллик, ҳалоллик фазилатлари, эгрилик, алдамчилик, нопокликка қарши қўйилади. Эртақ ва дostonларнинг сўнгида эса, ҳалоллик, тўғрилиқ енгиб чиқади. Масалан, «Деҳқон билан кўсалар» эртагида шу манзарани кўриш мумкин: «Қадим замонда бир деҳқон бўлар экан. Бу деҳқоннинг бир ўғли бор экан. Кунлардан бир кун деҳқон ўғлига: «Ўғлим, мана шу сигирни бозорга обориб сотиб кел»,—дебди. Бола сигирни етаклаб йўлга тушибди. Йўлда бораётган экан, олдидан бир киши чиқибди. «Бола бу эчкини қанчага сотасан?»—деб сўрабди. Бола: «Бу эчки эмас, сигир-ку!»—деб ўтиб кетаверибди. Бораверса, яна бир киши учраб: «Бу эчкини қанчага берасан?»—деб сўрабди. Бола ҳайрон бўлиб, индамай кетаверибди. Йўлда яна бир киши худди шу саволни қайтарибди. Бола ажабланиб ўйланибди: «Илоё, отам қурмағай, нега менга сигир деб эчкини тутқазган экан? Ахир, уч одам сўради, учаласи ҳам эчкини қанчага берасан?»—деди, ростанам эчки бўлса керак, деб сигирни эчкининг баҳосига сотиб кетаверибди.

Бола уйга келиб отасига: «Отажон, менга сотиб кел деганингиз сигир эмас, эчки экан, бир эмас уч киши «Эчкини нимага берасан?»—деб сўради. Мен, охир, бир эчкини пулига сотиб келдим,—дебди. Отаси: «Ҳа болам, сени алдоқчи кўсалар қўлга туширибди. Майли қараб турсин, уларни боплаймиз»—дебди.

Кунлардан бир кун деҳқон ҳалиги кўсаларни меҳмонга чақирибди-да, ўзи қўш қўшгани далага чиқиб кетибди. Алдоқчи кўсалар деҳқоннинг уйига келсалар, уй эгаси йўқ. Учала кўса деҳқоннинг олдига борибди. Деҳқон дарров ҳуржунидан бир қуённи олиб: «Бор беканга айт, меҳмонлар келибдилар, овқат пиширсин деб айтди де», деб қуённи йўлга тушириб юборгандай бўлибди. Кейин деҳқон кўсаларни бошлаб, уйга келса, овқат тайёр. Улар ҳайрон бўлишибди.

...Савдолашиб-савдолашиб, охир кўсалар қуённи бир сигирнинг пулига олиб кетибдилар. Даладан қўйиб юбо-

¹ Жуманиёзов Р. Донг қозонган дoston. «Гулистон» ойнамаси. 1990 йил, 8-сон.

рилган қуён аллақачон қочиб кетган экан, уйдагиси бошқа қуён экан. Кўсалар қуённи қўйиб юбориб, уйларига келсалар, хотинлари овқат қилмай, бекор ўтиришибди. Улар: «Нега овқат пиширмадинглар, биз қуёндан айтиб юборган эдик-ку?»— дебдилар. Хотинлардан бири: «Сизлар жинни бўлмасангизлар, бир қуённи сизнинг пулига оласизларми?»— деб қойибди. Шунда кўсалар деҳқоннинг панд берганлигини тушунибдилар-да, учаласи ҳам деҳқоннинг уйига борибди. Деҳқон уларни яхши қарши олибди. Улар: «Сен бизни алдабсан»,— деб даъво қилибдилар. Деҳқон: «Олло, билло, қуёним кароматли қуён эди, мен сизни ҳозир ишонтираман дебди-да, овқат қил деб буюрибди. Хотини «қилмайман!»— деб туриб олибди. Деҳқон хотинининг бўйнига пичоқ урган бўлибди. Бўйнидан қон шариллаб оқиб, хотин ўзини ўлганга солибди. Хотинининг бўйнига қон қуйилган ичак боғланган экан. Пичоқ тегиши билан ичак ёрилиб, қон оқа бошлаган экан. Кейин деҳқон сандиқнинг устига ўтириб олиб, бир сурнайни чалаверибди. Бир вақт қарасалар, сурнайнинг овозини эшитиб, хотин тирилиб ўрнидан турибди.. Шунда ҳам овқатни пиширмабди. «Ана кўрдингизми,— дебди деҳқон,— мен бунга фақат қуён орқали иш буюрар эдим. Дарров қуёнимни олиб келиб, пулингизни олиб кетинг!»— дебди.

Энди кўсалар сурнайга ёпишибдилар. Савдолашиб, сурнайни ҳам бир сизирнинг пулига сотиб олибдилар. Кўсалардан бири уйига бориб, хотини билан уруш чиқарибди. Кейин кўса хотинининг бўйнига пичоқ урибди. Хотини бечора қонга бўялибди-да, ағдарилиб тушибди. Кўса: «Қани сурнайнинг кароматини кўрайлик-чи», деб сандиқ устига чиқиб сурнайни чалаверибди. Эрталабгача чалса ҳам хотини тирилмабди.

Шундай қилиб, одамларни алдаб кун кўриб юрган кўсалар жазоларини тортиб, қилган ишларига пушаймон қилиб, тавба қилибдилар»¹.

Халқ оғзаки ижодида камтарлик ва мақтанчоқлик, сахийлик ва хасислик, яхшилик ва ёмонлик, мардлик ва номардликни баён қилувчи мақоллар, эртақлар, достонлар, қўшиқлар яратилганки, улар ҳозир ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан, «Қилдирни»²

¹ Хоразм эртақлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 125—127-бетлар.

² Қилдир — қамиш ўсимлигининг барги.

бўшатсанг, қўлингни кесар», «Ёмондан яхшилик кутма», «Яхши ёмонни тани эл таниган эл хони», «Аҳмоқ ўзини мақтар, кучингни кўрсат!»», «Юмуруқи¹ зўр бўлса, юнг қозик ерга кирар», «Ўз сўзида турмаган номард». «Танангда жонинг бўлса, майдонга яккама-якка чиқ», «Ёқма пишарсан, қазма тушарсан», «Ҳар ким этса ўзига», «Туз ичган ерингга ёмонлик қилма», «Чап қўлинг уришса, ўнг қўлинг аралашмасин», «Юмуруқи зўр бир урар, илми зўр минг урар» каби мақоллар фикримизнинг яққол далилидир.

«Ҳар ким этса — ўзига» эртагида ҳикоя қилинишича, бир камбағал бўзчи кампир бўлиб, у ҳар доим «Ҳар ким этса—ўзига» деган мақолни айтиб юрар экан. Ундан қўшнилари безор бўлади ва подшоҳга арз қилишади. Подшоҳ уни заҳарланган ош едириб ўлдиришни маслаҳат беради. Кампирнинг қўшнилари бир лаганда заҳарланган ош олиб чиқишади. Кампир ошни тоқчага олиб қўяди-да, ишини давом эттира беради.

Подшоҳнинг икки ўғли бўлиб, шу кампирга яқин жойда яшайдиган домладан таълим олишар экан. Улар ҳар куни ўқишдан кейин кампирниқига кириб, унинг бўз тўқишини томоша қилишар эканлар. Улар шу куни ҳам кампирниқига киришади, сув сўраб ичишади. Уларнинг тоқчадаги ошга кўзи тушади ва қаттиқ туриб, ошни сўраб олиб ейишади. Подшоҳнинг болалари тил тортмай ўлиб қолибди. Подшоҳ кампирнинг «Ҳар ким этса—ўзига» нақлининг маъносига тушунибди. Бироқ, кампирга ёмонлик қилгани учун икки боласидан ажралибди. Кампирнинг қўшниларига жазо берибди, лекин фойда бермабди. Доноларнинг: «Ёқма пишарсан, қазима тушарсан» деган нақлининг маъноси шунда экан².

Ана шундай воқеани «Уч оғиз ўғит» эртагида ҳам кўрамиз: «Бир одамнинг Такаш деган ўғли бор экан. У ўғлини чўпон қилиб, чўлларда чол боқишга қўйган экан. Кунлардан бир кун Такашнинг олдида бир чол келибди-да, йигитга: «Агар сен қўйларингни менга берсанг, мен сенга уч оғиз ўғит айтаман»—дебди. Йигит қўнибди. Шунда чол уч оғиз ўғитни айтибди:

— Азондаги ошни ташлаб кетма;

— Туз еган ерга ёмонлик қилма;

— Чап қўлинг уришса, ўнг қўлинг аралашмасин.

¹ Юмуруқ — мушт.

² Хоразм эртақлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 151-бет.

Шундай қилиб, йигит уч оғиз гапга ҳамма қўйларни бериб, отасининг олдига қайтиб келибди.

Йигитни отаси уйдан ҳайдаб юборибди. У бошқа бир юртга бориб, подшонинг хизматига кирибди. Йигит хизмат қилиб юрар экан, шу подшоҳнинг кичик хотини йигитга ошиқ бўлиб қолибди. Минг хил ҳийла-найранглар ишлатибди, лекин Такашни қўлга туширолмабди. Чолнинг «Туз еган ерингга ёмонлиқ қилма!»— деган ўғити ёдида турган экан. Йигит бўйин товлаб юраверибди. Подшоҳнинг хотини аламига чидай олмай, уни подшоҳга ёмонлабди, унинг устига ҳар хил тухматларни юклабди. Подшоҳ ҳам хотини сўзига кириб, Такашвойни ўлдириш учун бир майдонга катта қозон қурдирибди. Дошқозонда сув қайнаб турган экан. Подшоҳ хизматкорларига: «Эртага ким шу ерга эрта келса, шуни қозонга ташланглар!»— деб буйруқ берибди. Ундан кейин Такашвойга: «Сен эрта азонда фалон майдонга бориб, эгарлаб қўйилган бир арғумоқ от бор, шуни миниб, менинг олдимга келасан,— дебди. Йигит «Хўп, тақсир!»— дебди. Эртаси кун эрталаб йигит ўрнидан туриб, подшоҳ айтган майдонга қараб кетибди. Йўлда бораётган экан, бир кампир йигитнинг олдидан чиқиб: «Болам чой-нонимиз бор, наҳор қилиб кет!»— дебди. Йигит: «Онажон, ишим қисток, қайтишда кираман» дебди-да, ўтиб кетаверибди. Бирдан унинг эсига ҳалиги чолнинг: «Азондаги овқатни ташлаб кетма!»— деган ўғити тушибди, орқасига қайтиб, кампирникига келибди.

Подшоҳнинг хотини йигитнинг ўлдирилишидан хабардор экан, ўлаётганда бир кўриб хайрлашиб қолай, деб ҳалиги майдонга югурибди. Хотин майдонга етиб борибди. Хизматкорлар: «Ҳа, подшоҳ ўз хотинини ўлдирмоқчи экан-да,»— деб хотинни дарров ушлаб, қайнаб турган қозонга ташлабдилар. Йигит кампирникидан чиқиб, майдонга борса, қозоннинг ичида хотин пишиб ётган эмиш. Шунда йигит ўғитнинг маъносига тушуниб олибди.

...Подшоҳ йигитдан хурсанд бўлиб, унга бош-оёқ сарпо, қилич-қалқон, бир арғумоқ от ҳадя қилиб, ўз юртига жўнатибди. Уйига келиб қараса, хотинининг олдида бўйи хотинидан ҳам узун бир бегона киши ётган эмиш. Ҳаҳ, хотиним ёмон йўлга кириб кетган экан-да деб қиличини қинидан суғурибди-да, иккисини ҳам ўлдирмоқчи бўлибди. Шу вақт чолнинг «Чап қўлинг уришса, ўнг қўлинг аралашмасин» ўғити эсига тушиб, уларни уй-

ғотади. Суриштириб қараса, у ётган бегона эмас, ўзининг ўғли экан. Кетганда онасининг қорнида қолган бола, ўн етти йил ичида кап-катта йигит бўлибди»¹.

«Подшоҳ билан икки хотин» эртагида ҳикоя қилинишича, подшоҳ бир кун хотинига қаҳр қилиб «Сен энди қариб қолдинг, мен устинга бошқа хотин оламан»— дебди. Кейин ўз вазирининг қизини хотинликка олибди. Вазирнинг қизи кўп ёмон чиқибди. Ҳадеганда кундоши билан уришаверибди.. Подшоҳ бир кун яна хотинларининг уришаётгани устидан чиқиб хизматкорларига: «Бу иккаласини олиб бориб бирини қорга, бирини унга кўминг!»— дебди. Хизматкорлар подшоҳнинг буйруғини бажо келтириб, катта хотинини қорга, кичик хотинини унга кўмиб қўйишибди. Бир оздан кейин очиб қарасалар, ун тагига кўмилган вазирнинг қизи димиқиб ўлиб қолибди, қор тагига кўмилган катта хотини ўлмабди. «Еқма пишарсан — қазма тушарсан»— деган мақолнинг маъноси шу экан»².

«Яхшилик билан ёмонлик» эртагида эса инсон қилган яхшиликларига яхшилик, ёмонликларига эса ёмонлик қайтиши мумкинлиги уқтирилади: «Ўтган замонларда Яхшилик билан Ёмонлик деган икки одам яшган экан. Улар бир-бирлари билан дўст бўлишибди. Кунлардан бир кун иккиси йўл жабдуқларини ростлаб, сафарга чиқишибди. Йўлда бораверишибди. Бир манзилга тушиб, овқат емоққа тайёрланишибди. Шунда Яхшилик: «Иккимиз хуржунимизни бирдан очиб юрамизми, мендаги нонларни еб кўя қолайлик,— дебди. Йўлда ҳамма вақт Яхшиликнинг овқатини еб кетаверибдилар. Бора-бора Яхшиликнинг емоққа ҳеч нарсаси қолмабди. Ёмонликдан Яхшилик нон сўраса бермабди. Яхшиликни очликдан мадори қуриб, жуда ҳолдан тойибди. Шунда Ёмонлик икки кўзи эвазига икки нон бериб, Яхшиликни кўр қилиб, аҳволидан хоҳолаб кулиб: «Бундан буён Ёмонликка ҳамроҳ бўлма, Яхшилигингдан қолма» деб уни ёлғиз қолдириб кетади. Яхшилик йиғлай-йиғлай пайпасланиб, йўлнинг канорасидаги бир чинор остига борибди. Бир оз дамини олгач, пайпасланиб қараса, тегирмон тешигига ўхшаш бир дўнғалак тошнинг устида ўтирган эмиш. Бор кучи билан ҳалиги тошни ўрнидан кўзғатибди. Пайпасланиб қараса, ҳалиги тошнинг

¹ Хоразм эртаклари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 165—167-бетлар.

² Хоразм эртаклари Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 179-бет.

остида бир чуқурлик бор экан. Яхшилик чуқурнинг ичига тушиб устини ҳалиги тош билан беркитибди-да, ёта-верибди.

Яхшилик бир оз ётгандан кейин қулоғига ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилибди. Қулоқ солибди. Аллақандай маҳлуқлар келиб тошнинг теварагига тизилиб ўтиришибди. Уларнинг подшоҳи бирига қараб: «Қани, сен гапир, нима гапинг бор?»—дебди. У маҳлуқ айтибди: «Бу чинорнинг япроғидан бирини олиб, кўр одам «бисмилло» деб кўзига суртса, кўзи очилади»—дебди. Униси: «Мана, шу тепаликда бир кўрсичқон бор, унинг учта гавҳари бор, ҳар куни шу гавҳарларини олиб чиқиб, қуёшда ўйнайди. Кимда-ким шу сичқонни қувиб юборса, сичқоннига кириб кетади, гавҳарлари шу кишига қолади»,—дебди. Учинчи туриб айтибди:—«Мана шу томонда бир чўпон бор. Шу чўпоннинг қўйлари ичида бир кўк рангли қўй бор. Кимда-ким касал бўлиб, ўлим тўшагида ётган бўлса, ана шу қўйни сўйиб терисининг ичига касални солса, калла-почасини пиширса, касал кўзини очади, шу калланинг миясини еса, дарров тузалиб кетади».

Ҳалиги маҳлуқлар кетганидан кейин Яхшилик устидаги тошни ағдариб ташлаб, ташқари чиқибди. Кейин пайпасланиб, чинорнинг япроғидан бирини олиб, «бисмилло» деб, ўнг кўзига суртган экан, ўнг кўзи очилибди, кейин яна бир япроқни олиб, «бисмилло» деб, чап кўзига суртган экан, чап кўзи ҳам очилибди. Яхшилик сичқон ўйнаб юрган гавҳарларни олиб, рўмолига тугиб қўйибди. Чўлда чўпонни учратиб, бир гавҳарга кўк қўйни сотиб олиб, йўлга тушибди. Яхшилик қўйни етақлаб подшоҳнинг саройига борибди. Яхшилик кўк қўйни сўйибди, терисини олиб, подшоҳнинг кўр қизини терининг ичига солиб, икки кун шунда сақлабди. Подшоҳнинг қизи кўзини очибди. Кейин Яхшилик қўйнинг калла-почасини пишириб, қизга едирибди. Қиз дарров тузалиб кетибди-да, отасининг олдига югуриб бориб, салом берибди. Подшоҳ ниҳоят ҳурсанд бўлиб, тўй-томошалар билан қизини Яхшиликка никоҳ қилиб берибди, ўғли йўқ экан, уни ўзига ўғил қилиб, ярим подшолигини берибди.

Кунлардан бир кун Яхшилик овга чиқибди. Йўлда бораётган экан, қараса, икки кўзини ўйиб олган Ёмонлик ҳам кетаётган эмиш. Ёмонлик Яхшиликни кўриб, дарров танибди ва: «Яхшилик сен бундай мартабага

қандай етдинг?»—деб сўрабди. Яхшилик: «Жўра, сен ҳам мен борган жойга борсанг, сен ҳам шу мартабага эришасан»,—дебди. Шундан сўнг Ёмонлик қидириб-қидириб Яхшилик айтган жойни топиб, чуқурга тушиб ётаверибди. Ҳалиги тўрт маҳлуқ яна келибди. Уларнинг подшоҳи яна бир-бир сўрай бошлабди: «Бу чинорнинг икки япроғи етишмайди, қани у?» «Қўрсичқон ўйнаб юрган гавҳарлар қаёқда, йўқ-ку, чўпон қўйлари ичида кўк қўй кўринмайди, қани?»—сўрайверибди. «Бўлмаса, шу ерда бир одамзод бор»,—деб улар дарров ўринларидан туриб, тошни кўтариб қарабдилар. Қарасалар, бир одам ётган эмиш. Дарров оёғидан тутиб, осмонга улоқтириб юборибдилар. Ёмонлик парча-парча бўлиб кетибди. Шу билан Яхшилик муродига етибди. Ёмонлик жазосини тортибди»¹.

Хоразм халқ қўшиқларида эл-юртга фидойилик, кишиларга эса фақат яхшилик қилишга даъват этилади. Мард киши билан иш қилишга ва йўлдош бўлишга, номард билан асло ҳамкорлик қилмасликка панду насиҳат қилинади:

Яхшиларнинг топган моли тўй бўлар,
Фикри-зикри эли учун ўй бўлар.
Феъли ёмон ҳар кимсанинг хаёли,
Яхшилар ҳақида қора ўй бўлар.

Мард бўлмаса сўзларига ишонма,
Номард билан узоқ ерга йўл олма.
Қизил гулсан, мард кўксига ярашган,
Номарднинг олдинда беҳуда сўлма.²

«Бозиргон» достонида тасвирланишича, Бозиргон зарбардаст, жасур, дўстга садоқатли, соддадил йигит. Унинг бағри кенг. Ҳатто у Гўрўғли Зайнаб кампирнинг иғвосига учиб қотиллик қилган бўлса ҳам, уни кечиради, унга ўзининг энг яхши маслаҳатларини беради ва дунёдан кўз юмади. Гўрўғли эса қилган хатосини бўйнига оладиган мард инсон, тажрибали саркарда, эркин муҳаббатни ёқлайдиган меҳрибон ота, душманларга беаёв, дўстларига ниҳоятда илтифотли, адолатпарвар, халқпарвар инсон қиёфасида намоён бўлади.

Қорахон тимсоли эса раҳм-шафқатсиз, инсоний хис-

¹ Хоразм эртаклари. Уздавнашр, Тошкент, 1961, 145—147-бетлар.

² Хоразм халқ қўшиқлари. Уздавнашр, Тошкент, 1965, 145-бет.

латлардан маҳрум бир шахс сифатида тасвирланади¹.

Халқ педагогикасидаги хушмуомалалик, камтаринлик, ўйлаб сўзлаш каби хислатлар биринчи навбатда ўз ичига тил одобини олади. Шунинг учун ҳам ёш авлодга юз ўйлаб, фақат рост гапни сўзлашга насиҳат қилинади, акс ҳолда тилим бор деб ҳар нарсани сўзлама дсйди:

Кўпни билу, оз сўзла,
Оз сўзла-ю, соз сўзла.
Юрагингда доғ қолмас,
Тилни севсанг рост сўзла²!

Халқ педагогикасида болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. Ана шунинг учун халқ бир мақолда «Юрт қўрисанг ўзарсан, қўримасанг тўзарсан» деб таълим беради.

«Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари» достонида инсон ватан меҳри, ватан тупроғи ва ватан иштиёқи билан тирклиги ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

Эмди билмам ёлғиз қаён борурман,
Юртидин ошуб гирён-гирён борурман,
Булбулдек тинмайин афғон борурман,
Қуш каби қафасда қолган Ғарибман³.

Халқ педагогикасида меҳнат ва меҳнатсеварлик тарбияси, касб-ҳунар таълими мавзуйига катта ўрин берилган. Масалан, «Яхши киши чўлда бўстон яратар», «Меҳнаткашда саодат», «Меҳнатнинг таги—роҳат», «Меҳнатда танилар эр», «Ишла бола, ишлаганнинг замони, Ишлаб туриб, яшаганнинг замони», «Яхши келин иш қилади саришта. Ёмон келин кўз бўяйди ҳар ишда»⁴ каби халқ донишмандлигида халқнинг меҳнатсеварлик руҳи акс этиб, мақсадсиз ва меҳнатсиз ҳаёт кечириш эса қораланган.

«Меҳнатда танилар эр» халқ қўшиғи замирида инсон тарбияси асосида меҳнат ва меҳнатсеварлик, унинг меҳнатга бўлган муносабати ётади:

¹ Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. Тошкент, «Фан», 1985, 57-бет.

² Хоразм халқ қўшиқлари. Уздавнашр, Тошкент, 1965, 204-бет.

³ Рўзимбоев С. «Ошиқ» туркуми дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. Тошкент, 1987, 82-бет.

⁴ Хоразм халқ қўшиқлари. Уздавнашр, Тошкент, 1965, 116, 263—265-бетлар.

Ишлаган ўзар экан,
Меҳнатсиз тўзар экан.
Емон йўлга кирганлар,
Ақлидан озар экан.

Меҳнатда танилар эр,
Меҳнатсиз эр — қаро ер.
Иш кўзини билмасанг,
Кимлар сени одам дер?¹

Яхши йигит чўлда бўстон яратар,
Тиканзорда чин гулистон яратар,
Дангасага меҳнат ёқмас, ош ёқар.
Емон одам тик бинони қулатар².

«Вафодорлик» эртагида: «Чол аста-секин Гулшодни табибчиликка ўргатибди, гиёҳлардан ҳар хил дорилар ясашни кўрсатибди, беморларнинг касалини аниқлаш йўллариини ўргатибди. Бир йилдан сўнг, Гулшод чолдан кўп нарсани ўрганиб олибди.

Аста-секин бутун юртга Гулшоднинг табибчилик ҳунари маълум бўлибди, ҳар томондан унинг олдига беморлар келадиган бўлибди. Бир йилдан кейин унинг довуғи бутун Хоразм юртига кетибди. «Шундай, шундай фалон жойда бир хотин табиб бор эмиш, ҳар қандай касални ҳам тузатар эмиш» деган хабар тарқалибди. Юртнинг ҳамма ёғидан бемор—касаллар унинг олдига келаверибди. Гулшод ҳам ҳеч кимдан ҳақ олмай касалларни боқаверибди. Борган сари унинг обрўси ортиб, ҳамма ёқда унинг оти тилларда дoston бўлибди...» дейилади.

«Маккор уста билан айёр кал» эртагида чарх чигриб кун кўрувчи қашшоқ кампирнинг ўғли онасини кўярда-қўймай подшоҳнинг қизига совчи қилиб юборибди. Подшоҳ йигитнинг онасига: «Болангга айт, қирқ турли ҳунар ўргансин, ўрганган ҳунарининг ҳаммаси бошқа-бошқа бўлсин, бир-бирига сира ўхшамасин»—дебди³. Бола қирқта ҳунарни қунт билан ўрганиб, подшоҳнинг қизига уйланади.

Юқоридаги эртақларда уста ўз шогирдига бирор касб-ҳунарни ҳалоллик билан ўргатган. Лекин бахил усталар ҳам бўлганки, улар шогирдлик муддатини ғайри ниятда чўзиб юрганлар. «Бахил уста» эртагида ҳи-

¹ Хоразм халқ қўшиқлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1965, 263-бет.

² Хоразм халқ қўшиқлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1965, 145-бет.

³ Хоразм эртақлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 121-бет.

коя қилинади: бир кампирнинг уч ўғли бўлиб, улар ёшлиқда отадан етим қоладилар. «Кампир буларга бир ҳунар ўргатиш керак, деб ўйлабди-да, бир дастурхон нон ёпиб, катта ўғлини этикчи устанинг олдига олиб борибди. «Мана шу болани уста қилиб беринг»,—дебди кампир. Уста индамай болани олиб қолибди. Бу уста дегани ғалати одам экан, жуда бахил экан, касбини бошқа одамлар ўрганиб қўяди, деб қўрқар экан. Ўз олдига келган шогирдларни турли баҳоналар, бўлмағур сабаблар билан: «Сен одам бўлмайсан!»—деб қувлаб юбораверар экан.

Ҳалиги кампирнинг ўғли кўп вақтларгача устанинг уй хизматини қилиб юраверибди, уста унга ҳунар ўргатмабди. Онаси: «Болам, ҳунар ўргандингми?»—деб сўраса, бола «йўқ» деб жавоб бераверибди. Ахир бўлмабди, кампир устанинг олдига бориб, жанжал қилибди. Устанинг жаҳли чиқибди, лекин индамабди.

Кунлардан бир кун уста боланинг қўлига бир дона тухум берибди-да, «ип эш!»—дебди, бир дона пишиқ ғишт бериб, «этикка пошна бич!»—дебди. Бола ҳеч нарсага тушунмай, индамай ўтираверибди. Шундан кейин уста «Сендан уста чиқмайди, бор кет» дебди-да, уриб-уриб ҳайдаб юборибди. Бола бечора йиғлаб-йиғлаб уйига қайтиб келибди-да, бўлган гапни онасига айтибди.

Онаси ҳайрон бўлибди, «майли бўлмаса; сен чоракорлик қил, укангни элтиб берамиз» дебди. Кампир эртасига ўртанча ўғлини етаклаб, яна ўша устанинг олдига олиб борибди. Бир неча кундан кейин уста уни ҳам қўлига бир тухум бериб, «ип эш»—дебди, бир ғишт бериб, «ултон оч?»—дебди. Ўртанча ўғли ҳам ҳеч нарсага тушунмай, ўтираверибди. Уста у болани ҳам ҳайдаб юборибди. Ўртанча боласи ҳам уйига йиғлаб келибди. Шунда кампирнинг кенжа ўғли «Этикдўз муғомбир экан, икки акамни ҳам ҳунарга ўргатмабди, қани, она, мен ўзим борай-чи» — дебди.

Уста бу боланинг қўлига ҳам бир тухум берибди-да, «ип эш»—дебди, бир ғишт бериб «ултон бич!»—дебди. Бола ҳеч тортинмасдан: «Уста мен буни ҳали яхши ўрганганим йўқ, аввал ўзингиз кўрсатиб беринг, кейин мен қилавераман»,—дебди. Этикдўз: «Бу бола қув экан»—деб ўйлабди-да, «Бор, бошқа ишларни қилавер, этикдўзликни кейин ўргатиб қўяман сенга», деб ўшқирибди. Бола «Хўп» деб ташқарига чиқиб, устанинг уй ишларини қилиб юраверибди.

Кунлардан бир кун уста хотини билан бир жойга меҳмонга борадиган бўлиб қолибди. Болани ўз олдига чақириб: «Молларнинг калласи охурдан чиқмасин, товуқларнинг калласи катакдан кўтарилмасин, қараб тури!» дебди-да, меҳмондорчиликка кетаверибди.

Уста меҳмондорчиликдан қайтиб келиб қараса, сигир сўйилган, товуқларнинг калласи олинган. Устанинг жиғибийрони чиқиб, болага таёқ олиб югурибди. Бола: «Ахир, менда нима гуноҳ бор, ўзингиз менга: «Молларнинг боши охурдан, товуқларнинг боши катакдан кўтарилмасин, дедингиз-у, баччағарлар ҳадеб бошини кўтараверган эди, мен уста келиб уришмасин дедим-да, сигирнинг бошини кесиб охурга қўйдим, товуқларникини катакка ташладим»,— дебди. Уста тилини тишлаб қолаверибди,— бола акаларининг ўчини устадан олиб, ўз ўйига қочиб кетибди»¹.

Бунга ўхшаган воқеани эса «Қуронбой билан етти ўғри» эртагида ҳам кўриш мумкин: «Қадим замонда бир тул хотин бор экан. Бу хотиннинг бир ўғли бор экан, ўғлининг оти Қуронбой экан. Бу хотин, ўғлим бир ҳунар ўргансин, деб устага шогирдликка берибди. Уста Қуронбойга:

— Ғалвирни сувга тўлдириб кел,— деб буюрибди.

Қуронбой ариққа бориб, ғалвирни сувга ботирибди-да, кўтарса ғалвирда сув турмабди. Қуронбой устанинг олдига келиб:

— Ғалвирда сув турмади,— дебди, Уста:

— Унда сендан ҳеч қандай уста чиқмайди, бор кетавер,— деб Қуронбойни жўнатибди»².

Юқоридаги халқ донишмандлигига оид асарлар таҳлилидан кўриниб турибдики, болаларнинг инсонийлиги ва етуклиги, ақл-идроқи, фаҳм-фаросати, тадбиркорлигини уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларига ва касб-ҳунарли бўлишига қараб белгиланиши бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм халқ педагогикасида таълим-тарбиянинг анъанавий шакллари атрофлича ўрганиш шуни кўрсатадики, боланинг одобли бўлиши учун уни ёшлигидан бошлаб талабчанлик билан тарбиялаш муҳим аҳамият касб этган. Эртақ, ривоятлар қаҳрамонлари ёшларни меҳнатда чиниқтиришда, ҳаётга,

¹ Хоразм эртақлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 152—153-бетлар.

² Хоразм эртақлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 128-бет.

турмушнинг оғир-енгил синовларига тайёрлаб боришда намуна вазифасини ўтаганлиги шубҳасиздир.

* * *

Қадимий Хоразм халқлари маданияти, санъати, илм-фан ва бола тарбиясидаги анъаналари жаҳон халқлари маданияти ва санъати, тарбия тизими билан ўзаро маданий алоқалар таъсирида ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга бўлганлиги билан алоҳида кўзга ташланади.

Маълумки, Хоразм маданияти ва санъатининг юксалган даври—милоддан аввалги VI асрдан милодимиз I асригача бўлган давр Қангюй маданияти номи билан аталади. Бу давр санъати ёдгорликлари бўлган ҳайкалчаларда зардуштийлик динига оид маъбудалар акс этган.

Милоддан аввалги II ва I минг йиллар ўртасида пайдо бўлиб, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида давлат динига айланган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ёруғлик, эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмузда) ва қоронғилик, ёвузлик худоси Анхураману (Аҳримоъ) орасидаги доимий жиддий кураш ғояси ётади.

Зардуштийлик таълимотига қараганда, яхшилик ва эзгулик худоси Ахурамазда ёвузлик ва жаҳолат худоси Анхураману устидан ғалаба қозонгач, бутун инсоният ягона давлатга бирлашади ва ягона тил ўрнатилади. Олов эса кишиларни гуноҳлардан фориғ қилувчи, сеҳрли куч ва ёшларни баркамол, хушахлоқ қилиб тарбияловчи восита ҳисобланади.

Бундан ташқари, «Авесто»даги маърифий-педагогик ва одоб-ахлоқ қоидалари қадимги хоразмликлар ўзига хос урф-одатлари ва тарбия анъаналарига эга бўлганлигини тасдиқловчи далил ҳам бўла олади.

Хоразмнинг кўҳна қалъалари — Тупроққалъа, Гулдурсунқалъа, Норинжонқалъа, Бургутқалъа, Қирққизқалъа, Қумбосганқалъа, Аёзқалъа, Қаъватқалъа, Қўйқирилганқалъа, Жонбасқалъадан топилган кичик ҳайкалчалар, милодимизнинг II аср охири ва III асрнинг бошларида Хоразм алифбосида зарб этилган Арсамух ва Сиёвуш расми туширилган тангалар, бошига қалпоқ кийган, қўлига найза ушлаб отда кетаётган ўша давр Хоразм аскарлари кўриниши, қанотли отнинг учиб кетаётган тарзда олин-

ган афсонавий тасвири, от ва унга минаётган чавандоз ҳайкали, найза санчилган кийикнинг қочиш ҳолати, чо-пиб келаётган от устида ёнбошга қараб ўтирганча му-сиқа чалаётган аёл кўриниши акс этган тош муҳрларда-ги расм-композициялар исломгача бўлган даврда ва ун-дан кейин ҳам Хоразмда маданият, санъат ҳамда илм-фан тараққий этганлигидан далолат беради. Айниқса, геометрия, тригонометрия, кимё, астрономия, география, топография, гидрология, табобат, зироатчилик каби фанлар юксак даражада ривожланган. Шунингдек, Хо-размда бу даврда ўзига хос санъат ва рассомчилик мак-таблари фаолият кўрсатганлиги кишини ҳайратга со-лади.

Юқорида айтганимиздек, Хоразм ҳудудида яшаган халқларнинг бошидан кечирган тажрибалари асосида юзага келган халқ оғзаки ижодининг мавзу доираси бениҳоя кенгдир. Чунки ҳаётнинг ҳеч бир қирраси ёхуд турмушнинг ҳеч бир томони йўқки, у халқ оғзаки ижо-ди, яъни халқ педагогикасида акс этмаган бўлсин. Ай-ниқса, фарзанд кўриш ва унинг тарбияси, тўғрилиқ ва ростгўйлик, поклик ва ҳалоллик, меҳнатсеварлик, доно-лик ва саҳийлик, камтарлик, мардлик, илм ва касб-ҳу-нарга чанқоқлик, меҳмондўстлик, ширинсўзлик мавзу-сидаги мақол, матал, топишмоқ, эртак ва дostonлар халқ донишмандлиги хазинасини ташкил этади. Ундан баҳраманд бўлиш, ёш авлод тарбиясида дастуриламал сифатида фойдаланиш ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи-нинг муқаддас инсоний бурчидир.

Ибтидоий жамоа тузуми давридан то ўрта асргача Хоразмда кечган Уйғониш даври маданияти, санъати ва ижтимоий-педагогик фикрлар тараққиёти тарихини ёзишда «Авесто»даги маълумотлар Абу Райҳон Беру-нийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», С. П. Толстовнинг «Древний Хорезм», «Қадимги Хоразм маданиятини излаб», Я. Фуломовнинг «Хоразмнинг су-ғорилиш тарихи», И. Жабборовнинг «Кўҳна харобалар сирри», уч жилдлик «Ўзбекистон халқлари тарихи» ки-тоблари ва муаллиф ўзи йиққан маълумотлар, тарих, археология, элшунослик, санъатшунослик, халқ оғзаки ижодига доир янги тадқиқотлар муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА ХОРАЗМДА ТАБИЙИ-ИЛМИЙ
ВА МАЪРИФИЙ-ПЕДАГОГИК ФИКРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
(VIII—XIII асрлар)

1-§. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий
ва Абу Мансур Ибн Али Ибн Ироқ асарларининг
маърифий-педагогик аҳамияти

Марказий Осиё ва бутун шарқ Уйғониш даврининг буюк олими, ўз даври илғор табиий-илмий ва маърифий-педагогик фикрининг асосий жиҳатларини ўз ижодида акс эттирган мутафаккирлардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир. Унинг ҳаёти ҳақида жуда ҳам кам маълумотга эгамиз. Лекин ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлган давр ва маълумотларга асосланиб, уни 783 йили Хоразмда туғилгани ва 850 йили Бағдодда вафот этгани ҳақида тахмин қилинади.

Муҳаммад ал-Хоразмий бошланғич таълимни Марказий Осиёнинг йирик илм маркази Хоразмда олган. У мадраса сабоқлари билан чекланиб қолмай, ўз устида муттасил ишлар, табиат қонунлари; ҳисоблаш қондалари, хорижий тиллар билан мустақил шуғулланарди. Қобилиятли ал-Хоразмий тез орада араб, юнон, санскрит ва бошқа тилларни пухта ўзлаштириб, шу тилларда бемалол мутолаа қиладиган, ёза оладиган бўлди.

Қомусий олим дунёқарашининг шаклланишида ва илмий фаолиятида ўзига қадар ва ўз даврида маъжуд бўлган дунёвий фанлар, Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиё халқларининг қадимий бой маданияти ва илм-фанининг ўзига хос анъаналари ҳал қилувчи рол ўйнади. Бу илмий анъаналарни у кейинчалик ўз асарларида янада ривожлантирди.

Олимнинг ҳаёти араб истилочилари, Марказий Осиё халқларининг энг қадимий, бой маданий меросини яқсон қилиб ташлаган даврга тўғри келди. Ўзининг илғор қарашлари ва ҳурфикрлиги учун жаҳолатпарастлар, ҳасадгўйлар таъқибига учраган мутафаккир бир неча йил дарбадарликда юрди. Замон жабр-ситамлари уни туғилиб ўсган, жон-дилдан севган диёри Хоразмдан умрбод бош олиб кетишга мажбур этди. Ал-Хоразмий Марказий Осиёлик бир гуруҳ машҳур олимлар сингари Бағдод халифалари — Аббосийлар сулоласидан бўлмиш ал-Маъ-

мун (813—833), ал-Муътасим (833—842) ва ал-Восиқ (842—847) саройларида яшаб, ижод этди. Ҳа, «ёнингдан оққан сувни қадри бўлмас» деганларидек, ўз юртида қадр-қиммати топталган даҳо бошқа юртда бошпана топди. Хорун ар-Рашид (786—809) ва унинг ўғли ал-Маъмун (813—833) даврида халифаликнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти анча жонланди. Бағдод Шарқнинг йирик ва маданий марказига айланди, айниқса, фалсафа, риёзиёт, табиёт ва бошқа фанлар ривожланди. Бу эса буюк ал-Хоразмий номи билан боғлиқдир.

Бағдодда очилган ва кейинчалик «Маъмун академияси» номи билан машҳур бўлган «Байтул Ҳикмат» («До-нишмандлар уйи»)га Хуросон, Мовароуннаҳр, Бақтрия, Хоразм, Шош, Фороб, Марв, Қобул ва бошқа қўшни ўлкалардан келган олиму фозиллар, шоиру таржимонлар ва ҳаттотлар тўпланган эди. «Маъмун академияси»нинг кўп йиллик фаолияти мобайнида машҳур юнон олимларининг бир қанча асарлари араб тилига таржима қилинди, шунингдек, риёзиёт, фалакиёт, жўгрофия ва бошқа фанларга доир бебаҳо асарлар битилди.

«Маъмун академияси» ҳузурида йирик кутубхона очилган бўлиб, унда халифалик ва қўшни мамлакатлардан олиб келинган нодир китоблар жамғарилган эди. Маъмун даврида кутубхонага «академия»нинг кўзга кўринган олими сифатида ал-Хоразмий бошчилик қилди. «Байтул Ҳикмат» кутубхонасидан ташқари унинг ихтиёрида икки расадхона ҳам бўлиб, улардан бири Бағдоднинг Шамоссия маҳалласида, иккинчиси Дамашқ яқинидаги Қасийун тоғида барпо қилинган эди. Хоразмий ана шу расадхонани ҳам бошқариб, асосан фалакиёт илми билан шуғулланади. Олим IX асрнинг 20- йилларида ўзининг машҳур астрономия ва тригонометрия жадвалларига доир «Зиж фи илм ал-фалак» рисоласини ёзиб тугатади.

Ал-Хоразмийнинг бу асарига таяниб араб тилидаги илмий адабиётларга биринчи бўлиб Сайёралар, Ой ва Қуёшнинг ҳаракатлари, сайёраларнинг суткалик ҳаракатлари ва уларни аниқлаш йўллари, Ой ва Қуёш гардишининг катталиги, синуслар жадвали ва тангенс киритилган эди. Асар XII аср бошларида лотин тилига таржима қилинган. Ал-Хоразмий «Зижига» кўпгина олимлар изоҳлар, тўшүнтиришлар ёзишган. Жумладан, қомусий даҳо Абу Райҳон Беруний ҳам ал-Хоразмий «Зижига»

бағишланган умумий ҳажми 1210 варақли учта асар ёзган.

Ал-Хоразмий «Зижи»дан ташқари Қуёш соатлари, астролябиянинг тузилиши ва қўлланишига оид «Китоб ул-амал бил астурлабат» («Астролябия билан ишлаш ҳақидаги китоб») рисоласини ҳам ёзиб, амалий фалакиётнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Ал-Хоразмийнинг бу астрономияга оид асарлари Қуёш, Ой ва Сайёралар ҳаракатини кузатишда, дарё ва кўл сувлари ҳаракатини йўлга солишда, сел ва тошқинларнинг олдини олишда, олис жойларга денгиз орқали ва қуруқликда сифарга чиққан вақтда астрономик чамалашда, сувсиз ерларга сув чиқариш ва сув иншоотларини бунёд этишда, қишлоқ хўжалик ишларининг бошланиши ёки тугаллаш вақтини белгилашда, деҳқончилик учун керак бўлган мавсумий календарларни тузишда, халқнинг кундалик амалий мақсадлари ва ҳаётий эҳтиёжларига ҳожатбарор бўлди.

Шунингдек, ал-Хоразмийнинг фалакиёт илмига оид асарлари маълумотларидан икки асрдан кўпроқ вақт давомида кўплаб расадхоналарда фойдаланиб келинди. Хусусан, Шарқда ва Ғарбий Европада (Ньютон, Гершель асарлари пайдо бўлганга қадар) асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Тарихий маълумотларга қараганда, ал-Хоразмий «Донишмандлик уйи»да фалакиёт, риёзиёт ва бошқа соҳа олимлари орасида ўзининг улуғ салоҳияти, қобилияти билан ажралиб турган. Ал-Хоразмий бу даврда ўзининг илмий фаолияти, табиий-илмий қарашлари билан илғор маърифий-педагогик тафаккур ва табиий-илмий фанлар ривожига кенг йўл очди. Риёзиётда мавҳумликни (абстракцияни) кенгайтди. Индукция йўли билан умумий ечиш усулларини ҳал қилиб, дедукция ҳамда умумий усуллари ёрдамида турли хусусий масалаларни ечди. Унинг кашфиётлари ва асарлари дунёвий, яъни аниқ фанларни мустақил ривожлантиришга кенг имкон яратди.

Шунинг учун ҳам ал-Хоразмий табиий-илмий кашфиётлари билан ўзидан кейинги бутун маънавий тараққиётга, табиий-илмий тафаккурга, ҳақиқатни аниқлаш услубларига жуда катта таъсир ўтказди. Ал-Хоразмий объектив муносабатларнинг, табиий жараёнларнинг энг муҳим хусусиятларини ўрганиш зарурлигини, атроф-муҳит-

ни тадқиқ этишда инсоннинг онги ва илм-фаннинг аҳамиятини юқори баҳолади.

Шуларни эътиборга олсак, ўз вақтида ал-Хоразмий табиий-илмий фанларнинг, айниқса, риёзиёт, фалакиёт, жўгрофиянинг ривожланишига, бу фанларнинг мустақил тараққиётига тўғри йўналиш беришда ўзининг тутган йўли билан илм-фан тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шу боисдан ҳам ҳозирги замон олимлари IX асрнинг биринчи ярмини «Ал-Хоразмий даври» деб атаётганлари бежиз эмас.

Уша даврда савдо муносабатларини юритиш, мерос тақсимлаш муаммолари, сунъий суғориш ишлари, дамбалар, сарой ва мудофаа иншоотларини барпо қилиш ишлари, фалакиёт илмий масалалари, календар тузиш, узоқдаги нарсаларнинг масофаси ва ўлчамини аниқлаш каби бир қатор муаммолар табиий фанларни, хусусан, алгебрани ривожлантиришни тақозо қиларди. Бу амалий талаблар тенгламаларга бўлиш, уларни ечиш қоидаларини топишни ҳамда риёзиётнинг бошқа масалаларини ҳал этишни тақозо қилар эдики, бу мушкул вазифалар ал-Хоразмий зиммасига тушди. Ал-Хоразмийнинг «Ал-китоб-ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва -л-муқобала» («Алжабр муқобала» ҳисоби ҳақида қисқача китоб») номи асари алгебра фанига асос солди, унинг мазмуни, асосий тушунчалари ва қоидаларини белгилаб берди.

Ал-Хоразмийнинг «Ал-китоб-ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва -л-муқобала» асарида «Ал — жабр» сўзи асрлар давомида ўзгара бориб, «алгебра» атамасига айланганки, бу риёзиётнинг алоҳида бир бўлиmidан иборат фан ҳисобланади. Олим ал-жабр ва ал-муқобала сўзлари орқали иккита амални тушунган ва уларни тенгламалар ечишга татбиқ этган. «Ал-жабр» амали орқали тенглама ҳадларини бир томондан иккинчи томонга кўчириш бажарилади. «Ал-муқобала» эса тенгламадаги ўхшаш ҳадларни йиғиш амалидир. Демак, «Ал-жабр»нинг луғавий маъноси тўлдириш, «Ал-муқобала» қарши қўйишни билдиради. Ал-Хоразмийнинг бу асарида ўша даврдаги бошқа асарлар каби ҳеч қандай формулалар ва символлар бўлмай, балки тенгламалар ва унинг ечилиши сўзлар билан ифодаланган. Шунини таъкидлаш керакки, биринчи ва иккинчи даражали тенгламалар, уларнинг ечимлари хусусий ҳолларда бундан минг йиллар олдин қадимги Миср ва Вавилон халқларида, кейинроқ юнон математикларида учрайди. Аммо уларнинг ечимлари фақат ху-

суснй ҳолда бўлиб, улар квадрат тенгламаларни ечиш учун умумий қоидалар бермаганлар. Бундай қоидалар ва уларнинг исботларини ал-Хоразмий биринчи бўлиб ўзининг «Ал-китоб-ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва-л-муқобала» асарида тўла ва узвий баён этди.

Дарҳақиқат, ал-Хоразмий томонидан алгебра методининг яратилганлиги математикада индукция ва дедукция бирлигининг намуналаридандир. Чунки индукция методисиз тенгламаларнинг ҳеч бир турини яратиш мумкин эмас эди. Шунингдек, берилган тенгламалар турининг умумий ечиш қоидаси хусусий масалаларни (дедукция) усулининг амалий ифодасидир.

Ал-Хоразмийнинг математикага оид иккинчи асари— «Қитоб ал жам ва тафриқ би ҳисоб ал-Ҳинд» («Ҳинд арифметикаси ҳисоби бўйича қўшув ва айирув китоби») ҳам риёзиёт фани тарихида муҳим рол ўйнайди. Асарда ҳинд ўнлик-позицион қўшиш тизимлари ҳақидаги метод тасвирланган эди. Бу ўнлик тизимининг кашф этилиши саноқ тизимида чинакам инқилоб бўлди. 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, рақамлари ҳануз жаҳонда «араб рақамлари» номи билан юритилади. Лекин бу «араб рақамлари» Оврупога Шарқдан эмас, Юнонистондан келган дегувчилар ҳам бўлган. «Араб рақамлари»ни бошқа қўшни халқларга тарқатган Муҳаммад ал-Хоразмий эканлигини исботлашда юртдошимиз, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари ҳал қилувчи далил бўлди.

Демак, бошқа халқлар ҳиндларнинг ўнлик позицион тизими билан ал-Хоразмийнинг «Ҳинд арифметикаси ҳисоби бўйича қўшув ва айирув китоби» рисоласи орқали танишдилар. Ал-Хоразмийнинг бу асари инглиз олими ва таржимони Роберт Честер томонидан 1145 йилда арабчадан лотин тилига таржима қилиниб, Оврупа мамлакатларида кенг тарқалади. Бу асарнинг муқовасидаги «Дедики ал-Хоразмий» сўзи эса «Дедики алгоритм» деб таржима қилинади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳисоблаш тарихида алгоритм, алгорифм, алгоритм сўзларининг луғавий маъноси XIX асргача номаълум бўлиб келган эди. Фақат 1849 йилдагина француз шарқшунос олими Жозеф Туссен Рейно (1795—1867) бу атама «Ал-Хоразмий» сўзидан келиб чиққанлигини аниқлади. Шу йўсинда «алгоритм»—«Ал-Хоразмий»нинг лотинча транскрипцияси натижасида ҳосил бўлган экан.

Ал-Хоразмий номининг синоними бўлмиш алгоритм—риёзиётда муҳим ва долзарб категориядир. Аллома қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, квадрат илдизни ҳисоблаш алгоритмини ўнлик тизимида ечишни яратибгина қолмасдан, бундан ташқари, у бир жинсли бўлмаган сонларни кўпайтириш алгоритмини ҳам ишлаб чиқди.

Демак, ал-Хоразмийнинг алгебрага оид асарларининг риёзиёт тарихида тутган аҳамияти жуда ҳам катта, чунки алгебра фани олим томонидан биринчи марта мустақил фан даражасига кўтарилди. Ал-Хоразмий томонидан асосланган математик методдан кўпгина Марказий Осиё ва Яқин Шарқ олимлари ўз илмий ишларида кенг фойдаландилар. Жумладан, XI асрда яшаб ижод этган ал-Насав, XII асрда яшаган Иқбол-Бомат ва бошқаларни эслатиш мумкин. Буларнинг ишларида ал-Хоразмий яратган математик методлар ривож топди ва шу асосда янги-янги муаммоли соҳалар вужудга келди. Ал-Хоразмийнинг бевосита таъсири ва ижоди туфайли дунёга келган асарлар ҳам оз эмас. Масалан, XIII асрнинг машҳур олими пизанлик Леонардо иккинчи даражали алгебраик тенгламаларни ечганда хусусий ал-Хоразмий методларига асосланган. Ҳатто, жаҳонга машҳур математиклардан Фибонначи, Пичиоли, Тарталья, Кардано, Феррари, ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний, Абул Вафо, Умар Ҳайём ва бошқа олимлар ҳам ўз даврида ал-Хоразмий асарларидан кенг фойдаланганлар.

Ал-Хоразмий жўғрофия ва геодезия фанларига оид муҳим илмий изланишлар ҳам олиб борган. У барча астрономик кузатишларда фаол қатнашди ва бир неча (Византия, Афғонистон ва Волга қуйи оқимидаги Хазорияга бўлган) илмий сафарларга бошчилик қилган. Жумладан, 827 йилда Ал-Хоразмий раҳбарлигида Ер Куррасининг катталигини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди. Бунинг учун Месопотамияда шимолий кенгликнинг 35° ва 36° лари орасида чизиқли масофа бевосита ўлчов чизмаси билан меридиан йўналишида аниқланиб, бурчак ўлчаш эса юлдузларнинг меридиан баландликларини кузатиш асосида бажарилган эди. Меридиан градуси узунлиги $56\frac{2}{3}$ араб милясига, яъни ўрта ҳисобда 112 км га тенг қилиб олинган. Бу натижа анча аниқ бўлиб, ундан ташқари, ўлчаш усулининг ўзи ҳам

катга илмий аҳамиятга эга эди¹. Шу тариқа Ер меридиани бир градусининг узунлиги ал-Хоразмий ўлчашларида 111815 метрга тенг. Ҳозирги замон ўлчашлари эса унинг 110938 метрга тенг эканини кўрсатади².

Ал-Хоразмий риёзиёт, фалакиёт, геодезия муаммоларини математик жўғрофия, картографияни тавсифий жўғрофия билан боғлаб ўрганишга катта эътибор берди. Олимнинг жўғрофияга онд асари — «Китоб сурат ал-арз» деб аталади. Бу лотинча «география» сўзининг арабчага айнан таржимаси бўлиб, арз — ер, графа — тасвирлаш, сурат дегани. Ал-Хоразмий бу асарини 836—847 йиллар орасида ёзиб тугатган. Шундан 1037 йилда кўчирилган ягона нусхаси бизгача етиб келган. У 1878 йилда Қоҳира кутубхонасидан топилган бўлиб, 1883 йилда Страсбург (Франция) дорилфунуни кутубхонасига топширилган. Қўлёзма 96 саҳифадан иборат.

Ал-Хоразмийнинг жўғрофий асари кириш сўзисиз, бевосита жадваллардан бошланади. Маълумки, ўрта аср табиатшунослари дунёнинг одамзод истиқомат қиладиган обод қисмини «Муъмура», «Рубъи маскун» — «дунёнинг маъмур чораги» деб атаганлар. Шулардан баҳс этгани учун бўлса керак, «Китоб сурат ал-арз» рисоласи баъзан «Расм ар-рубъ ал-маъмур» («Ернинг маъмур чорагининг расми») деган ном билан ҳам машҳур бўлган.

Шунингдек, ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» китобининг тўла номини «Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг Клавдий Птолемей «География» китоби асосида тузган шаҳарлар, тоғлар, дарёлар, ороллар ва денгизлардан иборат «Ер сурати» деб ҳам атаганлар. Ал-Хоразмий ўз асарини тузишда милонинг I—II асрларида Мисрнинг Искандария шаҳрида яшаб ижод этган машҳур юнон олими Клавдий II Птолемей (Батлимус Қалавзий—90 йилда туғилган ва 170 йилларда вафот этган)нинг «Географиядан қўлланма» асаридан кенг фойдалангани маълум. Бироқ, ал-Хоразмий юқорида айтилганидек, «Байт-ул-ҳикмат»даги бошқа кўплаб алломалардан фарқли ўлароқ, салафларининг фикр-мулоҳазаларини кўр-кўрона қабул қилавермас, балки уларга танқидий кўз билан қарар эди. Масалан,

¹ Файзуллаев О. Муҳаммад ал-Хоразмий ва унинг мероси. Тошкент, «Фан», 1983, 26-бет.

² Абдурахмонов А. Ўзбек фанининг асосчиси. «Гулистон» ойнамаси. 1981 йил; 8-сон.

ўша даврларда Птолемейнинг нуфузи шу қадар кучли бўлганки, унинг қарашлари ўзгармас қонун сифатида қабул қилинар, ҳатто таниқли олимлар ҳам янги ғояларни илгари суришда унинг маълумотларига асосланишга уринишар эди. Бироқ «Китоб сурат ал-арз» асарини ёзишга киришган ал-Хоразмий ана шу анъанани инкор этди ва худди шу сабабли буюк юнон олими Клавдий Птолемей маълумотларини янгилай олди ва ҳақиқатга яқинлаштирди.

Биринчидан, ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» асари Птолемей «География»сига асосланган бўлса-да, ундан айнан кўчириб олинмаган, харитага қарабгина изоҳ тарзида ёзилган. Бошқа жиҳатлари билан ҳам кескин фарқ қилади.

Иккинчидан, Птолемей ўз асарида дунёни Фарбдан Шарққа томон тавсифлаган бўлса, ал-Хоразмий эса жадвалда Жанубдан Шимолга томон, иқлимлар бўйича тавсифлаган.

Учинчидан, Птолемейда йўқ жўғрофий маълумотлар ал-Хоразмийда бор. Айниқса, Кавказ, Марказий Осиё, Шарқий ва Шимолий Осиё тўлароқ ва аниқроқ тавсифланган.

Хуллас, ал-Хоразмий мустақил ва ўзига хос йўл тутиб, қимматли жўғрофий қўлланмасини ярата билган.

Бинобарин, 1894 йилда Италия фанлари Академиясининг махсус илмий ҳайъати ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» асарини илмий текшириб, бу ўзига хос қимматли асар кўп асрлар давомида Шарқда ва Фарбий Оврўпада қимматли қўлланма бўлгани, у Птолемей «География»сидан тубдан фарқ қилишини исботлаб берди. Ана шу далиллардан кўриниб турибдики, авваламбор, ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат-ал-арз» асари материал жойлаштирилишига кўра Птолемей «География»сидан тубдан фарқ қилади. Юқорида айтилганидек, Птолемей маъмур чораги (Ойкумена)ни шимоли-фарбдан, жануб ва шарққа йўналишда тавсифлайди ва бунда иқлимлар таълимотига асосланмайди. Птолемей Ойкуменанинг Оврूपо қисмини бирмунча ҳақиқатга яқин тасаввур қилган. Бироқ у Скандинавия ярим оролини билмаган, балки шимол денгизидаги Скандинавия оролинигина билган холос. Птолемей Африканинг шимоли-фарбий қисмини денгизда Испания чегарасига тиралган ўткир бурчак шаклида ифодалайди. Шимолий Африка унда фарбдан шарққа қараб ҳаддан ташқари чўзиб юборилган.

Яъни $38^{\circ}9'$ ўрнига $57^{\circ}15'$ га чўзилган. Натижада Урта денгиз 62° га чўзилган бўлиб, бу ҳақиқатдагидан 20° ортиқдир. Ал-Хоразмий эса Африкани ҳақиқатдагига анча яқинлаштиради.

Птолемей Осиёнинг Урта ва Қора денгизларига, Қизил ва Арабистон денгизларига ҳамда Форс кўрфазига ёндашган қисмларини бирмунча тўғри ифода этади. Бироқ, Осиёнинг ичкарасига узоқлашган сари Птолемей катта хатоликларга йўл қўяди. Орол денгизини у бутунлай билмаган, Окс (Аму) ва Яксарт (Сир) дарёларини Каспийга қуйилади, деб тахмин қилган. Каспийнинг контурларида ҳам у хатоликка йўл қўйган: уни шимолдан жанубга эмас, аксинча, ғарбдан шарққа чўзилган ҳолда ифодалаган. Ҳинди-Хитой ярим оролини эса экватордан жанубда 20° га узайтириб юборган. Ҳиндистон ярим ороли жуда кичик қилиб тасвирланган.¹

Ал-Хоразмий Каспий денгизининг шаклини анча аниқлаштиради. Кавказ, Шарқ ва Марказий Осиёнинг топографиясига катта аниқликлар ва янгиликлар киритади. Умуман, олимнинг «Китоб сурат ал арз» асарида 537 та шаҳар, 429 та тоғ, 316 та денгиз ва қўлтиқ, 265 орол, 56 мамлакат, давлат ва ўлка, 799 та дарё ва булоқ рўйхат қилинган. Жами 2402 та жойга изоҳ берилган, шулардан 936 тасининг номи кўрсатилган ва 1466 таси беном қолган².

Ал-Хоразмий изоҳлаган дунё харитасининг ўзи сақланиб қолмаган. Аммо «Китоб сурат ал-арз» китобининг ичида тўрттагина ҳудудий харита бор: Нил ҳавзаси, Урта денгиз, Жавҳарлар ороли ва Қўл. Булар орасида, айниқса, Қўл харитаси қимматли. Чунки, бу аслида Азов денгизининг мукамал ва мураккаб тасвиридир. Унда Азовга қуйиладиган катта-кичик дарёлар, уларнинг манбалари — тоғлар, қўллар ва чашмалар кўрсатилган. Улар аниқ координатларни белгилловчи рақамлар воситасида берилган, аммо ранглар билан кўрсатилмаган. Лекин тоғлар таърифи жадвалида уларнинг ҳар бири турли рангда изоҳланади. Бугунги кунда эса ал-Хоразмий фан оламига ҳавола этган тоғлар ранги муаммоси билан космогеология фани шуғулланмоқда.

¹ Аҳмедов А. Хоразмий географияси. «Гулистон» ойномаси, 1982 йил, 6- сони.

² Ҳасанов Ҳ. Шарқ географиясининг отаси. «Совет Ўзбекистони» рўзномаси, 1983 йил, 14 август.

Ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» асари ўрта асрдаёқ Шарқда ва Ғарбий Оврупа мамлакатларида жўгрофиянинг, айниқса, тавсифий ва математик жўгрофиянинг ривожланишига ниҳоятда катта таъсир этди. Ироқлик Сухроб Х асрнинг биринчи ярмида ал-Хоразмий асарини «Етти иқлим китоби» номи билан ўз таҳрири асосида кўпайтирди. Ал-Хоразмий «Жўгрофия»сидаги шарҳларнинг узунлама ва кенгламаларига хос айрим маълумотлар ал-Батонийнинг «Зиж» асарига ва XI асрда испаниялик араб астрономи аз-Зарқалийнинг «Толедо жадваллари»га киритилган эди. Шунингдек, Венгер олими К. Цегледи «Дунай бўйи мамлакатларининг Хоразмийгача харитаси»ни ал-Хоразмийнинг жўгрофиясидан фойдаланган ҳолда тузди.

1983 йили шарқшунос олимлардан Жамол ал-Даббаҳ ва Б. Розенфельд ал-Хоразмийнинг «Китоб ат-тарих» тарихий асарининг сақланиб қолган 144 та парчаларини ўрус тилига таржима этиб, нашр қилишди. П. Булгаков ва Б. Розенфельд ушбу парчаларни Табарийнинг «Тарих-ал-мулук ва -л-анбиё» асари билан солиштириб, ал-Хоразмий асари тузилиши жиҳатидан йилнома эканлигини аниқлашди.

Ал-Хоразмийнинг «Китоб ат-тарих» асарида милоддан аввалги 312 йилдан то милоднинг 828 йилигача халифалик ва унга ёндош ерларда юз берган муҳим тарихий воқеалар ҳикоя қилинади. Шундай қилиб, Хоразмийнинг «Китоб-ат-тарих» асари халифалик тарихининг унчалик маълум бўлмаган тарафларини ёритадиган муҳим манбадир. Ундан ташқари, бу асарда халифаликка қарши ҳаракатлар, халқ кўзғолонлари ҳақида муҳим хабарлар, фан ва маданият тарихига оид қимматбаҳо далиллар келтирилади.

Энди «Китоб ат-тарих»нинг ўрта асрлар тарихнавислигида тутган ўрнига қисқача тўхталадиган бўлсак, олимнинг бу асари бутун ўрта асрлар мобайнида Шарқ тарихнавислигига бевосита таъсир кўрсатиб келган. Шунга кўра, Хоразмий ўрта аср тарихнавислигида муайян анъанага асос солгани ва унинг илк вакилларидан бири бўлгани шубҳасиздир. Ҳозирги замон тарих фани илк ўрта аср, Яқин ва Ўрта Шарқ тарихини ўрганишда кўпроқ Табарий билан ибн ал-Асирнинг маълумотларига, демакки, ал-Хоразмийнинг маълумотларига таянади.

Шу вақтгача ал-Хоразмий асарига 141 марта мурожаат қилинган¹.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ал-Хоразмийнинг «Тарих китоби»дан ташқари «Қуёш соатлари ҳақида рисола», «Муסיқа ҳақида рисола», «Яҳудийларни эралари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола» каби асарлари ҳам бўлган.

Шундай қилиб, Хоразмийнинг энг сермазмун даври халифа ал-Маъмун даври бўлиб, у халифаликда биринчилар қаторида кундалик ҳаётда турли табиий-илмий ва ижтимоий фанларнинг кераклигини ва илмсиз ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етган эди. У илм-маърифат инсон ҳаётини осонлаштиришини, унинг кундалик фаолиятида ёрдам беришини англаб етган олимлардан эди. Ал-Хоразмий оламни билишга интилиб, диний ва миллий ёки ирқий чегараларни тан олмай, турли дин ва миллатга мансуб халқларнинг илмий ютуқларини ўзлаштирган эди. У моддий олам ҳодисаларини талқин қилишда, ундаги қонуниятларни баён этишда фақат илмга ва тажрибага таянган. Ал-Хоразмий арифметикага доир «Ҳисоб ал-ҳинд» рисоласида айтади: «Мен ҳиндлар 9 та ҳарфдан (уларни ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра) истаган сонларини тузишларини кўрганимдан кейин, ўрганаётганларга осонлик учун бу ҳарфлардан нима ҳосил бўлишини кўрсатишни азм қилдим»².

Ал-Хоразмий ўз илмий изланишларида инсонпарварлик ғояларига асосланиб инсон ҳожатини чиқариш ва унинг манфаати учун ижод этар эди. Ал-Хоразмийнинг қуйидаги сўзлари унинг дунёқарашини белгилаб беради. Алгебрага доир «Алжабр муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» асарида у айтади: «Мен кишиларга ҳисоблашда нима кераклигини (текшириб) қараганимда, бунинг ҳаммаси сон эканлигини кўрдим»³. Агар ал-Хоразмийнинг математикага оид иккала асари ҳам умуман олганда ҳисоб ва сонга тааллуқли эканлигини назарда тутсак, олим бу асарлари билан инсоннинг кундалик ҳаётида ҳисобга эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилганлигини кўрамыз.

¹ Аҳмедов А. Хоразмий асари изидан. «Фан ва турмуш» ойномаси, 1986 йил, 12-сон.

² Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар, Тошкент, «Фан», 1983, 59-бет.

³ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан», 1983, 59-бет.

Ал-Хоразмий инсон тафаккурининг қувватига, кишиларнинг имкониятига ишонар ва ўз асарларини уларга бағишлар эди. У алгебрага бағишланган рисоласида... «бу асарни ёзишдан мақсади кишилар унга ўз нигоҳини қаратар деган умид» эканлигини уқтиради.¹ Демак, у инсонни кундалик ҳаётида ўз ақл-идроки, тафаккур қувватига таянишга ундайди.

Ал-Хоразмийнинг инсонпарварлик ғоялари олимларнинг вазифаси ва бурчи, уларнинг инсоният олдидаги масъулияти ҳақида айтган сўзларида ҳам намоён бўлган: «Ўтмиш даврларда ўтган халқларнинг олимлари фаннинг турли тармоқлари ва фалсафанинг турли бўлимлари соҳасида асарлар ёзишда тийилмас эдилар. Бу билан улар ўзларидан кейин келадиганларни назарда тутардилар ва булар томонидан ўзларича (сарф қилинган) кучларига муносиб мукофот бўлар деган умид тутардилар ҳамда шон-шараф ва ёд тутиш билан мукофотланардилар, ростгўй лаблардан мақтовлар айтилади деб ишонардилар. Чунки улар фаннинг махфий сирларини очиш учун ўз бўйинларига олган қийинчиликлар ва меҳнатларини бунга арзимас деб билардилар. Улардан бири ўзидан аввалгилар қила олмаган ишларни амалга оширишда бошқаларидан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қилиб қолдиради. Бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ёпиқни очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади. Ёки бу айрим китобларда нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганини тўйлайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди»². Мутафаккирнинг бу сўзларини илк ўрта аср даврида олимлар ва тадқиқотчилар учун умумий деб эълон қилган ахлоқ қондаси (меъёри) деб қараш мумкин. Аввало, буюк олимнинг бундай ахлоқ дастури унинг дунёқарашини белгилаб беради. Шунинг учун бўлса керак, у ўз ҳаётини инсоният бахт-саодатига бағишлайди.

Ал-Хоразмийнинг табиий-илмий, маърифий-педагогик қарашлари алгебра фанининг келиб чиқиши ва унга бағишлаб асар ёзиши сабабини баён этишда ҳам аниқ кў-

¹ Уша жойда, 78-бет.

² Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан», 1983, 78-бет.

ринади: «...мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, ҳандаса ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир».¹ Демак, ал-Хоразмийнинг бу сўзидан равшанки, рисола ҳаёт тақозоси туфайли вужудга келган.

Ал-Хоразмийнинг илмий жасорати, башарият олдидаги буюк хизмати шундаки, у ўз асарлари билан замонасининг буюк математик, моҳир геодезист, ажойиб географ, забардаст астроном, етук тарихнавис олими ва мураббийси сифатида табиий-илмий фанлар, ёш авлод камолоти ва тафаккури, илм-фан равнақи учун хизмат қилди, инсониятнинг маърифий юксалишига катта ҳисса қўшди.

Алломанинг асарлари назарий-амалий ишлар билан узвий боғланган ўрта асрлар риёзиётининг ажойиб намунасидир. Ҳаётда табиий кучлар билан курашда инсонга кўмаклашиш, унинг оғирини енгил қилиш Хоразмий асарларининг асосий мақсадидир. Унинг «арифметикаси» ва «алгебраси» ҳаммага бирдек қўлланма бўлган ва ҳамон кишиларга хизмат қилиб келмоқда, жаҳондаги ҳамма мактабларда арифметика ва алгебра ўргатилади. Ҳисоблашнинг ҳар хил машиналари, жумладан, электрон ҳисоблаш машиналари ал-Хоразмий тамойиллари асосида халқ хўжалигига хизмат қилмоқда.

Хуллас, ал-Хоразмийнинг қомусий илм тизими жаҳон маърифат кўзгусидаги мўъжизалар лавҳаси бўлиб, уни ҳозирги ва келгуси авлодга тарғиб қилиш муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Бу билан шарқ халқлари ўзлигини топишга яқиндан ёрдам беради.

Ал-Хоразмийнинг табиий-илмий ва маърифий-педагогик қарашларининг бевосита давомчиси Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (тахминан 1035 йилда вафот этган) риёзиёт, ҳандаса, тригонометрия ва фалакиёт соҳасидаги кашфиётлари билан фақат Марказий Осиёдагина эмас, балки Яқин ва Урта Шарқда машҳур бўлган сиймолардан биридир.

¹ Уша жойда, 77—78-бетлар.

Ибн Ироқнинг таржимаи ҳолига онд маълумотлар жуда кам. Бу ҳақда айрим маълумотлар асосан унинг шогирди Беруний асарлари орқали етиб келган. Беруний (Э. С. Кеннеди томонидан яқинда топилган) «Сфера сиртида содир бўладиган нарсалар ҳақида астрономия илми калитлари китоби» («Китоб мақалид илм ал-ҳайъа май-ахдису фи басит ал-қура») номли асарида устозини таърифлаб, унга юксак баҳо беради, унинг фикри теран, зеҳни ўткир, доно ва софдил, илмий мунозараларда одил эканлигини кўрсатади¹.

Шундай қилиб, Беруний эсдаликларида устозини чуқур ҳурмат билан хотирлаб, унинг ўзини олимларнинг ишларига баҳо беришда ҳаққоний ҳакам бўлганлигини, шунингдек, ниҳоятда камтарлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу эса бизга олимнинг маънавий ва илмий қиёфасини тиклашимизга имкон беради, албатта. Сақланиб қолган маълумотларга ва олимнинг шогирди Беруний хотираларига қараганда ибн Ироқ 995 йилга қадар Хоразмшоҳлар пойтахти бўлмиш Кат шаҳрида яшади ва ўзига катта шуҳрат келтирган илмий асарларини яратди.

Беруний Гургонда бўлган даврда (998—1004) ибн Ироқ у билан хат ёзишиб, унга йўл-йўриқлар кўрсатиб турган. Берунийшунос олим П. Г. Булгаков: «Мусофирликда яшаётган, у ерда кенг мустақил ижодий иш бошлаган ўз шогирдини фойдаланиши мумкин бўлган астрономик адабиёт (зиж) лардаги хатолардан эҳтиётлик билан огоҳлантирар ва қатор кўрсатмалар берар, ўз шогирдининг айрим саволларига жавоб берар эди»,² деб ёзади. Баъзи манбаларнинг хабар беришича, 1017 йили Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни ҳам босиб олиб, Ғазнага Хоразм ва бошқа мамлакатларнинг машҳур шоиру олимларини олиб кетади. Улар орасида ибн Ироқ билан Беруний ҳам бор эди.

Ибн Ироқ йигирмадан зиёд илмий асар қолдирган. Шундан 12-тасини олим ўз шогирди Берунийга бағишлаган. Олим риёзиёт, фалакиёт ва тригонометрияга доир илмий асарлари ва қашфиётлари билан Хоразмдагина эмас, балки кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам маш-

¹ Қаранг: Қасымов Э. Г. Трактат Беруни о сферической тригонометрии. В сб. «Беруни к 1000 летию со дня рождения», Т., 1973, 81—84-бетлар.

² Қаранг: «Беруний туғилган куннинг 1000 йиллигига», Илмий тўплам; Тошкент, «Фан» 1973, 230—243-бетлар.

хур бўлган. Шунини айтиш кифояки, фақат текис учбурчакларгина эмас, балки шу билан бирга сферик учбурчаклар учун ҳам синуслар теоремасининг дастлабки исботларидан бири шу олим қаламига мансубдир. Абу Наср ибн Ироқнинг бу илмий ишлари ва кашфиётлари ўрта асрларда кенг тарқалганлиги Беруний ва Насриддин Тусийларнинг асарларида ҳам эслатилади ва юксак баҳоланади¹.

Олимнинг энг муҳим асарларидан бири «Подшо альмагести» (Ал-мажлисти аш-шаҳий) номли китоби бўлиб (афсуски, у бизгача етиб келмаган), унинг мазмуни ҳақида Беруний ва Насриддин Тусийлар келтирган парчалар орқалигина муайян маълумотга эгамиз, холос.

Шунини алоҳида эслатиб ўтиш керакки, ибн Ироқ жаҳонга машҳур математикларнинг мумтоз асарларини араб тилига таржима қилиш ва шарҳлар ёзиш билан Урта аср Шарқ риёзиётининг шаклланишига ҳамда унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб беришга катта ҳисса қўшди. Чунончи, ибн Ироқ эллинизм даври юнон математик олими Менелей (I—II асрда ўтган)нинг «Сферика» номли асарини ўзидан олдин шарҳда бажарилган тажрибаларда йўл қўйилган камчилик ва хатоларини тузатиб қайта таржима қилади ва бу асарга илмий шарҳ ёзади. Шарҳда ибн Ироқ Менелей теоремаларининг тушунтириш билан чегараланмасдан, сферик тригонометрия соҳасида ўзи эришган ютуқларни ҳам баён этади.

Ибн Ироқнинг шарҳи уч қисмдан иборат, у аввал сферик учбурчакнинг таърифини беради. Маълумки, сферик учбурчакнинг бурчаклари эгри чизиқлардан ҳосил бўлади, ана шу бурчаклар учун тенглик аломати ҳам таърифланади. Биринчи қисмда сферик учбурчакларнинг тенглик аломатлари келтирилади, тенг ёнли сферик учбурчакларида ҳам асосдаги бурчакларнинг тенглиги ҳақидаги, сферик учбурчакларда тенг томонлар қаршисида тенг бурчаклар ётиши ҳақидаги, учбурчак икки томонининг йиғиндиси учинчи томонидан катталиги тўғрисида

¹ Қаранг: Ал-Беруний. Трактат об определении хард в круге при помощи ломанной линии выпсанной в него. Перевод Б. А. Розенфельда и С. А. Красновой. В. сб. «Из истории науки и техники в странах Востока», вып. III. М., 1963, 134-бет; Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Т., том III, 1966, 167-бет; Муҳаммад Насриддин Туси. Трактат о полном четырёхстороннике. Баку, 1952, 167-бет.

ги, сферик учбурчак ички бурчакларининг йиғиндисини икки тўғри бурчакдан катталиги ҳақидаги теоремалар исботланади ва ҳоказо. Иккинчи қисмда сферадаги параллел доиралар айланалари системалари катта доираларнинг турли айланалари билан кесилганда ҳосил бўладиган хоссалар қаралади. Учинчи қисмдан олдин кейинги исботлар асосланадиган мураккаб нисбатлар ҳақидаги лемма берилади. Бу қисмнинг биринчи теоремаси Менелейнинг тўла тўрт томонлиги ҳақида. Бу фигура сферадаги иккита катта доира айланаларининг кесишишидан ҳосил бўлади¹.

Шундай қилиб, ибн Ироқ машҳур Менелей теоремасини шарҳлаш жараёнида ўзининг текисликдаги ва сферадаги синуслар теоремасини кашф этади. Ибн Ироқнинг бу кашфиёти, аниқроғи «Ислоҳ китоб Маналус» асари кейинчалик Насриддин Тусий ва Муҳиддин Мағрибийнинг (XIII аср) асарлари орқали Оврупода тригонометриянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир ҳам ибн Ироқнинг бу рисоласи қадимги ва ўрта аср фалакиёт фани тарихи бўйича энг муҳим манбалардан бири саналади.

Ибн Ироқ асосан сферик тригонометрия ва сферик астрономия масалалари билан шуғулланган бўлса-да, риёзиёт, фалакиётнинг бошқа масалалари ҳам унинг диққат-эътиборида турган. Хусусан, «Синд-ҳинд муаллифларида тенглама иккиланишининг сабаблари ҳақида китоб», «Абу Али ибн Синонинг юқори планеталар тенгсизлигини тушунтириш китобини тузатиш ҳақида китоб», «Ҳабашнинг эфемеридалар, жадваллар ёрдамида амалларини исботлаш ҳақида рисола», «Абу Жаъфар ал-Хозин ўзининг «Ассафоих зиж»да йўл қўйган хатоликни тузатиш ҳақида рисола», «Сунъий йўл билан астуллаб ясаш ҳақида рисола», «Қанотли саратоний астуллаб ҳақида рисола», «Негизлар» ўн учинчи китобидаги шубҳали ерни тушунтириш ҳақида рисола», «Геометриядан саволларга жавоб рисоласи»² ва бошқа қатор асарлари планеталар ҳаракати, ўздан олдин ёзилган астрономик асарлардаги янглишишларни тузатиш, уларни изоҳлаш,

¹ Абдурахмонов А. Математиклар математиги. «Еш куч» ойномаси, 1989 йил, 12-сон.

² Аҳмедов А. Абу Али ибн Синога замондош математик ва астрономлар «Абу Али ибн Сино турилган куннинг 1000 йиллигига». Илмий тўплам, Т., 1980, 108-бет.

астрономик асбоблар ясаш каби масалаларга бағишланган. Ҳозирги фан тарихчилари олимнинг мазкур асарларини риёзиёт ва фалакиёт фани тараққиётида буюк аҳамиятга молик иш деб баҳолашмоқда ва улардан кенг фойдаланишмоқда.

Ибн Ироқнинг риёзиёт ва фалакиётга оид қўлёзма ҳолидаги кўп асарлари бизгача етиб келмаган. Фақат кейинги вақтда Ҳайдаробод (Ҳиндистон) шаҳрида унинг ўн бешта рисоласининг арабча матнлари чоп этилгандан сўнггина олимлар уларни тадқиқ қилиш имконига эга бўлишди. Ҳозирги вақтда ўша рисолалар ўрганилмоқда ва нашр қилинмоқда. Бу эса хоразмлик буюк математик Абу Наср ибн Ироқнинг илмий хизматларини баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Галина Павловна Матвиевскаянинг таърифича, ибн Ироқ «Математиклар математиги», яъни математикларнинг тарбиячиси ва муаллимидир. Ҳақиқатан шундай. Ундан кўплаб олимлар таълим олишган ва унинг асарларидан баҳраманд бўлишган.

Демак, ибн Ироқнинг риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт билан шуғулланиши ўша давр илм-фани тараққиётига мисли кўрилмаган даражада қўшган ҳиссаси эди. У сонлар ҳақидаги фан — арифметиканинг, ўлчаш тўғрисидаги фан — геометриянинг келиб чиқиши сабабларини, самовий жисмларнинг ҳаракат тезлигини илғор тафаккур орқали табиий-илмий нуқтаи назардан тушунтириб берди. Ибн Ироқ риёзиётнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, у ақлни чархлаши ва тасаввурни мустаҳкамлашини таъкидлайди. Шунингдек, бу фан тугалланмаган фикрни тушуниб олишга ўргатади, чунки унинг бошланғич қоидалари маълум, исботлари эса осон. Унда зиддият кам бўлиб, ақлга кўмаклашади, ягона ғояни илгари суради, Ибн Ироқ текис ва сферик учбурчаклар учун синуслар теоремасининг исботини математика тарихида биринчи марта кашф этди. Шунингдек, алгебра билан ҳандаса ўртасидаги Ибн Ироқ таъкидлаган алоқа риёзиётни ўзгарувчан катталикларга ҳамда ҳаракат ҳақидаги ғояларга жуда яқин олиб келади. Бу фикрлар ўша давр учун жуда муҳим аҳамиятга эга эди.

¹ Қаранг: Аҳмедов А. Ибн Али ибн Синога замондош математик ва астрономлар. «Абу Али ибн Сино тугилган куннинг 1000 йиллигига», Илмий тўплам; Т., 1980, 109-бет.

2- §. Абу Бакр Муҳаммад ибн Ал-Аббос ал-Хоразмийнинг маърифий — ахлоқий қарашлари

Дунёга машҳур олим, маърифатпарвар шоир Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Хоразмийнинг (935—993) ҳаёти ва ижоди ҳанузгача жамоатчиликка маълум эмас. Ваҳоланки, мутафаккир ҳақида маълумот берувчи араб тилида ёзилган ал-Утбийнинг «Тарих ал-Йамини», Ибн ал-Асирнинг «Қомил фи-тарих», Ибн Халликаннинг «Вафайат ал-а йан», ал-Ханбалининг «Шазарат аз-Заҳоб» каби тарихий манбалари сақланиб қолган. Ҳозирги замон араб олимларидан Каххалийнинг «Муджам ал-муаллифин», Курд Али Муҳаммаднинг «Кунуз ал-аждад», Ханна ал-Фахурийнинг «Араб адабиёти тарихи», Муҳаммад Маҳди ал-Басирийнинг «Фи-л-адаб ал-аббаси» деган асарларида, таниқли шарқшунос И. Ю. Крачковский, И. Абдуллаев ва Ғарбий Оврупо олимларидан В. Альвардит, К. Брокальман, Х. Гиббнинг илмий тадқиқотларида ҳам Абу Бакр ал-Хоразмийнинг ҳаёти ҳамда ижодига оид қимматли далил ва мулоҳазалар мавжуддир.

Абу Бакр ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида унинг яқин дўсти ва замондоши Абу Мансур Абдумалик Ас-Саолибий «Йатимат аддаҳм фимаҳосин аҳл-ал-асар» («Асри аҳлининг фазилатлари ҳақида замонасининг дурдонаси») номли таъкирасининг тўртинчи қисмидаги Хоразм шоирларига бағишланган махсус бобида шундай деб ёзади: «У замонасининг энг доноси, адаб денгизи, наср ва назмнинг туғи, фазл ва идрок олимидир. У ажойиб фасоҳат ва ибратли балоғатни (ўзида) муҷассамлаштирганди. Араблар тарихи, жанглари ва девонлари билан (чуқур) танишади, луғат, шеърятга оид китобларни ўрганади ва ҳар қандай нодир (нарсалар) ҳақида сўз юритади, (илмнинг) ҳар қандай бобидан ва дурларидан келтира оларди, адаб гўзалликларида энг олий даражага эришганди. Мушоҳадасининг ёқимлилиги, иборасининг малиҳлиги, саҳоватининг юксаклиги, жиддийлигининг моҳироналиги ва ҳазилларининг ҳаловатлилиги билан ҳар қандай йирилишда ғолиб чиқарди»¹. Хуллас, Ас-Саолибий ва Абу Райхон Беруний ўз ватандошлари Абу Бакр ал-Хоразмийнинг шеърларидан, рисоласидан фойдаланганини зўр мамнуният билан таъкид-

¹ Қаранг: Абдуллаев И. «Абу Бакр ал-Хоразмий», «Ўзбек тили ва адабиёти» ойнаси, 1971 йил, 6-сон.

лаб ўтишарди. Мутафаккирнинг таржимаи ҳолини юқоридаги тарихий манбалар ёрдамида тиклашимиз мумкин: Абу Бакр ал-Хоразмий 935 йили илму фан ва маданиятнинг муқаддас гулшани Хоразмда туғилади ва шу ерда ўсади. Аини умрининг гуллаган даврида (20—25 ёшларида) тарихий шароит туфайли ватанидан кетишга мажбур бўлади. У Ироқ ва Шомга бориб, етук олим ва шоирлар билан танишиб, улардан таълим олади. Кейин Ҳалабга бориб, машҳур Ҳамадонийлар амири, шоир ва олимлар ҳомийси Абдулҳасан Сайфуддавла (944—967) билан танишиб, унинг саройида хизмат қилади. Кейин яна саёҳатга чиқиб, Бухорога келади. Сомонийлар саройида яшаб, вазир Абу Али ал-Балъамий (960—974 ва 992—996) билан дўстлашади, лекин бу дўстлик узоққа чўзилмайди, у билан муносабати ёмонлашиб, Нишопурга йўл олади. Бу ерда таниқли шоирлар Абулҳасан ал-Казвиний, Абу Мансур ал-Бағавий ва Абулҳасан ал-Ҳакимийлар билан дўстлашиб, уларнинг шоирлик маҳоратидан баҳраманд бўлади. Кейин Сижистонга кетишга қарор қилади. Бу ерда фитна-фасодларга учраб, узоқ вақт зиндонда ётади. Зиндондан қутулгач, Нишопурга қайтади, у ердан бувайҳийлар амири Абу Шужоъ Азудуддавла (936—983) ҳузурига, Шерозга жўнайди. Азудуддавла шоирни беҳисоб тухфалару инъомлар ила кутиб олади ва унга умрбод бериладиган маош жорий қилади. Абу Бакр ал-Хоразмий Нишопурга қайтиб келиб, бу ерда муқим яшай бошлайди. Талабаларга дарс беради, шеър ёзишни ўргатади. Нишопурлик машҳур адиб, шоир ва олимлар, шулар қатори ас-Саолибий билан дўстлашиб, уларнинг мажлисларида иштирок этади.

Шоирнинг осойишта ҳаёти ва эркин ижоди узоққа чўзилмади. Унинг бувайҳийларга муносабати яхшилиги сабабли сомонийлар вазири Абулҳусайн ал-Утбий (977—986) шоирга нисбатан ёмон муносабатда бўлиб, унинг мол-мулкни мусодара қилиш ва ўзини ҳибсга олишга фармон беради. Абу Бакр ал-Хоразмий ҳийла ишлатиб, Нишопурдан Соҳиб ибн Аббод ҳузурига, Исфаҳонга қочади. Бу ерда ал-Утбий ўлдирилиб, ал-Музаний вазирликка кўтарилгунча яшаб туради. Ал-Музаний шоирни Нишопурга олдириб келади ва унинг мол-мулкни қайтариб олиб беради. Қолган умрини Абу Бакр ал-Хо-

размий Нишопурда ўтказди ва у 993 йили вафот этади¹.

Абу Бакр ал-Хоразмийнинг асарларида инсонни улуглаш, адолат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, мардлик, сахийлик, камтарлик, ростгўйлик, дўстлик, олижаноблик, карамлилик, мурувватлилик, одоб ва ахлоқ, илму маърифат тўғрисида илгари сурилган ғоялар фақат ўша давр учун аҳамиятли бўлибгина қолмасдан, балки ҳозирги кунда ҳам ўзининг маърифий-тарбиявий қимматини йўқотмаган.

Мутафаккир ўзининг маърифий-тарбиявий қарашларида таълим-тарбиянинг мавруди, мароми ва ўқитувчининг ўрни ҳақида гапириб: «Итоатсиз бола туфайли (чеккан) мусибат (катта) даҳшатдир, унинг (ўлими туфайли одамлар) таъзияси эса табриклашдир. Ақлли киши икки ёмон ишдан яхшисини танлаб олади ва иккита ишончли кишининг энг адолатлисига ён босади. Илм аҳли бўлмаганнинг илмга баҳиллиги аслига қараганда ҳукмдир, фазли билан эса маърифатдир. Оталар икки (хил) отадир: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси; биринчиси жисмоний ҳаёт сабаби, иккинчиси руҳий ҳаёт сабабидир»² деган қимматли фикрларни баён этади.

Ўз навбатида, Абу Бакр ал-Хоразмий бола дунёқарашининг шаклланишида ва камолотида уч асосий омил: ижтимоий муҳит, узлуксиз таълим-тарбия ва наслий хусусиятларнинг аҳамиятини алоҳида ажратиб кўрсатади. «Нафс ўз тузилишига мойилдир, қуш ўз зотига тортади. Инсоннинг келиб чиқиши тақозо қилган нарсага қандай қилиб у қаршилик қила олади, тупроғи ёмон бўлгандан кейин (қандай қилиб) ҳосил яхши бўла олади? Китобга рашк (қилиш) карамли ишлардан, балки у оилага рашк қилишнинг ҳамшираси. Яхши кўрган китобни ўқиш қайғу заҳарига қарши доридир. Агар масофани муҳаббат қулочи билан ўлчанса ва эсга олиш қўли билан чамаланса, у яқин жой ва кичик майдондай (бўлади), агар уни унутиш қулочи билан ўлчанса ва унга ғофиллик ҳамда ёддан чиқариб юбориш назари билан қаралса, у узоқроқдир. Шуҳратли кишилар орасидаги шон-шараф — насаб, қариндошчилик—бурч ва ҳурматдир, карамли ка-

¹ Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X—начала XI в. Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1984, 134—135-бетлар.

² Қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Иатимат ад-даҳр. «Фан» нашриёти. Тошкент, 1976, 194-бет.

рамликнинг биродари, улуғ улуғликнинг биродари, ҳатто уларнинг шаҳарлари бошқа-бошқа ва ёшлари турлича бўлса ҳам. Замондан яхшироқ таълим. (берувчи) муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим. Энг тоза ўсимликдан ҳам карамлироқ уни эккан кишилар, карамлидан ҳам карамлироқ уни тарбиялаган кишилар»¹.

Мутафаккир илму маърифат ёрдамида халқни жаҳолат ва нодонликдан қутқариш, жамиятдаги адолатсизликларни йўқ қилиш мумкин, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатни обод, халқни бахтиёр қилишнинг асосий шартини адолат эканлигини таъкидлаб мамлакат ҳукмдорини одил ва инсонпарвар бўлишга чақиради: «Агар ҳокимият атрофида адолат ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади. Ғазаб ҳурматни унутади, яхшиликларни кўмиб юборади ва бегуноҳлар учун жиноятларни вужудга келтиради.

Раҳбарлик (қилиш) тобеларнинг кўплигига боғлиқ, тобеларнинг кўп (бўлиши) хайру саҳоватнинг кўп бўлишига боғлиқ.

Одамлардан шундайи (борки), ҳокимиятни бошқарганда, нафси уни амалдан туширади, одамлардан шундайи (борки), лавозимдан бўшаганда, фазилати уни яна ўрнига ўтқазади»².

Олим кишилар ўртасида оға-инилик, иноқлик ва биродарлик ва ҳамдамлик муносабатлари эл-юрт учун ғоят зарур омиллардан бири эканлигини таъкидлайди: «Дўстлашиш мурожаат эмас, хушмуомалаликдир, хушмуомалалик эса чуқур текшириш ва ўрганишни узоққа чўзмайди ҳам, ҳисоб ва сарфни кўтармайди ҳам. Дўстлик муносабатлари эскирса, яқин қариндошликка айланиб кетади ва иккинчи марта онани эмишгандай бўлиб қолади. Кимки одамлар қалбларини овлайман деса, унга эҳсон ва мурувват донларини сепиши, фазл ва олижаноблик тузоқларини қўйиши керак. Кимки ўз биродарини фақат кўргандагина эсласа, уни топиши гўё уни йўқотишдир, у билан учрашиши эса, ундан жудо бўлишидир. Кимқи наҳс (ишларни) такомиллаштиради, нафси унга насиҳат қилмай қўяди, кимки дўстидан ўзини юқори тут-

¹ Қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Иатимат ад-дахр, «Фан», Тошкент, 1976, 195-бет.

² Абдуллаев И. Мансур ас-Саолибий. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 67—68-бетлар.

са, уни ўзини севишга мажбур этган бўлади, кимки дардини даволамаса, дард унга ҳамроқ бўлиб қолади»¹.

Мутафаккир ота-оналарга ўз фарзандларини мард, матонатли, жасоратли, шижоатли, саҳоватли, карамли, олижаноб, камтарин, хушмуомала ва гўзал инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга панду насиҳатлар қилади: «Душманларга матонатни ҳеч зоҳир этмагин, (у вақтда) сен таҳқирланиб қоласан».

Райҳонни кўрганмисан? Кўкариб турганда уни ҳидлашади, қачон туси ўзгарса, таҳоратхонага ташлаб юборишади.

Эр кишининг фазилати унинг кийимидир, агар у калта бўлиб қолса, киши яланғочдай бўлиб қолади, агар узун бўлса, унинг ичида қоқилиб кетади. Асирдан каттароқ (шундай) кишики уни асир олади. Шердан шижоатли (шундай) кишики, уни боғлаб олади, кейин қўйиб юборади.

Ҳурмат эҳсон билан баробардир, сотиладиган мол нархининг қарама-қаршисидир. Ҳаёт ҳодисотлари эрлар кўзгусидир, хулқ-атвор эса улардаги нуқсон ва камолот меъёридир. Карамли киши таҳқирланса ҳам азиздир. Карамли киши (агар) ёмонлик қилса, хатоликдан (бўлади), агар яхшилик қилса, ўйлаб ва ният билан (қилинган бўлади). Олижаноб (киши) агар жароҳатланса, (уни) боғлаб қўяди, йиртса ямайди, агар бир томондан зарар келтирса, ҳар томондан фойда келтиради. Олижаноб (киши) зафарининг каромати шундаки, агар қўлга киритса, яна (кўпроқ) киритишни истайди. Саҳоватли (киши) буғдой сотиб олмайди, яхшиликни харид қилади. Карамли (киши) гўзаллик билан савдо қилади, мол билан савдо қилмайди. Олижаноб (одам)нинг ҳиммати унинг камбаралликдан ҳимоя қилувчиси ва қисматига қарши қуролдир. Саҳоватли кишининг оти ўз аслига (қараб) чопади, дарахт шохи эса илдизига (бориб) тақалади. Шижоат, ҳатто унга қарши киши учун ҳам сеvimлидир, қўрқоқликнинг у билан муносабатда бўлган кишига жирканчли (бўлиши) ҳам худди шундай, сахийликнинг ҳатто ўз душмани қалбига ёқимли (бўлиши) бахилликнинг эса ҳатто унга меросхўр ва унга дўст киши учун оғир (бўлиши) ҳам худди шундай. Саҳоватни кўп тақдирлаган киши карамлидир, динорни кам йиққан киши

¹ Абу Мансур ас-Саолибий. Иатимат ад-даҳр. «Фан», Тошкент, 1976, 194-бет.

буюкдир. Таги бўлмаган фазилатни даъво қилиш камчиликдир, гўё камчиликка уэр сўраб иқрор бўлиш фазилат бўлганидай.

Эҳсон эшиги унга киришни хоҳлаганлар учун очиқдир, мурувват қилишни хоҳлаган киши учун унинг ихота қилинган жойи бемалолдир. Қарамли (киши) учун тўсиқ йўқдир, унинг олдида эшик беркитилмайди. Саҳоват қилган киши чарчамайди, бахиллик қилган эса ҳеч роҳатланмайди»¹.

Абу Бакр ал-Хоразмий бисотида юқоридаги каби кишиларнинг оила ва жамиятдаги бурчларини, бола тарбиясидаги масъулиятини тўғри талқин қилишга ундовчи ғоялар анчагина. Мутафаккир жамият ва оила манфаатларини кўзлаб ёш боланинг эркин интилишларини бўғмасдан, аксинча илмга рағбатлантириш керак, деган хулосага келади: «Адабнинг меваси катта ақлдир, илмнинг меваси яхши амалдир. Кичикка мурувват энг латиф ва энг ёқимли бўлади, худди озгина сув энг ширин ва мазали бўлганидай. Агар эр кишини хавотирлик ипи кишанлаб қўйган бўлса, орзу-умид улови томон кўзғалмайди. Қаерда рағбатлантириш бўлса умид шу томонга йўл олади, қаерга дон сепилса, шу ерга қуш қўнади»².

Мутафаккир ҳар бир кишининг қадр-қиммати жамиятга ва ўз халқига етказадиган фойдасига қараб белгиланишини таъкидлаб, кишиларни ростгўйликка, софдилликка, мурувватли, сабр-тоқатли ва чидамли бўлишга чақиради: «Сабабсиз уэр гуноҳдир, ишонч йўқолиши билан (қилинган) такаллуф ҳақоратдир. Ташаккур айтганинг шукрини қабул қилиш унинг (янада) кўпайиши учун қарзидир, маддоҳ сўзини тинглаш унинг ҳожатини (чиқариш) гаровидир. Кўрганнинг тили айтиб берганининг тилидан нотикроқдир, воқеанинг гувоҳи бўлиш (бирова) сўзининг гувоҳи бўлишдан адолатлироқдир. Кишиларга маълум бўлмаса ҳам ҳақиқат ҳақиқатдир, кўр кўрмаса ҳам кундузи кундузидир. Давр хойнликдан кейин вафо қилади, синдиргандан кейин тузатади, гуноҳдан кейин тавба қилади, ҳақорат қилгандан кейин тақдирлайди. Сўзнинг энг яхшиси зиддига қарши чиқилишидан роҳатланиш, ҳазил ва жиддийлигидан хурсанд

¹ Қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Иятимат ад-дахр. «Фан», Тошкент, 1976, 195—196-бетлар.

² Қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Иятимат ад-дахр. «Фан», Тошкент, 1976, 197—198-бетлар.

бўлишдир. Ой нур сочганига, мушк эса ҳид берганига шукр қилади. Яширин дардга даво бўлмайди, даво булмагач шифо бўлмайди. Чопқир от урилса қоқилади, кескир шамшир зўр зўракай (урилса) кесмайди, ростгўй тил ёлгон сўзласа тутилиб қолади»¹.

Олим ёшларни навқиронлик даврининг ҳар дақиқасини қадрига етишга, ҳалол меҳнат қилиб фаровонликка, бахт-саодатга эришишга чақиради: «Замон ўтиши сўз (эшитишга) кар, маломат ўқларининг отилишига сабрли: дарахтларни қирқиб ташлайди, шохларни синдиради, ёшликни ўғирлайди, орзу-умидларни ва баданни балоларга гирифтор қилади, борларни бўлиб ўтганларга қўшади.

Муваффақият келтирган меҳнат қандай яхши, меваси йиғиб олинган шавкат (қандай яхши). Меҳнат бу бир сел, агар сел тўхтаб қолса, сингиб кетади.

Кишининг тақдир ўқидан сақланиши, ўз қадр-қиммати учун курашиши қандай яхши ва ризқ учун нарвон (бўлиши), ҳақиқий хизмат йўли билан уни қўлга кириштиши қандай яхши. Узоқ хизмат ҳурматни мустаҳкамлайди. Ҳурматнинг мустаҳкам бўлиши эса, яқинлик ва қариндошликни қаттиқ боғлайди»².

Абу Бакр ал-Хоразмий жоҳиллик, ялқовлик, текин-хўрлик, хушомадгўйлик каби ахлоққа зид бўлган одатларни кескин қоралайди: «Дангасанинг ҳожатида унга ҳамроҳ бўлма, қанча солиҳ кишилар бошқанинг фасоди билан бузилиб кетадилар. Бўхтончидан кўра унга қулоқ солган киши ёмонроқдир, ёмон матодан уни қабул қилган киши ёмонроқдир. Муддат қандай яхши қуролдир, саломатлик қандай яхши ҳимоядир, тақдир қандай ёмон душман, маҳрум бўлиш қандай ёмон шафе, кимсасиз қолиш қандай ёмон рафиқ. Биродарларга шавқ қилиб муסיқий асбоблари билан завқланади, қўй гўштига хирс қўйиб хўкиз гўшти ейилади, узумнинг номи билан майизни жоиз дейилади ва туркнинг йўқлигида славяннинг хизматини қилади. Қалбаки мақташ ҳақоратлашдир, пойдеворсиз қурилган бино қулайди»³.

Мутафаккир ёш авлоднинг келажаги ва жисмонан

¹ Абу Мансур ас-Саолибий. Ятимат— ад-даҳр. «Фан», Тошкент, 1976, 197—198-бетлар.

² Қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Ятимат ад-даҳр. «Фан», Тошкент, 1976, 197—198-бетлар.

³ Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 69-бет.

бақувват, яъни саломат бўлиши ҳақида қайғуриб шундай дейди: «Эҳтиётсиз (қилинган дори-дармон касалликдир, унга ҳожат тушгандагина, у шифо бўлади»¹. Унинг фикрича ичкилик киши ҳаёти ва соғлиги учун ниҳоятда зарарли бўлиш билан бирга, чўнтакнинг ҳам заволидир: «Қоса ва чўнтакнинг иккаласини (баробар) тўлдиришга ҳукм қилинмаган: қосани тўлдириш учун чўнтакни бўша-тиш керак»².

Мутафаккирнинг муҳаббатни педагогик-психологик нуқтай назардан таърифлаган фикрлари ҳам жуда диққатга сазовордир: «Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир. Муҳаббат (сувидаги) хор-хашакларга бардош берилмаса ва унинг лойқа сувларини ичилмаса, унда яхшилик бўлмайди. Муҳаббат қандай яхши шафедир ва унинг эгасига қалб қандай яхши ёрдамчидир»³.

Хуллас, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмийнинг ижодини атрофлича ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ўзбек маърифатининг бугунги куни ва келажаги ривожини учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг маърифий-ахлоқий қарашларидан кенг фойдаланиб ўтказиладиган одобнома машғулотлари ўқувчилардаги ахлоқий тушунча ва билимларни кенгайтиришга хизмат қилади.

3- §. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийнинг маърифий-педагогик ва психологик қарашлари

Шарқ Уйғониш даврининг қомусий олимларидан бири, забардаст тарбияшунос Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний (973—1048) умумжаҳон табиий-илмий ва ижтимоий фанлар ривожига катта таъсир кўрсатган буюк ақл-заковат соҳибидир. Унинг дунёқарашини Х асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошида Марказий Осиёда ривожланган феодализм қарор топаётган ғоят мураккаб, жўшқин воқеаларга бой тарихий вазиятда шақлланди. Биринчи устози бўлмиш Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ уни Эвклид геометрияси ва Птолемей асарлари билан таништиради. Ибн Ироқ унга Хоразмнинг турли шаҳарларидаги мадрасаларда ва маш-

¹ Абу Мансур ас-Саолибий. Иятимат ад-даҳр. «Фан», Тошкент, 1976, 194- бет.

² Уша жойда, 240- бет.

³ Уша жойда, 196- бет.

хур устозларидан таълим олишга яқиндан ёрдам берган.
Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний қуйидагича эслайди:

Маъмурларнинг авлодидан ул Али,
Бўлди табиб, дард кўрмади ҳеч жоним.
Сўнгги Маъмур назар солди ҳолимга,
Бошим кўкка етказди ул султоним,
Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам,
Утди неъмат соясида кўп оним.
Боқди Ироқ оиласи сут билан,
Ниҳол эдим Мансур бўлди дармоний.

Шунингдек, Абу Райҳон Берунийнинг табиий-илмий ва маърифий-педагогик ҳамда психологик қарашларининг шаклланишида қомусий олимлардан Муҳаммад ал-Хоразмий (780—850), Абу Аббос Аҳмад Фарғоний (IX аср), Марвозий (IX аср), Жавҳарий (IX аср), Абу Наср Форобий (870—950), Абул Вафо Бузхоний (840—938), Абу Саид ас-Сижий (951—1024) ҳамда юнон олимларидан Фалес, Пифагор, Архимед, Гален, Гиппократ, Эвклид, Птолемей, Платон, Аристотел, ҳинд олими Брамагупта ва бошқаларнинг асарлари таълим ва тарбия мактаби вазифасини ўтади. Беруний бу олимларнинг асарларини ўқиб билиш учун ёшлигиданоқ араб, форс, юнон, санскрит, яҳудий тилларини пухта ўрганди.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, X асрнинг биринчи ярмида Хоразмда рўй берган сиёсий воқеалар сабабли илму маърифат билан жиддий шуғулланаётган ёш олим Абу Райҳон Беруний маълум муддат ватанини тарк этиб, дастлаб Эроннинг Журжон, сўнгра Рей шаҳарларига кетишга мажбур бўлади. Журжон (Гургон) ҳокими Қобус ибн Вашмигир (928—1012) Абу Райҳон Берунийга илмий ижоди учун қулай шароит яратиб беради. 1000 йилда эса Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзиб тугатади. Бу асар ёш олимнинг номини бутун Шарққа танитди. Тахминан 1005 йилда Абу Райҳон Беруний Хоразмшоҳ Абу-л Аббос Маъмур ибн Маъмур (937—1017) томонидан Хоразмга чақириб олинади ва саройда олим ҳамда давлат арбоби сифатида мулозаматда бўлади.

Беруний Маъмур тўғрисида мана шундай бир ҳодисани қуйидагича эслайди. Бир куни шоҳ отда бир қанча йўл юрганидан кейин Берунийнинг уйи яқинида тўхтаб, уни чақиришга буюрибди. Беруний уйдан сал кечикиб

¹ Ирисов А. Беруний ҳикматлари. Тошкент, 1973, 98-бет.

чиқибди. Маъмун уни кўриши билан олдига от чоптириб келибди ва отдан тушмоқчи бўлганида Беруний ер ўлиб, унинг отдан тушмаслигини ўтиниб илтимос қилибди. Шоҳ бир байт ўқибди, унинг мазмуни бундай: «Илм ҳар нарсадан улуғдир. Ҳамма илмга интилади, аммо илм (ҳеч кимга) ўзи келмайди»¹.

Илм аҳлининг қадрига етувчи Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун Гурганчда «Маъмун академияси»ни ташкил этади. Беруний ана шу академиянинг раҳбари сифатида 8 йил (1009—1017) фаолият кўрсатган. Машҳур олимларни йиғиб, мадраса талабаларига дунёвий илмлардан сабоқ берганлар ва ёш олимларнинг илмий тадқиқотларига раҳбарлик қилиш билан бирга уларга фан асосларидан маъруза ўқиганлар.

«Маъмун академияси»даги тинимсиз меҳнат Берунийнинг шоҳ олдидаги ҳурмат-эътиборини оширди, халқига илм-маърифат тарқатишдек буюк мақсадни амалга оширишга яқиндан ёрдам берди.

Маҳмуд Ғазнавий 1017 йили Хоразмни истило қилгач, маҳаллий олимларни мамлакат манфаатларини кўзлаб иш юритишга мажбур этган. Аммо олимлар унга бўйсуннишни истамаганлар; буюк аллома Ибн Сино шу важдан Марказий Осиёни бутунлай ташлаб кетган, Абу Саҳл эса саҳрода ҳалок бўлган. Абу Райҳоннинг устозларидан бири Абдусамад карматлар (феодалларга қарши тенглик ва адолат талаб қилувчилар) ҳаракатига қўшилганликда, шаккоклик қилишда айбланиб, қатл этилган. Абу Райҳон Берунийга ҳам шундай айб қўйишмоқчи бўлишган. Лекин кимдир султонга Абу Райҳон мунажжимлик илмида ўз замонасининг пешвоси, подшоҳларнинг ундайларга эҳтиёжи зўр бўлади, деб қутқариб қолади. Шунинг учун Маҳмуд Ғазнавий Абу Райҳонни саройидаги бир неча олимлар билан бирга ўзи Ғазнага олиб кетган. Маҳмуд Ғазнавий Берунийнинг ўткир зеҳнлилигини билиб, ҳар доим у билан илм соҳасида маслаҳатлашибгина қолмасдан, ҳатто ҳарбий юришларда ҳам уни ўзи билан бирга олиб юради. Шундай юришлардан бирида Беруний Ҳиндистонга боради ва у ердан Ҳинд (санскрит) тилини ўрганиб қайтгач, бир қанча асарларни ҳиндчадан арабчага, арабчадан ҳиндчага таржима қилади ва ўзининг «Таҳқиқи молил ҳинд» ва машҳур «Тарихул ҳинд» («Ҳиндистон») асарларини ёзади.

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Тошкент, 1981, 51-бет.

Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Масъуд даврида Беруний ўзининг фалакиёт ва физикага оид машҳур «Қонуни Масъуд» асарини ёзиб, уни Масъуд номига бағишлайди. Шунингдек, олим ана шу даврда яратилган «Жойлар чегараларини аниқлаш учун турар жойларнинг масофаларини белгилаш» («Геодезия») асарида Қуёш ва Ойнинг тутилиш сабабларини, жойларнинг жўғрофик кенгликларини аниқлаш йўллари тушунтириб беради. «Жавоҳирларни билиш ва умумий китоб» («Минералогия») асарида қимматбаҳо тош ва минералларни, уларнинг хосса ва хусусиятларини, солиштирма оғирлиги, қаттиқлик даражаси, ранги, тиниқлиги ва бошқа физик хоссаларни баён қилган. «Сайдана». («Фармакогнозия») асарида Беруний доривор ўсимликлар тарихини ва улар қайси тилларда қандай номланишини тушунтирган. Хуллас, Беруний қадимги юнон ва ўрта аср шарқи, Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон ва араб мамлакатларининг маданият тарихини тадқиқ қилиш ишига ҳам улкан ҳисса қўшди. У 150 дан зиёд бебаҳо асарлар ёзиб қолдирди. Улардан бизгача 30 дан ортиқ асар етиб келган, холос.

Кўриниб турибдики, Беруний ўз даврнинг ажойиб фаол тадқиқотчи ва кузатувчи олими эди. Ўрта аср табиий-илмий фанлари ҳақида фикр юритар эканмиз, Берунийнинг жўғрофия, геология, геодезия, минералогия, математика, физика, хусусан, фалакиёт соҳасидаги илмий ишлари табиат сирларини очиш, инсонни ўраб олган ҳодиса ва воқеалар тўғрисидаги табиий-илмий билимларнинг ривожланишида катта роль ўйнади. Берунийнинг табиий-илмий ютуқларидан бири шундаки, у Ернинг марказ эмаслиги, унинг Қуёш атрофида ҳаракат қилиши ҳақидаги гелиоцентрик ғояни илгари сурди. Берунийнинг бу илмий ҳулосаси ўша даврдан 500 йил ўтгандан кейин улуғ астроном Коперник томонидан илмий асосда тасдиқланди. Беруний Абу Али ибн Сино билан қилган мунозарасида коинотдаги сайёралар, шу жумладан, Ер ҳам ўзаро тортишиш кучига эга деган ҳулосага келди. Берунийнинг бу назарий ҳулосалари XVIII аср бошида инглиз олими И. Ньютон кашф этган бутун дунё тортилиш қонуни билан илмий жиҳатдан асосланди. Унинг табиий-илмий қарашларига кўра, Ер шарсимон бўлиб, бу кун билан туннинг, ёз билан қишнинг алмашишига сабаб бўлади. Беруний томонидан риёзиёт асосида Ернинг диаметри ва айланасини, шунингдек, жойлар кенглигини ҳамда Ердан ёриткичларгача бўлган масофани аниқлаш

бўйича константа (доимий сон)нинг чиқарилиши ўрта асрлардаги, шубҳасиз, энг катта ютуқ эди. Демак, Берунийнинг ўз давридаги ва кейинги олимларга илмий таъсири жуда кучли эди. Шунинг учун ҳам Берунийни замондошлари ва кейинги асрларда яшаб, ижод қилган шарқ мутафаккирлари ва Оврупо олимлари ҳам ўзларининг устози, яъни муаллими деб тан олганлар.

Берунийнинг маърифатпарварлик ва олимлик фаолиятини юксак баҳолаб, С. П. Толстов шундай ёзади: «Улуғ бунёдкор Беруний фаннинг бир қатор ҳал қилувчи масалаларида ўз даврдан беш юз йил, балки ундан ҳам кўпроқ олдинга кетган»¹. Беруний илм-фан тарихида биринчи бўлиб илмий ҳақиқатни, фанни хурофотлар ва бидъатлар таъсиридан қутқариш ҳақидаги таълимотини яратди. Унинг бу илмий таълимоти тажриба усули билан аниқ текширишга асосланган эди.

Беруний ёшларни илмга ўргатиш жараёнида ақлга ва тажрибадан ўтган билимга таяниш лозимлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган ҳолда, болалар билиши ва ўрганиши лозим бўлган фанларни ҳақиқий фанлар (тил, адабиёт, фалсафа, тарих, этнография, шеърият, психология, математика, физика, жўғрофия, геодезия, фалакиёт, химия, минералогия, тиббиёт)га бўлади. Бу фанларнинг ҳар бирига ўз давригача бўлган билимларни умумлаштириб, ўзининг янги хулосалари билан катта ҳисса қўшади. Жумладан, Беруний умуман тил, тил илми ҳақида гапириб, тил кишилар ўртасидаги алоқа ва фикр алмашув воситасигина эмас, балки тил илми барча фанларнинг асосини ўрганиш калити дейди². Шуниси характерлики, Беруний тилнинг пайдо бўлиши, улар ўртасида тафовут ҳамда сўзлар этимологияси, атамаларнинг имлоси, атама ва ибораларда синоним ва омонимика ҳодисалари, турли тил атамаларида семантик маъно ва шунга ўхшаш бир қатор муаммолар устида тўхталиб, ўз даври учун илғор фикрлар билдирган.

Олим ана шу фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда ўзининг «Ҳиндистон» асарида тил ва тафаккур масалаларига доир ўз қарашларини баён этади. Айниқса, у «Минералогия» асарининг кириш қисмида тилда янги сўз атамаларнинг ҳосил бўлиши масаласини қандай тушун-

¹ Толстов С. П. Беруний. М., 1963, 23- бет.

² Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, «Уқитувчи», 1992, 28- бет.

ганлигини ёритиб беради. Шунингдек, олимнинг «Геодезия» асарида ҳам тил ва тафаккур масалаларига оид ажойиб маълумотлар бор. Айниқса, мутафаккирнинг «Ҳиндистон», «Сайдана» асарларида тил ва тафаккур масалалари юзасидан айтган фикрлари ҳамон ўз қийматини йўқотмаган. Беруний тиллар ўртасидаги фарқ турли халқларнинг у ёки бу урф-одати, удумидаги тафовутлар ва жўғрофий шарт-шароитлар билан боғлиқ, деб тушунтиради.

«Тиллар ўртасидаги тафовут,— деб ёзади мутафаккир,—кишиларнинг халқларга бўлиниши ҳамда уларнинг бир-биридан узоқда яшаганлиги билан боғлиқдир»¹.

Шу нарса характерлики, Берунийнинг қарашича, жамиятда яшовчи киши эҳтиёжи тил пайдо бўлишининг асосий сабабчисидир. Бу борада Беруний ёзади: «Ҳар бир халққа умум томонидан қабул этилган нутқ (тил— С. Ҳ.) керак, токи кишилар ана шу тил ёрдамида ўзларининг турли-туман мақсадлари (фикри)ни ифодалай олишлари мумкин бўлсин»². Урта аср шарт-шароитида тилнинг пайдо бўлиши ҳақида бундай илғор фикрни айтиш фанда ўзига хос жасорат эди. Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Беруний тилнинг пайдо бўлишини жараён сифатида олиб қарайди ва бу билан тил яратилган деган ғайри илмий қарашларни инкор этади. Берунийнинг таъкидлашича, «вақт-соат ўтиши билан мазкур умум томонидан қабул этилган нутқ (тил— С. Ҳ.) кўпайиб боради, ҳамда эсланиб, хотирада сақланиб қолади ва такрорлай бериш оқибатида улар шаклланиб, муайян бир тартибга тушади»³. Беруний фикрича, киши эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган тил унинг ҳаётини заруриятига айланиб, доимо ривожланиб ҳамда такомиллашиб боради. Бунда меҳнат қилиш жараёнида тил кишилар фикр алмашуви, муомала қилиши ва тажриба алмашишида асосий восита сифатида муҳим роль ўйнайди. Тилнинг бундай вазифасини ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини яхши пайқаган Беруний: «Сўз, тил ёрдамида ҳамма нарсага эришса бўлади»,⁴— дейди. Мана шунинг учун ҳам мутафаккир муомала воситаси — тил киши-

¹ Беруни. Избр. соч., Т. I., Ташкент, 1957, 204- бет.

² Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2, Ташкент, 1966, 31- бет.

³ Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2. Ташкент, 1966, 31- бет.

⁴ Беруний. Ҳиндистон, Танланган асарлар. II жилд. Тошкент, 1965, 64- бет.

ларнинг ўзаро фикр алмашиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган, деган қатъий илмий хулосага келади.

Беруний тил киши тафаккури, онгининг ажралмас қисми бўлиб, у тарихан ривожланиб, такомил топиб боради, деб қарайди. Мутафаккирнинг қарашича, тил туфайли киши ёрқин фикрлайди, ёрқин фикр эса кишини аниқ ва жозибадор сўзларни қидиришга мажбур этади. Бу жиҳатдан Берунийнинг тил бойлиги, лексикологик ва этимологик таҳлилга оид ажойиб фикрлари диққатга сазовордир. Масалан, олим ўзининг «Ҳиндистон» асарида ҳинд тилининг ғоят бой тил эканлигини қайд этиб, мазкур тилда «айни бир нарсанинг ўзини туб ва ясама сўзларда бир неча ном билан аташ, ёхуд айна бир сўзнинг ўзи билан турли-туман буюм-нарсаларни ифодалаш мумкин дейди:

Моудаком деҳи (менга сув сепма)
Модаком деҳи (менга ҳолва олиб кел)»¹

Кўриниб турибдики, ҳар иккала гап фақат «у» товуши билан фарқланади, холос, аммо бу сўзларнинг маъноси бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Мутафаккирнинг лингвистик, яъни тилшунослик фани ҳақидаги қарашлари «Минералогия» асарида кўпроқ акс этган. Масалан, «маха» сўзи, Беруний талқинича, қўшма сўз бўлиб, «ма»—«сув» ҳамда «ҳаво»² сўзларидан ясалгандир. Берунийнинг тушунтиришича, олмос ҳиндча «хирак», юнонча «азамас», шунингдек «адамантун»³ деб аталади ёки бўлмаса олтин римча «харусун», ҳиндча «суварн», туркча «олтин», форсча «зар», арабча «нидор»⁴ деб аталади ва ҳоказо. Беруний худди шу тарзда «Сайдана» асарида ҳам дориларнинг номларини арабча, форсча, юнонча ва бошқа тилларда қиёсий изоҳлайди. Шунини айтиш керакки, олимнинг бу лингвистик қарашлари илмий қимматга эгадир. Ваҳоланки, тадқиқотчиларимиз бунга ҳозирга қадар етарли эътибор берганларича йўқ.

¹ Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. II жилд, Тошкент, 1965, 64-бет.

² Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2., Ташкент, 1966, 169-бет.

³ Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2. Ташкент, 1966, 81-бет.

⁴ Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2., Ташкент, 1966, 118-бет.

Беруний забардаст тарихчи сифатида «Хоразмнинг машхур кишилари», «Ҳиндистон», «Тарихни ўринсиз сўзлардан тозалаш», «Йилларни чиқаришдаги фарқлар ҳақида», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» каби асарларида инсоният ва уни жамиятдаги ўрни, буюк бурилишлари ҳақида тўхталиб, тарих фанига биринчи бор кенг таъриф беради.

Энг муҳими шундаки, Беруний ўз даврида дунёвий илмларнинг равнақи учун қайғуриб шундай дейди: «Замондошларимга назар солганимда шуни кўрдимки, улар ҳамма жойларда жаҳолат либосини ёпинганлар ва шу билан бир-бирлари қаршисида фахр қиладилар. Улар фазилат эгаларига қарши душманлик олови билан ловуллаб ёнадилар ва (пешонасига) илм муҳри босилган ҳар бир кишини таъқиб қилиб, унга турли-туман озор ва ёмонлик етказадилар»¹. Шундай жаҳолат ва ёвузлик шароитига ўралгани ҳолда олим тинмай ижод қилди, илму маърифатга ривож берди. Чунки илм унинг учун ҳаётий зарурият эди.

Аммо Беруний атрофидаги бир гуруҳ жоҳиллар давлатига керилиб илму маърифатни менсимасдан, илм аҳлига ҳақоратомуз муомалада бўлар эдилар. Шундай қимсаларга жавобан Беруний илмнинг қадр-қимматини баланд қўйиш кераклигини, инсоннинг чин фазилати илмда эканини ишонч билан уқтирар эди.

Илму маърифатдан нима фойда, дегувчи қўпол ва бадмуомала жоҳиллар тўғрисида Беруний дейдики, улар инсоннинг бошқа ҳайвонотдан устунлиги илм туфайли эканини билмайдиган ва илмсиз инсон ўз мазмунидан маҳрум бўлажagini улар фаҳмламайдилар...

Илми унинг моҳияти учун ўрганадилар. Илм ўзи лаззат бағишлайди. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан халос топадилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир².

Буюк олим Берунийнинг илм таърифида айтган бу сўзлари илм-фан қимматини кўкларга кўтариш, яна айтиш ҳақиқатни лўнда ва ишонарли баён қилишнинг аниқ намунасидир. Беруний илм душмани бўлган, ундан нима

¹ Қаюмов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино. Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти, 1987, 28-бет.

² Абу Райхон Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2., Ташкент, «Фан», 1961, 9-бет.

фойда бор дегувчи жоҳилларни танқид қилиш билан чекланмайди. Балки, ўшандай кимсалар фойда деб ҳисоблаган тушунчаларнинг тубанлик эканини очиб ташлайди. Олим илмнинг турмушни ҳар бир соҳасида чин фойда етказажagini қатъий нисбатлар орқали исботлаб кўрса-тади.

Шунинг учун ҳам Беруний жамият ҳукмдорларини илм аҳлларини ҳар томонлама қўллаб-қуватлашга, ҳурмат қилишга чақиради. Қомусий олим «Ҳиндистон» асарида: «Улар замоннинг иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмга рағбат қилиши, илм ва илм аҳлларини ҳурмат қилиши ўша иқболнинг белгиларидир. Айниқса, ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлига кўмаклашуви турли илм оламининг бойишига сабаб бўлади»,¹— деб ёзади. Берунийнинг фикрича, олимлар яратган илмий асарлар фақат назарий-амалий аҳамиятга эга эмас, балки маънавий аҳамиятга ҳам эгадир. У фанга беғараз хизмат қилиш олимнинг бурчи, ёшларнинг илмга нисбатан эҳтиёж ва талабларини қондириш эса фаннинг вазифаси эканлигини таъкидлаб, олим ва устозларни ғайирлик ва ғаразгўйликка йўл қўймасликка даъват этади.

Берунийнинг фикрича, ёшларнинг ижтимоий камолоти илм-фан ёрдами билан тарбияланадиган юксак интеллектуал ва ахлоқий қоидаларни ҳамма жойда жорий қилиш жараёнида амалга оширилади. У инсоннинг ахлоқ-одобли бўлиши, юриш-туриш ва ҳаёт кечиришнинг барча қоидаларига риоя қилиши лозимлигини таъкидлайди. Шундай бўлиш аввало унинг ўзига боғлиқ, чунки «инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтагулик нарсаларга айлантуришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир»².

Беруний инсоннинг табиати ва инсоннинг жамиятдаги ўрни масалаларига баҳо беришда ҳам ўз даврининг йирик тарбияшунос олими эди. Олим ўз асарларида инсон ўз моҳиятига кўра ижитмой мавжудот эканлигини,

¹ Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар, II жилд, Тошкент, 1965, III-бет.

² Абу Райхон Беруни. Минерология. Избр. соч. Т. 2. Ташкент, 1966 26-бет.

у фақат бошқа кишилар билан биргаликда яшай олишни таъкидлайди. Унинг ёзишича, одамлар ўз эҳтиёжларининг кўплиги, душмандан сақланиш зарурлиги сабабли, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, бажарган ишлари орқали ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам таъминлаш мақсадида уруғ-аймоқлари билан жамоаларга бирлашган. Мутафаккир инсоннинг олижаноблиги ҳақида мулоҳаза юритиб, инсоннинг қиёфаси унинг ҳаёт тарзи, таълим-тарбияси билан аниқланади, деган педагогик хулосага келади. Мана шу фикрларининг ўзиёқ Берунийни кишилик жамияти вужудга келиши ва инсоннинг таълим-тарбияси муаммосига ақл-идрок билан ёндошганини кўрсатади.

Аллома Беруний айтишича, агар инсоннинг таълим-тарбияси бўлган. Олимнинг «Қитоб ал-жавоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир» («Минералогия»), «Ал асорул боқия анил-қурун ил-холья» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), «Аттафҳим-ли авоиди синоатит танжим» («Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар»), «Тарихул ҳинд» («Ҳиндистон») ва бошқа асарларида педагогика ва психология масалаларига оид гоёт қимматли фикр-мулоҳазалари мавжуддир. Олим илмий-педагогик фаолиятида ўз даврида маълум бўлган деярли барча фан ютуқларига таянган, тарбияшунослик ва руҳшунослик илми бўйича дадил фикрларни илгари сурган.

«Ҳинд мунажжимлари ёнига борганимда», — деб ёзади у «Ҳиндистон» асарида, — дастлаб ўзимни муаллим ҳузуридаги шогирд каби тутдим, чунки мен улар орасида муҳожир ва уларнинг ютуқлари, усулларидан беҳабар эдим. Шундан борада бир оз билим орттиргач, мен уларга риёзиёт фанининг ҳақиқий усулларини тушунтира бошладим. Улар ҳузуримга тўп-тўп бўлиб келар, ҳайрон қолар, шунингдек мендан фойдали билим олишга интилишарди»¹.

Билим тарқатиш иштиёқи билан тўлиб-тошган Беруний Евклиднинг риёзиёт ибтидоси ҳақидаги китоби ва Птолемейнинг «Алмагест» асарини ҳиндларнинг санскрит тилига таржима қилган. Бундан ташқари, ҳиндларга ўзининг устўрлоб ҳақидаги асарини айтиб туриб ёздирди. Талабалар тушуниши осон бўлиши ҳамда улар

¹ Қаранг: Тиллашев Х. Х. Общепедагогические идеи ученых — энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. Ташкент, «Фан», 1989, 43-бет.

турли китобларни қидириб юрмаслиги учун у ўз асарини иложи борича содда йўсинда ёзар эди.

Беруний «Тафхим»—«Мунажжимлик фанининг маълумотларини таништириш китоби» номли асарида дидактика муаммоларига, айниқса, риёзиёт фанларини ўқитиш ва уни кенг ёйишга жиддий эътибор берган. Олимнинг мазкур асари ўзига хос қомусдир, унда арифметика, алгебра, ҳандаса ва фалакиётга оид турли масалалар бўйича талай маълумотлар тўпланган. Шу босидан «Тафхим»ни фақат муҳим илмий асар дебгина эмас, балки ғоят кўп қиррали тарбиявий ҳикматларга бой ўқув қўлланмаси деса бўлади.

Берунийнинг аввалги салафларидан, жумладан, Евклиддан фарқи шундаки, у бу ўқув қўлланмасида шаклга таъриф берар экан, энг аввало шаклнинг таърифини айтади, сўнг унинг нуқталари, чизиқлари ва юзаси ҳақида сўз юритади. Бундан жуда катта педагогик ва дидактик мақсад кўзланган (шогирд аввало кўзи кўриб турган нарсани — шаклнинг ёки жисмнинг ўзини идрок этади, уни ҳис этади, сўнг унинг мавҳум хислатлари — нуқталари, чизиқлари ва ҳоказолари ҳақида мулоҳаза юритади. Евклидда эса аксинча). Худди шу жиҳати билан Беруний ўрта аср Шарқида Форобийнинг «ўрганишини ҳис этаётган нарсдан — шаклнинг ёки жисмнинг ўзидан бошлаш, сўнг унинг юзаси ёки ҳажми, чизиқлари ва нуқтасига ўтиш лозим»,¹ деган педагогик-дидактик ғоясини тарғиб этади.

Олим ўз асарларида олға сурилаётган фикрларни ўқувчига тез етказиш мақсадида уларнинг номларини ҳам тушунарли қилиб атайди. Масалан, «Доно фикрлар мажмуаси», «Тафаккур ҳамда шуур машқи» ва бошқа асарларида баён этилаётган фикрларни ҳаётда, турмуш амалиётида ишлатилишига қараб биринчи даражали вазифа деб қарайди ва шунинг учун у ўзидан олдинги тадқиқотчиларнинг аксари мулоҳазаларини ўз замондошларига мослаб, таҳрир этиб, хатолардан холи тарзда тақдим қилади.

Беруний ўзининг маърифий-педагогик қарашларида таълим-тарбия бирлиги ва ахлоқ масалаларига ҳам фақат ўз даврининг етук мутафаккири сифатида эмас, балки етук тарбияшунос олим сифатида ёндошади. Истеъ-

¹ Тиллашев Х. Шарқ алломалари тарбия хусусида. «Фан ва турмуш» ойнамаси, 1984 йил, 7-сон.

додли мутафаккир-муаллим ўзининг маърифий-дидактик қарашларида, ўқувчиларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида, биринчидан, турли мавзулар юзасидан мулоҳазалар юритишни, шунингдек, ўқувчини зериктирмасликни, хотирасига малол келтирмасликни таъкидлаб: «Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир, ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди, деб беҳуда айтилмаган»¹, — дейди.

Беруний мамлакатнинг ободонлиги илм-фаннинг равнақиға боғлиқ бўлса, ёшларнинг бахт-саодати ва камолотини унинг билими ва маърифатига боғлиқ деб билади. Шунинг учун ҳам у ёшларни илм-маърифатга чорлайди: «Илм даргоҳига кирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, рақобатдан, очкўзликни қули бўлишдан озод бўлмоғи даркор»².

Берунийнинг фикрича, болалар касб-ҳунар ва иш-тажрибанинг ибтидосига эга бўлганларидан кейин, уларни аста-секин эгаллашда юқорилай борадилар ва назарий билимларини мантиқий фикрлаш йўлида ишлатишга одатланадилар. Шу тартибда болаларга илмларни ўргатиш йўли билан улар то камолга етгунча таълим-тарбия қилинади. Бундан кўзланган асосий мақсад саводсизликка барҳам беришдир. Олим болаларга билим бериш, уларни хат-саводли қилиш ҳақида гапираркан, бу ўринда ўзининг «Ҳиндистон» асарида қоғознинг пайдо бўлиши, ёзувнинг вужудга келиши, ёзувнинг ўзига хос хусусияти ва белгилари, ўқув қуроллари, ҳар бир халқда таълим бериш ва ўқитишнинг ўз тизими ҳақида ҳам батафсил маълумот беради.

Беруний маърифий-дидактик қарашларида илм оламида ёдлатиш эмас, балки пухта тушуниб олишни асос

¹ Беруний. Танланган асарлар I жилд, Тошкент, «Фан» 1968, 106-бет.

² Беруний. Танланган асарлар, I жилд, Тошкент, «Фан» 1968, 40-бет.

деб билди. Олимнинг фикрича, ким нимага кучлироқ интилса, ана шу нарсага кўпроқ эришади ва бу чинакам қониқишдир. Илгари билмаган нарсани билиб олганда ҳам кишининг қалбида шундай ҳолат вужудга келади.

Беруний болаларга билим бериш билан уларни нодонликдан холи этиш учун курашар экан: «...билимлилик орқали нодонлик кўтарилади, азоб-уқубат бўлган шакшубҳа ўрнига илм натижасида аниқлик киради»,¹— деб ёзади.

Берунийнинг маърифий-педагогик қарашларида таълим билан тарбия бирлиги масалалари муҳим ўрин тутади. Олим илмли бўлиш, яхши инсон бўлиш осон эмаслиги ва бу эса фақат чидам билан қилинган меҳнат маҳсули эканлигини таъкидлаб: «Дарёларнинг доимо денгизга қуйилиши унинг сувига таъсир кўрсатмаганидек, амал ва лаззат — ҳақиқий илм олувчига таъсир кўрсата олмаслиги керак»,²— дейди.

Бу ерда Беруний илм олувчида илмга нисбатан интилиш ва қизиқиш, шароит ва вақт масалаларини ҳам таъкидлайди, инсон илм олиш учун ўз кўнглини барча иллатлардан тозалаши, пок бўлиши лозим, деган маърифий-педагогик қарашларини илгари суради. Бу билан таълим ва тарбия бирлиги туфайлигина баркамол шахсни тарбиялаб етиштириш ғояси устунлигини амалда исботлайди.

— «Инсон энг олижаноб фазилатлар соҳибидир, — деб ёзади Беруний «Минералогия» номли асарида, — яқин дўсти бор киши чинакам бахтиёр кишидир. У дўст муносиб ҳаёт тарзига эга, ёқимли хусусиятлар соҳиби бўлиши лозим. Ана шундай чин дўст ҳар бир кишида битта бўлади. Бундан ортиқ бўлмайди.

Одам ҳамиша бошқаларга яхшилик кўрсатиши керак. Агар яхшилик қилиш имконига эга бўлмаса, яхши тилаклар изҳор этсин», — дейди у.

Ана шундай эзгу фикрлар баёнидан сўнг олим ёшларнинг кундалик турмушдаги юриш-туришлари, ўзларини тутиши, шахсий гигиенасига оид фойдали маслаҳатлар берган: «Зеро инсоний сифатлардан энг муҳимлари озодалик ва тартиблиликдир. Инсоннинг энг яқин

¹ Беруний. Танланган асарлар, II жилд, Тошкент, «Фан», 1965, 70-бет.

² Беруний. Танланган асарлар. II жилд, Тошкент «Фан», 1965, 71-бет.

нарсаси унинг табиати, руҳидир. Шунинг учун киши табиатига ёқадиган ишларни қилиши керак.

Инсоннинг чеҳраси чиройли, қадди-қомати келишган бўлса, унга боқиш ёқимли бўлади. Кишининг исми ҳам жарангдор бўлиши керак.

Кишининг чеҳраси ҳали у онасининг қорнидалик пайтидаёқ шаклланади. Шунинг учун уни ўзгартириб бўлмайди. Лекин одам ахлоқий қиёфаси ва турмуш тарзини ўзгартирмоққа қодир. Агар киши ўз ҳирсларидан устун тура олса, ўзидаги бор нуқсонларни йўқ қилиб, уларни яхши сифатларга айлантира олади»¹.

Берунийнинг бундай ўғитлари ёшлар учун жуда ҳам қимматлидир. Шунингдек, олим ёшларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан оила ва никоҳ муносабатларининг жуда нозик томонлари бўйича ҳам фойдали ўғитлар беради. Беруний: «Ҳеч бир халқ оила-никоҳ муносабатларидан холи эмас. Никоҳ хусусида ҳар бир халқнинг (элатнинг) ўзига хос расми ва одати бор. Ҳиндистон ёшларини ўспиринлик вақтида уйлантирадилар... Эр билан хотинни ўлимдан бошқа ҳеч нима айира олмайди, ҳиндларда талоқ қилиш йўқ»,² деган эди.

Шунингдек, Беруний оилани мустаҳкамлашнинг тарбиявий аҳамиятини ҳам кўрсатиб беради. Бунда оиланинг ижтимоий ролини тушуниб олиш қийин эмас. Олимнинг кўрсатишича, оила қуриш мушкул иш. Бўлажак эр ва хотин бир-бирларини яхши билишлари, ўзаро меҳр қўйиб, розилик билдиришлари лозим.

Беруний оилавий муросяу мадоранинг аҳамиятини кўрсатиб, Шарқ халқларининг одати, расм-русумлари, бола тарбиясига оид ўғитларидан мисоллар келтиради. Беруний ёзади: «Эй қизим. Сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан, сен бўлажак куёвининг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби, у ҳам ўз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади... Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзлар эшит-

¹ Абу Райҳон Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2, Ташкент, «Фан» 1966, 23-бет.

² Қаранг: Тўрақулов Э. Дарсларда мутафаккирлар меросидан фойдаланиш. Совет мактаби» ойномаси, 1987, йил 6-сон.

син, ярамайдиган ёки эски либосда ёки сочларинг тартибга солилмаган ҳолда унинг олдида ўтирма.

Қизим, куёвингдан кучи етмаган ва олиб беришга қудрати бўлмаган нарсаларни талаб қилма. Бундай қилсанг орадаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. Қизим, рашк қилишдан сақлангин, чунки, у ажралиб кетишнинг калитидир. Эрингга ҳадеб гина қила беришни ман қиламан. Чунки, бу эзмалик нафратини уйғотади. Яхшиси, сен у билан хушмуомалада, ширин сўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидур. Сувдан тез-тез фойдалангин. Узингга хушбўй нарсалар билан оро бер. Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин...»¹.

Беруний мамлакатнинг ободончилигини, ёшларнинг бахт-саодати ва камолотини ҳалол меҳнат қилишда ва касб-ҳунар ўрганишда деб билади. Мутафаккир «Минералогия» асарида ижтимоий-фойдали меҳнатда, ҳунармандчилик сирларини, айниқса, аёллар учун зеб-зийнат буюмлар ясашда хотин-қизларнинг иштирокини, уларнинг заргарлик санъатидаги қобилиятларини ҳам эъзозлаб, ажойиб фикрларни айтган. Шу муносабат билан олимнинг ўша асаридаги бир ҳикоянинг баёнини келтириш жуда ҳам ўринлидир. «Марвариднинг баҳосини ким яхши билса, у киши уни тешиш ва силлиқлаш ишлари билан ўзи шуғулланмай, баҳосини билмайдиган шогирдларига топширади. Бунда шогирдларининг қўллари қалтирамайди, қўрқмай ишлайдилар. Агар бу иш хавфсираш, қўрқиш билан бажариладиган бўлса, марваридлар синиб, парчаланиб исроф бўлиши мумкин. Баъзан уста шогирдларга шапалоқ—тарсаки тушириб туради, сабаб уларни хавфсираш ўйларидан халос этиб туришдир. Марварид тешилиб, сайқал берилиб бўлингандан сўнг ҳар қандай хавф йўқолади»².

Маълумки, марвариддан безак, маржон исирга тайёрлашган. Бунинг учун икки марта тешиш ва силлиқлаш ишлари бажарилган. Ишни бош уста ва унинг шогирдлари бажаришган. Марварид тешиш, безашда олмосдан кам фойдаланилган. Бунда эркакларга нисбатан хотин-қизлар устага кўпроқ ёрдам беришган. Берунийнинг фикрича, бу уларнинг хулқ ва руҳига таъсир этади.

¹ Абу Райхон Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2: Ташкент, «Фан» 1966, 25-бет.

² Абу Райхон Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2. Ташкент, «Фан», 1966, 11-бет.

Буюк аллома шуни алоҳида уқтирадики, барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади ва инсон қадр-қиммати унинг авлод-аждодининг ким бўлганлиги билан эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати билан белгиланади. Шунинг учун ҳам Беруний оилада ҳаммани ўз кучи ва қобилиятига қараб ижтимоий-фойдали меҳнатнинг, касб-ҳунарнинг бирор тури билан шуғулланишга даъват этади. Бирор киши ҳам бекорчи бўлмасин. Бекорчилик жамиятга моддий ҳам маънавий зарар келтиради, деб кўрсатади.

Хусусан, Беруний ўз болаларини жисмоний меҳнатга, касб-ҳунарга ўргатмайдиган зодагон оилаларни қаттиқ танқид қилади ва бундай кишилардан нафратланади:

Ким учса саъий — жаҳд қилмай шуҳратга,
Қарам либосига кўзи бўлса оч,
Ғафлат соясида шод бўлур, аммо
Шараф кийимисиз қолар яланғоч.¹

Демак, буюк алломанинг фикрича, меҳнатсиз вақтинчалик кўркем либосларга эга бўлиш мумкин, бироқ меҳнат ва касб-ҳунар билан инсон ҳеч вақт ғафлатда қолмайди, балки шон-шараф ва шавкатли одам бўлиб улғаяди, дейди. Мутафаккирни таъкидлашча, инсон табиатнинг энг олий камолотидир, чунки «инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради... ер юзини обод этиш ва уни бошқариб туриш учун... инсонга катта шараф кўрсатилган — унга ақл-заковат кучи армуғон этилган»².

Беруний шу сабабли дейдики, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг олдида қўйилган вазифаларга мос бўлмоғи учун у юксак ахлоқли, илм-маърифатли, ўз касбини мукамал эгаллаган ва меҳнатни севадиган бўлмоғи лозим. Ҳақиқатан ҳам кишининг энг биринчи, зарурий эҳтиёжи — меҳнатдир. Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси — меҳнат қилишдир, чунки «инсталган нарсага меҳнат сарфлаш орқали эришилади»³, дейди у.

Шунингдек, Беруний меҳнат ва касб-ҳунар ёшлар томонидан эркин, яъни ихтиёрий равишда қобилиятига яраша танланиши зарурлигини таъкидлайди. Чунки эркин ижодий меҳнат ва зўр қизиқиш орқали танланган

¹ Булгаков Б. Жизнь и труды Беруни. Ташкент, «Фан», 1972, 36-бет.

² Абу Райхон Беруни. Минералогия. Изб. соч., Т. 2. Ташкент, «Фан», 1966, 16—17-бетлар.

³ Абу Райхон Беруни. Минералогия. Изб. соч., Т. 2. Ташкент, «Фан», 1966, 9-бет.

касб-ҳунар фойдали бўлиш билан бирга, касбни такомиллаштиради, ҳунар соҳибини улуғликка кўтаради. Мажбурий меҳнат ва ихлоссиз эгалланган касб-ҳунар эса самарасиз бўлади, дейди.

Демак, Беруний ҳалол меҳнат ва касб-ҳунар эгаллаши туфайли ёшларнинг ақл-заковати, қобилияти, куч-қудрати ошиб боришига ишонади. Бу билан у меҳнатсеварлик, ўз касбини ардоқлашдек фазилатларни ғоятда қадрлайди.

Берунийнинг маърифий-педагогик қарашларини ўрганиш шуни кўрсатиб турибдики, ҳар ҳолда, у психология, яъни руҳшунослик масалаларини ҳам яхши билган. Унинг психологик ғояларини фалсафий ва маърифий-педагогик қарашларининг негизда кўриб чиқмоқ зарур. Фақат ана шу негиздагина Берунийнинг психологик қарашларининг Марказий Осиёда ижтимоий-педагогик ва психологик фикрлар тарихидаги ўрни ва аҳамиятига ҳолисона баҳо бериш мумкин.

Берунийнинг «Ҳиндистон», «Минералогия» ва бошқа асарларида сезгилар ва ақлий билиш, ўзини тута билиш, хотира, тасаввур, диққат, ҳис ва идрок, туйғу, қобилият, малака ва кўникма каби масалалар ҳақида ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуд. У ёзадики: «Олим инсондаги руҳий жараёнларни, инсоннинг ташқи оламни билиш жараёнини, инсон билимларини бойитиш, маърифатли бўлишидаги роли жиҳатидан ўрганишга ва талқин этишга ҳаракат қилади»¹.

Берунийнинг психологик қарашлари ҳақида гап борар экан, шуни айтиш керакки, олим билимнинг бу соҳаси бўйича ёзганда қадимги юнон ва ҳинд мутафаккирларининг табиий-илмий, фалсафа ҳамда психологияга оид асарларига шарҳлар ёзиш билан чегараланиб қолмай, шарқ олимларининг, замондош мутафаккирларнинг илғор фикр ва ғояларини ҳам ифодалаган. Масалан, у билиш ва тафаккур жараёнларини тушунишда Арастунинг ақлга мувофиқ, ҳақиқатга тўғри келадиган қарашларига таянди, ал-Хоразмий, Форобий, ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розийлар ишлаб чиққан психологик методларни янада ижодий бойитди ва илмий хулосалари билан анча илгарилаб кетди. Берунийнинг фикрича «фақатгина сезги органлари ёрдамида ўзлаш-

¹ Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний. руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 19-бет.

тирилган билимлар турли хатоларга олиб келиши мумкин, шунинг учун доимо ақлнинг кучига суяниш зарур. Агар инсон сезгилардан фикрлаш ва хулоса чиқариш ёрдамида фойдаланса, ана шу сезгилар орқали идрок қилинадиган нарсаларни ўрганишда жуда катта ютуқларга эришмоғи мумкин»¹.

Беруний эшитишга нисбатан идрок қилиш ва эслаб қолишнинг афзаллигини уқтирар экан, шундай деб ёзди: «Хабар кўзи билан кўргандек бўлмайди», деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир. Хабарга ёлғон яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш пайти нарса бор вақтнинг бир бўлаги билан чекланади. Хабар эса нарсанинг (қаровчига) кўринган вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар бор нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак бераверади. Ёзиш хабар турларидан биридир².

Олим ташқи сезги органлари орқали рўй берадиган ҳиссиётни дастлабки билиш қобилияти деб ҳисоблайди. У «Минералогия» асарида ана шу масалага батафсил тўхталади. Берунийнинг ёзишича, «ташқи сезги органлари орқали рўй берадиган ҳиссиёт дастлабки билиш қобилиятидир. Узининг қўзғовчилари орқали вужудга келадиган ҳиссиёт кишига жуда ёмон таъсир кўрсатиши, ҳатто уни ҳалокатга олиб бориши мумкин. Еруғлиқ кўришнинг қўзғовчиси бўлиб, у ҳаво орасидан жисмнинг шакли ва ташқи қиёфасини, лекин асосан рангини ўтказди. Ана шу белгилар ёрдамида нарсаларнинг миқдори ҳам аниқланади. Эшитишнинг қўзғовчиси товушлардир. Ҳаво уларни кишига етказди. Ҳид билишни қўзғатувчи ҳидлар ҳаво орқали бурун тешикларига боради...». Шу тариқа Беруний сезги органларининг физиологик асосларини очиб, уларнинг нарсаларни идрок этишдаги аҳамиятини ифодалаб беради. Назарий билиш ҳиссий билишга асосланишнинг исботлар экан, агар сезги, ҳиссиёт бўлмаса, билиш ҳам бўлмас эди, деган хулосага келади.

¹ Беруни. Минералогия. Изб. соч., Т. 2. Москва, 1963, 9-бет.

² Абу Райхон Беруни. Индия. Соч., Т. 2. Ташкент, «Фан», 1963, 25-бет.

Беруний инсон ташқи оламни билишда асосан ақлга таянишини ва шу билан ер юзидаги барча мавжудотлардан устун туришини уқтиради. Олимнинг фикрича, ақл ҳодисаларнинг сирини англашга ёрдам беради. Инсон ақлга мувофиқ билиш орқали оламнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. Лекин билимнинг чеки йўқ ва ҳамма билимларни бирдан эгаллаш мумкин эмас. Шунинг учун инсон ўзи билиб олган нарсалар билан кифояланиб қолмай, доимо янги билимларни ўрганишга интилиши керак.

Беруний инсоннинг табиати ҳақида сўз юритар экан, «Одам табиати жиҳатидан бир-бирига зид аъзолар қўшилмасидан таркиб топган мураккаб танага эга...» ва шу боисдан «унинг ҳолати ўз характерига кўра хилма-хил ва турли-туман бўлади»¹. Бу тафовут «улар мижозларининг, табиий хусусиятлари ва ҳоказоларнинг зиддиятли бўлиши туфайли уларнинг ҳис этиш-сезишлари замирида ётади»²,— деб ёзади. Бундан кўрамизки, олим инсоннинг табиати тўғрисида фикр юритганда, у инсон хатти-ҳаракатининг ахлоқий сабаблари асосларини инсоннинг ўзидан қидирган, ўзидан олдин ўтган мутафаккирлар каби шахснинг табиатидан келтириб чиқарган.

Маълумки, қадимги юнон мутафаккирлари «инсон танасида тўрт хил суюқлик модда: қон, шилимшиқ, сафро ва қора сафро мавжуд бўлиб, мижоз ана шу суюқликларга боғлиқ деб тушунганлар. Ушбу моддалардан бири одамда кўпроқ бўлиб, устунликда бўлса, муайян мижоз турини белгилайди. Беруний бу фикрни эътироф этган ҳолда, кишиларда муайян мижоз турининг вужудга келишини иқлим шароитига боғлиқ деб ҳисоблаган. У экваторда яшайдиган одамларнинг мижози мувозанатли бўлади деган фикрга эътироз билдириб, ҳаддан ташқари иссиқда ранги, сочлари, товуши ва ақли билан фарқланиб турадиган мазкур одамларнинг мижози мувозанатли бўлиши мумкин эмас³, дейди.

Психология фанининг ҳозирги кундаги ютуқлари нуқ-

¹ Абу Райхон Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2. Ташкент, «Фан» 1966, 11- бет.

² Абу Райхон Беруни. Минералогия. Избр. соч., Т. 2. Ташкент, «Фан», 1966, 26- бет.

³ Нуриддинова З. Абу Райхон Берунийнинг психологик қарашлари. «Совет мактаби» ойномаси, 1981 йил, 2- сони, Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райхон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, «Уқитувчи», 1992, 22- бет.

ган назаридан инсон танасида тўрт хил суюқликни мавжудлиги ҳақидаги таълимотнинг нотўғрилигини исботлаш қийин эмас, албатта. Лекин шунга қарамай, мижознинг моҳиятини инсон органлари ичидаги физиологик ўзгаришлар орқали тушунтиришга уринишнинг ўзиёқ Беруний яшаган давр учун катта аҳамиятга эга эди.

Беруний психологик таълимотининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, у олийжанобликни кишининг мижози билан белгиланадиган шунчаки психологик хусусият эмаслигига, олижаноблик кишининг ахлоқий хатти-ҳаракатлари ва эзгу ишлари натижасида вужудга келишига қаттиқ ишонган. Шунингдек, у ташқи оламини ижодий йўсида англашнинг бир шакли ҳаёлга боғлиқлигига, ҳаёлнинг хотирада сақланган образларни ўзгартириш, қайта ишлашдан иборат вазифасига катта аҳамият берди. Унинг таъкидлашича, хотира ёрдамида эслаб қолиш, эсда сақлаш, қайта тиклаш ва билиб олиш жараёнлари рўй беради. Беруний «Сайдона («Фармакогнозия») номли асарида хотира далиллар билан ифодаланган нарсаларни яхши қамраб олади, тез ва осон эслаб қолади»¹, дейди.

Берунийнинг хотира илгари ўтган воқеаларни билиб олиш ва онгда қайта тиклашни таъминлаши билан инсон руҳий фаолиятининг ажралмас қисми экани ҳақидаги фикрлари ҳозирги замон психология фанидаги хотиранинг вазифаси ва аҳамияти тўғрисидаги тушунчага айнан мувофиқдир.

Беруний психология масалаларини билиш фақат тарбиячи, ўқитувчи ва ота-оналар учунгина эмас, балки мунажжимлар учун ҳам зарурлигини уқтиради. Бунинг сабабини эса мунажжим ўз олдига келган кишининг сўзларидаги ва характеридаги ҳар бир фактни ҳисобга олиши, шундан кейингина психологик тажриба ва ҳаётий билим асосида тўғри мантиқий хулоса чиқариши керак, деб изоҳлайди. Шубҳасизки, Берунийнинг ўзи ҳам ўткир зеҳнлилиги, кўп масалалар хусусида башоратли сўзларни айтиши билан шуҳрат қозонган.

Хулоса шуки, Абу Райҳон Беруний ўз асарларини мол-давлат орттириш ва сохта шуҳрат учун эмас, балки илму фанга сидқидилдан хизмат қилиш, дунё сирларини очиш, ҳақиқат тантанаси ва ёш авлод камолоти учун ёз-

¹ Нуриддинова З. Абу Райҳон Берунийнинг психологик қарашлари. «Совет мактаби» ойномаси, 1981 йил, 2-сон.

ган эди. Унинг илм-фаннинг жамият ва инсон камолотидаги аҳамияти тўғрисидаги бебаҳо фикр-мулоҳазалари, жумладан маърифий-педагогик ва психологик ғоялари ҳозир ҳам жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

4-§. Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарининг маърифий-педагогик аҳамияти

Х асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган қомусий олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг туғилган йили ҳозирча аниқ эмас. У 997 йилда вафот этган. Тарихий манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ўспиринлик ва талабалик йиллари Хоразмнинг энг гўзал жойлари Қиёт, Хива, Гурганч ва Замахшар шаҳарларида ўтган. У 975—991 йилларда Хуросон ва Нишопур шаҳарларида яшаган ва илмнинг бир қанча жабҳаларида баракали ижод қилган. Бу даврда у Нишопурда Сомонийлар авлодидан бўлган Нуҳ ибн Мансур (975—997) ва унинг вазири Абулҳасан Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Утбий (997—982) нинг котиби бўлиб хизмат қилади. Абдуллоҳ ал-Хоразмий «Мафотиҳ ал-улум» асарининг муқаддимасида вазир ал-Утбийнинг илмсеварлигини ва илм аҳлига меҳр-муҳаббатини чуқур эҳтиром билан эслаб, бу қомусий асарнинг юзага келишига бевосита вазирнинг даъвати ва ғамхўрлиги сабаб бўлганлигини ҳамда илмни билмасдан туриб ҳамма нарсани билишни даъво қиладиган, ўзини олим деб ҳисоблайдиган кишиларни фож қилишга интиланлигини ва бу китоб илму маърифат хазинасига кирувчилар учун калит бўлишини назарда тутганлигини алоҳида таъкидлайди: «Ушбу китобимни «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калитлари») деб номладим, токи кўп илмлар оламига кириш учун калит бўлсин деб. Қимки бу китобимни ўқиб, ундаги бёр нарсаларни ёд олса, ҳақиқат китобларидаги маъно денгизи сирларини тушунадиган бўлади. У киши илмда камол топади, завол кўрмайди»¹.

Абдуллоҳ ал-Хоразмий Нишопурда Сомонийлар давлатининг вазири Абул Ҳасан ал-Утбийнинг котиби вазифасида ишлаган даврида «ал-Қотиб ал-Хоразмий» номи билан ҳам машҳур бўлган. Уз хизмати юзасидан Сомо-

¹ Крачковский И. Ю. Избр. соч., М.—Л., 1957, Т. 4, 240—241-бетлар.

нийлар давлати пойтахти Бухорода тез-тез бўлиб турган ва у ерда машҳур алломалардан сабоқ олиб, қизғин илмий мунозараларда қатнашган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг дунёқараши ўша даврда кенг тарқалган юнон фалсафаси ва маданияти, Шарқ намояндлари, Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Қиндий, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, ибн Ироқ, Абу Наср Форобий, Абу Бакр ал-Розий ва бошқа мутафаккирлар таъсири остида шаклланди. Айни вақтда илмга чанқоқ олим хизмат асносида амирнинг кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга эди¹.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган, кўпчилик асарлар сингари илм тили — араб тилида битилган ягона бўлган асари «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калитлари»)дир. Бу асарнинг ўрта нусхаси бўлиб, шундан учтаси Буюк Британия ажойибхонасида, биттаси Берлин кутубхонасида; олти нусхадан биттаси Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Фотиҳ Миллий кутубхонасида, биттаси Усмония кутубхонасида, тўрттаси эса Сулаймония кутубхонасида сақланади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу асари ўрта асрларда фанларнинг ривожланиши тарихига молик камёб манба сифатида давраимизнинг кўпгина олимлари эътиборини ўзига жалб этди. Масалан, биринчи бўлиб бу манбани ўрганган ва 1160 йилдаги қўлёзма нусхаси асосида унинг аниқланган матнини 1895 йилда Лугдуни — Батаворумда нашр қилган олим — голландиялик шарқшунос Ван Флотендир. У бу асарни нашр этишдан аввал Британия, Лейден ва Берлин ажойибхоналарини безаб турган 5 та қўлёзмани солиштириб, энг қадимийсини (556) 1160 йили кўчирилган нусхасини) асос қилиб олган. Асар иккинчи маротаба 1968 йилда яна Лугдуни — Батаворумда нашр қилинди. Академик И. Ю. Крачковский бу асар 976 ва 991 йиллар орасида яратилган, дейди. Олим К. Бракман уни қисқа ва аниқ маълумотларни ўз ичига олган ҳамда кўп фанлар ёритилган қомусий асар деб баҳоласа, Э. Видеман эса асар муаллифи — Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийни биринчи мусулмон шарки фани мавзусини тузувчиларидан деб таъкидлайди. Фан тарихи ва ривожланиши бўйича кўпгина асарлар яратган Г. Сартон бу асарни ўрта аср фанларини

¹ Қаранг: Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. «Фан», Ташкент, 1977.

ва маданиятини ўрганишда асосий манбалардан бири, муаллифнинг ўзини эса Х асрнинг иккинчи ярмидаги қомусий олимлардан деб ҳисоблайди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» қомусий асари ўз қиммати, илмий-назарий аҳамияти жиҳатидан кўпгина олимлар эътиборини жалб қилди. Шу кунгача асар фақат форс тилига тўлиқ таржима («Таржимаи мафатих аль-улум таълиф, Абу Абдаллах Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Йусуф катиб Хваризими таржимаи Хусейн Хадйуджам, интишарат бунйад фарханг», Иран 1347) қилинган бўлиб, бошқа тилларга эса баъзи бир бўлимлари таржима қилинган. Масалан, тиббиётга оид бўлимини Э. Зайдел, мусиқага оид бўлимини Э. Видеман ва В. Мюллер немис тилига, Г. Фармер — инглиз тилига, тарих бўлимининг иккинчи, бешинчи, олтинчи бобини М. Унвела инглиз тилига, Э. Видеман риёзиётга оид бўлимларини немис тилига, В. Хинц эса ундаги ўлчов бирликларинигина таржима қилган. Асарнинг фалсафа қисмини М. Хайруллаев, А. Шарипов рус тилига таржима қилганлар. Асарнинг кимё бўлимини У. И. Каримов, риёзиётга оид бўлимларини Г. П. Матвиевская, жўғрофияга оид бобларни Ҳ. Ҳасанов, механикани М. М. Рожанская, мантиқни А. Шарипов, шеърят ва арузни М. Зиёвуддинова тадқиқ қилганлар.

Демак, Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асари ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўша даврдаги деярли ҳамма асосий фан соҳаларини ўз ичига қамраб олган. Олим Ўрта асрлардаги ҳар бир фан мазмунини, асосий атамаларни шарҳлаш йўли билан тушунтириб беради.

Бизнингча олим бу қомусий асарни ёзишдан икки мақсадни кўзлаган бўлиши керак: биринчидан, маърифатпарварлик — ўқувчиларни қадимги мусулмон шарқи фани — фикҳ ва ислом фалсафасининг илм хазинаси билан таништириш, иккинчидан, ўрта аср шарқида мавжуд бўлган дунёвий илмларнинг ҳамма соҳалари ҳақида тугал ва муфассал маълумот бериш. Учинчидан, олимнинг бу асари ижодий фикрни баён қилишнинг ҳамда илмий мунозара олиб боришнинг ўзига хос ва ўрта аср шарқ фанида жуда қенг тарқалган шакли бўлганлигидан далолат беради. Олим «Мафотиҳ ал-улум» асарида ўрта асрда мавжуд бўлган барча илмларни туркумлаб иккига бўлади: шарият илмлари («улум ал-шариа») ва улар

билан бир қаторда турган араб филологиясига оид илмлар ва фалсафий билимларни эса у арабларники бўлмаган фанлар («улум ал-ажам») деб айтади. Маълумки, «Ажам» дейилганда ўрта асрдаги юнонлар, сурияликлар, форслар, ҳиндлар тушунилган.

Шариат илмлари («улум ал-шариа») — мусулмон ҳуқуқи, калом, араб тили грамматикаси, иш юритувчилик, шеър вазни ва назарияси, шунингдек, тарихдан иборат бўлган. Арабларники бўлмаган фанлар («улум ал-ажам») фалсафа, логика (мантиқ), тиббиёт, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, механика ва кимёни ўз ичига олади¹.

Бизнинг фикримизча, Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ўз даврида барча илмларни бундай табақалаштириши ва туркумларга ажратиши, унинг илмий етуклиги, ижодий мустақиллиги ва тадқиқотчилик қобилияти беқиёс қомусий олим эканлигидан далолат беради. Олимнинг бу кашфиёти фикр илми ва ислом фалсафаси, Қуръони Қарим, Ҳадиси Шариф ва бошқа ислом мафкураси мажмуаси асосларини ўрганиш ва тарғиб қилишда Шарқ фани тараққиёти тарихида янги саҳифа очибгина қолмасдан, балки дунёвий илмларни ўрганишда ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлди. Энг муҳими, Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илм-фан соҳасидаги хизматлари шундаки, у фан тарихида Берунийдан кейин илмий ҳақиқатни қамраб олувчи дунёвий фанларни шариат илмларидан ажратиш тўғрисидаги ғояларни илгари сурди. Дунёвий фанларнинг ҳар бирини умумлаштириб, ўзининг илмий хулосаларини чиқарди. Унинг фикр доирасининг кенглиги, чиқарган ҳар бир илмий хулосасининг ишонарлиги киши диққатини ўзига тортади.

Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам бошқа мутафаккирлар сингари «Мафотиҳ ал-улум»нинг биринчи бобини олтига бўлимини шариат илмлари («улум ал-шариа»)га бағишлайди. Олим асарнинг бу қисмида шариат ҳуқуқчилигини бир тизимга келтириб, кўйидаги йўналишларда назарий-методологик ечимлар беради: ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш; мулкчиликнинг турли шакллари — давлат, ҳусусий ва шахсий мулкчилик шакллари, савдо-сотиқ қоидалари, влардан олинадиган солиқ турлари, умуман, молиявий фаолият-

¹ Қаранг: Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. «Фан», Тошкент, 1977, 89—90- бетлар.

нинг конституциявий асосларини ўрганиш; жиноят ва жазонинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодисалар сифатидаги ҳуқуқий мақомини тадқиқ этиш; турли хил жиноятларни содир этганлиги учун пул ундириб олиш қоидаларини ўрганиш; фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти-ни, никоҳ ва талоқнинг шаръий талаб ва қоидаларини, ворислик ҳуқуқларини ўрганиш; қозилик ва процессуал қоидалар тартиботи, тизими ва таркибини ўрганиш ва ҳоказо. Олимнинг фикрича, «Қуръони Қарим нафақат шарият Қомуси, қонун чиқариш асоси, балки умуман ҳар қандай ҳуқуқий таълим ва таҳсилнинг ибтидоси сифатида шариятдаги барча мазҳаблар учун фатволар, адолатли ҳукмларнинг қисқа ва лўнда шаклдаги манба-сидир»¹.

Олим шарият қомуси Қуръони Қаримда мусулмонлар жамоаси турмуш тарзи, руҳияти, бурч ва мажбуриятла-ри Шариятнинг дунёвий-ҳуқуқий арконларида аниқлаб берилган, деб кўрсатади.

Асарнинг иккинчи бобида эса олим динлар ўртасида-ги фарқ ва умумийлик томонларини баён этади, жумла-дан, ислом, христиан, яҳудий диний таълимотлари ва уларнинг турли бидъатчи йўналишлари ҳамда исломдан аввалги жоҳилия давридаги араб қабилаларининг тур-муш тарзи ва урф-одатлари, улар эътиқод қилган маъ-буда (санам)ларнинг номлари тўғрисида ҳам муфассал маълумот беради².

Учинчи бобда олим Басфа ва Куфа шаҳарларидаги грамматиклар мактаби фаолияти ва шу мактабларнинг машҳур намояндалари Исо ас-Сағафи (766 йилда ва-фот этган), Халил ибн Аҳмад (718—799), Абу Башир ибн Усмон Қамбар Сибавайхи (797 йилда вафот этган), ал Асмаи (740—828), Абу Убайд (770—837), ал-Мубор-рад (826—898), Али ибн Ҳалид ал-Асади (805 йилда ва-фот этган), Ибн ас-Сиккит (858 йилда вафот этган), Му-ҳаммад ал-Анбари (939 йилда вафот этган), ал-Фарраи каби тилшунослар араб тили грамматикаси, нотиклик санъати ва стилистика, талаффуз қоидалари, тўғри ёзиш ва ўқиш, шеър ёзиш илми, вазн, қофия қоидалари наза-

¹ Қаранг: Ҳайруллаев М. М., Баҳодиров Р. М. Абу Абдуллах ал-Хоразми Москва, «Наука», 1988, 59-бет.

² Қаранг: Зиёвуддинова М. Илмларнинг калитлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1983 йил, 18 август.

рияси масалаларига бағишлаб қимматли қўлланмалар яратганлигини батафсил баён этади¹.

Араб тилшунослигидан чуқур билимга эга бўлганлиги учун ҳам олим араб тили грамматикаси асосларини илмий нуқтаи назардан батафсил таҳлил қилолган.

Тўртинчи боб Сомонийлар давлати девонлари (вазирликлари)да иш юритиш масалаларига оид бўлиб, унда девонларда иш юритиш учун зарур бўлган дафтарлар, хат-ҳужжатларнинг номлари, фуқаролардан ундирилдиган ер солиғи, мол солиғи каби давлат солиқларининг турлари, давлат хазинаси девонхонасидаги котиблар вазифаси тўғрисида, баридпочта девонида ишлатилдиган истилоҳлар, ҳарбий девондаги котибларнинг вазифалари ва у ерда ишлатилдиган истилоҳларга изоҳ ва таърифлар берилган. Булардан ташқари, нафақа бериш ва сув хўжалиги девонларида ишлатилдиган истилоҳларнинг таърифи ҳамда изоҳлари ҳам баён этилган¹.

Бу ерда бирор расмий мактубни ёзиш учун қандай бадий тасвир воситаларидан фойдаланилганлиги, ўша насрий баён этилган муншаотлардаги истилоҳлар номлари, таърифлари ҳам берилган. Бу фикрлар адабиётшунослик фанининг насрда ишлатилдиган истилоҳлари, уларнинг таърифлари мисоллар билан берилганлиги жиҳатидан қимматлидир. Бу ерда тасжиз, иштиқоқ, табдил, мукофот, истиора, муқобала, татмим, тақсим, муболаға, тамсил, тақрир, таҳрир, таърих каби 30 га яқин истилоҳнинг номлари зикр этилиб, кўпларининг фазилат ва нуқсонлари ажратиб кўрсатилган.

Бешинчи бобда «аруз ва қофия илми ҳамда шеърятда ишлатилдиган бадий тасвир воситалари, уларнинг фазилат ва нуқсонларига оид истилоҳлар ҳақида сўз юритилади. Мазкур бобда ўрта аср Шарқ шеърӣ назарияси бўлмиш аруз илми, ундаги 15 баҳр кўринишлари шеърӣ мисоллар билан берилган. Аруз илмига туташ қофия илми ва унинг ислоҳотлари таърифу изоҳлари билан бирга қайд этилган»².

Абу Абдуллоҳ тарихчи олим сифатида «Мафотиҳ ал-лўм»нинг олтинчи бобида қадимги Юнонистон, Рим, Византия, Эрон, Ҳиндистон мамлакатларининг тарихига

¹ Бартольд В. В. Соч., Москва, 1965, Т. 3, 109-бет.

² Хайруллаев М. М., Бахадиров Р. М. Абу Абдуллах ал-Хоразми. Москва, «Наука», 1988, 66-бет.

тўхталиб, унинг подшоҳлари ва араб халифаларининг насл-насаблари, ворислари, жамиятдаги ижтимоий табақалар, давлатни адолатли ва адолатсиз бошқарган ҳукмдорлар масалаларига катта аҳамият беради. Олим айрим подшоҳлар ва араб халифаларининг босиб олган ўлкаларда инсон меҳнатига ва илм аҳлининг ижодига ёвузона муносабатда бўлганлигини, диний эътиқодни баҳона қилиб, миллий ва ирқий низоларни авж олдириб, халқларнинг дўстлик ришталарига раҳна солганликларини айрим далиллар билан келтиради. В. В. Бартольднинг таъкидлашича, «Мафотиҳ ал-улум» асари «Сомонийлар давридаги давлатни бошқариш тизими ва девонларда иш юритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўғрисида қимматли маълумотларни топишда асосий манба бўлиб хизмат қилади»¹. И. Ю. Крачковскийнинг фикрича, «Мафотиҳ ал-улум» асари нафақат тарих фани атамалари ҳақида тушунча беради, балки бу китоб ўша даврда мавжуд бўлган барча илмларнинг атамаларини қамраб олган изоҳли луғатдир»².

Шунингдек, у қадимги ажамлар, юнонлар, форслар, сурнеликлар, ҳиндлар, сўғдлар, хоразмликлар яратган дунёвий илмлар ҳақида ҳам кенг маълумот беради ва бу илмларни шарҳлайди.

Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқишига берган тугал таърифи Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ўзига хос қомусий олим эканлигини тасдиқлайди. Аллома «Мафотиҳ ал-улум» асарида қадимги юнон фалсафий мактаблари, йўналиш ва назарияларини тўлиқ санаб ўтади, ўрта аср шарқидаги фалсафий билимларнинг ҳар бирига қисқача таъриф беради. Ал-Хоразмийнинг фикрича, фалсафа борлиқнинг моҳияти ҳақида, бутун мавжуд нарсаларнинг мазмунни ҳақида мукамал ва тўлиқ билим берадиган фан бўлиб, аниқлиги, ишончлилиги ва асосланганлиги билан бошқа илмлардан фарқ қилади. Мутафаккир фалсафий билимларни худди Аристотель сингари назарий ва амалий илмларга бўлади. Назарий билим деганда дунёни «соф билиш», яъни дунёнинг умумий тусилиши ҳақидаги ақлий билим, амалий билим остида эса инсоннинг жамият ва оиладаги хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги билим тушунилади. Олим назарий билимларни учга бўлади: физика, математика, метафизика.

¹ Бартольд В. В. Соч. Москва, 1963. Т. I. 609-бет.

² Крачковский И. Ю. Избр. соч.: М.—Л., 1957, Т. 4, 240-бет.

Унинг фикрича, «ўрта даражадаги математика илми, олий даражадаги метафизика, яъни илоҳиёт ҳақидаги фан оралиғида бўлиб, қуйи даражадаги илм — табиатшунослик»¹ дир. Ал-Хоразмийнинг даъвосича, объектив дунёдаги буюм-нарсаларнинг миқдор, макон ва бошқа муносабатларини ўрганувчи математика фани ўз ичига арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа каби илмларни ҳам қамраб олади»². Мутаффакир Шарқ фани анъанаси бўйича илмларнинг келиб чиқиши ва мавжуд бўлган барча илмларни туркумларга бўлганда мусиқа ҳақидаги илми сонлар тўғрисидаги илм (арифметика), ўлчовлар ҳақидаги илм (геометрия), юлдузлар ҳақидаги илм (астрономия)дан кейин санаб ўтиб, математик билимлар таркибида олиб текширади. Унинг фикрига кўра, «Мусиқа» атамаси юнонча сўз бўлиб, «басталаш» деган маънони англатади. Шарқ мумтоз шеърлятидаги аруз вази — ҳазаж ва рамалда битилган ғазаллар ўзининг мусиқийлиги билан кишига ёқимлидир.

Шу билан бирга ал-Хоразмий қадимги Юнонистон, Рим, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Марказий Осиё ва Араб ҳалифалиги ҳудудларида кенг тарқалган мусиқа асбоблари — орган, гитара, уд, чанг, ғижжак, най, сурнай, рубоб, танбурнинг имкониятлари, ижро этиш техникаси, мусиқа оҳанглари, уларнинг номлари ва таърифлари, ритм (ийқа)лар ва уларнинг турлари, мақомлар ва турлича бўлган овозларнинг навлари, ижрочи-мусиқачи ва бастакор ҳамкорлиги тўғрисида батафсил маълумотлар беради. Бу маълумотларнинг қиммати шундаки, ал-Хоразмий яшаган ўрта аср мусулмон Шарқ маданиятининг гуллаб-яшнаган даврида мусиқа санъатининг аҳволи ҳақида тўла тасаввурга эга бўламиз.

Умуман, ал-Хоразмий математик билимлар таркибидаги арифметикани таърифлар экан, бирлик, ўнлик, юзлик, минглик сонларни бир-бирига кўпайтириш, бирини иккинчисига бўлиш, қўшиш, бирини иккинчисидан айириш жадвалларини, агар бу бўлакларнинг илдизи бўлса, илдизини топиш амалларини тушунтириб беради. Геометрия, яъни «ҳандаса» сўзи — форсча бўлиб, «андоза» деган маънони англатади, дейди. Олим, ҳандаса илми

¹ Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. «Фан», Ташкент, 1977, 89- бет.

² Ҳайруллаев М. М., Бахадиров Р. М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразми, Москва, «Наука», 1988, 75- бет.

шундай илмки, унинг ёрдамида биз ўлчовни биламиз, чизикларни, қисмлар юзасини ва жисмларни ўзаро таққослаб кўра оламиз, деб кенг таърифлайди ва теоремаларнинг фёрс ва юнон тилларидаги атамаларини қиёслаб шарҳлайди. Юлдузлар ҳақидаги илм — астрономия ҳақида тўхталиб, собит юлдузлар ва улар орасидаги 12 бурж номларини бирма-бир келтиради: Ҳамал (22 мартдан), Савр (апрел), Жавзо (май), Саратон (июн), Асад (июл), Сунбула (август), Мезон (сентябр), Ақраб (Октябр), Қавс (ноябр), Жад (декабр), Дал (январ), Ҳут (феврал). Шунингдек, у Катта Айиқ ва Кичик Айиқ (етти қароқчи) туркумларига кирадиган юлдузларнинг йўлини, осмонда рўпара туришларини, уларнинг ҳаракати, чекланишлари ва тўхташларини ҳам акс эттиради. Шу билан бирга юлдузлар ҳақидаги илм арабча (Танжим), юнонча эса «Астрономия» деб аталишини изоҳлаб, планета (сайёра)ларнинг йўлдошлари ва уларни кузатувчи асбоблар — устурлоблар тўғрисида ҳам кенг маълумотлар беради.

Ал-Хоразмийнинг ижодий меросида логика (мантиқ) ҳақидаги фикрлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг фикрича, мантиқ фикрлаш қонун-қоидалари ҳақидаги фан бўлиб, унинг ёрдамида инсон ўз тафаккурини тарбиялайди. Унинг «ҳаракат қилувчи ақл», «моддий ақл», «Идрок этувчи ақл» ҳақидаги мантиқий-психологик таълимоти инсон хулқ-атвори нормаларини қамраб олади. Бинобарин, инсон ахлоқий хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларининг негизи, Абдуллоҳ ал-Хоразмий таърифича, шахснинг ақл билан амалий идрок этишидир.

Амал қилувчи ақл ўз навбатида «уйғотувчи» ва «ўйловчи» кучлар билан боғлангандир. Амал қилувчи ақлнинг «уйғотувчи» куч билан алоқасининг аҳамияти шундан иборатки, амал қилувчи ақл таърифи остида ундан баъзи бир тасаввурлар, чунончи уялиш, ор-номус каби тасаввурлар юзага келади. «Ўйловчи» куч билан амал қилувчи инсон фаолиятининг режаларини белгилаб беради. Демак, Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг фикрига кўра, амал қилувчи ақл инсоннинг ёлғончилик, зўравонлик ва сохталик каби салбий ахлоқий хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатади¹.

¹ Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. «Фан», Ташкент, 1977, 92- бет.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий табиблик билан бевосита шуғулланмаган бўлса-да унинг тиббиёт фани ҳақидаги қарашлари ҳам анча диққатга сазовордир. Олимнинг инсон тани ва аъзолари, ҳар бир аъзонинг соғломлиги, турли касалликларнинг сабабини ва уларнинг пайдо бўлиш шароитларини, аъзолар ва организмга саломатликни қайтариш учун қўлланадиган дори-дармонлар, уларнинг хусусияти ва фойдасини билиш, табиблик ҳунарида қўлланадиган барча воситалар ва асбобларни билиш тўғрисидаги маълумотлари қизиқарлидир.

«Мафотиҳ ал-улум» асарининг саккизинчи бобини икки бўлими ҳайл илмига, яъни механикага бағишлаган. Олимнинг таърифича, механика—нарсаларни табиий ҳолати ва уларнинг турли қисмлари орасидаги ўзаро муносабатига мувофиқ келадиган сунъий буюм-нарсаларни яратиш мақсадида уларнинг ҳолатини ўрганиш тўғрисидаги фандир. Асарнинг биринчи бўлимида меҳвар, парма асбоблари, ҳарбий қурол-аслаҳаларини яшаш асбоблари ва манжақ, замбарак, тўп, занжир, ўқ-ёй тайёрлаш қоидалари баён этилган бўлса, иккинчи бўлимда эса сув қуввати билан ишлайдиган фаввора чархпалак, сув тегирмони кабилар ҳақида сўз боради. Кимё фани ҳақидаги боб уч бўлимдан иборат бўлиб, бу бўлимларда «кимё» сўзининг келиб чиқиши, кимё саноатида ишлатиладиган асбобларнинг номлари, турлари ва уларнинг ишлатилиши тўғрисида қисқача тушунтиришлар берилган. Маъданлар, жавоҳирлар, суюқ моддалар, уларнинг кимёвий хоссалари, ранги, кўриниши, оғирлиги ҳам таърифланган¹.

Дарвоқе, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарининг кимёга бағишланган бўлими материалнинг жойланиш тартиби ва баён услуби билан Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розийнинг (875—925- йиллар) «Китоб мадҳал ат-таълими («Кимёни ўқитишга кириш) китоби» асарини эслатади.

Ар-Розийнинг бу асарида кимёвий асбобларнинг тuzилиши ва ясаши, моддаларнинг таснифи ҳамда баъзи кимёвий тажрибалар баён қилинган. Бу маълумотлар ўша даврдаги кимё фанининг тараққиёт даражаси ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш имконини беради, шв сабабдан Абдуллоҳ ал-Хоразмий томонидан қомусий

¹ Қаранг: Рожанская М. М. Механика средневековом Востоке, М., 1976, 130- бет.

асар яратиш учун айнан «Қитоб мадхал ат-таълими» нинг танлаб олиниши тасодифий эмас, албатта.

Шунингдек, яна бир хоразмлик кимёгар олим Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдул Малик Ал-Солиҳий ал-Хоразмий ал-Қосий ҳам ар-Розий ва Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг юқорида зикр этилган асаридан таъсирланган ҳолда фақат ўз кузатишлари ва тажрибалари натижаларига суянган ҳолда 1034 йилда «Айн ассанъа ва аун ас-санаъа» (Ал-кимё) санъатининг моҳияти ва кимёгарлар учун ёрдам») номли асарини ёзган. Бу асар муқаддима ва 7 бобдан иборат бўлиб, унда олим ўз давридаги амалий кимёнинг асосий масалаларини баён қилган. Шу билан бирга муаллиф кимё фани тарихида биринчи бўлиб, реакцияга киришувчи моддаларнинг миқдорий нисбати ҳақида сўз юритган, бу кимёда эквивалентлик тушунчасининг пайдо бўлиши йўлида қўйилган биринчи қадамдир.

Профессор Ҳ. Ҳасанов қомусий олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал-улум» асарини жўғрофия фанига бағишланган бўлимнинг аҳамияти бениҳоят катта эканлигини таъкидлаб, ўзининг «Сайёҳ олимлар» китобида қуйидаги парчани келтиради: «Ернинг тузилиши ва иқлимлари. Ердаги экватор чизиғи осмон экваторига рўпара туради. Айни шу экваторда осмоннинг жанубий ва шимолӣ паллалари кўрилади. Экваторда тун ва кун доимо баробардир.

Шаҳарнинг кенглиги (арзи) унинг экватордан узоқлигидир. Шаҳарнинг узунлиги (тули) унинг шарқдан ғарбгача масофасидир. Ҳақиқатда ғарб билан шарқнинг ниҳояси (чеккаси) йўқдир. Чунки фалакиётдан маълумки, экватор доирасининг ҳар бир нуқтаси бир жойга нисбатан шарқийдир, иккинчи жойга нисбатан ғарбийдир. Аммо «Шарқ» деб тўппа-тўғри айтилганда, маъмуранинг шарқий чеккаси тушунилади, шунингдек «ғарб» деганда ҳам маъмуранинг ғарбий чеккаси тушунилади. Шу якка нуқта (шарқ билан ғарб) орасида Ернинг ярми узунлик бўйлаб жойлашган. Ернинг маъмура «обод» қисми (экватордан) шимол томонда, Ер қисмларга тақсим қилинган, бир қисми денгизлар билан қопланган ва бепоёндир, унинг четига етиб бўлмайди, чунки Муҳит денгизлари ерни ўраб туради.

Экватордан шимолда одамлар яшаган ўша ер маъмура деб аталади. Канкадиз шаҳри энг шарқда бўлиб, Син (Чин) мамлакати ва Воқвоқнинг чеккасидадир.

Сус ал-Ақси маъмуранинг ғарбий чеккасидаги шаҳар Андалуснинг нариёғида, Рум денгизининг жанубий томонида. Шу иккала шаҳар орасида, Ернинг ярми узунасига жойлашган.

...Ернинг қуббаси — Ернинг марказидадир. Хўжанд билан Шопуркон бир (меридиандадир). Бу чизиқ Ернинг шарқий палласини ғарбий палладан ажратиб туради. Бу чизиқдан юқоридаги (шарқдаги) шаҳарлар, масалан, Фарғона ва Қошғар ва Син ҳамда Воқвоққача бўлганлари — шарқий шаҳарлардир. У чизиқдан қуйидаги (ғарбдаги) шаҳарлар — масалан: Шош, Илоқ, Усрушона, Самарқанд ва Бухоро то Суси Аҳсигача — ғарбий шаҳарлардир»¹.

Умуман, Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу таърифлари ўлкамиз жўғрофияси ва картографияси учун қимматли кашфиётдир.

Хулоса ясаб айтганда, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» қомусий асарининг жаҳон маданияти ва фани тарихида тутган ўрни беқиёсдир. Қомусий билимга эга бўлганлиги, араб, форс, юнон, суриён, санскрит ва бошқа тилларни яхши билганлиги туфайли Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Урта асрдаги мавжуд барча фанларни ипидан игнасигача туркумларга бўлиб чиқди ва бу масалаларни фалсафий ва маърифий-педагогик нуқтаи назарлардан ҳал қилди. У илмларнинг турли соҳаларини оддий санаб ўтиш билан чекланмай, балки қараб чиқиладиган билимнинг ҳар бир соҳасининг предмети ва вазифаларини, характерли хусусиятларини аниқлашга интилиши, шубҳасиз, диққатга сазовор ва муайян педагогик ва методик аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Абдуллоҳ ал-Хоразмий таснифида турли фанлар бир-бири билан боғлиқлигини инкор этмасдан, балки ўзаро алоқада олиб текширади. Олим инсоннинг билиш қобилиятларини ўрганувчи фанларни таснифлаганда «тариххотирага, шеърият тасаввурга, фалсафа хулосага, логика эса педагогик илмларга тегишлидир» деган мантиқий-илмий хулосага келади. Бу эса Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий кузатишларининг нозиклигидан, унинг чуқур билимларга эга бўлганлигидан, ҳар бир фан соҳасига илмий ёндошганлигидан далолат беради. Шу боис ҳам «Мафо-

¹ Қаранг: Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар, Тошкент, «Ўзбекистон», 1981, 45—46-бетлар.

тиҳ ал-улум» асаридаги барча фанларга берилган таърифлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг қимматини йўқотмаган.

5- §. Абул-Қосим Маҳмуд Ибн Умар Аз-Замаҳшарийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари

Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига салмоқли хисса қўшган машҳур олим, адиб ва шоир Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий 1075 йилнинг 19 мартада гўзал ва виқорли Хоразмнинг Замаҳшар шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси ўз замонасининг ўқимишли, ғоятда тақводор, диёнатли кишиси бўлган ва Замаҳшардаги масжидлардан бирига имомлик қилган. У хулқ-атвори гўзал, ширинсухан, мурувватли ва саҳоватли инсон бўлиб, бу фазилатлари билан эл орасида катта обрў-эътибор қозонган. Замаҳшарийнинг онаси ҳам ғоятда тақводор ва саводхон бўлиб, у болаларга хат-савод ўргатар эди. Шунинг учун бўлса керак, ёш Маҳмуд Замаҳшарийнинг дунёқараши ва бошланғич билими тақводор ва ўз замонасининг билимдон кишилари бўлмиш, онаси таъсирида шаклланиб камол топган. Маҳмуд Замаҳшарийнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ манбалардан маълум бўлишича, унинг бир оёғи ёғочдан эди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлоқ деб ўйламасди. У ёғоч оёқда юрганлигига қарамасдан ғоятда ҳаракатчанлиги билан ажралиб турган. Шу тариқа ёшлигидан оғир иллат туфайли бир оёқ бўлиб қолган Маҳмуднинг отаси, ўғлим энди оғир меҳнатга ярамайди, бирор касб-ҳунарни эгалласин, деган ниятда кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Бироқ ёшлигидан илмга зўр иштиёқ ва ҳавасманд бўлган Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага ўқишга юборишни сўрайди. Шундан сўнг отаси ўғлини Гурганчдаги мадрасага беради. У мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмларни пухта эгаллашга киришади, ўша даврда илм аҳли орасида қадрланган хаттотлик санъатини ҳам мукамал эгаллаб, ўз тирикчилигини бир қадар тузатади. Сўнгра у ўз билимини ошириш мақсадида Бухорога йўл олади.

Аз-Замаҳшарий Бухорода мадрасани тугатгач, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида бўлиб, девонхонада котиблик билан шуғулланади. Бироқ ўз юрти Хоразмда қобилияти, илми, фазилатига яраша бирор ҳурмат-эъти-

бор кўрмагач, у Шарқ мамлакатларига сафарга отланади. Жумладан, Марв, Нишопур, Исфохон, Шом, Бағдод, Ҳижбзда, Макка шаҳарларида бўлади. Исфохонда бўлганида машҳур олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ад-Даббий ал-Исфохонийдан тил ва адабиёт илмини ўрганади. Бағдодда бўлганида шайх ул-ислом Абу Мансур Наср ал-Хорисий, Абу Саад аш-Шаққоний, Абул Хаттоб ибн Абул Батар каби машҳур олимлардан ҳадис илмини ўрганади. Маккада бўлганида эса наҳв ва фикҳ бўйича илми Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Талхат ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Йабирий ал-Андалусий, аш-шайх ас-Садийд ал-Хаййотий, луғат илмини эса Абу Мансур ибн ал-Халдар ал-Жаволиқий каби машҳур олимлардан ўрганди. Аз-Замаҳшарий Маккада қарийб беш йилча яшайди. Макка амири, таниқли олим ва адиб Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваққос ас-Сўлаймонийнинг унга кўрсатган хайрихоҳлиги ва ёрдами, шубҳасиз илмий фаолиятига анча қулайликлар яратган. Чунки у жуда кўп асарларини ўша даврда яратади ва Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») деган шарафли лақабга ҳам муяссар бўлади. Қолаверса, аллома Маккада эканлигида араб тили грамматикаси ва луғатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг лаҳжалари, мақоллари, урф-одатларини чуқур ўрганди, бу минтақа жўғрофиясига оид хилма-хил маълумотларни тўплади. Уша даврнинг йирик олимлари, шоир ва адиблари ҳамда ўз шогирдлари билан доимо мулоқотда бўлади, улар билан дўстона, қизгин илмий мунозаралар, баҳслар юритади, илм аҳллари эса унинг фикрига қулоқ соладилар. Рашидуддин ал-Ватвот ўз устози аз-Замаҳшарийнинг олим сифатидаги баъзи хусусиятлари ҳақида «Ар-Расоил» («Мактублар») асарида шундай деб ёзади: «Устоз (аз-Замаҳшарий) билан ўртамизда унинг ижодий фаолияти даврида ҳам, роҳатда бўлган вақтларида ҳам адабиётнинг турли жиҳатлари ва араб илмларининг ҳар хил масалаларига оид ҳисоб-китоби йўқ кўпдан-кўп ва узундан узоқ илмий мазмундаги суҳбатлар бўлган эди. Шу суҳбатлар чоғида устод менинг сўзларимга диққат билан қулоқ тутар ва мен кўтарган масалаларга ғоятда эътибор билан қараб, кўпинча уларни маъқулларди. Чунончи, мунозара чоғида ҳақиқатга амал қилишлик унинг саодатли ишларидан эди. Кейин у ўзи маъқул топган масалаларни яна биринкетин санаб чиқарди... устознинг гўзал фазилатларидан ушбу арзимас бир мисолни ёшларни (ундан) воқиф қи-

лиш ниятида келтирдим. Чиндан ҳам бу инсон, гарчанд барча билимларни тўла эгаллаган ва жамъий воқеаларнинг соҳиби бўлатуриб, ҳақиқатнинг аччиқлигию, ҳалолу покликнинг қайноқ ва ҳароратига қарамасдан, ўта сабр-тоқатли киши эди. Башарти ўзига зарар бўлса-да, у доимо адолат юзасидан иш тутар эди»¹. Мана шундай улкан обрў-эътиборга эга бўлган аз-Замаҳшарий «Устоз ул-дунйа» («Бутун дунё устози») «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахру Хваразм» «Хоразм фахри»), Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») каби фахрий ному тахаллусларга сазовор бўлган эди. Эҳтимол, бу ўз асарларидан бирида «ва инний фи Хваразм Қаабат ул адаб», яъни «Ростдан ҳам мен Хоразмда адиблар учун (бир) «Қаъбаман» деб ёзишга асос бўлган бўлса керак.

Аз-Замаҳшарий адабий мероси ва ижодини тадқиқ қилган арабшунос олим У. Уватовнинг ёзишича, ўз даврининг йирик олими даражасига кўтарилган ва шарафли унвон (ном)ларга сазовор бўлган олимнинг «Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Ҳарун ал-Умроний ал-Хваризмий, Муҳаммад ибн Абу-л-Қосим ибн Бойчук ал-Баққолий ал-Хоразмий ал-Одамий ан-Наҳвий, Абу Юсуф Ёқуб ибн Али ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Балҳий ал-Жандалий, Ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Абу Саъийд Исҳоқ Абу-л-Муайяд, Абу-л-Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ ат-Таъвийлий, Абу-л-Маҳосин Абдураҳим ибн Абдулло ал-Баззор, Абу Саид Аҳмад унвон (ном)ларга сазовор бўлган олимнинг Абу-л-Ҳаиб ибн Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шотий, Абу Амру Омир ибн ал-Ҳасан ас-Симсор, Абу Тоҳир Сомон ибн Абдумалик, Али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос Абу ат-Таййиб, Рашидуддин Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий (Рашидуддин ал-Ватвот) сингари қобилиятли шогирдлари бўлиб, улар устозлари паноҳида адабиёт, ҳадис, тафсир, араб тили грамматикаси ва луғат, жўрофия, фикҳ, фалсафа, мантиқ илмларидан таҳсил кўрдилар. Ўз навбатида, улар ҳам замонасининг етук олими даражасига кўтарилиб, илм толибларига дарс бердилар.

Юқорида зикр қилинган илм толиблари аз-Замаҳшарий билан шахсан мулоқотда бўлиб, ундан таълим олишган. Аммо аз-Замаҳшарийни шахсан кўрмаган-у, фақат

¹ Қаранг: Уватов У. Рашидиддин ал-Ватвот мактублари. «Гулистон». ойномаси, 1991 йил, 11-сон.

унинг асарларини ўқиб ўзларини олимнинг шогирди ҳисоблаган, асарларини ривоят қилиш учун ижозат сўраган олимлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Зайнаб Бинт аш-Шаърий аз-Замаҳшарийни устоз сифатида тан олган. Аз-Замаҳшарийни ўзига устоз билганлардан яна бири исқандариялик олим ал-Ҳофиз Абу ат-Тоҳир Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Салафийдир. Шаҳобуддин Аҳмад ибн Али ал-Ҳасаний ал-Моликий, Абу Тоҳир Баракат Ибн Иброҳим ал-Хушувий ҳам аз-Замаҳшарийни ўзларига устоз деб тан олганлар»¹. Аллома жуда кўп вақтини шогирдлари камолотига бағишлаб, ҳаётида бирор марта ҳам уйланмаган. Илмий асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстиришдан аъло деб ҳисоблаган. Аллома уйланмасликни энг юксак баркамоллик деб ҳисоблар ва бу хусусда ўзининг «Атвоҳ уз-Заҳаб» («Олтин шодалар») асарида «Аёл кишига унинг ҳусни-жамоли учун эмас, балки покиза иффати билан чирой жаъм бўлгандагина ҳақиқий баркамоллик ҳосил бўлади. Баркамолликнинг бундан ҳам юксак чўққиси — агар эркак бир аср умр кўрса-да, уйланишдан ўзини тия олишлиқдир» — деб ёзган эди. Илм-фан йўлида ўзини фидо (бахшида) қилишликни аз-Замаҳшарий ҳар қандай ҳирсият ва нафсониятдан ғоят юқори қўяди. Шу бонисдан ҳам у «Навобиг ул-калим» («Нозик иборалар») номли бошқа бир асарида «Қотиб хати билан қоғозни қоралаш (яъни ёзиш) соҳибжамолнинг ёноғини (бўса билан) қизартиришдан кўра ҳам ёқимли», деб илм-фанга бўлган ўз муносабатини алоҳида таъкидлайди»².

Аз-Замаҳшарий 1144 йилнинг 14 апрелида Хоразмда 69 ёшида вафот этади. Буюк аллома бизга жуда катта ва бой илмий мерос қолдирган. Ироқ олими Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг номма-ном ёзишича, у араб тили ва грамматикаси, фалсафа, тарих, жўғрофия, услуб ва нотиклик санъати, луғатшунослик, араб ва аруз илми, тафсири, ҳадис ва фикҳга оид 56 та асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Хусусан, олимнинг тилшуносликка, араб тили грамматикаси ва нафис адабиётга оид «Асос ал-балоға» («Сўзга усталик асослари» ёки «Чечанлик пойдевори») «Самим ал-арабия» («Араб тили мағизи»), «Фоиқ ал-луғот» («Энг яхши луғатлар»),

¹ Қаранг: Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий. Нозик иборалар. Тошкент, «Қамалак», 1992, 16—17-бетлар.

² Қаранг: Уватов У. Урта асрнинг буюк алломаси. «Ёш ленинчи» рўзномаси, 1990 йил, 7 июнь.

«Муҳожоту аннаҳвия» («Грамматика ҳожатлари»), «Муқаддамат ул-адаб» («Нафис адабиётга муқаддима»), «Атвоқ уз-Заҳаб» («Олтин шодалар»), «Алминҳож филусул» («Усул бобида кўрсатмалар»), «Рабиъ ал-аброр» («Саҳий ёз») каби асарлари ўзига хослиги, илмий аҳамияти билан нафақат Шарқ, балки Ғарб илмий тафаккурининг ривожини учун ҳам катта аҳамият касб этганди. Инглиз шарқшуноси Х. А. Р. Гиббининг ёзишича, Замаҳшарийнинг «Ал-Муфассал» номли араб тили наҳву сарфини ўрганишга оид дарслиги ва насрий сажъ нафис услубида ёзилган қисқа насиҳатомуз ҳикматли иборалар мажмуаси, «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шодалар») асари каби Оврўпо арабшунослигида шуҳрат қозонган асарлар жуда кам бўлган. Шунингдек, кўпчилик олимлар аз-Замаҳшарийнинг «Ал-Муфассал» асари таниқли араб тилшуноси Сибавайҳнинг араб тили грамматикасига оид машҳур китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Уша даврнинг ўзидаёқ араблар орасида ҳам бу асар катта эътибор қозонди ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалади. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо аз-Замаҳшарийнинг «Ал-Муфассал» асарини ёддан билган кишига беш минг кумуш танга пул ва сарупо совға қилишни ваъда берганлиги бежиз эмас. Бир қанча кишилар асарни ёд олиб, мукофотга сазовор бўлганлиги манбаларда келтирилган.

Аз-Замаҳшарийнинг йирик асарларидан бири ҳисобланган «Ал-Кашшоф» («Аён қилувчи») эса Қуръонга бағишланган мукамал тафсирдир. Асарнинг тўлиқ номи «Ал-Кашшоф»ан ҳақсиқ ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийл» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш») эди. Аллома Қуръон тафсири, ҳадис, фикҳ, илм ал-қироат, наҳв, сарф, адаб илмларига бағишланган кўплаб асарларни қунт билан ўрганиб, улардан унумли ва танқидий равишда ўз асарида фойдаланган. Дарҳақиқат, араб олимларининг якдиллик билан таъкидлашларича, аз-Замаҳшарийнинг «Ал-Кашшоф» асари ҳар хил даврларда Қуръонга ёзилган тафсирлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу асар ҳозирги вақтгача араб мамлакатларида кўплаб мусулмон аҳли, айниқса, уламолар учун энг зарурий китоблардан бири ҳисобланади. Қоҳирадаги бутун дунёга машҳур Ал-Азҳар диний дорилфунунининг талабалари эса аз-Замаҳшарийнинг «Ал-Кашшоф» асари асо-

сида Қуръонни ва унинг тафсирини ўрганиб, ундан муҳим бир дастур қўлланма сифатида фойдаланадилар.

Арабшунос олим У. Уватовнинг таъкидлашича Қоҳирадаги Айн Шамс дорилфунунининг профессори Мустафо ал-Жуванийнинг «Манҳаж аз-Замаҳшарий фи итасир ал-Қуръон («Қуръон тафсирида Замаҳшарий усуллари») асари «Ал-Қашшоф»га бағишланади. Ал-Жуванийнинг эътироф этишича, аз-Замаҳшарийнинг буюк хизмати шундаки, у ўз тафсирини ёзишда ҳар хил сабабларга кўра бизгача етиб келмаган тафсир, ҳадис, фикҳ, илм ал-қироат, наҳв, адаб ва бошқа илмларга оид ўша пайтда машҳур бўлган кўплаб манбалардан унумли фойдаланиб, ўз тафсирини улар билан бойитган. Шу боисдан ҳам йўқ бўлиб кетган мазкур асарлар ҳақидаги маълумот ва тасаввурни замонавий тадқиқотчилар фақат аз-Замаҳшарийнинг «Ал-Қашшоф»идан оладилар. Бу илмий нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эга. «Ал-Қашшоф»нинг ғоятда машҳур асар эканлигига яна бир ёрқин далил сифатида унинг қўлёзма нусхаларининг кўплиги, асарга ёзилган бир қанча шарҳлар ва сўнгги вақтларда араб мамлакатларида уни қайта-қайта нашр қилинишини кўрсатиш мумкин. Немис шарқшуноси Карл Брок Қелман дунёнинг турли қўлёзма сайланмаларида «Ал-Қашшоф»нинг юзга яқин қўлёзмалари ва йигирмадан ортиқ асарнинг ўзига ёзилган шарҳ ва тафсирилари борлигини маълум қилади. Тошкентда, ЎзФА Шарқшунослик институтида ҳамда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний назоратининг кутубхонасида ўша рисоланинг ўндан ортиқ қимматли нусхалари сақланади.

Аз-Замаҳшарийнинг «Қофия» асари арабча наҳв (синтаксис) мавзусида ёзилган китоб бўлиб, у мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилар эди. Мавлоно Жомийнинг «Шарҳи мулло» асари эса ана шу «Қофия»га бағишланган шарҳидир.

Аз-Замаҳшарийнинг тилшуносликка оид асарлари ичида «Муқаддамат ул-адаб» асари алоҳида ўрин тутди. Маълумки, араб адабиётида ва илмий рисоаларда учрайдиган «адаб» сўзи «одоб, ахлоқ тарзи» маъноларида ишлатилган бўлиб, X—XII асрда эса адаб деганда умуман таълим фанларининг йиғиндиси тушунилган эди. Адиб маданиятли, билимдон, ўқимишли ва саводхон бўлиш учун таълим фанларини билиши зарур экан, демак, авало, шу билимларни ўзлаштириш учун маълум сўз ва атамалар бойлигига эга бўлиш талаб қилинади.

Аз-Замаҳшарий мана шундай мақсадни ўз олдига қўяди ва одоб ҳақидаги китобини биз ҳозирги кунда «Тилшуносликка кириш», «Адабиётшуносликка кириш» деганимиздек, «Муқаддамат ул-адаб», «Адабга кириш» деб атайдди.

«Муқаддамат ул-адаб» асари беш қисмга ажратилган: от (исм)лар, феъллар, боғловчилар (юкламалар), от ўзгаришлари (исмларнинг турланиши), феъл ўзгаришлари (феълларнинг тусланиши). Олим бу асарида ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга интиланган, уларнинг этимологиясига эътибор қилган.

«Муқаддамат ул-адаб» луғати бошда икки тил (араб ва форс)да ёзилган бўлиб, у араб тилини форс-тожик ва туркий халқларга ўргатиш мақсадида тузилган. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, асарнинг чиғатой (ўзбек) тилидаги таржимаси аз-Замаҳшарийнинг ўзи томонидан амалга оширилган. Зотан, хоразмшоҳ Аловуддавла Абулмузаффар Отсизнинг (1127—1156) тушуниши учун асарнинг арабча матни билан биргаликда чиғатой тилидаги таржимаси ҳам яратилган. Бу фикрнинг тўғрилиги эҳтимолдан холи эмас, чунки муаллиф китобга ёзган сўзбошида бу асарни хоразмшоҳ Аловуддавла Абулмузаффар Отсизнинг илтимосига кўра ўгирилгани, унинг кутубхонасига ҳам бир нусхасини тайёрлаб тақдим қилганлигини эслатади.

«Муқаддамот ул-адаб» мўғуллар истилосидан кейин мўғул тилига ҳам таржима қилиниб, оқибатда тўрт тиллик луғатга айланади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда у арабшунослар, форсшунослар, туркшунослар диққатини тинимсиз ўзига жалб қилиб келмоқда. Хусусан, «Муқаддамат ул-адаб» луғати материалларисиз XI—XII аср ўзбек тилини тўла тасаввур қилиш қийин. «Муқаддамат ул-адаб» асарининг амалий ва маърифий томондан ўрганилиши араб лексикографияси анъаналарини ёритишга имкон берса, иккинчидан, бу луғатнинг тематик тартиб бўйича тузилганлиги шунга ўхшаш замонавий луғатларни тузиш учун ўзлаштирилган яхши тажриба бўлади. Икки ва кўп тилли луғатлар тузишда ҳам «Муқаддамат ул-адаб» услубидан фойдаланиш мумкин. Қолаверса, луғатнинг қадимий манба сифатида ҳам ўрганилиши ўзининг тарихий-маърифий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шунинг учун Садриддин Айний «Муқаддамат ул-адаб» асарининг Бухородаги нусха-

си билан танишиб чиқиб, 1921 йил «Меҳнаткашлар товуши» рўзномасига ёзган мақоласида: «Ушбу китобнинг чиғатойча таржимасидан чиғатой тилидаги бутун фанний истилоҳларни топмоқ мумкин ўлдуғи ила баробар, бутун кераклигига кифоя қилатурғон чиғатойча сўзлар топмоқ мумкиндир. Бу китоб ўзбек тили учун бутун дунё хазинаси билан баробардир» — деб ёзган эди¹.

«Муқаддамат ул-адаб» асари биринчи марта 1706 йили Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима этилган. Сўнгра XVIII асрнинг бошларида француз ва немис тилларига таржима қилиниб, Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон шаҳарларида, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта босилган. Немис олими Ватзаштайн «Муқаддамат ул-адаб»нинг Оврупо қўлёзмаси сайланмаларидаги еттита нусхасини қиёсий ўрганиб, 1850 йили Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр этган. «Муқаддамат ул-адаб»нинг 20 дан ортиқ қўлёзма нусхалари Берлин, Лейпциг, Лондон, Истанбул, Техрон, Машҳад, Санкт-Петербург, Тошкент, Маҳачқалъа шаҳарларининг қўлёзма жамланмаларида сақланмоқда. Биргина ЎзФА Шарқшунослик институти жамланмасида шу асарнинг 7 қўлёзма нусхаси сақланади.

Аз-Замаҳшарийнинг луғатшуносликка оид яна бир машҳур асари «Асос ал-балоға» («Нотиқлик асослари») ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда араб тилининг фасоҳат ва мукамаллиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, сўз бойлигидан ўринли ва усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат ва балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак. Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда адабиётнинг асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари ва уларни амалда татбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил қилинган.

Олимнинг «ал-Қустос фи-л-аруз» («Арузда ўлчов мезон») асари аруз вазни ҳақида баҳс юритади. Алифбо тартибида йиғилган араб мақол ва масалаларига бағишланган бошқа бир асарини у «Ал-Мустақсо фи-л-амсол» («Ниҳоясига етган масалалар») деб атаган. «Мақомат» («Мақомлар») — эллик мақомдан иборат асари қофияли

¹ Қаранг: Ҳакимжонов М: Дунё хазинасига тенг асар. «Тошкент оқшоми» рўзномаси, 1989 йил, 8 февраль.

нарсаяъ услубининг нозик намуналарини ўзида мужасам этган. «Девон уш-шеър» китоби ҳам диққатга сазовор асарлардан ҳисобланади. «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахйар» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») номли 97 бобдан иборат асарида эса адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоялар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган.

Аз-Замаҳшарий Макка амири ибн Ваққоснинг жўрофияга оид маълумотларига таяниб ва ўзининг Ҳижозга қилган сафаридан олган кузатишлари асосида «Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») номли машҳур жўрофий ва қомусий асарини яратган. Асарда Арабистон ярим оролига оид жўрофий жойлар, тоғлар ва сувликларга доир қимматбаҳо маълумотлар келтирилади. Машҳур араб жўрофик олими ва сайёҳ Ёқут ал-Ҳамавий (1179—1229) ҳам ўзининг бутун дунёга машҳур «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») асарида Арабистон, ҳусусан, Ҳижоз ҳақидаги маълумотларни аз-Замаҳшарийнинг «Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ» асарига таяниб ёзган. Бу асар 1856 йили голландиялик арабшунос олим Сальверда де Граве томонидан мукамал тадқиқ қилинган ҳолда нашр этилган.

Аз-Замаҳшарийнинг «Атвоқ-уз-заҳаб фи-л-мавоиъз ва-л-хутаб» («Ўғит ва насиҳатларнинг олтин шодалари») номли асари биринчи марта 1835 йили немис олими Фон Хомер томонидан немисчага таржима қилиниб, арабча матни билан нашр этилган. Орадан ўттиз йиллар ўтгач, французчага таржима қилиниб, 1886 йили Парижда чоп қилинган. 1873 йили эса усмонли турк тилига таржима қилиниб, Истанбулда нашрдан чиққан эди.

«Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиъз ва-л-хутаб» асари юзта мақолат (боб)дан иборат бўлиб, ваъз-насиҳат, ҳикматли сўзлар, масал ва мақолларни ўз ичига олади. Аллома бу асарида Шарқ мамлакатларига кўп йиллик саёҳати натижасида ҳамда ўзи кўрган, эшитган ва бошидан кечирган ҳаётий тажрибаси асосида шаклланган, ижтимоий-ахлоқий ва маърифий-тарбиявий масалалар тўғрисида кенг фикр юритади. Жумладан, мутафаккир ўз давридаги золим подшоларнинг адолатсизлигини, ноинсоф амалдорлару фирибгар савдогарларнинг бдйлик йиғишга интилиши каби салбий хатти-ҳаракатларини қоралайди. Бундай ярамас иллатлар одамийликка путуретказди, кишининг ахлоқий қиёфасини бузади деб ҳи-

соблайди ва маънавий жиҳатдан тубан бўлган бундай шахсларни «Ноҳақларга пора берувчилар, золимларга ёрдам берувчилардир», «Савдогарларнинг шуҳрати чўнтагида», «Чайковчи овчи ити», «Кўпинча қилинган ҳийла ва афсун, қуввату зўрликдан бўлади устун», «Виждонли одам хавфдан холи яшаса, хиёнат қилувчи ҳалокатда яшайди», «Хатолар қилишда авворалардир, хатолар тушган аробалардир»¹, деб таъкидлайди.

Аз-Замаҳшарий ўзининг ахлоқий қарашларида ўз замонасидаги турли табақа кишилари ва касб-ҳунар эгаларининг жамиятда тутган мавқеи ва ахлоқ-одоби тўғрисида фикр юритар экан, мутафаккир шахснинг қандайлигидан, кимлигидан (подшоҳми ёки оддий киши) қатъи назар, аввало у хушхулқ ва одабийлик зийнати-га эга бўлмоғи кераклиги тўғрисида гапиради ва «Хушсифат ва яхши хулқлар зийнатламаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди», дейди.

Буюк алломанинг фикрича, ахлоқий етук кишининг муҳим хислатларидан бири камтарлик, саҳийлик, гўзаллик ва мардликдир, «Гўзал юз ва чиройли кўриниш кўнгилда шодлик пайдо қилур», «Мард мағлуб бўлса ҳам, тубан тушмайди» дейди, Замаҳшарий.

Демак, одабийлик ва камтарлик кишини маънавий гўзал қилади, бундай мард кишиларга бахт доимо кулиб боқади. Номард, «паст киши ўз наслининг баландлиги билан мақтанади». Мутафаккир бундайларни энг тубан шахслар деб ҳисоблайди. Аз-Замаҳшарий пасткаш, иккиюзламачи, ифвогар, номард кишилардан йироқ юришни маслаҳат бериб: «Аҳмоқ ҳикмат лаззатини тотмайди, тумов киши гул ҳидини сезмайди», «Миннат-силтовлар билан қилинган ҳотамлик ортиғи билан ёққан ёмғирдек бўлса-да, унда яхшилик бўлмайди», «Яхшилик биландур инсон жамоли, они қилурга-чи йўқдир мажоли», дейди. Шунингдек, мутафаккир дўстлик, дўст танлаш муаммоларига ҳам тўхталиб, кишини дўст танлашда зинҳор янглишмасликка чақириб, «Ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси сенга юқади», «Сен хавф-хатар, ночорликка тушиб қолишдан қўрқитувчига ёндош, қўрқма, бу ишда зиён йўқ деювчидан сақлан» деб, чинакам дўстликнинг асосий белгиси садоқат ва ишонч эканлигини уқтиради.

¹ Қаранг: Ҳикматлар гулдастаси. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1983, 186—256-бетлар (Бундан кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди).

Аз-Замаҳшарий кишиларни инсонпарварликка ва ҳақиқатпарастликка, ҳалоллик ва ростгўйликка, тўғрилиқка, адолатли ва инсофли бўлишга даъват этиб: «Қуёш нури бекилмайди, ҳақиқат шамъи сўнмайди», «Оғзингни мисвоқ (тиш ковләгич чўп) билан пок қилдинг, кошкийди энди уни ёлғон, ғийбат, чақимчилик, бўҳтон билан ифлос қилмасанг», дейди. Шу билан бирга у инсоннинг қадрини оширувчи ҳам, пасайтирувчи ҳам тил эканлигини қайд этиб, «Агар тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан» дейди. Сўнгра у камтарлик ва тўғрилиқ ҳақида гапириб: «Тил қиличининг ярқироқлиги, унинг тўғри сўзидир. Шунинг учун тилингни фақат тўғри сўз билан айлантвр. Яманликлар ўз қиличини қинида сақлагани каби, сен ҳам тилинг қиличини ёлғонлик хатосидан сақла. Қиличнинг ярқироғини занг ейди. Ёлғон эса тил учун зангдан ҳам ёмонроқдир. Ёлғон гапирганигда тилинг сенга бойликлар келтирадиган ерда ҳам, барибир рост гапиргин. Сен билмайсанки, тўғрилиқнинг шарофатида нажот топиб бахтли бўлишингни. Ёлғон эса қўққисдан ўзининг шумлиги билан бироз фойда бериб, сўнг ўлдиради. Ёлғон гапириб ғалаба қозонганиндан, рост гапириб ёмонликка учраганинг маъқулдир. Ростгўй одамга унинг ростгўйлиги кифоядир. Ёлғончига унинг ёлғончилиги етарлидир. Чамадони тўлиб келган ёлғончидан идиши бўш келган ростгўй яхшидир. Агар ростгўйлик одам шаклида ифодаланса, энг даҳшатли армон бўлар. Ёлғоннинг сурати эса қўрқоқ тулки бўлар эди... Ваъда қилган бўлсанг унга вафо қилгин ёки ваъдангни бажаришга шошил... Чақмоғидан олдин ёмғири келган, ваъдасидан олдин берадиган нарсаси келган эркакка ўхшагин»¹, деб маслаҳат берди. Шунингдек, мутафаккир нутқ маданияти, яъни сўз гўзаллиги инсон учун хушмуомалалик воситаси эканлигини қайд қилган ҳолда, агар «бировни кйувчи бўлсанг, хат билан койи, юзма-юз туриб койиш кўнгил синдирур ва сўз ўлчовсиз кетар», дейди.

Аз-Замаҳшарий ахлоқий-тарбиявий қарашларида ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, бола тарбияси ва унда ота-онасининг роли ҳақида ҳам ўзининг қимматли фикрларини баён қилади. Ота-она болани хуш-хулқ, одобли, меҳнатсевар, ақл-идрокли қилиб тарбияламоқчи экан,

¹ Қаранг: Замаҳшарий мақолалари. «Тошкент оқшоми» рўзномаси, 1984 йил, 27 февраль.

аввало, болани меъеридан ортиқча эркалатмасдан доимо назоратда тутиш кераклигини уқтириб, «Ҳайвонни сийласа, шодланиб эгасини тепади, одам боласи эркаланса, шодланиб ота-онасини азобга қўяди» дейди мутафаккир.

Аз-Замахшарий жамиятда бахтга эришиш орзусида юрган кишиларни билимини, қобилиятини оширишга, ёмонлик ва зўравонлик каби иллатларга қарши курашишга чақиради. У илм-фанга интилувчи, муайян фанга ўз умрини бахшида этган олимлар ҳақида тўхталиб: «Инсоннинг кийинишига қарама, билимига қара» ёки «Савдогарнинг шарофати чўнтагида, олимнинг шуҳрати китобларидадир», дейди. Аллома бу билан ёшларни ҳам инсонийлик руҳида тарбиялаб, уни аввало камтар инсон, етук олим бўлишликка ундайди ва ҳар қандай ҳаво-ю ҳавасдан четланиш лозимлигини уқтиради. «Эй, Абул-Қосим, сени дунёга келтириб, халқнинг муносиби қилиб, сенга ақлни ва ҳаво-ю ҳавасни миндирди. Улар яхши ва ёмон йўлларда сени бошлаб юрувчилардир. Тўғри ва эгри жойларда сенинг меҳмонларингдирлар. Уларнинг бири кўзи очиқ бўлиб, сени катта йўлнинг кўрсаткичлари бўйича олиб юради ва сени тоза, тиниқ булоқларга олиб келади. Иккинчиси эса, кўзи кўр, нодон бўлиб, сени сувсиз саҳронинг ўртасига олиб бориб туширади. Бу икки кўрсатувчининг қайси бири моҳирроқ, устароқ ва қайси бирига эргашиш лозимроқ экан. Яхши кўрсаткичлар билан тўғри йўлда кутилганми ёки адашиб, эгри йўлда тутилганми? Билингки, ҳавою ҳавасни ақлнинг ўрнига танлаш адолатдан эмас. Ақлнинг тарафи тонг шафағидек оқ, ҳаваснинг тарафи тундек қора. Сенга биринчиси юзланса яхшими, ёмонми, қара-чи унга иккинчисининг қайси бири мойилдир ва қабул қилур, ҳавасми ёки ақлми? Агар ақл бўлса, унда уни севиш ва унга ёпишиб олиш қандай муносиб, у (ақл)нинг бўйнига қўлингни сол, бўшатма... Агар ҳавою ҳавас бўлса, ундан арслондан қочгандек қочгин. Қорадан ҳазар қилгандек ҳазар қилгин. Агар уни барча сени севинтирувчи нарсалар билан ҳамроҳ кўрсанг ва агар сейга иккаласининг ўртасидаги бирор иш юзланса, ойдинлаштириш учун чин кўнгилдан тўғри маслаҳат берувчиларга мурожаат қил. Улардан бир ўткир фикр чиқса сенинг тилагинг ўшадир. Акс ҳолда ундай ишдан оладиган фойдангнинг орқасида бекинган зарардан ҳазар қил ва ундан қутулишга ҳаракат қил», дейди Замахшарий ўзига хитобан.

Аз-Замахшарийнинг «Навобиф ул-калима» («Нозик

нборалар») номли асарида ҳам одамийлик, шахс камолоти ва бахт-саодати, яхши хулқ ва адаб, илм ўрганиш фазилати, меҳр-муҳаббат, саҳоват, мардлик, олижаноблик, сабр-тоқат ва қаноат хусусида ибратли панду насиҳатлар талқин этилади.

Мутафаккир ёш авлодни болаликдан бошлаб яхши хулқ ва адабга, инсонийликка, олижанобликка, саҳийликка ўргатиш зарурлигини уқтириб шундай дейди: «Сийратини гўзал сифат ва хулқлар беамаган одам, қанчалик чиройли кийинмасин, барибир кўркам бўла олмайди. Хайр-саҳоват, фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шон-шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур садафга нисбатан қимматлироқдир». Шунинг учун ҳам аллома ёшларни гўзал инсоний фазилатларни астойдил эгаллашга қатъий даъват этади: «Саҳий ва сидқидил кимсанинг дилидан бошқа нарсани сирларинг сандиғи қилма. Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут. Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай нарсани сотиб ол—бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўраган нарсанинг бошқачароғини беради, сотиб олганингда эса, ўзингга керагини оласан.

Ёмон, хасис киши ҳар жойда лаънатланади, саҳий, карим киши ҳар жойда иззат-икромда бўлади. Ҳалолу покиза киши доимо хотиржам, тинчдир, бировга ёмонлик ва хиёнат қиладиган киши мудом беҳаловатдир. Қурт-қумурсқалар арслон боласини талагани каби, олижаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли ейди. Бас шундай экан, «...энг яхши савоб ва солиқ ишларни қилиш фоний одам учун жуда савоблидир». Акс ҳолда «Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам, ёввойи қобонлар мисоли, Оллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар». Чунки «ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш — сароб каби, ҳеч қандай фойда бермайди. Риё бор ҳар қандай ишда зиё йўқдир».

Мутафаккирнинг фикрича, пири комил инсон аввало, ғурурга беҳуда берилмасдан ақл билан иш тутиши ва нораво ишлардан ўзини тийиши, мансаб ва бойликда ўзидан паст бўлган кишиларнинг кўнглини оғритмаслиги, доимо мол-давлат қўлнинг кири эканлигини унутмасдан фақирларга садақа қилиши, насабфурушлик қил-

маслиги, такаббурлик ва зўравонликдан узоқ бўлиши, худбин, манман ва ҳасадчи бўлмаслиги лозимлигини таъкидлайди: «ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари томонидан ислоҳ қилинур, чунончи, еру кўк фақат ўз теграси қутблари атрофида айланарлар. Ловуллаб ёнаётган оловни сув ўчирганидек, нодон одамлардан чиқаётган алангани оқил одамлар сўндирадилар. Сени касодга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл. Қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ деб юпатувчилардан узоқроқ бўл. Фақир мискинларга вожиб садақаларни адо қилмаган бойларга жаҳаннамда Вайли номли чуқур бордир. Ҳийлаю риё билан йиғлаш ва овоз чиқариб ўқишдан савоб ҳосил бўлмас. Тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир. Ҳайвонга яхшилик қилсанг, севинади, ҳайвон севинса эгасини тепади. Бахилу хасиснинг қўли очилмас, токи тил билан қаттиқ гапирмагунча, тоғдаги бойликларни қазиб бўлмас токи темир билан қаттиқ урилмагунча. Қанча одамлару қавмлар борки, сизга ип каби эшилиб мулозамат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб, фасод ҳам чиқаришга интиладилар. Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил. Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадрқиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, такаббурлик-довулдан бошқа нарса эмас. Йлмли, маърифатли одам такаббурлик қилгувчи нодон кимсаларнинг бурнини тупроққа тўлдирур». Зероки, ўқимишли «мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири — ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб, иш тутишдир». Бундай баркамол инсон ҳалол ва пок, инсофли ва диёнатли бўлиши, ўз эътиқодига хилоф ҳаракатлар қилмаслиги лозим: «Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут, ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам бўлади». Киши ўз эътиқодига садоқатни ҳалол меҳнати, ғайрати, шижоати, гапи билан ишининг бирлигида намоён қилади, дейди: «Кимки бахт-иқболли, солинх кишиларнинг этагидан тутса, албатта у муродмақсадига етишар, хайру барака топар. Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турлитуман ташвишлару машаққатларнинг сувидан ичмаса, у ҳақиқий роҳату фароғатга муяссар бўла олмас. Ўз

ваъдасида турмайдиган, турли важ-карсонлар кўрсатувчи кимса мард ва ҳимматли инсон бўла олмас».

Алломанинг қуйидаги ҳикматли сўзларини ҳар бир жамоа раҳбари ҳозирги кунда қулоғига қатъий қуйиб олиши керак, албатта: «Тоғ чўққисига чиққан киши ундан йиқилувидан кўпроқ огоҳ бўлиб турмоғи лозим. Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар пировардида қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлғуси».

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, аз-Замаҳшарийнинг фанни турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ мусулмон шарқида унга катта шон-шуҳрат келтирган. Шундан бўлса керак, араб мамлакатларида иқтидорли олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мукамал тадқиқотлар яратилган, жумладан, Бағдод дорилфунунининг профессори Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг «Ад-Диросат аннаҳвия ва-л-луғавия инд-аз-Замаҳшарий» («аз-Замаҳшарийнинг наҳвия (грамматик) ва луғавий (лексик) таълимоти»), Муртазо Оятилла аш-Шерозийнинг «аз-Замаҳшарий луғавий («аз-Замаҳшарий луғатшунос»), фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг «ал-Адаб ул-арабий фи иқлим Хваразм» («Хваразм ўлкасида араб адабиёти», номли тадқиқотлари фикримизнинг тасдиғидир. Минг афсуски, Ўзбекистонда ватандошимиз аз-Замаҳшарийнинг мероси ўз баҳосини топганича йўқ. Бундан кўп йиллар бурун «Фан» нашриётида чиққан профессор А. Рустамовнинг «Маҳмуд Замаҳшарий» рисоласи ўзбек китобхоналарига аз-Замаҳшарий ҳаёти ва илмий фаолиятини таништиришда биринчи қадам бўлган эди. Кейинги йилларда иқтидорли шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг собитқадамлик билан чуқур изланишлари, тадқиқотлари туфайли аз-Замаҳшарийнинг илмий ва маданий меросидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдик. Дарвоқе, у мутафаккир қаламига мансуб асарларни арабчадан ўзбек тилига ўгириб, кенг жамоатчиликка етказди.

6-§. Сулаймон Боқирғоний ва Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тариқатида маърифий дахлоқий таълимнинг ўрни

Аҳмад Яссавий таълимотини туркий халқлар орасида кенг тарғиб ва ташвиқ этган улкан мутасаввуф шоир Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота), Фахриддин Али

Сафийнинг «Рашаҳот айн-ул ҳаёт» асарида берган маълумотга кўра, Хоразмнинг Боқирғон қишлоғида таваллуд топиб (туғилган йили аниқ эмас) тахминан 1186 йили вафот этган. «Ҳаким» эса ул мўътабар зотнинг лақабидир. Бу донишмандларга хос унвондир.

Шунингдек, «Рашаҳот айн-ул ҳаёт» ва Фуоз Купрулузоданинг «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар» номи асарларида мутасаввуф шоир Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган. Бул зот Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг тўртинчи халифаси (издоши) саналади. Забардаст туркигўй шоир Сулаймон Боқирғоний маърифий-ахлоқий ғояларини туркий халқлар орасида кенг тарғиб қилишда ниҳоятда катта обрўга эгадир. Унинг пурмаъно ҳикматлари туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Ҳаким отанинг камтарлиги, хоксорлиги ҳақида айтган қуйидаги ҳикмати ҳам халқ орасида анча машҳур: «Барча яхши — биз ёмон, барча буғдой — биз сомон». Ҳаким отанинг деярли барча ҳикматлари унинг «Ҳаким ота китоби», «Боқирғон китоби», «Охир замон китоби», «Марям китоби» сингари асарларида тўпланган. Ҳаким ота ўз ҳаёти давомида бир неча забардаст мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган. Ҳаким ота ўз юрти Хоразмда вафот этган. Унинг қабри Хоразмнинг Оққўрғон деган жойида бўлиб, мазкур маскан халқ орасида ғоят маъруф ва машҳурдир.

Ҳаким отанинг пири бузруквори Хожа Аҳмад Яссавий билан муносабати, ёшлигиданоқ унга содиқ мурид бўлганлиги ҳамда унинг «Боқирғон» таҳаллуси ва «Ҳаким» деган лақаби қандай пайдо бўлганлиги ҳақида қизиқарли ривоятлар ҳам бор. Ривоятга кўра Ҳаким 15 ёшида Аҳмад Яссавийга мурид бўлган экан. Сулаймон ёқимли овоз билан устози ҳузурда Қуръони Карим мутолаа қиларкан.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»да ёзишича, кунлардан бир кун Ҳизр-Илёс алайҳиссалом Хожа Аҳмад ҳузурига келибди. Сулаймон ёмғир ёриб туришига қарамай, даладан ўтин териб келиб, ҳўл ўтинни маҳорат билан ўчоққа қалаб, азиз меҳмон Илёс алайҳиссалом ва мўътабар пири — Хожа ҳазратларига хуштаъм таом пишириб берибди. Сулаймоннинг тадбиркорлигини кўрган Ҳизр алайҳиссалом мамнуният ила Хўжа Аҳмад Яссавийнинг бу тадбиркор шогирдига маъна бундай деб дуо қилибди: «энди бундан буён, бўталоғим, сенинг ис-

минг Ҳаким бўлсин. Энди Ҳаким сифатида ҳикматлар (асарлар) ёза бошла. Илоҳо, сенинг ҳикматларинг бутун оламни тутсин! Ҳизр алайҳиссаломнинг ўшал ҳайрли дуосидан кейин Сулаймон «Ҳаким» деб атала бошлаган ва қимматбаҳо ҳикматлар яратган экан.

Хожа Аҳмад Яссавий билан Ҳаким ота ҳақида яна бир қизиқ, ибратли ривоят бор. Қурбон оиннинг бир кунда Ҳазрати Хожа 99 нафар машҳур машойихлари (халифалари) билан бирга намоз ўқир эди. Имомлик қилаётган ҳазрати Хожанинг ўнг томонида Ҳаким ота, чап томонида сўфи Муҳаммад Донишманд — иккала муқтадо шогирдлари турар эдилар. Намознинг ўрталарига етганда ҳазратлари томонидан ғайри-табиий равишда ажибу-ғариб бир овоз чиқди. Ўшал аснода орқада турган барча машойихлар «Хожамизнинг таҳоратлари бузилди», деб бир-бирларига қарашиб, ғала-ғовур қилишади ва аста-секин тарқалиб кетишади. Лекин ҳазрати Хожанинг ёнларида Ҳаким ота билан Сўфи Муҳаммад Донишманд намоз тугаганча қимирламай турдилар. Намоз тугаб, салом-алик қилинган, Хожа Аҳмад Яссавий хотиржамлик ила шундай дейдилар: «Бу садо ёнимдаги бир оғочнинг саси эди. Мен муридларимнинг бардоши, сабр-тоқати, ҳамда садоқатини синамоқ учун бундай имтиҳон ташкил қилган эдим». Ўнг ва чап томонида собит қадам бўлиб турган халифаларга қарата: «Икковларингга балли, офарин!» Сизлар менга ҳақиқий содиқ шогирд экансизлар. Бундай садоқатларинг учун сизлардан бағоят мамнун бўлдим. Энди, иншооллоҳ, икковларинг тез кунда мурод-мақсадларингизга етишасизлар!» дея Ҳаким ота билан Сўфи Муҳаммад Донишмандларга оқ фотиҳа берадилар¹. Шу тариқа Сулаймон Боқирғоний ҳақида ўнлаб нақл ва ривоятлар тўқилган.

Ҳаким отанинг ҳикматларида кўплаб учрайдиган «Кимгаки ишқ сояси тушса, у бешак ошиқ бўлур», «Ошиқ учун дояси ранж ва меҳнатдир», «Ишқ йўли ғоят узоқ, кечаси қўрқинчлидир», «Саҳар чоғи қушлар билан баробар туриб, ҳақ зикрини этмоқ керак» каби тасаввуфий ҳикматлар Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларига ғоятда ўхшаш ва ҳамоҳангдир.

Ҳақиқатда Сулаймон Боқирғоний дунёқарашининг

¹ Қаранг: Усмонов О. Ҳаким ота. «Мулоқот» ойномаси, 1993. йил 11—12- сонлари.

шаклланишига ҳам, ижодига ҳам Хожа Аҳмад Яссавийнинг кучли таъсири бор, буни қуйидаги мисралардан яққол англаш мумкин:

Шариати ораста, тариқати пайваста,
Ҳақиқатда шойишта шайхим Аҳмад Яссавий.

Сулаймон Боқирғонийнинг шеърлари бузруквор устози — Аҳмад Яссавийнинг шеърларидай кучли илоҳий — тасаввуфий оҳанг билан жаранглайди. Чунки у устози изидан бориб тасаввуф таълимотининг асосий негизи — Оллоҳ васлига етишиш йўлида заҳмат чекди, шу йўналишда ҳаёт кечирди, дин ва тасаввуф, илоҳий ишқ ва ахлоқдан сабоқ берувчи мазмундор шеърлар яратди.

Сулаймон Боқирғоний илоҳий ишқ ҳақидаги фалсафий-ахлоқий қарашларида ҳалоллик, покизалик ва тоат-ибодат орқали Оллоҳ васлига эришиш ғоясини илгари суришда ўрта аср фалсафасининг энг юқори чўққиси ҳисобланган «Ваҳдати вужуд» таълимотига суянган. Оллоҳ ҳар кимнинг қалбидадир, унинг билан топишмоқ (севиш) учун эса инсондан риёзат (қалбни тозалаш), дунёни билиш (маърифат) талаб қилинади. Инсон унинг жамолига фақат ўзининг амалий ҳаракатлари, ахлоқий поклиги, беғуборлиги ва самимийлиги билан эришади, деган фикр илгари сурилади.

Маърифат дарёсинда ғаввос бўлуб,
Муҳаббат гавҳарларин олгум келур.
Тариқат майдонида парвоз қилиб,
Ул тубо дарахтига қўнғум келур¹.

Демак, Боқирғоний таърифича, маърифат йўлидаги саъй-ҳаракат ахлоқий поклик ва маънавий камолот билан боғлиқдир:

Ул бозорда дўконлари бил продат,
Мояси маърифат бирла қилғу суҳбат.
Даллоли эътиқод бирла хизмат,
Йўқ эрса, сотуғини қилса бўлмас.

Маърифатнинг сўнгги манзили ҳақиқат бўлиб, унга таҳсил ила эришган киши ахлоқий покликка ва маънавий етукликка эришган комил инсон ҳисобланади:

¹ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Шеърлар ва достон. Тошкент, «Езувчи» нашриёти, 1991, 33-бет.

Шарлат бозоринда таҳсил керак,
Тариқат бозоринда тақсир керак.
Ҳақиқат бозоринда асир керак,
Олам йиғлаб ҳақ асирин билса бўлмас¹.

Боқирғоний инсон камолоти ва маънавий етуклиги тўғрисидаги мулоҳазаларида илм-маърифат кишиларни инсонийликка, саҳоватга, ҳамдардликка ва меҳр-муҳаббатга олиб келувчи восита, деган эзгу ғояни ифодалайди:

Уйқуни ҳаром қилғил, узун тунда,
Молингдан закот берғил, бу кун мунда.
Қиёмат бергай санга ёрни анда,
Уғил-қизинг илм ўргансун, бер устозга².

Боқирғонийнинг нуқтаи назарида, инсон «ақли комил» ва «маърифати шомил» бўлиш учун шариятнинг илмин билиб сўнгра «илм бирла тариқат йўдин» тутмоғи лозим. Шоир одоб-ахлоқ хусусида гапирганда эса, инсонда гўзал хулқ, нафси зоҳир ва нафси ботинни тарбия қилмоқни назарда туғиб, шарият адаби, тариқат адаби, маърифат адаби, ҳақиқат адабини узвий боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Зеро, шоирнинг «Адабсизлик қилмағил, осий бўлма тедиё» мазмунидаги инсоний фазилатларга даъват этган ҳикматларини ҳар бир киши ўз ҳаётига тадбиқ қилса қандай яхши бўларди.

Боқирғоний манманлик ва такаббурлик йўлини тувчи одамнинг аҳмоқ ва нодон эканини гўзал сатрларга сингдирган:

Ўзингни халқдин ортуқ ҳам кўрмағил,
Улуғликни Ҳақга сазо кўрмиш керак.
Инонмағил, дунё ичра қатлан кунни,
Қилурлар то ҳазратда қабул сани,
Кўтарғил бошингдин бу кибру мани:
Манманликни ўзингга эзгу сонма,
Халқа ичра халқга заҳмат сан киргузма,
Риё нарса, амал елга бермиш керак³.

Шоир кишиларни камтар, олижаноб, мард, вафодор, меҳр-муҳаббатли ва оқибатли, покиза, диёнатли бўлиш-

¹ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Шеърлар ва дoston. Тошкент. «Езувчи» нашриёти, 1991, 31-бет.

² Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Шеърлар ва дoston. Тошкент. «Езувчи» нашриёти, 1991, 32-бет.

³ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Шеърлар ва дoston. Тошкент, 1991, 21-бет.

га даъват этади. Баъзи имонсиз ва диёнатсиз кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини маърифатсизликдан ва жаҳолатдан, ғафлатдан, нодонликдан деб билади. Шунга кўра «ботин маъмурлиги» имондурки, имон ва Қуръон ажралмасдур дейди:

На хуш бу дунёда Иймону Қуръон,
Не бўлғай дунёда Иймондин ортуқ.

Шоир имонсизларча мол-дунёни йиғишга ҳирс қўйиш ахлоқий тубанлик ва ҳасислик нишонаси эканини алоҳида таъкидлайди:

Ҳожат эрмас, бу дунёни мунча йиғмоқ,
Бу ҳасис дунё учун мунча слмоқ¹.

Шунга кўра, шоир Оллоҳни бундай тоифадаги одамларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солувчи, уларни инсофга ва диёнатга келтирувчи, одамларни яхшиликка, ақл-заковатга эришишга даъват этувчи, уларни хуштабиатли, зийрак, нафсни худбинликдан ва бузуқ ишлардан сақловчи, инсонни ҳақиқий баркамолликка олиб келувчи илоҳий куч сифатида тушунади ва унга илтижо қилади:

Авф қилғил озғонни, йўлга солғил ёзғонни,
Мандек йўлсиз кезғонни, йўлга солғил илоҳим.
Бўлдим қадр тўнини, солдим ғафлат тўнини,
Билдим қуллуқ йўлини, қабул қилғил илоҳим².

Боқирғоний инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга «доя»лик қилувчи майлнафсга қусур ва иллатлардан батамом покланган руҳни қарши қўяди-ки, бунда эса у Оллоҳнинг лутф ва ёрдамига таянмоқ шарт эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Нафсим айтур, яхши билинг касбим ишин,
На қилурман емак-ичмак, ёзу қишин,
Текма бир эр кишиларнинг кўрсам ишин,
Ҳалол-ҳаром емишингни ютайин дер.
Рухим айтур, кошки ҳақдин тавфиқ бўлсам,
Туни кунни тинмайин ёдин айтсам,
Қисматингдан ортуқ таом емас бўлсам,
Бу дунёни йиғиб-териб нетайин дер.³

¹ Уша жойда. 18- бет.

² Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Шеърлар ва дoston. Тошкент, 1991, 29- бет.

³ Уша жойда, 26- бет.

Боқирғоний инсон ҳаётда маънавий-руҳий пок бўлиши учун фақат пешона тери билан, ҳалол меҳнати орқали тирикчилик қилиши лозимлигига алоҳида урғу беради:

Қуллиқсиз бўлмасдир экан дийдор,
Эмгаксиз эр муродиға қачон етар?
Ғаввос кируб уммонга гавҳар тобор,
Ранжсиз ганж истаюбон тобқон борму?¹

Шоир инсон ботиний ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, жондан кечиб, ҳалолдан касб қилиб ранжу меҳнат қилсагина жаннат боғида ҳузур-ҳаловатга эриша билиши ҳақида куйлайди:

Ошиқ бўлур ул киши, чекса ишқ сояси,
Ранжу бирла меҳнат ул, ошиқға ишқ дояси.
Йўл узоқдур, тун қатиг, қилғил жонингни сатиг
Тубсиз денгиздир ботиг, муҳаббатнинг дарёси.
Керак бўлса гавҳардир, жондин кечиб қадам ур,
Жондин қўрқсанг йироқ тур, ҳозирдир вақт эгоси.²

Фаҳмли ўқувчи англайдикки, бу мисраларга жо этилган ишқ-муҳаббат юқорида таъкидлаганимиздек, Оллоҳга қаратилгандир!... Инсон Оллоҳга қанчалик муҳаббат қўйса, унинг зуҳуроти бўлмиш борлиқ мавжудотларини, жумладан, одамларни ҳам шунча севмоғи керак:

Минг йил ибодат қилсанг, тоат ичинда қолсанг,
Маҳолдур Ҳақни билсанг, арода ишқ бўлмаса,
Одам келмагай эрди, мурсал туғмагай эрди.
Раҳмат элмагай эрди, арода ишқ бўлмаса.

Шоир инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган шеърӣ мисраларида ҳаёт гўзалликларидан ва жаннат роҳатларидан баҳраманд бўлиши учун инсон саҳарлаб туриши лозимлигига астойдил ишонтиради:

Умринг ўтти йўқ ҳосил, нега ётурсан ғофил,
Агар мардсан бўл ҳозир, саҳар вақти бўлғонда.
Иймон шамъин ёндир сан, руҳинг сувға қондир сан,
Мунглуғ зорин олғил сан, саҳар вақти бўлғонда.
Саҳар вақтидир соат, турғонға бўлғай роҳат,
Очилур давлат-саодат, саҳар вақти бўлғонда.³

³ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Шеърлар ва дoston. Тошкент, 1991, 29-бет.

² Уша жойда, 15-бет.

¹ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Шеърлар ва дoston. Тошкент, 1991, 14-бет.

Шунга кўра, шоир одамларни сабр-тоқатли, инсофли ва диёнатли бўлишга, Оллоҳ таолони берганига шукр қилишга даъват этади.

Келинг дўстлар, бу дунёда сабр қилинг,
Худо берган неъматларга шукр қилинг.¹

Боқирғоний инсонпарварликни биринчи ўринга қўяркан, инсоннинг қиёфаси унинг ҳимматли ва саҳоватли бўлиши билан белгиланади, деган фикрни илгари суради:

Белингга боғлағил ҳиммат кўрин,
Сақнағил, нелар йиқор бизга ёрни.²

Шоир инсонийлик нуқтаи назаридан одамларни инсофга даъват этиб, ҳаром-харишнинг фарқига боришга, ўзгалар молини олмасликка, ҳалол топилган неъматлардан яхшилик йўлида фойдаланишга чақиради:

Ҳақ фармонни тутинглар, ҳаром шубҳа еманглар,
Киши молин олманглар, тебон жавоб бердиё.³

Шундай қилиб, Сулаймон Боқирғонийнинг инсон ақл-заковатига бўлган ишончи, инсоннинг маънавий кучи ва қобилияти, маънавий-руҳий поклиги, инсонийлиги, беғуборлиги, самимийлиги хусусидаги мулоҳазалари, инсон «ақли комил» ва «маърифати шомил» бўлиш учун «шариат илмин билиб» сўнгра «илм бирла тариқот йўлини» тутиш тўғрисидаги илғор маърифий-ахлоқий ғоялари ўзининг қимматини ҳозирда ҳам йўқотмаган.

Сулаймон Боқирғонийнинг издоши йирик мутасаввуф шоир ва олим, забардаст файласуф, етук устоз, «Кубровия» тариқатининг асосчиси Аҳмад ибн Умар Абу-л-Жаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хеваки (1145—1221) Хевақ қалъасида дунёга келган. У балоғат ёшига етгач, диний илмлар ва адабиёт билан муттасил шуғулланади.

Дарвоқе, Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насайим-ул-муҳаббат», Фахриддин ас-Сафийнинг «Рашаҳот айн-ул-ҳаёт», Фуод Купрулзоданинг «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар»,

¹ Уша жойда. 19-бет.

² Уша жойда. 20-бет.

³ Уша жойда. 46-бет.

Хожи Ҳалифанинг «Тухфат ал-фуқаро», Е. Э. Бертельс-нинг «Тасаввуф ва тасаввуфий адабиёт», Николсоннинг «Ислоҳ ва тасаввуф», Ж. С. Триминг — эмнинг «Ислоҳ-да сўфийлик тариқатлари» асарларида таъкидланиши-ча, хивалик Нажмиддин Кубро кўнглига, илму урфон ўти тушиб, дарвеш либосида Мисрга сафарга отланади ва у даставвал машҳур мутасаввуф олим Рўзбехон Ваззон-ал-Мисрийга шогирд тушади. Тез орада у сўфий-ликнинг уч асоси — шариат, тариқат ва маърифат илм-ларини пухта эгаллайди. Шайх Рўзбехон истеъдодли, билимга чанқоқ шогирдини ўз ўғлидек яхши кўриб, алоҳида меҳр билан тарбия қилади, ҳатто унга қизини бериб, ўзига куёв қилади. Шу тариқа у бир неча йил Мисрда яшайди, устози ва қайнотаси Шайх Рўзбехон ал-Ваззон ал-Мисрийдан аввал ақлий ва фикҳий илм-ларни ўрганади. Шуниси характерлики, у ҳунар эгал-лаш ва меҳнат қилиш, тоза кийиниб, ҳовли-жой, бола-чақа орттириб ҳам тасаввуф аҳлидан бўла олиш мум-кинлигини амалда исботлаган улуғ инсондир. Кейинча-лик у ўзининг илмлар доирасини янада кенгайтириш илинжида Эроннинг Табриз шаҳрига жўнайди. Табриз-да у Имом Абу Мансур Ҳафдан «Шарҳ ас-сунна» илми-ни ўрганади. Ҳақиқий мутасаввуфлик ҳаёт тарзини у Табризда истиқомат қилган даврида Шайх Бобо Фараж билан учрашгандан сўнг бошлайди. У мумтоз устозлари Шайх Бобо Фараж, Аммор Ясир, Исмоил Қасрий каби улкан мутасаввуф донишмандлардан тасаввуфга оид кўпгина зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллайди. У Шайх Исмоил Қасрий қўлида тасаввуфий Ҳирқапўш даражасига етиб, ул ҳазратнинг оқ фотиҳасини ҳам олади. Илм чўққиларини эгаллаган Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб Нажмиддин ал-Хевақий ал-Хоразмийга Мисрдаги Шайх Иброҳим «Нажмиддин», Табриздаги Шайх Исмоил Қасрий «Кубро», деган юксак илмий да-ражаларни берадилар. Аслида Нажмиддин сўзи «дин-нинг юлдузи», «Кубро» эса «улуғ олим» деган маънони англатади.

Нажмиддин Кубро орадан бир неча йил ўтгач, яна Мисрга қайтиб келади. У умр бўйи илму ҳақиқатга интилиб, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаб, улуғ сиймо, устози мумтоз бўлиб етишди. Биринчи устози ва айни вақтда қайнатаси бўлмиш Шайх Рўзбехон ал-Ваззон ал-Мисрий унинг сўфийликини мукамал ва олий даражада эгаллаганлигини тан олади. Унга ўз юрти,

Хоразмга бориб, сўфийлик тариқатини тарғиб этишни маслаҳат беради.

Шундан сўнг Хоразмга — Гурганчга хотини ва фарзандлари билан қайтиб келган Нажмиддин ўз юртида хонақо қуради. Янги «Кубровия» ёки «Заҳобия» тариқатига асос солади, сўфийликка оид бирмунча асарлар ва тасаввуфий мазмундаги рубойлар ёзади. Шайх Нажмиддин Кубронинг «Заҳобия» тариқати мактабида Мажиддин Бағдодий, Фаридуддин Аттор, Баҳоуддин Валад (Жалолиддин Румийнинг отаси) Саъдаддин Ҳамавий, Бобо Камол Жондий, Шайх Радидуддин Али Лоло, Сафиддин Саъид ал-Бохарзий, Бадриддин Фирдавсий ас-Самарқандий, Нажмиддин ад-Дойо, Аҳмад ал-Гурпоний, Нуриддин Абдураҳмон ал-Исфароний, Рукниддин Ало-уд-Давло, Ас-Симноний, Али-е Ҳамадоний, бин Шаҳобиддин ва бошқа буюк мутасаввуф шоир ва воизлар таҳсил кўришди. Шу тариқа у ўз мактабининг довуғи билан бутун Шарқда «Шайхи валитарош» — авлиёлар тарбиялаб етиштирувчи мўътабар устоз ва мударрис сифатида шуҳрат қозонди. Шундай қилиб, қўшни Шарқ мамлакатларида унинг шогирдлари янги Кубровия тариқатининг моҳиятини сақлаган ҳолда турли шаклларда ривожлантирдилар.

Аста-секин Кубровия тариқати тасаввуфнинг энг кўп тарқалган тариқатларидан бирига айланди. Бу таълимот турли мамлакатлардаги шароит ва имкониятларга мослашиб ривожлана бошлаган. Натижада мазкур ягона тариқатдан Фирдавсий, Рукния, Ҳамадоний, Иғтишошия, Нурбахшия, Неъматуллоҳия шохобчалари ажралиб чиқди.

Албатта, «Кубровия» тариқатининг бу шохобчаларини бир-бири билан айнан тенглаштириб бўлмайди. Уларнинг ўзига хос йўли ва жиҳатлари бор. Шу сабабли ҳам улар бир неча асрлар давомида бир-бирига аралашиб кетмади, балки мустақил тариқат сифатида ривожланди. Бу борада академик Э. Юсуповнинг билдирган фикри жуда ҳам ўринли: «Аслида Кубровия тариқати мазмуни жиҳатидан ниҳоятда кенг бўлиб, қатор илоҳий ва инсоний муаммоларни ўз ичига олади. Бу таълимотнинг моҳиятини ҳали мукамал билмаганлигимиз сабабли ҳам Кубровия тариқатида олдинга суртилган асосий масалалар тўғрисида мукамал сўз юрита олмаймиз, бунинг учун Нажмиддин Кубро ва унинг шогирдлари ёзган асарларни, бу таълимот ҳақида

ёзилган илмий-тадқиқот ишларини яхши ўрганиб чиқ-моғимиз керак»¹.

Нажмиддин Кубро тарихда буюк алломагина эмас, балки ўз ватанининг озодлиги учун мислсиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий қаҳрамон сифатида ҳам ном қолдирган.

Маълумки, мўғуллар Марказий Осиёнинг кўплаб шаҳарларини босиб олиб вайронага айлантирганлари, юз минглаб одамларни аёвсиз қириб ташлаганларидан кейин ўз эътиборини буюк Хоразм давлатига қарата бошлади. Ниҳоят, 1221 йил ёзида Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинлари икки миллион аҳолиси тинч-фаровон яшаб келаётган Гурганчни қамал қилди. Бу даҳшатлардан қўрқиб кетган Хоразм шоҳи Муҳаммад ватанни, пойтахт бўлмиш Гурганч шаҳрини ташлаб қочиб кетди. Шаҳар аҳолиси ўзини ҳимоя қиладиган ҳарбий кучларсиз, етакчилик қиладиган подшоҳсиз қолади. Шу оғир вазиятда 76 ёшли Шайх Нажмиддин Кубро шаҳарни ҳимоя қилишга бошчилик қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. У шаҳар мудофаасини ташкил этиш билан чекланмай, қўлига найза олиб дуо фотиҳалар ўқиб, ажойиб-ғаройиб мўъжизалар кўрсатади. Шу йўл билан қалъани бир неча кун душман ҳамлаларидан сақлаб туради.

Е. Э. Бертельс «Шайх Нажмиддин ҳақидаги қисса» асарига қайдларида ёзишича, жумодиул-аввал (июль) ойининг бошларида бир кун кечқурун кечга томон мўғуллар лашкарбошиси Хулагухон катта қўшин ила ҳамла қилиб, Гурганч қалъасини ўраб олади. Дарғазаб Хулагухон: «Эрта тонг билан қалъани фатҳ қиламиз!» деб катта сўзлайди. Аммо эрталаб мўғул қўшинларининг кўзлари олдида қуршовда қолган қалъа бутунлай ғойиб бўлиб, қалъа ўрнида дашту биёбон ва ўтўланлар қолади. Бу — забардаст Шайх Нажмиддин Кубронинг мўъжизаси эди! Бу мўъжизадан огоҳ бўлган туслик бир олим хонга дейди: «Бу мужтаҳид Шайх Кубронинг мўъжизасидир. Энди бу юртни фақат хоразмлик бўлган одам кўриши мумкин». Шу пайт Хулагухон туслик олим маслаҳати билан шу ерлик балиқчининг топиб уни қосид (элчи) сифатида Шайх Кубро ҳузурига, қалъа ичига мунозара учун юборади. Шу асно-

¹ Қаранг: Юсупов Э. Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тариқати. Халқ таълими» ойномаси. 1995 йил, 1—2-сонлар.

да Муҳаммад Хоразмшоҳ бағоят васвасага тушиб, ўзининг ва аъёнларининг жонларини сақлаш учун зарур тараддулларни кўра бошлайди. Қалъа ичидаги ҳалойиққа кекса ва тadbиркор Шайх Нажмиддин раҳбарлик қилар эди. Мазкур хоразмлик балиқчи (қосид) Шайх ҳузурига бориб шундай дейди: «Хулагухон Сиз Ҳазратга ижозат берди. Энди, Сиз, Шайхим, ўз яқинларингиз ва оила аъзоларингиз билан қаъладан чиқиб, истаган томонингизга азимат этишингиз мумкин». Бир қўлида асо, иккинчи қўлида найза ушлаб, қалъа ҳимоячиларига бошчилик қилаётган, мункиллаб қолган кекса ва мўътабар Шайх балиқчига шундай дейди: «Мен ҳаётимнинг энг яхши дамларини мана шу муқаддас тупроқда ўтказдим. Ҳалойиқ учун энг оғир пайтда она тупроқни ташлаб кетиш энг разилаъмол, ўта пасткашлиқдир»!

Шунда Кубронинг мўъжизавий қудратидан ва ажойиб кароматидан хабардор бўлган туслик олим Хулагухонга отларни тескари эгарлаб қалъага шиддат билан бостириб киришни маслаҳат берди. Мана шундай нозик ва масъулиятли бир пайтда баъзи бир ғаламислар «Шайх душманлар ила тил бириктирган», деб қалъа ичида иғво тарқатадилар. Шу тарзда Хоразмшоҳ билан Шайх ўртасида ихтилоф туғдирадилар. Хоразмшоҳ махсус айғоқчиларини (фолбинларини) юбориб, мўғуллар нима қилаётганликларини билмоқчи бўлади. Фолбинлар: «Душманлар отларни тескари эгарлаб, Чинмочин (Хитой), томонга кетмоқдалар», деган хабар келтирадилар. Султон шу аснода шаҳардан чиқиб кетиш ниятида қалъа дарвозасига келади. Қараса Нажмиддин Кубро табаррук оёқларини дарвоза йўлатига узун ташлаб ўтирипти. Султон таъзим бажо келтириб, ундан оёқларини йиғиб олишни илтимос қилади. Шайх Нажмиддин оёқларини йиғиб йўлакни бўшатади. Шайх ҳазратлари оёқларини йиғиштириб олган заҳоти дарвоза очилади ва ўшал аснода қалъа яна душманлар кўзи олдида намоён бўлади. Шайхнинг ўзи биринчи бўлиб дарвозадан ташқари чиқади. Икки орада тўс-тўполон ва қирғин-барот жанги яна бошланиб кетади. Хулагухоннинг ёш паҳлавон ўғли мункиллаб қолган, бир қўлига найза, иккинчи қўлига асо тутган 76 ёшлик Шайх устига беаёв от чоптириб келадида, ўткир шамшири-ла унинг табаррук бошини танасидан жудо қилади. Муқтадир Шайх ҳамон ўз оёқларида типпа-тик туриб, бир

қўлида ўзининг боши ва иккинчи қўлида ўз қотилининг пешонасидаги узун сочини маҳкам ушлаган ҳолда уни гандираклатиб судраб қалъа ёнидаги бир кампирнинг боғи томон дадил қадам ташлайди, боғ ичига кириб ерга йиқилади ва жон таслим қилади¹.

Шайх Нажмиддин Кубро жон бераркан, кўкрагига маҳкам босган туғни қўлидан бўшатмади. Алишер Навоийнинг ёзишича, ғанимлар ўн киши ёпирилиб ҳам туғни олишолмаган, Шайхнинг бармоқларини битта-битталаб кесишга мажбур бўлишган...². Ҳа, ватанпарвар Шайх Нажмиддин Кубро ўз эътиқодига содиқ қолди. Чунки сўфийлар худодан бошқадан қўрқмайдилар ва ундан ўзгага тиз чўкиб, эътиқод қилмайдилар. Шу боис ҳам биз зоти олий ҳазратлари Шайх Нажмиддин Кубро руҳи олдида ҳамиша таъзим қиламиз.

Энди бобокалонимиз Шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва ижодига бир оз тўхталадиган бўлсак, ибн Ёқутнинг «Муъжам», Абдурахмон Жомийнинг «Нафохат ул-унс» асарларида буюк элдошимиз ҳаёти ва таржимаи ҳолига оид кўпгина қимматбаҳо маълумотлар зикр этилган. Жоиз бўлса, шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Ҳожи Халифанинг (1658 йилда вафот этган) «Тухфат ал-фуқаро» номли тазкирасидаги деярли бешта бобда ҳам ҳазрат Нажмиддин Кубро ҳурмат билан тилга олинган. Шунингдек, тазкирада улуғ Шайх қаламига мансуб 8 та асар, жумладан, Қуръон шарҳига бағишланган тафсир «Айн ал-ҳаёт» ҳамда шогирдлари учун ўғит-насиҳатлардан иборат «Фи-ал-адаб» («Одоб қондалари») рисоалари мавжудлиги қайд этилади. Буларни ўрганиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

Шу нарса эътиборга сазоворки, алломанинг қаламига мансуб рубойлар (атиғи 25 та) ҳам турли муаллифларнинг «Риёз ва ал-орифин», «Етти иқлим», «Оташкада», «Мажолис ал-ушшоқ», «Тарихи гузида», «Тазкират аш-шуаро», «Мунтахаби», «Мирсад ал-Ибод», «Харобати зиё» ва бошқа асарлар орқали бизгача етиб келган.

Атоқли шарқшунос олим Евгений Эдуардович Бер-

¹ Қаранг: Мадраҳимов Э. Нажмиддин Кубро, «Хоразм ҳақиқати», 1991 йил, 8 январь; Усмонов О. Нажмиддин Кубро, «Қишлоқ ҳақиқати», 1991 йил, 18 апрель.

² Жамол Камол. Шайх Нажмиддин Кубро. Рубойлар. «Шарқ юлдузи», 1988 йил, 7-сон, Рўзимбой Ҳасан. Шайх Нажмиддин Кубронинг руҳи. «Санъат» ойномаси. 1990 йил, 12 сон,

тельс Нажмиддин Кубро қаламига мансуб рубойларни ўша манбалардан жамлаб, ўзининг сўфийлик тарикати га бағишланган илмий тадқиқотида, жумладан, «Танланган асарлар»ида (1965 йилда Масковда чоп этилган) биринчи маротаба эълон қилдирган эди. Шундан сўнг алломанинг мавжуд рубойларини шоир Матназар Абдулҳакимов форсийдан ўзбек тилига ўгирган.

Шайх Нажмиддин Кубронинг рубойларидаги асосий фоя комил инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, ҳусумат, гумон, таъма, нифоқ, риё, фосихлик кабилар билан боғлиқ гуноҳлардан, яъни салбий феъл-атвордан халос бўлиб, фақат яхши ишлар билан умргузаронлик қилишга, руҳий поклик йўлига киришга чорлашдан иборатдир:

Ҳар сабзакп сув яқосида юз очмиш,
Бир руҳи фариштадур, магар кўз очмиш.
Бир ҳоки паривашки, ёмон қўйма қадам,
Бу гўшаки учун лолаву наргис очмиш...¹

Шоирнинг фалсафий тушунчасига кўра, бутун мавжудотнинг биринчи манбаи Худо, у жилоланиб моддий оламдаги борлиқ нарсаларнинг юзага келишига сабабчи бўлади. Жумладан, инсон ҳам унинг жилосидан яралган. Шундай экан, инсон ўзини доимо дилдан Ҳақ билан ҳис этган чоқдагина уни ҳар қандай гуноҳлардан, ёмон ниятлардан асраб, унга руҳий поклик йўлини очиб беради ва арши аъло кенгликларига кўтаради:

Чун Ҳақ ва талаб йўлига кирмоқ жоиз,
Дунё этагин тутиб, югурмоқ жоиз.
Кўрмоққа ўзингни саъй этгил зеро,
Олам кўзи бирлан уни кўрмоқ жоиз.²

Маънавий юксак инсон Ҳақнинг қудратини дилдан англаган сари, уни севиши, ҳаёт неъматларидан суюниб, имон ва эътиқод бутунлигига эришиши лозим:

Чун шарбати ишқинг била дил маст бўлғай,
Ҳам ҳажри фироқинг ила ул паст бўлғай,
Илқинг узатиб, сен бу йиқилганни кўтар,
Нест бўлган ўшал тан ва кўнгил ҳаст бўлғай.³

Ҳақ нури жамолини жилолантирадиган кўзгу — Дил. Ана шу дил орқали инсон абадий ишқ ва ҳақиқатга интилади:

¹ 333 рубой. Тошкент. «Нур», 1991, 53- бет.

² 333 рубой. Тошкент, «Нур», 1991, 49- бет.

³ Уша жойда, 49- бет.

Ишқ етса кўнглига, дилга у дард айлар,
Дарди дили мард мардни боз мард айлар,
Ўз оташи ишқида ёнар ул, вале,
Дўзахни чу ўзгалар учун сард айлар¹.

Дил поклигини ва бадий ишқни ихтиёр қилган, ҳақиқатга эришган кишининг ҳақиқий ишқ завқидан баҳраманд бўлиб, бир лаҳза ҳам ишқ майини тарк этмаслиги керак.

Ҳар лаҳза бу мардонаю фарзона кўнгли,
Енгай сенинг ишқинг билан жонона кўнгли,
Бир лаҳза муҳаббат майини тарк этмас,
Тўлгай шу жигар қонига паймона кўнгли.²

Инсон абадий ишқ ва ҳақиқат сари интилганда, сабрли бўлиб, тавозени жойига қўйиб, шайтон васвасига берилмаслиги керак. Акс ҳолда инсон имонини йўқотади:

Ул дев ичимдадир, чу пинҳон эрмас,
Ким бош кўтариб юрмаги осон эрмас.
Имонни минг — ҳазор бор талқин қилдим,
Ул кофир ўзи асли мусулмон эрмас³.

Шайх Нажмиддин Кубро рубойлари таҳлилидан шундай хулоса чиқадики, мутасаввуф шоир инсонни жисмоний ва маънавий покликка даъват этади. Сирасини айтганда, унинг рубойларида буюк инсоннинг фалсафий мушоҳадалари, жўшқин ва машаққатли умрининг тажрибалари, умумлашмалари, абадий ишқ ва ҳақиқатга интилган инсон қалбининг орзу-истаклари ўз ифодасини топган:

Чун ҳар неки йўқ... йўқдир у — буду ҳавас,
Чун ҳар неки бор, бори — нуқсону шикаст.
Билгилки, у йўқ деганлари — бор, ҳаёт,
Кўргилки, у бор демиллари — йўқ, абас⁴.

Нажмиддин Кубронинг «Фи-ал-адаб» («Одоб қоидалари») рисоласида Кубровия тариқатининг асосий моҳияти ва солиҳлар (тариқат аъзолари)нинг ахлоқий қоидалари ўз ифодасини топган. Солиҳларнинг одоблари, юриш-туришлари ва эътиқодлари тўғрисидаги

¹ Уша жойда. 50-бет.

² Уша жойда 50-бет.

³ 333 рубой. Тошкент, «Нур» 1992, 50-бет.

⁴ Уша жойда 51-бет.

қоидалар эса тариқат аъзолари қатъиян бажариши шарт бўлган амаллардир. Бу қоидалар асосан ўнта бўлиб, улар жумласига тавба, Зухд Фидунё, Таввакул ал-Олло, Қаноъа, Узлат, Мулозимат аз-зикр, Тавжжуъ ал-Олло, Сабр, Мууроқаба, Ридо киради.

Бу ўн қоидада бир томондан Нажмиддин Кубронинг маънавий таълимотига асос бўлган боқичларни, устозлари танлаган йўлнинг таъсирини, инсон маънавий камолотида динийлик билан дунёвийликни бир-бирига боғлашга бўлган уринишларнинг таъсирини кўрамиз.

Қоидаларнинг биринчи, учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, ўнинчи бўлимларида илоҳиятга етиш йўллари кўрсатилган. Бу субъектив кечинмалар орқали хилватни, соф ақлий мушоҳада орқали ҳақиқатни билиш йўлидир.

Иккинчиси инсоннинг реал ахлоқий ва жисмоний камолоти билан боғлиқ бўлган соф дунёвий муаммолардир. Бу ўринда ҳам динийлик ва дунёвийликни бир-бири билан боғлашга ҳаракат қилишнинг намунасини кўрамиз. Ахлоқий баркамол, етук кишиларгина илоҳий қудратни билишга яқинлаша оладилар, деган ғоя бунинг яққол ифодасидир. Тасаввуф йўли билан илоҳий моҳиятга етишиш ҳам ўз навбатида, инсоннинг ахлоқий камолотига бевосита таъсир кўрсатади.

Нажмиддин Кубронинг таълимотида илгари сурилганидек, маънавий жиҳатдан юксак Оллоҳ Таолонинг қудратини англаган сари ўзининг тобора ушоқланишини сезар экан, шу кичрайишда улуғлик, камтарлик акс этади: «Денгизлар миқдори-ю, тоғлар оғирлигини билгувчи, оғир булутларни юборувчи. (ёмғир ёғдирувчи) ишларни бошқариб турувчи, ризқ, ҳурмат ва умрни ўлчаб берувчи, фазл, ҳурмат ва улуғлик эгаси... камоллик сифатлари ила сифатланган, камчилик ва заволдан холи, куфр ва залолат аҳлининг гап-сўзларидан (бўхтонларидан) пок Оллоҳга ҳамд бўлсин. У (абдий) тирик зотдирки, ундан ўзга илоҳ йўқдир. У улуғ, буюқдир, унинг шериги ҳам, ўхшаши ҳам йўқ. Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, унинг ягоналигига ва шериксизлигига, савол-жавоб бўлишга ишонган кишининг гувоҳидек гувоҳлик бераман. Яна шунга гувоҳлик бераманки, Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир. У ростгўй, одоблик ва ҳушхулқдир. Оллоҳ уни, оиласини ва саҳобаларини раҳмат қилсин, саломат қилсин».

Аллома камтарлик ва хокисорлик билан шогирдла-

ри руҳиятига таъсир этадиган даражада қачонлардир кўнглига илму урфон ўти тушиб, ўзга юртларда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотганини, олиму фозиллар хизматида бўлиб, улуғ кишилар билан суҳбат қурганлигида нима яхши-ю, нима ёмонлигини қалб кўзи билан кўриб, моҳиятини пайқаганлигини тушунтириб беришга ҳаракат қилади: «Сиз мендан (Оллоҳ сизни муваффақ қилсин) Оллоҳ Таолонинг менга берган фақирлик неъматини тушунтириб беришимни ҳамда қалбим кўзлари билан кўрган. Оллоҳнинг хусусан менга, умуман фақир бандаларига қилган ажойиб эҳсонлари (яхшиликлар) ҳақида сўзлаб беришимни сўраган эдингиз. Сизга жавоб беришга шошилдимда, қалбим ва хотирам варақларидан Оллоҳ мени хоҳлаган (хусусан менгагина берган) ва уларни тўплашимга ияҳом берган айрим нарсаларни нақл қилдим, уларни сўзлар эканман, тавфиқни Оллоҳдангина сўрайман.

Дунёнинг бир қисмини кезиб чиқдим, кўп ишларни тажриба қилдим. Қийинчиликларга йўлиқдим, кишилар билан суҳбат қурдим, улуғ ишларга қадам босдим, нарса-ҳодисаларнинг аччиқ-чучугини тотдим, китобларга мурожаат қилдим, олимлар хизматида бўлдим, умримни дунё излаш билан зое ўтказдим, ажойиботларни кўрдим, кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез, шошилиб йўқ бўлиб кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан. Дунё-ю охират яхшилигини қаноатда, дунё-ю охират ёмонлигини эса тамаъда кўрдим. Оллоҳ дунё қуллитидан озод қилган кишигина ҳақиқий ҳур экан.

Умр ва ризқни баракали бўлишини Оллоҳ Таолога итоат қилишда кўрдим. Неъматнинг тўла, мукамал бўлишини неъмат берувчидан миннатдор бўлишда кўрдим. Шарнат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч экан. Билдимки, Оллоҳ ҳақида яхши бўлиш — Оллоҳдан тилаган энг катта тилагим бўлди.

Ҳамма фузало-ю фусаҳо, мунажжиму билимдонларни бир чивин қанотини яратишдан ҳам ожиз, боши айланган, ночор... ўз ожизлиги ва нуқсонини тан олган кўрдим...

Бас, яратиш, буюриш, билим ва қудрат соҳиби ҳар қандай нуқсонлардан покдир. Хўжайинликда ягона бўлган энг гўзал яратувчи Оллоҳ муборақдир. У адабий барҳаётдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ.

... Оллоҳ билимдон, қудратли, мислсиз. У ҳар нарса-

ни эшитиб, кўриб турувчидир. Оллоҳ нақадар одил хўжайин ва нақадар марҳаматли пуштипаноҳдир. Иншоолоҳ унинг мадади бирла ҳаётмиз, жон таслим қиламиз ва яна қайта тириламиз.

Мана шу заминдор сўзни ва очиқ кўриниб турган фазлни инкор қилувчиларни рад қилиб ўзимга-ўзим шеър ўқидим:

Тангрисин танимас, эй ғофил банда,
Кўзингни қопламиш жаҳолат туни,
Нафсга қулликни шпор этибсан,
Жисмингни ўртасин дўзах тутуни!
Тангримнинг бирлиги, ягоналиги,
Ою қуёшдан-да равшандир, равшан!
Қонот дафтарин ҳар саҳифаси,
Тўладир беҳудуд далиллар билан»¹.

Алломанинг яратувчини англаш ва севиш ҳақидаги диний-фалсафий фикрларининг мантикий хулосаси шуки, инсонга хос бўлмаган ёмон сифатларга эга бўлган кишилар Оллоҳ Таолонинг ҳидояти ва раҳматига сазовор эмасдир. Оллоҳнинг ҳидояти яхши сифатларга, гўзал инсоний фазилатларга эга бўлган кишиларгагина берилади, холос. Зеро, инсонни азиз, иродасини кучли қилувчи, ҳаётидаги қийинчиликларни мардонавор енгишга йўл очиб берувчи, барча ниятларига ҳам эриштирувчи ягона Оллоҳ Таолонинг ўзидир.

Шу боисдан ҳам Нажмиддин Кубро гўзал инсоний фазилатлар хусусида ёзадики: «Энг гўзал безак таъво-зелик, энг хунук нарса бахиллик экан. Хусни Хулқ (чиройли хулқ)дан кўра яхшилик устида яхшилик қўшадиганроқ, ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиганроқ нарсани кўрмадим. Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг катта оғриқ эса ёмон ва мунофиқ дўстлар экан. Подшоҳлар қалбларидан-да қаттиқроқ дийда, камбағал учун ямоқларни бир-бирига улашдан кўра чиройлироқ зийнат кўрмадим. Тўғри сўзликдан кўра гўзалроқ зийнатни кўрмадим. Ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо қилиш, одатларнинг энг маъқули ва чиройлиги эса гуноҳлардан одамларга озор беришдан тийилиш экан...»

Аллома шундай мумтоз сўзларни айтадики, улар ахлоқ-одоб гулшанидир. «... вақтни «эссиз», «қанийди», «кошкийди»лар билан ўтказган кишининг умри энг қис-

¹ Фақирлик ҳақида рисола. «Сихат-саломатлик», ойномаси». 1990 йил, 6- сони.

қа умр экан. Муваффақиятни саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни эса сукутда кўрдим. Хору зорликни маҳлуқлар хизматида, азизу мукаррамликни эса Ҳолиқ хизматида бўлишда кўрдим. Қизиқувчини (кўнгил берган) машғул, зоҳирни эса бекору фориг, хоҳловчини излаётган, даъвогарни ёлгончи кўрдим».

Нажмиддин Кубро ҳазратлари кибру ҳаво, манманлик, нафс, мол-мулкка очкўзлик ва гуноҳкорлик каби инсон ҳулқ-атворидаги салбий нуқсонлар тўғрисида ҳам шогирдларига тўлиқроқ тушунча беради: «Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим. Энг яхши савол-жавобни кишининг ўз нафси билан ҳисоблашишда, оқилни охиратга, жоҳилни дунёга интилишда кўрдим. Нафсни шармандалик ва дўзах сари одамларни ҳайдашда кўрдим. Очкўзлик ва гуноҳкорлик ботқоғига ботганларни, исрофгарларни кўрдим. Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва маҳол (амри маҳол — бажариб бўлмайдиган иш)ни тарк қилишда кўрдим. Дўзахга йўлни эса ҳавоий нафсда кўрдим. Кўрдимки, шайтоннинг халойиққа султон бўлиб олиши дунёни яхши кўришликда экан. Уликлардан, уларнинг ҳолатлари (қолган) уйлари ва молу давлатларидан ибратланмаган кимсаларни нодонликда, Оллоҳ белгилаб қўйган ҳадлардан ошган кимсаларни эса бахтсизликда кўрдим. Кўрдимки, инсонга желадиган барча офатлар тилда экан. Кўрдимки, экмаган ўрмайди. Шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди. Алданишдан сақланинг. Сақланинг!»

Шайх Нажмиддин Кубро мураббий сифатида ўзининг турмуш тажрибаларидан келиб чиқиб, агар кишида ёмонлик аломатлари зоҳир бўлса, у илму урфон касб этиб, зеро ақлни ишлатса, энг яхши хулқ ва чиройли сифатлар билан безаниши мумкин, деган хулосага келади: «Кўрдимки, энг яхши дўст ила жон... ақлни эса яхшиликларга чорлашда кўрдим. Кўрдимки, ўз-ўзини тарбиялай олган ва шаҳватлардан тийила олган киши энг кучли шахс экан...»¹

Хуллас, ватандошимиз, улуғ файласуф олим, оташнафас тасаввуф шоири Шайх Нажмиддин Кубронинг юқоридаги пурмаъно фикрлари ёшларимизда одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатларни яхшилашда ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, адолатпарварлик сингарни

¹ Фақирлик ҳақида рисола. «Сиҳат-саломатлик» ойнотмаси, 1990 йил, 6-сон.

умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда шу билан бирга разолат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, зулм, фисқу фасод каби иллатларга нисбатан нафратланиш туйғусини тарбиялашда муҳим маърифий-тарбиявий аҳамиятга эгадир.

7-§. Маҳмуд Ибн Муҳаммад Ибн Умар Ал-Чағминий мероси ва унинг маърифий-педагогик (аҳамияти

Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий Марказий Осиёда риёзиёт, фалакиёт ва тиббиёт фанлари тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ўз замонасининг машҳур олимларидандир. Чағминийнинг қачон туғилган ва қачон вафот этгани аниқ эмас. Манбаларнинг шоҳидлик беришича, ал-Чағминий XII аср охири ва XIII аср бошларида Хоразмнинг пойтахти Гурганч шаҳрига яқин Чағман (Жағмин), қишлоғида туғилган. Урта аср олимларининг ёзишича, ал-Чағминий ёшлигиданоқ жуда ҳам қобилиятли ва истеъдодли бўлиб, бошланғич маълумотини у Гурганчда олган. Кейинчалик эса ўша даврдаги йирик маданий-илмий марказлардан бири бўлган Самарқандда таҳсил кўриб, чамаси шу ерда ўз илмини бирмунча оширади. У араб, форс тилларини мукаммал ўрганиб, дунёвий фанлар — риёзиёт, фалакиёт, фалсафа ва тиббиёт каби билимларни ҳам қунт билан эгаллайди.

Ал-Чағминий Самарқандда ўз билимини оширганидан сўнг Хоразмнинг пойтахти Гурганчга қайтиб келади ва бу ерда у Фаҳриддин Муҳаммад ибн Умар Розий (1148—1210), машҳур тилшунос ва ҳаким Абу Бакр Абдулқаҳир ибн Абдурахмон Журжоний (1108 йилда вафот этган), Зайниддин Абу Иброҳим Журжоний (1135 йилда вафот этган) каби забардаст алломалар билан илмий-иҷодий ҳамкорликда бўлади. Худди шу даврда ал-Чағминий қадимги юнон олимларидан Аристотель, Эвклид, Гераклит, Фалес, Гален, Гиппократ, Пифагор асарларини тинмай мутолаа қилади. Натижада, Чағминий бу мутафаккирлар яратган табиий-илмий ва фалсафий-педагогик таълимотларнинг заиф томонларини ўз тажрибалари билан исботлаб берган ва ўзининг амалий-илмий кузатиши ҳамда мантиқий хулосаларига таянган ҳолда «Ал-Мулаҳҳис фи ҳайъат ал-басита» («Содда шаклли нарсаларнинг қисқача баёни») номли рисоласини яратди. Олимнинг бу рисоласида фалакиёт ва жўврофияга доир маълумотлар баён қилинган бўлиб,

мадрасаларда бу рисоладан узоқ вақтгача фалакиёт фани бўйича ўқув қўлланма сифатида фойдаланилди.

Урта аср Шарқининг улўф математикларидан бири ал-Қошннннг хабар беришича, ал-Чағминийнинг мазкур рисоласи Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактабида ҳам асосий дарслик сифатида ўқитилган. Қотиб Чалабийнинг «Китоб кашфуз Зунун» асарида таъкидланишича, Улуғбекнинг устози Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румий 1212 йилда Чағминийнинг бу машҳур асарига шарҳ ёзган¹.

Ал-Чағминий «Ал-мулаҳҳис фи ҳайъат ал басита» асарининг моҳияти ҳақида: «Мен осмон жисмлари ва улар орасидаги муносабатлар, ҳаракатлар тўғрисида фикр қилдимки, буларнинг ҳаммасини киши ақли билан фикрлаш, тушуниш осон. Осмон жисмлари билан шуғулланувчи кишилар кам бўлгани учун, мен бу ҳақдаги фикрларимни ўзимдан кейинги авлодга ёдгорлик учун қолдираман. Бу китобимни фалакиёт илми билан шуғулланувчи илмли, доно одамларга атаб ёздим.

Осмон жисмлари ҳақида менинг китобимдан бошқа асарлар кўп, лекин бу масалалар устида чуқур мулоҳазалар ёритилмаган»,² дейди.

Олим асарининг илмий ва маърифий-педагогик қиммати шундаки, бунда планеталар (сайёралар)нинг фазо ва вақтдаги ҳаракати, Қуёш ва Ой тутилиши, Ер қимирлашининг сабаблари, Ер шаридаги шимоллий ва жанубий қутблар, экватор, Ер ўқи, меридиан чизиқлари, Ер шаридаги айрим жойларнинг жўғрофий кенгликлари, фаслларнинг пайдо бўлиш ва алмашилиб туриши, тун ва куннинг ҳар йили икки марта тенглашиши, кундуз ва кечанинг ер юзининг ҳамма жойида бир хил бўлмаслигининг сабаблари тўғрисида илмий фикрлар талқин этилади. Астрология фанини, унинг ҳомийлари бўлган, ғойибдан хабар берувчи «мунажжим»ларни танқид қилиб, «Осмон табиати ҳамма ерда бир Бахтли ва бахтсиз юлдузлар бўлиши мумкин эмас, инсон тақдирининг юлдузларга ҳечам алоқаси йўқ»,³— дейди.

Ал-Чағминий осмон жисмлари ҳақида турли, кўпги-

¹ «Ал-мулаҳҳис фи ҳайъат ал-басита» асарининг бир неча қўлёзмаси ва унга Қозизода Румий, Мирсайид Шариф каби олимлар томонидан ёзилган шарҳлар. Абу Райҳон Беруний номидаги ЎзФА Шарқшунослик институтида 1341 инвентар рақами билан сақланади—С. Ҳ.

² Ал-Чағминий. «Ал-мулаҳҳис фи ҳайъат ал-басита». 5-бет.

³ Ал-Чағминий. «Ал-мулаҳҳис фи ҳайъат ал-басита». 31-бет.

на нотўғри фикрлар борлигини уқтириб, Птолемейнинг геоцентрик назариясига қарши чиқди. Ер, Қуёш, Ойнинг айланма ҳаракат қилишини, шакллари думалоқлигини, Птолемейнинг бу масалада ноҳақ эканлигини, Ойнинг Ер атрофида айланишини, Ой билан Ер орасида ҳаво ва фазо борлигини айтиб: «Ҳаво Ер куррасини ўраб олган Қуёш нури таъсирида... ердаги сувлар (буғланиб) юқори кўтарилади ва натижада буғлар (юқоридаги) ҳавонинг совуқлик даражасида (ҳароратига) қараб гоҳ ёмғир, гоҳ қор бўлиб ерга тушади»¹, — дейди.

Ердаги турли-туман нарсалар, унинг фикрича, тупроқ, сув, ҳаво ва ўтнинг турлича қўшилувчи оқибатида вужудга келган бўлиб, осмон жисмлари ҳам ана шундай моддий унсурлардан ташкил топган. Шунинг учун ҳам, осмон ва ер жисмлари шаклан фарқланса ҳам, мазмунан бир бўлган материядир. Унингча, ҳамма нарса ҳаракатда, бирининг ҳаракати иккинчисини вужудга келтиради. Демак, ҳаракат материянинг объектив хусусияти, моддий олам эса ҳаракатнинг манбаидир.

Ал-Чағминийнинг билиш назарияси эса, унинг табиий-илмий қарашлари билан узвий боғланган. Моддий оламни билиш жараёни унингча, «сезгидан бошланиб, тафаккурга кўтарилади» яъни маълум нарсалардан номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишга томон ривожланиб боради.

Чағминийнинг билиш назарияси ўша ўрта аср шароитида моддий оламдаги турли ҳодисалар, хусусан, осмон жисмлари ҳаракатининг моҳиятини муайян даражада тушунишда ва табиий-илмий фанлар тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Ал-Чағминий ўз замонасининг пешқадам математиги сифатида ҳам доврур қозонган. Олимнинг риёзиётга оид рисоласи борлиги яқиндагина маълум бўлди. Озарбайжон Фанлар Академиясининг Шарқ қўлёмалари хазинасида сферик тригонометрияга бағишланган «Чағмин илми» деб аталган «ал-Мулаҳҳис» номли рисола икки нусхада сақланади. Унда сферик тригонометрияга оид ҳандаса шакллари берилган.

Риёзиёт фани тарихчиси Д. Сартон (1881—1956) ўзининг «Фан тарихига кириш» номли асарида Чағминийнинг «Тўққизлар арифметикаси», «Мерос тақсим

¹ Ал-Чағминий; «Ал-мулаҳҳис фи ҳайъат ал-басита» 20-бет.

² Уша жойда. 1-бет.

қилишдаги арифметик методларга шарҳ» номли асарлари борлиги ва улар Принстон дорилфунуни [АҚШ] Шарқ қўлёмалар хазинасида сақланаётганлигини ёзган.

Ал-Чағминий табобат илми соҳасида ибн Сионинг таълимотини давом эттириб ва ривожлантириб, ўзининг «Қонунча» рисоласини ёзган (бу асарнинг бир неча нусхаси УзФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 2409 инвентар рақами билан сақланади). Ал-Чағминий бу рисоласида тўрт бошланғич моддий унсур — ҳаво, сув, ўт, ер [тупроқ], инсон анатомияси, бош касалликлари, мижозлар, қувватлар, инсон баданининг физиологик тузилиши ва унинг фаолияти, парҳез таомлари ва дори-дармонларни тайёрлаш ва қабул қилиш, кишилардаги психологик ҳодисалар танага ва унинг аҳволига боғлиқ экани, киши руҳий фаолиятини яхши билиш учун бош мия ва нерв системасини яхши ўрганиш лозимлигини уқтиради.

Ал-Чағминийнинг «Қонунча» асари Марказий Осиё, Яқин ва Узоқ Шарқдаги табиблар ўртасида жуда ҳам машҳур бўлиб, амалда кенг қўлланилган. Ал-Чағминийнинг бу асарини ҳиндистонлик олим Муҳаммад Акбар Арзоний 1713 йилда шарҳлаб, уни «Муфарриқ ал-қулуб» («Қалбларни очадиган иложлар») номи билан нашр этган. Шунингдек, ал-Чағминийнинг бу асарига ўз даврининг етук шоири ва табиби Жунайдуллоҳ ибн Исломшайх Ҳозиқ ёзган шарҳи бошқа шарҳлардан анча фарқ қилади. Биринчидан, у жуда қисқа ва ихчам ёзилган. Иккинчидан, у табобатнинг амалий ва назарий томонларидан дурустгина хабардор бўлганлигидан, кўп ўринларда ўтмишда табобат илмида йўл қўйилган хатоларни, яъни янглишларни тuzатиб ҳам кетган.

Ал-Чағминий «Ал-мулаҳҳис фи ҳайъат ал-басита» асарида Абу Райҳон Берунийнинг, оламнинг маркази Ер эмас, балки Қуёшдир, ҳамма сайёралар, шу жумладан, Ер ҳам Қуёш атрофида айланади, деган гелиоцентрик назариясини янада ривожлантириб, Аристотель ва Птолемейнинг геоцентрик тизимини кескин танқид қилади. Узининг табиий-илмий ва илғор фалсафий қарашларига асосланган ҳолда, моддий олам реалликдан иборат эканини эътироф этаркан: «Худодан бошқа ҳамма борлиққа олам деб атаймиз»¹, — дейди.

¹ Ал-Чағминий. «Ал-мулаҳҳис ҳайъат ал-басита», 28-бет.

Шундай қилиб, Умар Чағминий «Мулаҳҳис фи ҳайъат ал-басита» асарида Коперникдан неча асрлар муқаддам «Ернинг Қуёш атрофида айланишидан фасллар ҳосил бўлади», дея фикр юритадики, унинг бу кашфиёти гелиоцентрик таълимотнинг ўзига хос баёнидир. Ал-Чағминий кўп масалаларда ўзининг кузатишлари улуғ салафи Абу Райҳон Берунийнинг кузатишлари билан бир хил эканлигини эслатиб ўтади. Маълумки, Коперник Берунийдан 500 йил кейин ҳам сайёраларнинг Қуёш атрофидаги ҳаракатини айлана шаклида деб билган. Беруний, сайёралар Қуёш атрофида айланадилар, деган сўзни тамомла айлана шаклида деб тушунмаслик керак, улар бир марта айланиб келишида икки марта яқинлашиб, икки марта узоқлашади, деганида сайёраларнинг эллипсоид шаклдаги ҳаракатига шаъма қилган. Умар Чағминий эса Қуёшнинг ҳаракати ва Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракати фасллар алмашинувининг дастлабки сабаби эканлиги ҳақидаги фикрларини очиқдан-очиқ айтадики, бу фан тарихида тенги йўқ ажойиб кашфиёт эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Буюк хоразмлик олим ўз кашфиёти билан ўз замондошларидан бир неча асрга илгарилаб кетган.

Бундан ташқари, олим «Қонунча» асари билан табобат илмида Исҳоқ Исроилий, Ибн Ассоб, Ибн Сино каби буюк сиймолар даражасига кўтарила олганига шакшубҳа йўқдир.

8- §. Паҳлавон Маҳмуд ва Носириддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг ахлоқий дидактикаси

Паҳлавон Маҳмуд (1247—1326) XIII аср охири—XIV аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган мутафаккир, файласуф шоирдир. Шунингдек, Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистон, Шероз, Рум ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларда ўтказиладиган таътанали сайлларда кураш тушишда биринчиликни қўлдан бермай, «машҳур паҳлавон» унвонига сазовор бўлиб, шуҳрат қозонган эди.

Нақл қилишларича, у замонда Хоразмда энг зўр донгдор полвон фақат Маҳмуд бўлиб, айни кучга тўлган пайтлари эди. Тўсатдан уни Хива хони йўқлатди. Маълум бўлдики, Ҳиндистон подшоси катта сайр ўтказишга қарор қилиб, унга турли мамлакатлардан меҳмонлар чақирилган ва бу таътаналарда полвонлар кураши бўлиши алоҳида таъкидланганди.

Паҳлавон Маҳмуд розилик бергач, кўп ўтмай Ҳиндистонга қараб йўл оладилар. Йўлда турли воқеаларни бошидан кечириб, манзилга етгач, Маҳмуд ҳинд элининг қадамжо ерларини зиёрат қилиш мақсадида хондан рухсат олиб, кўчага чиқади. Ногоҳон, зиёратчилар орасида баланд овоз билан нола қйлаётган бир кампирга кўзи тушади. Сабабини сўрайди: «Мен ҳинд шоҳи саройидаги полвоннинг онасиман. Ўғлим эртага хоразмлик полвон Маҳмуд деган одам билан олишар эмиш. Агар ўғлим йиқилса, шоҳ бизни саройидан ҳайдайди. Яшаш имкониятидан маҳрум бўламиз.

— Хотирингиз жам бўлсин. Хоразмдан келган полвон ўғлингизни йиқитолмас, иншоолло, ўғлингиз қолиб чиқар,— дейди Маҳмуд.

... Узоқ вақт кураш ажримга келмади. Иккала томон бир-бирларини бир неча марта ерга улоқтириб ташлаб, томошабинларни ҳайратда қолдирардилар. Аммо шу пайт ҳинд полвонининг онасига берган ваъдаси эсига тушиб Маҳмуд рақибини бошидан ушлаб ўзига тортиб олди, юқорига кўтарганча ўз тиззасини ерга букди. Кейин йиқилдим деган ишора билан кураш майдонидан чиқиб кетди.

Бу аҳволни кўрган Хоразм шоҳи шу ондаёқ бир уламоини юбориб, «айтгин, менинг олдимга ҳам келмасин, Хоразмга ҳам бормасин» деб буйруқ беради.

Маҳмуд шу кўйи узоқ вақт ватанидан олисда қолиб кетади. Кунларнинг бирида Ҳинд подшоси ерига тоғликлар босиб кирди. Жанг бошланди. Қизгин олишувларнинг бирида Ҳиндистон подшоҳи Рай Ропой Чўна танг аҳволда қолди. Аммо, вақтида етиб келган Маҳмуд уни ўлимдан қутқарди. Шоҳ Рай Ропой Чўна миннатдорчилик тариқасида унинг тилагини сўради.

— Менга на олтин, на ёқут керак эмас,— деди Маҳмуд ҳаммани ҳайратда қолдириб. — Фақат бир вақтлар Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилсангиз, мен уларни юртимга олиб кетсам. Ҳиндистон подшоҳи Паҳлавон Маҳмуднинг илтимосини бажо келтириб, хоразмлик тутқунларни озод этади, йўл харажатларини бериб, Хоразмга қайтаради. Хоразм подшоҳи эса уни зўр тантана билан кутиб олади.

Паҳлавон Маҳмуд пўстиндўзликдан тушган даромадни, курашдаги қолиблик учун олган мукофотларни шаҳардаги етим-есирларга ва кўзи ожиз [кўр] ларга сарф қилган. Ҳатто, Хива яқинида Чингизхонга қарши

жангда ҳалок бўлган мард ўғлонлар қабри устига мақбара ҳам қурдирган. Шу ваздан оддий фуқаро уни ўз ҳимоячиси деб билган. У ишдан бўш вақтларида ажойиб рубойлар ёзиб, инсонпарварлик ғояларини илгари сурган. Қунларнинг бирида Султоннинг ўғли келиб, Хива атрофидаги уч қишлоқ аҳолиси солиқни ўз вақтида тўлай олмагани учун ғазаб қилиб, уларга борадиган сувни беркитишни буюради, қишлоқ аҳли йиғилишиб, Паҳлавон Маҳмудни шаҳзода ҳузурига бошлаб борадилар. У тўрт қатор рубой ёзиб, шаҳзоданинг қўлига беради:

Қишда ёқилган гулхан, баҳор гулидан яхши,
Бир неча наमत Румнинг атласидан яхши.
Ер вали ўғли Маҳмуд сўзларини тингла,
Ҳайрсиз одамдан лўлининг ити яхши.

Бу шеърдан шаҳзода қанчалик ғазабланмасин, барибир халқ ҳурматига сазовор, халқпарвар шоирга қарши ҳеч нима қила олмас эди. Чунки Паҳлавон Маҳмуд халқпарвар ва оташин ватанпарвар, ҳур фикр шоир ва мутафаккир эди. Унинг рубойларида ҳурфикрлик ғоялари, ҳаёт гўзалликлари, инсон ақлининг улуғворлиги тараннум этилган.

Паҳлавон Маҳмуднинг рубойларида шоир мансуб бўлган жувонмардлик оқимининг ахлоқий тамойилларига хос муҳим белгилар (саҳоват, шафқат, мардлик) кўзга яққол ташланиб туради:

Ўз нафсинга бўлгин амир, шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма ҳақир, шунда мардсан.
Икқилгани тегиб ўтиш мардлик эмас,
Афтобага бўлсанг дастгир, шунда мардсан.

Бу ғоявий йўналиш Паҳлавон Маҳмуднинг дунёқарашига хос бўлиб, барча рубойларига сингиб кетган. У инсоннинг ақл-заковатини улуғлайди, унинг ахлоқий камолотини, ахлоқий поклигини қадрлайди.

Паҳлавон Маҳмуд ахлоқий қарашларининг ўзига хослиги шундаки, унингча, инсон улуғ ном, лекин у ана шу шарафли номга лойиқ бўлиши учун, аввало юксак ахлоқли бўлиши лозим. Унинг ахлоқий қарашлари ҳукмрон синфларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи ахлоқдан тубдан фарқ қилади. Мутафаккир фикрича, инсон ва халқ бир-биридан ажратиб бўлмайдиган тушунчалардир, айтиш чоғда инсон ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўймаса, ҳаётдаги ўз ўрнини яхши тушунса, элга ғамхўр бўлса, уни ҳақиқий инсон деб аташ мумкин, дейди:

Подшолик истасанг, бўл эл гадоси,
Ўзингни унуту, бўл эл гадоси.
Эл тожи каби бошга кўтарсин десанг,
Эл қўлни тугину, бўл хокипоси.

Ҳа, ахлоқий фазилатлар ўз-ўзидан вужудга келмайди, аксинча, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатдан келиб чиқади ва ривожланади. Одамлар ўз табиатига кўра турличадир: шундай одамлар борки, улар очиқ кўнгил бўлиб: «Кўнгли пок, на кек ва на гинани биледи, мевали дарахтга» ўхшайдилар, уларни ҳамма ҳурмат қилади. Аммо шундай одамлар ҳам борки, «кекдан ўзга ундан бўлмас заҳар ҳеч»,— дейди. Бинобарин, у киши ахлоқи пок одамлар билан бирга яшаса, уларнинг таъсирида саҳоватли одам бўлиб етишади, агар ахлоқи нопок кишилар таъсирида бўлса, уларга қўшилиб, жирканч хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Шоир замондошларидан ҳалоллик ва ростгўйлик, камтарлик ва сажийлик, шафқат ва мурувват, олижаноблик ва мардлик каби инсонга хос ахлоқий фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилиб, бундай дейди:

Емон билан улфат бўлма, юр йироқ,
Йўлингга дон сочиб, қўяди тузоқ.
Ейни эгри кўриб, тўғрилигидан —
Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ!

Мутафаккир шоир ўз ўтмишдошлари каби дўстликка ва дўст танлашга алоҳида аҳамият берди. «Замонамизда,— деган эди у,— содиқ дўстни топмоқ қийин, шу сабабли номардлардан, нокаслардан вафо истама», «Содиқ кишининг ити бўлишга ҳам розиман, чунки садоқатсиз кишидан ит яхши деб таъкидлайди. У самимий, соф, бегараз дўстликни куйлайди, бирор мақсад билан дўст тутинганларни қаттиқ қоралайди. Ўзаро аҳил бўлиб дўстона яшашга, дўстликнинг қадрига етишга чақиради. Ҳақиқий дўст ўз дўстини энг оғир дамларда ҳам ташлаб кетмайди, деб таъкидлайди:

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,
Тоза қалбга юқмас асло чангу гард.
Қулоқ солгин Пурейвалий сўзига
Қўрқоқлардан чиққанмиди бирон мард!

Мутафаккир таъкидлайдики, «Доно кишиларнинг даврасида бўлиб суҳбатидан баҳра олиш ва уларга иззат-ҳурмат билан хизмат қилиш ниҳоятда шарафли бўлса, аммо нокас ва номардлар билан дўст бўлиш,

уларга хизмат қилиш» эса кечирилмас шармандаликдир.

Паҳлавон Маҳмуднинг талқинича, инсон ўз табиатида мавжуд бўлган софликни асраши керак, у айёрликка, макр-ҳийлага берилмаслиги лозим. Инсон ўзига танқидий кўз билан қарай билиши, энг аввало ўзидаги камчиликларни кўра билиши, сўнгра бошқалардагини сезиши керак. Мутафаккир бошқаларнинг арзимаган камчилигини кўриб, ўзидаги камчиликларни, хатоларни яширганларни қаттиқ танқид этади. Ўз камчилигини кўриб, ўзгаларникига мурувват билан қараган кишиларни эса олқишлайди:

Филдай кучинг бўлса ҳам мўр бўлиб кўрин,
Молинг ошиб-тошса, ҳам ур бўлиб кўрин.
Ҳамманинг айбини билганинг ҳолда,
Ҳеч нарса билмагандай, кўр бўлиб кўрин.

Яхшилик, ёмонлик ҳамма даврлар учун хос, лекин эзгуликнинг ёвузлик устидан тантана қилишига ишониш керак:

Дониш эрур отган ўқим нишонин,
Дадиллик манбан — билим конин.
Эзгулик осмонин маҳбусиман мен,
Занжирим — фазо-ю, само уммонин.

Паҳлавон Маҳмуд ростгўйлик, тўғри сўзликни ҳам инсоннинг муҳим ахлоқий фазилатларидан ҳисоблайди. У рўстгўйлик ҳақида яхши фикрларни айтиш билан чегараланиб қолмайди. Унинг фикрича, ростгўйлик фақат кишиларнинг ўзаро гап-сўзларида ифодаланибгина қолмасдан, балки кишиларнинг хатти-ҳаракатида, юриштиришида, одамларга ва жамиятга бўлган муносабатида, илм-маърифатга интилишида акс этмоғи лозим. Юксак инсонпарварлик туйғуларига эга бўлган Паҳлавон Маҳмуд халқ бахти учун, ҳақиқат учун сўз ва қалам билан курашди:

Маърифатнинг тили — чолғу — нойимдир,
Ақлим-қилич, сўзим — ўқу ёйимдир.
Имтиёзлар мулкин шоҳи билурким,
Сўз майдони — ишғол қилган жойимдир.

Паҳлавон Маҳмуд инсоннинг бахт-саодати унинг билим ва маърифатга эришувиде, дейди. Илмий тафаккурнинг қудратига ишонган мутафаккир шундай деб таъкидлайди:

Неча йил илм-хунар пайида бўлдик,
Неча йил зар-зевар пайида бўлдик.
Олам сирларидан бўлганда огоҳ —
Бор ишни ташлаб қаландар бўлдик.

Хулласи калом, Паҳлавон Маҳмуд бизнинг кўз ўнгимизда инсониятнинг бахт-саодати, фаровонлиги учун курашган буюк инсонпарвар шоир сифатида намоён бўлади. Шоирнинг рубойлари ёшларни ватанпарварлик, дўстлик, халқ ишига садоқат руҳида тарбиялайди, жамият манфаати йўлида хизмат қилишга ундайди.

Паҳлавон Маҳмуд сингари Носириддин Бурҳонуддин ўғли Рабғузий ҳам маърифий-ахлоқий қарашларида дунёвий инсон ахлоқини тараннум этади.

Носириддин Бурҳонуддин ўғли Рабғузий XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган. Биз бунини биргина «Қиссасул анбиё» асари (1309—1310 йилда ёзилган) орқали биламиз. Асар муқаддимасида келтирилган «... бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, мавсият ёбонин кезган, оз озуклуғ Работ ўғзининг қозиси Бурҳон ўғли Носириддин...» жумлаларига кўра олимларимиз адиб Хоразмнинг Работ ўғуз деган мавзеида бўлиб, у ерда қозилик қилган, у «Рабғузий» тахаллуси «Работ ўғуз»дан олинган деб кўрсатадилар.

Рабғузийнинг қачон туғилгани, яна қандай асарлар ёзгани шу пайтгача маълум эмас. Рабғузийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот жуда кам бўлишига қарамай, ўз замонасининг таниқли тарихчиси, етуқ шоир ва истеъдодли таржимон эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки Рабғузий «Қиссасул анбиё» асарида қатор туркий шеърлар ва арабчадан ўгирилган шеърини таржималарга кенг ўрин берганлиги фикримизнинг далилидир.

Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асари етмиш икки қисмдан иборат бўлиб, ундан ўрин олган пайғамбарлар (Довуд, Сулаймон, Муҳаммад ва бошқалар) ҳақидаги афсонавий қиссалар, ҳикоят ва ривоятлар халқ оғзаки ижоди, тарихий асарлар ва «Таврот», «Инжил», «Қуръон» каби муқаддас китоблар асосида яратилган. Шунинг учун ҳам «Қиссасул анбиё» асари туркий халқлар ўртасида машҳур бўлиб, китобхонлар томонидан эъзозлаб ўқилувчи, бахши ва оқинлар томонидан севиб куйланувчи асарлардан бири ҳисобланади.

Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асарига кирган ўн-

лаб ҳикоятлар бугунги кунда ҳам ғоят муҳим ахлоқий-маърифий аҳамиятга эга. Ҳикоятлардаги инсонларни ўзаро тўғри муносабатларда бўлишга, бир-бирларига нисбатан жабр-зулм қилмасликка, ноҳақ қон тўкмасликка, ҳаром-ҳариш ишларга берилмасликка, шарм-ҳаёни йўқотмасликка ундовчи ўғитлар бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотгани йўқ: «Маъсиятдин (шарриятга хилоф иш тутиш) йиғилинг, халқ орасидан қўни ҳукм қилинг, куч қилманг, зино қилманг, қон тўкманг, хиёнат қилманг»¹.

Рабғузийнинг «Юсуф қиссаси»дан ўрин олган қуйидаги ҳикоятда тарғиб этилган адолатпарварлик, покизалик, аҳиллик, одоб-икромли бўлиш, ноҳўя хатти-ҳаракатлардан сақланиш, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ҳавоий нафсониятга ва ортиқча эҳтиросга берилмаслик тўғрисидаги ҳикоятлар ёшларни ахлоқий-маърифий жиҳатдан тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Уша «Юсуф қиссаси»ни олиб кўрайлик. Ҳикоятда андоғ дебдурларки, бу кун Зулайҳо айди: «Эй Юсуф, сани куйингда неча йилдан бери заиф ҳолдурмен. Асло билурмисан? Юсуф алайҳиссалом. — Сани кўнглингдаги ҳаёлинг нима билай?

Зулайҳо айди: — Манда сени муҳаббатингдан ўзга нимарса йўқдур.

Юсуф алайҳиссалом айдилар:— Манга муҳаббат қилгунча, эринг Азизи Мисрга муҳаббат қилғонинг яхшироқдур. Ул фойда қилур.

— Зулайҳо айди: — Эй Юсуф, ман сани Азиз Мисрдан юз ҳисса ортуқ билурман.

Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Андоғ бўлғонинг бефойда. Мундоғ сўзларинг ҳам беҳуда.

Зулайҳонинг аччиғи келиб айди: — Эй Юсуф, сўзимни қабул қилмасанг, боғқа ишлагани юборурман. Анда кўп меҳнат ва машаққат тортарсан. Он ҳома иззат ва ҳурмат, бахт ва давлат, нозу неъмат сенга ярашмади, давлатни қадрини билмадинг.

Юсуф алайҳиссалом: — Ҳарна қилсанг фармонбардорман. Аммо сани андоқ ишингни қилмасман. Алқисса, Азизи Миср бир боғ қилдирур эрди. Анда халқни ишлатур эрди. Юсуф алайҳиссаломни ер чопғали шунда буюрди ва ул боғ ичида минг турлук мевалар, ранго-

¹ Носириддин Бурҳониддин. Рабғузий. Биринчи китоб. Т., 1990, 7-бет.

ранг гуллар очилиб, яриғда гуллар сочилиб турар эрди. Юсуф алайҳиссалом яхши либосларни ташлаб, мардикор тўнларини кийиб, кетмон олиб ишлар бўлдилар. Боғбонлар келиб: — Хайфки, шундоқ кишига иш буюруб, — деб қўлларидан кетмонни олиб эрдилар. Ҳаргиз унамадилар.

Боғбонлар айди: — Сиз томоша қилиб ўлтиринг, шунини бизлар қилалди. Шулки, бир киши ўн кунлик иш қилдилар. Ҳамма кишилар билдиларки, ушбу ўғилни баракатидан мунча иш бўлди. Аммо Зулайҳо уйда қолиб эрди. Тобу тоқат қилолмади, боғга бормасликка ҳаргиз илож тополмади...

Айди: — Эй Юсуф, давлат ва иззатни билмадинг, мундин зиёда меҳнат ва машаққат қилурсан. Юсуф алайҳиссалом: — Ҳарна кўргузсанг, манга ўшал давлатдур. Беҳуда сўзларингдин бу ишларинг манга шодлуғдур, деб ҳаргиз кўзларига илмадилар, сўзга ҳам илтифот қилмадилар»¹.

Зулайҳо ўзининг нопок ниятига етолмагач, шундан сўнг Юсуф алайҳиссаломга ёлғон тухматлар қилиб, уни обрўсизлантирмоқчи бўлади. Шу мақсадда Зулайҳо эрига қараб, бундай деди:

— Эй Азизи Миср, сани ҳаддан фузун ва адабдин бирун жавоҳиротлар бериб сотиб олғон қулинг ишини кўргил, ман уйга кириб ухлаб эрдим. Мандин хабар йўқ, мани бедод қилиб номаҳрам қўлини манга узатди. Мен қабул қилмасам оғзимга уруб, икки тишимни ушатди. Ман қувлаб ҳанжар бирла урай деб эрдим, қочди.

Энди бунини мукофотиға зиндонға солғайсан, ё қаттиқ азоб-уқубатларга гирифтор қилғойсан, тоинки аҳли оламға ибрат бўлғай.

Азизи Миср айтди: — Эй Юсуф, сани мани хотунумга ҳаром қўл узатасан деб, шул умид бирла олиб эрдумму? Сани ўғлим деб эрдим, сани манга қилар ишларинг будурму? — Юсуф алайҳиссалом бисёр ҳижил бўлуб айдиларки, ман шундоғ ишларни ҳаргиз қилғоним йўқ. Зулайҳо манга ёлғон тухмат қиладур. Зулайҳо тоқат қилолмай онт ичиб, ўз сўзини маъқул қилади.

Азизи Миср бир қулга буюрдики, Юсуфни чахор мих қилиб ончун азоб қилғилки, ўлса ҳам майли, деди.

¹ Мангу булоқлар. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986. 204—206-бетлар.

Юсуф алайҳиссалом: — Эй Азизи Миср, рост ва ғалати-ни билмай буюрсангиз кейин пушаймон қилурсиз... Фойда бермас.

Азизи айдики, гувоҳ керакдур. Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Ул бешикдаги бола гувоҳдур. Ул бола Талқон деган канизакнинг боласи эрди. Андин сўранглар — деди. Азизи Миср:

— Эй Юсуф, на ажаб сўзларни айтурсан, тўрт ойлик бола ҳам сўзларму?

Юсуф алайҳиссалом айдилар:— Иноят илоҳи бўлса, мани сўзим рост бўлса, сўзлар. Ул замон бу болани олиб чиқдилар.

Азизи Миср сўрадики: — Эй фарзанд, бу номаъқуллик кимдадур? Ул бола айди: — Эй Азизи Миср, сан боққилки, Юсуфни кўйлаги олдин чок бўлса, гуноҳ Юсуфдадур. Арқасин чок бўлса, гуноҳ Зулайҳодадур. Боқсалар кўйлак орқасидин чок бўлубдур.

Азизи Миср айдики:— Юсуф тоза экан, мундоқ ишлар хотунлар макри турур, яна айдики: — Эй Зулайҳо, гуноҳни ўзинг қилиб, ўзгага юкларсан. Анда Юсуф алайҳиссаломнинг покликлари маълум бўлди. Гуноҳни Зулайҳога қўйдилар...»

Қиссадаги бу парчадан кўриниб турибдики, Рабғузий кишиларни Юсуф алайҳиссалом шахси орқали ақл-идрокли, заковатли ва фаҳм-фаросатли, ҳақгўй, ҳалол ва пок, одобли ва иффатли, сабр-тоқатли ва матонатли, меҳнатсевар бўлишга ундайди. Шунингдек, Рабғузий очкўзлик ва ҳасисликни, нопоклик ва ножўя қилмишларни кескин қоралаб, макру ҳийла билан орттирилган ҳар қандай нарса ғайри қонунийдир, дейди. Қиссадан ҳисса шуки, бошқаларнинг фикрларини сўрамасдан, ўзбошимчалик билан иш қилган киши хорланади. Рабғузийнинг «Юсуф қиссаси»даги айрим ўринларни, яъни Юсуф билан Зулайҳо ўртасидаги мулоқотни умумий таълим мактабларида юқори синф ўқувчиларига «Одобнома» фанини ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

«Қиссаи Рабғузий» асаридаги «Узум» ҳикоятда илгарди сурилган шаробнинг касофати тўғрисидаги ғоялар ўша давр учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, балки ҳозирги кунда ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган. Ҳикоятда айтибдурларки: «Шайтон малъун узум уруғини ўғирлади. Ҳеч важҳ била тополмадилар. Ҳамма ҳайвонлардин сўрдилар. Ҳеч қайсиси билмади, охири шайтонни тутдилар.

Шайтон айди: — Узумға уч марта сув қуймоқни манга берсангиз, топиб берай, деди: — Нуҳ алайҳиссалом қабул қилдилар. Узумни уруғини топиб берди. Вақтики кемадин чиқдилар, барча уруғини эктилар, узумни уч сувини шайтон лайин суғорди: аввал тулкини қони бирла, андин шерни қони бирла, андин тўнғизни қони бирла суғорди. Анинг берган сувидин чоғир бўлди, ҳар ким чоғир ичса, аввал тулки бўлиб, кўрмаган киши бирла дўстлуқ оғоз қилур. Андин маст бўлғонида йўлбарсдек бўлур, ҳиммати жўш бўлиб ҳар кимга бир нимарса берур. Андин мастроқ бўлса, тўнғиздек юраклик бўлур, ҳеч ишдин кўрқмас, ҳар қисм ёмон ишлар содир бўлур, шайтон берган сувлар феълидир...

Рабғузийнинг бу ҳикоятида таъкидланишича, шаробни ичиб бўлгач, киши бутун ақл-заковатини ва кучқудратини нафсу шайтонга топшириб, ярамас ишларга қўл уради ва одоб-ахлоқ доирасидан чиқади. Шунинг учун ҳам Рабғузий бу ҳикояти орқали май-шаробнинг оқибати ва мастлик касофати тўғрисида тўхталиб, унинг жамиятга, оилага ва бола тарбиясига салбий таъсирини баён этади.

Рабғузий «Хўкиз ва Эшак» ҳақидаги ҳикоятида эса бошқалар ҳисобига кун кўришни, танбаллик ва дангасаликни, ишёқмасликни қоралаб, халқнинг манфаати ва фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилишни тарғиб қилади: «Ҳазрат Сулаймоннинг хизматиға бир кимарса кириб, айди: «Манга ҳайвонотнинг тилини таълим беринг. Ҳазрат Сулаймон айдилар: «Сан ўрганур нимарса эмас, агар таълим олиб кишиға айтсанг, ўларсан».

Ул одам айдики: — Сизнинг амрингиздан асло ёнамасман. Агар таълим берсангиз, ҳеч изҳор қилмасман. Эrsa, ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом анинг оғзига тупурдилар, ул замон муроди ҳосил бўлди. Эrsa ул кунини уйига борди. Бу кимарсани бир хўкизи бир эшаги бор эди. Ул хўкизни намозшомғача қўшга қўшиб, эшакни ўтга боғлади. Хўкизни осиб совутиб қўйди. Эшак хўкизни ҳолидан сўрди. Хўкиз тортгон меҳнатларини баён қилди.

Эшак айдики, андоғ бугун сабр қил, сомон еб, сув ичмагил, хўкизим орибдур, деб тонгла қўшмас. Бу киши буларнинг сўзини ҳўб эшитиб турди. Хўкизга ўт, сомон берди, емади. Бу киши хўкузум орибдур, деб эшакни элтиб қўшга қўшди, то шом бўлғунча эшакнинг минг жонидин бир жони ҳам қолмади, ўларга етти.

Кечқурун эшак бедумор бўлуб ошхонага кирди. Хўкуз сўрдики:— Ҳолинг надур?— деб.

Эшак айди: — Баҳор тарзи ҳолим яхшидур, аммо санинг аҳволинг танг ўхшайдур, шунга хафадурман,— деди.

Хўкуз айдики: — Эй биродар, воқеа надур.

Эшак айдики,—Хўкузум ёмон касал бўлубдур,— деб йўлда қассоб бирла сўзлашди.

Хўкуз муни эшитиб, дармони қолмади: — Анга нима илож қилурман,— деди.

Эшак айдики: — Ҳожани кўрганда яхши сув ичиб. сомон еб бақувват бўлиб тургил, хўкузум тузалубдур, деб қассобга сотмас. Эшакнинг бу таъбири билан хўкуз тузалиб турди. Хожа бу сўзни эшитиб кулар эрди...»

Рабғузийнинг «Ҳазрат Луқмон қиссаси»даги қуйидаги ибратли ҳикоялар ҳам ёшларда камтарлик, тўғрилиқ, ҳалоллик, ростгўйлик, саҳоватлиқ, ҳимматлиқ, марҳаматлиқ каби инсоний фазилатларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

...Ҳазрат Луқмонни кўриб сўрдики: «Эй Луқмон, бу мартабани қайдин топдинг? Айдилар: — Рост йўлга юртонимдин.

Ҳикоят қилубдиларки, ҳазрат Луқмоннинг хожалари айди: — Ман бугдой экғил десам, арфа экибсан. Ҳазрат Луқмон айдилар: — Арфа эксам бугдой чиқмасму?

Хожалари айди: «Қачон арфадин бугдой чиқғой?

Ҳазрат Луқмон айдилар: — Андоғ бўлса, нима учун ямонлиғ қилиб, яхшилиқ умид тутарсан? Бу сўз бирла Хожа гуноҳидин ёнди.

Ҳазрат Луқмон халқга кўп манфаат еткурур эрдилар. Ҳар киши пул ва мол қарз олса, бешувоқ берур эрдилар. Бир кун бир одам минг мисқол қарз олтун олди. Кўнгли тасаввур қилдики, бермай деб! Элтиб бир қизил латтага ўраб ёнида қўйиб эрди гўшт фаҳмлаб бир қарға олиб қочуб, ҳазрат Луқмоннинг олдиларига ташлади. Кўрсаларки, ўзларининг кишига бергон олтуларидур Элтиб уйга қўйдилар. Ул киши яна келиб минг мисқол олтун керак,— деди. Яна минг мисқол олтун берди. Кўнглида айдики, аввалда киши йўқ эрди; алҳол киши йўқдур, деган ният бирла улур сувдин ўтуб борур эрди. Қўлидан сувга тушуб кетти. Ҳарчанд истаб тополмади. Ул кеча Ҳазрат Луқмон ғусл қилмоққа тушуб топиб олдилар. Элтиб уйларига қўйдилар. Ул киши яна минг мисқол олтун лозим деб келди. Яна бердилар. Ямон

ният қилиб эрди. Ёнидин тушуб қолди. Кўчада ҳазрат Луқмонга учради. Ани ҳам элтиб қўйдилар. Тўртинчи навбат мулоҳаза қилиб айдики, Луқмондин уч минг мисқол қарздор бўлдум. Яна минг мисқол олтун олуб савдогарчилик қилиб, ўзумни қутқарай деб минг мисқол олтун олиб савдогарчилик қилиб, фойда кўруб, тўрт минг мисқол олтун олиб келиб ҳазрат Луқмонни олдиларига қўйди. Ҳазрат Луқмон андин бир минг мисқол олиб қолғонини олмадилар. Бу одам ҳайрон қолиб сўрдикки, на учун мундоғ қилурсиз?

Айдилар:— Мандин олғон пулингни уч минг мисқоли ўзумга теккандур. Минг мисқол ҳақим бор эрди, ани олдим. Бу киши ҳушнуд бўлуб уч минг мисқолни олиб жўнади»¹.

Адиб асаригадаги «Аюб тўғрисидаги ҳикоят»ни олиб кўрайлик: «Рум шаҳрида истиқомат қилувчи Аюб алайҳиссалом яхши хўйлиғ, зардор, ғани киши эди. Бир киши у яшаб турган шаҳарда оғир тан жароҳати олиб, кўчада ётиб қолади. Яраси тезда тузалмай, ёмон сассиқ бўй пайдо қилади. Ёнидаги ҳовли эгаси ундан жирканиб, бу ердан бошқа ерга жўна, деб уради, сўкади. Шу пайт Аюб ўтиб қолади. Дардлик киши раҳм қилинг, ҳайдамасин, юргани мажолим йўқ, деб арз қилади. Аюб уй эгаси рост айтибди, бошқа жойга кет, деб жавоб қилади.

Шунда дардли киши дили оғриб, «Пайғамбаринг менга раҳм қилмади, менинг дардимни унга бергил» деб худога ёлворибди. Илтижоси мустажоб бўлиб, Аюб баданида турли жароҳат вужудга келиб, у сурункали азоб тортишга гирифтор этилади.

Жаброил: «Эй, Аюб, нега касал кишига раҳм қилмадинг?» деб панд савол беради. Аюб бу сўзларни худонинг қаҳридан дарак берувчи нидо деб билиб, руҳий азоб чекади. Касал кишини излайди, аммо топа олмайди. Шундан сўнг ўз гуноҳини ювиш учун касалманд, заиф кишиларни парвариш қилади, хайр улашади. Охирида жароҳати тузалади».

Демак, Рабғузий яратган Аюб тимсоли илоҳий қудратга эга бўлган афсонавий пайғамбар эмас, балки инсонга хос фазилат ва камчиликлардан холи бўлмаган, кеч бўлса-да, ўз айбини англаб, олижанобликка қадам қўйган раҳмдил киши тимсолидир.

¹ Мангу булоқлар. Тошкент, 1986, 245—255-бетлар.

Жаброилнинг сўзлари эса инсоннинг ўз виждони олдадаги кечинмаларидан иборатдир.

Қирқ тўртинчи қиссадаги «Асҳоб-ар Раҳим» ҳикоясидаги воқеалар ҳам қизиқарли: «Булар уч тан эрдилар. Сайру томоша учун саҳрога чиқиб эрдилар. Кўп ёмғир ёғди. Бир ғорга кирдилар. Ул ғорнинг оғзини бир тош (тепадан) келиб тўсиб қолди. Қамалиб қолдилар.

Айдилар: «Оллоҳ, ёмғир кўп ёғди. Бовужуди тош сарпўш бўлиб қолди. Йўлимиз манқатъ бўлди», деб уч кун ётдилар. Ўзлари ҳам уч тан эрдилар. Бирлари деди: — Оллоҳ, бир кун уйимга бир мардикор олиб келиб ишлаттим. Муздини бермадим. Айдим: — Эй, биродар, эртага ҳам келинг. Ул киши «Хўп» — деб, эртасига келмади. Они муздига бир товуқ олдим. Ул товуқни тухумини сотиб, бир сийир олдим. Ул сийирдан нечанд моллар қилдим. Бир куни ўтиб борсам, ул йигит гадо бўлиб юрибдур. Ул мол-сийирларни анга бердим. Агар қилган ишим даргоҳинда маъқул бўлгон бўлса, шуни ҳаққи-ҳурмати кушодлиғ бергил, деб эрди, ғорни учдан бири очилди.

Яна бирлари: «Оллоҳ, кўп вақт бурун шаҳримиз қаҳатлик бўлди — эл бесабру сомон бўлди. Уйимизга бир хушрўй хотин кирди. Қўлини тутиб эрдим, айдики: «Менга доҳил қилмағил, ҳазрат ҳақ-субҳона таоло қаҳридан қўрққил». Мен сени қаҳрингдан қўрқиб, хотинга яқинлик қилмадим. Агар ушбу қилгон ишим маъқул даргоҳи бўлгон бўлса, ани ҳурматидин кушодлиғ бергил, деб эрдик, насоқи очилди (ҳолати ўзгарди).

Яна бирлари: — Худоё худовандо, ҳар куни отамга бир кўза сув олиб бориб берур эрдим. Бир кун қаҳратон қишда туриб, сув олиб келдим. Эшик маҳкам. Отам ухлаб ётурлар. Агар эшикни очсам, уйғонурлар деб, эшикда пойлаб турдим. Совуқдан идишдаги сув яхлаб қолди. Мен ҳам азобни ўзимга кўрдим. Ани ҳурматидин кушодлиғ бергил, дедилар, ҳаммаси очилди. Булар ўз жойларига кетдилар.

Уч ўртоқнинг қиссасидан ҳисса шуки, адиб бу билан «Эй, одам, сени ғаму кулфатдан доим тўғрилиқ, ҳалоллик ва садоқат қутқаради» деб яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан, тўғрини хатодан, фойдани зиёндин ажрата олувчи, дунёдаги барча эзгуликларнинг меросхўри бўлган баркамол инсонни тарбиялаш ғоясини илгари

суради¹. Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асаригадаги ҳикоя ва ривоятларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, тўғрилиқ, ҳалоллик, инсонпарварлик, имон ва эътиқод, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, билим олиш, касб-ҳунар эгаллаб халққа хизмат қилиш каби ижобий ҳислатлар улуғланиб, текинхўрлик, очкўзлик, ёлғончилик, маиший бузуқлик каби салбий феъл-атворлар кескин қораланади. Демак, асардаги ҳикоятлар замирида кишиларда инсонпарварлик фазилатларини тарбиялашдек олижаноб мақсад ётади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, Шарқ Уйғониш даври (VIII—IX асрларда) Хоразм юксак ривожланган. Хоразмшоҳлар давлати шароитида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган. Бу юксаклик, айниқса, математика, ҳандаса, кимё, мусиқа, фалсафа, адабиёт, тарих, мантиқ, фалакиёт, жўғрофия, ҳадис, луғатшунослик, меъморчилик тасвирий санъат ва бошқа дунёвий илм соҳаларида намоён бўлди.

Маълумки, VIII—XIII асрларда ислом дини ва унинг таълимотлари асосий мафкура ҳисобланиб мактаблар, мадрасалар ва масжидларда у асосий дарс тариқасида ўрганилган ва омма орасида ташвиқот қилинган. Хива, Гурганч, Бухоро, Самарқанд, Бағдод, Ироқ, Шом, Ҳалаб, Журжон (Гурган) Хуросон, Нишопур, Басра, Куфа, Исфaxon, Ҳижоз, Макка, Марв каби шаҳарлардаги мадрасаларда таълим олган ал-Хоразмий, Абу Бакр Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Умар аз-Замахшарий, Умар ал-Чағминий, Паҳлавон Маҳмуд каби йирик уламо — фозиллар ва диний арбоблар баракали ижод қилганлар. Улар дунёвий илмларга оид асарлар яратиш билан бирга, Қуръонга тафсир ёзганлар, ҳадис илми билан ҳам шуғуланганлар ва тасаввуф (сўфизм) таълимотларини ривожлантирганлар.

Урта асрларда бутун Шарқда бўлгани сингари, Хоразмда ҳам тасаввуф таълимоти ислом дини доирасида ривожланиб, унинг Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд сингари кўплаб йирик намояндалари етишиб чиққан. Бу мутасаввуф шоир ва олимлар муридларига шариат нормаларини, қоидаларини тушунтириш ишларини олиб боришда, маърифат иш-

¹ И. Остонақулов. Қиссасул анбиё. «Еш куч» ойнамаси. 1991-йил, 3-сон.

ларини ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, тасаввуф ва унинг намояндалари тўғрисида яқин кунларгача адабиётларда нотўғри тушунчалар мавжуд бўлиб, унинг тарафдорларини «тарки дунёчилик», мавжуд дунё гўзалликларидан воз кечувчиликда айбланиб, фақат танқид қилинар эди. Зотан, тасаввуф таълимоти ва унинг намояндаларининг ғоялари маърифий-педагогик фикр тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Улар ана шу даврдаги таълим-тарбия анъаналарини ва одоб-ахлоқ қондаларини ўрганишда асосий манба бўлиб қолади.

XV—XVIII АСРЛАРДА ХОРАЗМДА МАЪРИФИЙ-ПЕДАГОГИК
ФИҚРНИНГ РИВОЖИ1- §. Ҳайдар Хоразмийнинг маърифий-дидактик
қарашлари

Ҳайдар Хоразмий XIV асрнинг охири—XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган. У тараққийпарвар мураббий ва истеъдодли шоирдир. У қардош озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси») асаридан илҳомланиб ва маълум даражада истифода қилиб шу номда ўзининг «Маҳзан ул асрор» дostonини яратди. Шунинг учун у:

Менки пишурдум бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдан олиб чошни.
Шайх Низомийда жон топиб,
Маънисидан ёлғу бурҳон топиб.
Кўптим эса ўпти элимни биллик,
Ганжфишонлик била очдим иллик,

деган эди¹.

Ҳайдар Хоразмий «Маҳзан ул-асрор» дostonида ўзининг фалсафий-дидактик ва маърифий-педагогик қарашларини ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилган мисраларда моҳирлик билан ифода этади. Уз даври фалсафий-ахлоқий ва маърифий-тарбиявий қарашларига маълум даражада ҳисса қўшган Ҳайдар Хоразмий сўзга киши тафаккурини, унинг фазилати ёки нуқсонини ифодаловчи бир тарбиявий восита деб қарайди, сўзнинг маъноси билан шаклини узвий бирликда олади ҳамда мазмундор ва завқ-шавқ бағишловчи сўзни улуғлайди, унинг қудратини таърифлаб шундай дейди:

...Улки билур сўз гуҳари қийматин,
Сўзда топар сўзлагучининг отин,
Аҳли назар шевасини сўз билур,
Нури басар мевасини кўз билур...
Умр гароимоя чу бўлғай талаф,
Сўзда керак маънию маънида завқ,
Сўз дуру, сўз дунёда қолғай халаф...
Сўзлагучида сўзи учун дарду шавқ².

¹ Қаранг: Абдуллаев Н. Ҳайдар Хоразмий ва унинг «Маҳзан ул-асрор» асари. «Фан». Тошкент, 1976, 67-бет.

² Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи» нашриёти. Т., 1976, 292—293-бетлар.

Ҳайдар Хоразмий яхши хулқ-одоб, меҳнатсеварлик, сахийлик, ростгўйлик фазилатларини улуғлайди, тарғиб қилади. У кишиларни яхши хулқ-одобга эга бўлишга, жамиятга фойда келтириш, саҳоватли, мурувватли ва ҳимматли бўлишга чақиради:

Ёрим аёқ ошки топарсен насиб,
Ярмини берки есун бир ғариб.
Меъда мамуғиким эрур душманинг,
Тўймағусидур агар ичса қонинг.
Одам атонғонга мурувват керак,
Орифу омийга футувват керак.
Сарвдек озода бўлу росткор,
Ё ўрику олма бикин мевадор.
Нафъ текур барчага ёмғир бикин,
Ё тенгсиз ўртасида жўмдур бикин.¹

Ёки:

Бўлма харидор била сахтрўй,
Қилма забунларга қаттиқ гуфтгўй.

Шоир турли йўллар билан молу дунё орттирган, бойлигидан на ўзи ва бошқалар фойда топмаган ҳимматсиз ва саҳоватсиз кишиларни танқид қилади:

Хор қилур мардни бўғузинг ғами,
Шум бўғузин бўғса узар одами,
Қимки нечук йиғди анинг тек куяр
Ортиқ усурган қусар, итлар тўяр²!

Ёки:

Бордуру бермай на едурур, не ер,
Ўзи била гўрмау элтур, не дер³.

Ҳайдар Хоразмий зулмкор, бахил ва зиқна бойдан кўра, халқпарвар ва қарамли, ҳикматли ва саҳоватли, мард кишини юқори кўяди:

Бой дегул ғар дирами бор эса,
Фақир ғанидур карими бор эса,
Элга бериб роҳат ўзи ранжкаш,
Мулкистон тождеҳу ганж бахш.

¹ Ўзбек адабиёти тарихи, I-жилд. «Фан», Тошкент, 1978, 273-бет.

² Ҳикматлар гулдастаси. Ғ. Фулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1982, 257-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. I-жилд. «Фан» Тошкент, 1978, 273-бет (Бундан кейинги шеърлар ҳам шу манбадан олинди).

Эр назаридан очилур эр кўзи,
Эр нафаси бирла юрур эр сўзи.
Сард эсанг мардлик юрагинг ушлагин,
Утган мардларнинг ишин ишлагин.

Шоир шошма-шошарлик, нонкўрлик, андишасизлик-ни қаттиқ қоралайди. Жумладан; у кишиларга панд-насихат қилиб, ўйлаб иш кўриш кераклигини, сабр-тоқатли бўлишни таъкидлайди:

Ошин ичиб, ўтини сўндирмангиз,
Суфра бошидин иясин сурмангиз.
Арпа экиб буғдой ўраман деган,
Кўрмадук ошлиқчини буғдой еган.

Мураббий шоир ҳаётини тажрибага, оқилларнинг ҳаёт йўли ва тажрибасидан ўрнак олишга ва тегишли хулоса чиқаришга, ўзининг кундалик фаолиятига танқидий қараб, хато ва нуқсонларни тугатишга алоҳида эътибор беради. Тажрибани мураббий деб ҳисоблайди:

Қимгаким иш бўлмаса пеш уфтод,
Ҳеч иши ҳеч иш била топмас кушод.
Тажрибасиз эрмудур, эй ҳамнафас,
Тажрибадир эрга мурабию бас.

Мураббий, шоир кишиларни тўғри бўлишга, ҳалол ва инсофли бўлишга ундайди,

Ростлик устинда тарозини туз,
Ростлик асбобини сақла тўкиз...
Арратек эт базл кейин-илгари,
Пеша биқин йўнма ўз-ўзунг сирри.

Тўғри бўлиш ва рост сўзлаш кишининг энг аъло сифатидир. Шоирнинг фикрича, киши ташқи қиёфаси, кийим-кечаги билан эмас, балки маънавий бойлиги, хулқи карами ва камтарлиги билан мақтовга сазовордир:

Ҳар неча тўн бўлса тўра упранур,
Упранмагон хулқу карам тўнидур.
Қилма енгиллик била кўнгулни реш,
Қим биладур хору гулу нўшу неш.
Эйки, қўярсан оёғинг йўлда чап,
Бу йўл эрур боштин оёқ булжажаб.

Шоир одоб-ахлоқ масалалари бўйича илғор фикрларни баён этиш билан бирга, ватанпарварлик ғоясини ҳам илгари суриб шундай дейди:

рийтан, кенг кўламда баҳраманд бўлмоғи лозим, деган эзгу-тилаклари унинг дунёқарашидаги халқчиллик ғоялари билан боғлиқ кўринади. Ана шундан кейин Абдурахим Ҳофиз тахаллусини қабул қилган. Бу ҳақдаги маълумотни шоир ўзининг бир ғазалида шундай ёзади:

Ҳофизни кўринг ушбу замон турк тилинда,
Гарчи кечди эса форсада ул Ҳофиз-и Шероз.

Бу мисраларни шу қадар баралла ёзишга Ҳофиз Шерозийдек шоир билан ижодий беллашишга қодир, етук санъаткоргина журъат қилиши мумкин эди. Туркий шеърятнинг Ҳофизини даъвосини қилган хоразмлик Абдурахимнинг бизгача етиб келган улкан бадийи мероси унинг шу даражадаги истеъдодидан далолат беради. Ҳофиз тахаллуси унинг девонидаги ғазаллар мақтаида мингдан ортиқ ўринда учраса-да, шоирнинг тўлиқ номи Ҳофиз Хоразмий экани эса фақат икки ўриндагина кўрсатиб ўтилган.

Вялоёту каромоту карам ўзиндин издаю,
Бўлубдур Ҳофиз-и Хоразмий жонн бирла Кирмоний.
Иноят бирла сўз бобинда ёри кўргузур бўлса,
Ошургай Ҳофиз Хоразмий шеърин фарқи шуародин.

Мазкур икки байтдаги далилларга суянган ҳолда, шоир номини Ҳофиз Хоразмий деб юритиш мақсадга мувофиқдир ва шу ном таркибидаги «Хоразмий» сўзи уни Ҳофиз Шерозийдан ажратади. Бу шоирнинг Хоразмлик эканига ишорадир.

Ҳофиз Шерозий 1389 йили вафот этганда Ҳофиз Хоразмий етук шоир бўлган. Агар Темурнинг Хоразмга юришлари даврида Ҳофиз Хоразмий Шерозга бориб қолган бўлса, деб ёзади Ҳамид Сулаймон,— у тақдирда форсигўй Ҳофиз билан туркигўй Ҳофизнинг бир-бирлари билан учрашган, танишган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Ҳар иккала Ҳофиз умрнинг кўп қисмини Шерозда ўтказганлар. Ҳофиз Шерозий билан Ҳофиз Хоразмийнинг илғор дунёқараши, фалсафий-ахлоқий ва инсонпарварлик қарашлари, ижодий-услубий ва маҳорат бобидаги муштараклик, уларнинг бир давр, бир ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий муҳитда яшаганликларидан дарак беради. Дадил айтиш мумкинки, Ҳофиз Хоразмий Шерозий анъаналарини биринчилардан бўлиб туркий шеърятга олиб кирган, айниқса ғазал жанрини мазмунан бойитган улкан санъаткордир:

Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,
Сурдум бу тавр узра Ҳофиз биқин каломе.

Шоир Шерозга боргунча, ўз асарларида таъкидлаганидек, Ироқ, Ажам, Хуросон, Форс, Исфохон, Қирмон, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Хўжанд каби жуда кўп мамлакат ва шаҳарларда бўлган. Лекин фақатгина Шероз ҳокими Иброҳим Султоннинг даргоҳидагина у дардига «даво» топади:

Боди саботак кўчдим равон Хоразмдин,
То остонин ўпгали қилдим Хуросонга ҳаво.
Дарди дилимга топмадим оламда дармон вале,
Мен хаста дилнинг дардина даргоҳидин бўлғай даво.

Ҳақиқатан ҳам шоир ҳаётининг сўнгги йиллари Эронда Султон Иброҳим ҳукмронлик қилган (1414 йилдан то 1435 йилгача) даврга тўғри келади. Шоир Султон Иброҳим даврини, унинг салтанатини бир ғазалида мадҳ этиши билан ўзини саройга яқинлигидан, ҳамда Шерозда яшаганлигидан бохабар қилади:

Гулустон юзлу эй соқий санинг ишқинг манга жондур,
Ичалим боданиким даври Иброҳим Султондур.

1435 йили Султон Иброҳим вафот этганида Ҳофиз Хоразмий, унга атаб махсус марсия ёзади. Шу марсия туфайлигина шоирни 1435 йилда ҳали ҳаёт эканини билиш мумкин. Ҳофиз яна қанча умр кўрган, қачон вафот этган ва қаерга дафн этилганлиги номаълум.

Ҳофиз Хоразмий шеърятини бугунги ўқувчи ҳам бемалол, ҳеч қандай луғатсиз тушуниши мумкин. У чет тили сўзларини, ибораларини бошқаларга нисбатан жуда кам ишлатган.

Ҳофиз Хоразмий шеърятининг фалсафий теранлиги, инсонпарвар руҳи, юксак бадиияти билан бошқа замондошлари орасида ўз даврининг илғор файласуфи, сўз санъатининг мумтоз ва етук вакили сифатида қад кўтариб туради. XIV аср охири ва XV асрлар ўртасида яшаб ўтган Ҳофиз Хоразмийга яқин даврда яшаган туркий шоирлар Ҳайдар Хоразмий, Сайид Аҳмад, Лутфий, Отойи, Гадоий, Саккокий, Яқиний, Аҳмадий, Амирий, Хўжандийлардан бизгача етиб келган адабий мерос Ҳофиз Хоразмий девони ҳажмидан камдир, деб ёзади Ҳамид Сулаймон. Бинобарин, қадимги ўзбек адабиёти ва адабий тилининг ажойиб, бебаҳо ёдгорлиги бўлмиш

Ҳофиз Хоразмий девонини ҳар ёқлама ўрганиш, шоирнинг туркий тил, адабиёти ва маданияти тараққиётига қўшган тенгсиз ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради.

Буюк шоир Ҳофиз Хоразмийнинг асарларида ахлоқ-одоб масалаларига алоҳида ўрин берилган. Дарвоқе, шоирнинг маърифий-дидактик қарашларини ўрганиш катта аҳамиятга эга бўлиб, синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий соат машғулотида, айниқса, «Одобнома» дарсларида улардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳофиз Хоразмий одамларни, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол етук инсон бўлишга чақиради, ҳатто бу фикрни шаҳзодалар, замон ҳукмдорларига ҳам дадиллик билан уқтиради:

Аҳли маъни ҳазратинда шоҳ эрмас ул киши,
Ким, эрур банди таллуқ бирла доим мубтало.
Орзу бандида бўлган бандаедур номурод,
Ҳар ким озода юрур оламда, улдур подшо.

Ҳофиз Хоразмий одамларни баркамолликка, тўғриликка, ҳалолликка ва ростгўйликка ундар экан, ҳаётда ва одамлар билан муносабатда доимо тўғри, ростгўй ва камтарин бўлишни, ҳечам эгри кишига эргашмасликни маслаҳат беради:

Рост тутуб эътиқод, пеша тавозуни қил,
Чунки эронлар қилур сайдни ўқ ё билан.

Шоир тўғрисуз ва ростгўй одамни ипакка, эгри ва товламачини эса ипак чиқиндиси — лосга ўхшатади, товламачи ва эгри қўлли одамлар жамиятнинг комил аъзолари бўлолмаслигини алоҳида таъкидлайди:

Рост била эгри қачон тенг бўлур,
Бўлмади танг ҳеч йпак бирла лос.

Шунинг учун шоир одамларни ҳар қандай шароитда ҳам ростгўй ва ҳақиқатгўй бўлишга чақиради:

Тилар бўлсанг, ҳақиқат мулки сардор бўлмақлик,
Алиф янглиғ бўла кўргил муҳаббат лавҳида якто.

Инсоннинг энг олижаноб фазилатларидан бири саҳийликдир; ўзининг саҳийлиги билан машҳур бўлган афсонавий Ҳотам Той ҳикоятига ишора қилар экан, шоир одамларни бахил бўлмасликка чақиради. Аксинча, жувонмард (саҳий) бўлишни маъқуллайди. Саҳий

бўлганлиги учун Ҳотам Той исми тирик — зиндадур,
дейди:

Бахил бўлмаю оламда, бас жувонмард ўл,
Ким ўлдию тақи зиндадур исми Ҳотами-и Той.

Шоир ўзаро аҳиллик ва иноқлик бўлса, ҳар ким-
нинг ишида қут-барақа бўлишини таъкидлаб, бировнинг
айбини кеча билиш, ёки уни авф этиш эса ҳақиқий ин-
сонийлик белгисидир, дейди:

Қатъи назар айласа кими яхши-ёмондир,
Оламда бори яхши-ёмондин кеча билгай.
Оби ҳаёт авф била ювмасанг мудом,
Ҳаргиз оқармагай эди рўйи сиёҳимиз.
Гар яхши, гар санга жон бандамиз,
Бу рост даъво нчра эрур, ҳақ гувоҳимиз.

Ҳофиз Хоразмийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари
бевосита тасаввуф фалсафаси билан боғлиқдир. Шу
нуқтаи назардан қараганда, «Ким на қилур эрса, борин
Оллоҳ қилур ва билур» дея инсон боласини яхшилик
қилишга ундар экан, ёмонлик қилган, яъни нопок йўл-
га кирган одам оқибатда шармисор бўлади, яхши киши-
лар эса Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўладилар,
деган ғояни илгари суради:

Ямонлик айламаю, яхшиликка толиб бўл,
Ямонлик айлаган охирида шармисор бўлур.
Евуқ ёмон била бўлма қарор-и айш қилиб,
Соғинчи яхши кишилар йириқ қарор бўлур.
Кишиким ўзини йўқ соғиниб, бўлур яхши,
Худой ҳазратида ул кишига бор бўлур.

Шоир яхши фазилатли кишини садафдаги дурга, ме-
вали дарахтга ўхшатиб, одамлар ундан баҳраманд бў-
лади, дейди:

Садаф чу... файз бўлса, абри найсондин,
Ўзунгни ошиқ-и орифга боғла, эй Ҳофиз,
Дарахт чунки топар васл мевадор бўлур.

Ҳофиз Хоразмий ҳалоллик ва поклик масаласига
алоҳида тўхталиб, уни инсоннинг бахт-саодатга эришиш
манбаи сифатида талқин этади.

Кечаси ушбу фоний дунё учун,
Тутма ўзунгни бир замон ғамнок.

Пок тутғил кўнгулни дунёдин,
Ойна узра хуш эмас хашок.
Поклик ёнина бўлур мойил,
Асли жавҳарда ҳарқи тушди пок.

Шоир инсон, дин ва шариат қондаларига тўлиқ амал қилган ҳолда ўз мажбуриятларини бажариши шарт эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Қиёматга текин ўлтур тесалар,
Ижозатсиз муродинг бирла қолма.
Тилар бўлсанг муроди дини дунё
Бу куннинг ишини тонгдага солма.

Шоирнинг фикрича, инсон ўзининг мусўлмонлик бурчларини фақат поклик ила дарси илоҳийдан ато этилган шариат илмини эгаллаш орқалигина бажо келтириши мумкин:

Агар дарси илоҳийдан бу сўзлар келмаса ҳар дам,
Қачон билгай эдинг, Ҳофиз мударрисдин сабоқ бирла.

Ҳофиз Хоразмий мардликни инсоннинг энг юксак фазилатларидан бири, деб ҳисоблайди. Мард одам барчага тавозеда — ҳурматда бўлади, деб шоир кишилардаги мардлик фазилатини худди мевали дарахтнинг эгилиб турган шохига ўхшатади:

Айлагил доим тавозуъ яхши от истар эсанг,
Ким тавозуъ пеша қилганлар бўлурдур номдор.
Марди маъно ул эрур қилса тавозуъ барчага,
Чунки сафарканда бўлур шохеки, бўлур мевадор.

Мард ва баркамол киши, шоирнинг назарида, чидамлилик, юмшоқ феъллик, руҳан тетиклик, вазминлик, ўз ҳаётида қадр-қимматини билиш, меҳр-шафқатлилик, сабот-матонатлилик, камтаринлик фазилатларини эгаллаган бўлиши керак. Инсон ҳақиқий бахт-саодатга ана шу ахлоқий хусусиятларни ва малакаларни эгаллаган тақдирдагина эришади:

Издар эрсанг аҳли иззат, бўлсанг, эй ёр, азиз,
Сидқ бирла кўргузакўр барчага меҳру вафо,
Дам-бадам бир хаста дилни зулм ила озор агар,
Айласанг, топмағайсан кўнглингда бир зарра сафо.
Ушбу сўзумга гувоҳи ҳақ қиласанг ҳолиё,
Оҳ ила ойнанинг ҳоли равшан гуво.
...Подшоҳи аср бўлсанг ҳам такаббур қилмағил,
Оқибат чун тупроқ ичра танг бўлур шоҳу гадо.

Сабр-қаноатли бўлиш, шоирнинг тасаввурича, киши-

ни ҳар қандай тубанлик, нокаслик, разиллик ва бошқа ярамас иллатлардан халос қилади:

Тешайи сабру қаноат бирла бўлиб кунжков,
Ганжи топсанг тақи қайда бўлур ул морсиз.
Гулистонинг ичра булбул юз туман зорий қилиб,
Изладно топмади умринда гулни хорсиз.

Шоир сабр-қаноат тўғрисида гапирганда, бировдан тамаъ қилмиш ярамас ва тубан одат эканлигини таъкидлайди:

Тамаъ тугма кишидин ёрий Ҳофиз,
Чун ушбу одам ичра ёр йўқдур.

Шоир ўз асарларида яхши хулқли, меҳр-оқибатли ва мард кишини худди туғишгандек кўришни, аммо ёмон ниятли, нокас кишилардан узоқроқ юришни ёшларга маслаҳат беради:

Нокас киши ҳеч маҳрами жон бўлмас,
Шўра ер уза боғу гулистон бўлмас.
Қилма ҳар нокас била тенг-туш мани,
Асл дилбарлики бил, айёр бўл.
Ҳар кишининг қадри ҳолни билиб,
Ошиқ авламоқ сан даркор бўл.

Шоир дуч келган киши билан дўст бўлавермаслик лозимлигини, нокас душманга ҳамроҳ бўлган нодон кишидан эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтириб, бўри билан дўстлашган ит қўй-қўзини ҳечам асрамайди, дейди:

Дўстлик қилма ул киши билаким,
Бўлди душманга маҳрами асрор.
Дўстким, бўлди дўст душманга,
Меҳрибон бўлмоқи эрур душвор.
Қўзини қайда сақласун итким,
Бўлди ёзида бўри бирла ёр.

Ҳофиз Хоразмий садоқатни ҳақиқий дўстлик, инсонийлик, ўзаро ҳурмат белгиси сифатида талқин этади. Унинг айтишига қараганда, баъзилар садоқатли дўстлик ниқоби остида тубан ва ярамас ишлар билан шуғулланадилар. Фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб, «ўзи йўқнинг кўзи йўқ» қабалида иш тутади ва дўстига панд бериш пайида бўлади:

Ман дўстлиқ ичра санга жонни берур эркан,
Сан дўстлиқ этмадингу бўлдунг манга душман.

Шоир сўзни кишининг ақлий фаолияти билан боғ-

лайди. Кишининг маъноли гапидан унинг ақлини, зеҳни ўткирлигини, одоб-ахлоқини билиб олса бўлади, дейди.

Либосу суврати сўздин мурод ул зоти маънодур,
Каракса бўлсун ул сўз туркию, ибрию, сурёний.
Ширин сўз эрур ушбуки терсан сўз айтсам,
Сўз сўзламакка боре айтқил даҳан қани?

Айни бир вақтда Ҳофиз Хоразмий сўз санъати билан мусиқа оҳанглари уйғунлиги ва жарангдорлиги ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради:

Рубобу уд, наю чанг сўзларин эшит,
Кўнгулда бор эса завқинг аҳли роз била.

Шоир тўғридан-тўғри замон ҳукмдорларига, амалдорларга, шаҳзодаларга мурожаат қилиб, агар сенга халқдан жафо етса ҳам хафа бўлма, мабодо халқнинг тинчлигини, мамлакат фаровонлигини ўйласанг, ҳечам халқ ғазабини қўзғама, деб панд-насиҳат қилади:

Халқдин не жафо санга тегса,
Ориф эрсанг кўнгулни танг этма.
Оҳутак бўлмоқ издасанг мушкин,
Кибр ила ўзунгни паланг этма.

Шоир жамиятда ҳар бир кишининг тутган ўрнига тўхталаркан, у инсондан ҳаётда ёдгорлик сифатида яхши ном қолгани маъқул, дейди. Унингча, тирикликда хайрли ишларни қилиб, ном чиқарган кишининг хотираси абадийдир:

Оқибат чун жаҳонда қолмасмиз,
Яхши улдулки, яхши қолса ном.

Шоир ёшлик фурсатини бой бермасдан болаларга илму ҳунар ўрганишни маслаҳат беради. Уларга қарата ҳунарсизлар ҳаёти маъносиздир дейди:

Киргали Ҳофиз майдони маоний ичра,
Беҳунарларга бу маъно била майдон бермас.

Ҳофиз Хоразмийнинг инсоний фазилатлар хусусидаги пурмаъно сўзлари ҳозирги кунда ҳам ёшларимизни яхшиликка ва хайрли ишлар қилишга ундаши шубҳасиздир.

3-§. Абулғози Баҳодирхон асарлари илмий-педагогик манба сифатида

Бинни Оқатойхон бинни Ҳожимуҳаммад бинни Арабмуҳаммад Абулғози Хоразмий (1603—1664) ҳам олим, тарихнавис, адиб, тилшунос, шойр ва давлат арбоби сифатида жаҳон илм-фани, айниқса ўзбек халқи маданиятига беҳад катта ҳисса қўшганлардан биридир.

Абулғози Баҳодирхон Хоразм ҳукмдори Арабмуҳаммадхон (1602—1623) нинг тўртинчи ўғли эди. У ёшлигидан ўз отаси номи билан аталгувчи Арабмуҳаммад мадрасасида замонасининг энг билимдон мударрисларидан, олиму фузалоларидан таълим олди. Абулғози ўз ака-укалари ўртасида ўта зеҳнли, қобилиятли бўлган. Мунис Хоразмий таъбирича, «Бағоят ашъорфаҳм ва тарихдон» бўлиб етишди. Абулғози «Шажараи турк» асарида ўзи ҳақида шундай деб ёзади: «Бу фақирға,— худойи таоло иноят қилиб кўп нимарса берган турур. Хусусан уч ҳунар берган турур. Аввал сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсуниким нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвға ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ. Дўстға, душманға нечук сўзлашмоқ. Иккинчи маснавийёт ва қасоид ва ғазалиёт ва муқаттаъот ва рубойёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, одам аҳдиндин, то бу дамғача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва уларнинг ва салтанатларининг кам ёки зиёдин билмаклик»¹.

Абулғозининг ёшлик йиллари зиддиятларга, оху фиғонларга лиммо-лим бўлган мураккаб шароитга тўғри келди. У олти ёшида онасидан, (Меҳинбону хоним Едгорхон авлоди бўлмиш Жонғози Султоннинг қизи эди) етим қолди. Ун уч ёшидан тож-тахт учун бошланган ўзаро курашлар гирдобига тушди. 1616 йили оналари Ҳабаш Султон билан Элбарс Султон, найман ва уйғур қабилаларининг бошлиқларига таяниб (оналари найман қабиласига мансуб эди), отасига қарши исён кўтардилар. Ушанда Арабмуҳаммадхон, одатда ота-бола орасида бўлиб турадиган ҳодисаларни андиша қилиб, исёнкор ўғилларига Вазир шаҳрини (Устюрт, Кўҳна Гурганчдан 60 чақирим нарироқда, XV асрда ўзбек хон-

¹ Абулғози. «Шажараи турк», Тошкент. «Чўлпон», 1992, 3-бет.

ларидан Мустафохон қурдирган) ҳам қўшиб берди. Орадан беш йил ўтар-ўтмас оралари бузилиб, низо урушга айланди. 1621 йилда Тошли Ёрмиш қудуғи ёнида икки орада: бир тарафда Арабмуҳаммадхон тўнғич ўғли Исфандиёр султон ва Абулғози султон билан, иккинчи томонда Ҳабаш султон билан Элбарс султон орасида уруш бўлди. Оқибатда Арабмуҳаммадхон, Исфандиёр султон ва Абулғози султонлар мағлубиятга учрадилар. Асир олинган хоннинг кўзларига мил тортилди ва Хивага олиб желтирилиб қамаб қўйилди. Кўп ўтмай у шу ерда қатл этилди.

Урушдан кейин Абулғози аввал Катга, сўнгра Бухорога, Имомқулихон (1611—1642) ҳузурига қочиб борди. Хоннинг бошқа ўғиллари: Исфандиёр султон, Шариф Муҳаммад султон ва Хоразмшоҳ султон Ҳазораспга бордилар ва унинг мустаҳкам қалъасига яшириндилар. Ҳабаш билан Элбарс қирқ кунлик қамалдан кейин оғаси Исфандиёр, инилари Шариф Муҳаммад султонга Катни инъом қилди. Хоразмшоҳ султон (у ўша чоғда ўн икки ёшда эди) билан Афғон султонни (ўн ёшда эди) Хивага жўнатди.

Лекин Исфандиёр султон Маккага бормади, у тўғри Исфохонга, шоҳ Аббос I (1587—1629) ҳузурига борди ва унинг ёрдами билан 1623 йили Хива тахтини эгаллади. Абулғози бундан хабар топиб, ўша йилиёқ Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёрхон унга Урганчи берди. Лекин орадан тўрт йил ўтиб, 1627 йили хон билан оралари бузилиб, Абулғозихон Туркистонга Эшимхон (1629 йили вафот этган) ҳузурига қочиб борди. Кўп ўтмай уни Турсунхон Тошкентга олиб кетди. У Тошкентда икки йил истиқомат қилди ва Турсунхоннинг ўлиmidан кейин, яна Бухорога, Имомқулихон ҳузурига қўл қовуштириб борди. Лекин бу гал у Бухорода кўпга қолмади. Уша йили хондан норози бўлган хивалик туркманларнинг чақириги билан яна Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёр (ўша вақтда Ҳазораспда турарди) икки ой давом этган борди-келдидан кейин унга Хивани топширишга мажбур бўлди. Лекин пайт пойлаб юрди. Орадан олти ой ўтгач, Исфандиёр уни ўша вақтларда Эрон подшоси тасарруфига тушиб қолган Нисо билан Дарунга (Ашхобод билан Қизиларват ўртасида жойлашган манзилгоҳ) босқин қилишда айблаб ҳибсга олди ва Эрон шоҳи Сафиъ I (1627—1642) ҳузурига омонат тарзида жўнатиб юборди.

Абулғози Эронда қарийб 10 йил (1630—1639) махсус назоратчилар қўли остида Исфажонга яқин жойлашган Табораҳ қалъасида тирикчилик ўтказди. 1639 йили, ёз кунларидан бирида у тутқунликдан қочиб қутулишга муваффақ бўлди. Кўп тараддуд ва машаққатлар чекиб, икки ярим йил деганда, 1642 йили Орол ўзбеклари орасига келиб тушди. Ороллик ўзбеклар 1643 йили Абулғозини хон қилиб кўтардилар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили, у кўпчилик рақибларини енгиб, Хоразм тахтини эгаллашга муваффақ бўлди¹.

Абулғозихон йигирма (1644—1664) йил давомида тарқоқ ҳолатга келиб қолган Хоразм давлатини мустақил ва марказлашган давлатга айлантиришга эришди. Масалан, 1665—1666 йиллари ўлкага вақти-вақти билан талончилик қилиб турган ёйиқлик (Урал) ўрис қозоқлари, қалмоқлари ва қозоқ кўчманчилари билан курашди. 1655—1664 йиллари эса Бухоро устига юриш қилди. Ниҳоят, у мамлакатни иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустақамлади. Шу муносабат билан Ҳ. Ҳудойназаров шундай деб ёзади: «у ўз шон-шуҳратини қайта тиклаш, парчаланиб кетаётган хонликни кучли феодал давлат тарзида марказлаштириш йўлида ҳам қурол, ҳам қалам билан кураш олиб борган ҳукмдор эди. Абулғози барча шарқ ҳукмдорлари каби Шарқ халқлари тарихини, маданий меросини ўрганган, илм-фанга эътиқод қўйган, мамлакатда осойишталик ўрнатишга ҳаракат қилган ҳукмдор, олим, тарихчи ва адиб эди»².

Абулғози Хоразмда илм-фанни тараққий эттириш ва маданиятни яхшилаш мақсадида ўз саройига илғор фикрли олиму уламолар, шоиру бастакорлар, меъмор унаққошлар, табиблар, тарихнавислар, адиблар, ҳаттолар ва бошқа касб эгаларини тўплади. Шунингдек, у Хива, Орол ва Вазир шаҳарларида бир қанча бинолар, Шоҳобод, Ғозибод каналларини, масжидлар, тураржойлар қурдирган, ободончилик, деҳқончилик ишларига алоҳида эътибор берган. Унинг бевосита раҳбарлигидаги лойиҳа асосида Хива қалъаси ичида ерости оқва сувидан фойдаланиб, бекик канализация тармоғи бунёд қилинди. У Хивада отаси Арабмуҳаммадхон хоти-

¹ Қаранг: Аҳмедов Б. Абулғозихон ва унинг «Шажараи турк» асари ҳақида икки оғиз сўз. Абулғози. «Шажараи турк». Тошкент. «Чўлпон». 1992, 3—4-бетлар.

² Ҳудойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. «Ўзбекистон», Т., 1994, 6-бет.

расита ҳашаматли улкан мадраса қурдирди. Баъзи маълумотларга қараганда, Абулғози бироз муддат шу мадрасада талабаларга дарс ҳам берган.

Абулғози Бухорода, Тошкентда ҳамда Эронда бўлган чоғларида кўпинча илғор фикрли олимларнинг тарихий асарлари билан танишди. Бу ҳол Абулғозида илмий дунёқарашининг шаклланишида ва унинг кейинчалик ўз замонасининг маърифатпарвар кишиларидан бўлиб етишишида катта рол ўйнайди. У Шарафуддин Али Яздий (1454 йили вафот этган) нинг «Зафарнома», эронлик машҳур тарихчи Рашиддин (1247—1318) нинг «Жомеъ ут-таварих» («Тарихлар мажмуаси») Биноийнинг «Шайбонийнома», Мирхонднинг «Равзотус — сафо», Бобурнинг «Бобурнома», Ҳофиз таниш Бухорийнинг «Абдулланнома», Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарлари, Хондамир, Зайниддин Восифий, Абдураззоқ Самарқандий, Жуваний, Ибн Арабшоҳ каби муаррихларнинг китобларини ўқиб чиққанлигини қайд қилади: «Эрон билан Туронда ўтган Чингизхон ўғилларининг оталарини айтилган тарихлардан ушбу замон фақирнинг (Абулғози) олдинда ўн саккиз мужаллид ҳозир турар»¹.

Абулғози ўз даврига қадар Хоразмга оид дурустроқ бир тарих китоби бўлмаганлиги учун XVI—XVII асрлар воқеаларига бағишланган тарихий китобга эҳтиёж сезади. Ана шундай ниятда у катта иштиёқ билан «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи» 1661 й.) ва «Шажараи турк» («Турк сулоласи тарихи», 1664 й.) каби нодир асарлар ёзди ва Хоразм тарихнавислик мактабига асос солди. Абулғози яратган тарихнавислик мактабини Мунис, Огаҳий, Баёнийлар давом эттирдилар.

Абулғози «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи») асарида туркий қабилаларнинг, хусусан, туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Асарда барча туркий халқларнинг афсонавий подшоҳи Уғузхон ва унинг авлоди, тарихи, шунингдек, туркман уруғлари (солур, бояндур, така, ёвмут, тевачи, ҳизр эли, сариқ, Али эли, ёзир, эрсори ва бошқаларнинг) келиб чиқиши қисқа тарзда баён этилган. Бу асарда туркман халқи яратган кўпгина ривоят ва ҳикоятлар, хусусан, афсонавий ўғуз-туркман, Дада

¹ Абулғози. «Шажараи турк». Т., 1992, 4-бет.

Қўрқут ҳақидаги эртақ ва афсоналар, шеърлар ўрин олган.

«Шажараи тарокима» 1893 йилда А. Г. Туманский томонидан русчага таржима қилинади. Кейинроқ эса бу асарнинг тўлиқ таржимаси А. Н. Кононов томонидан амалга оширилади. Асар тили, услуби фонетик, морфологик, синтактик жиҳатдан чуқур таҳлил этилиб, изоҳлар ҳам берилади. Академик А. Н. Кононов шундай дейди: «Шажараи тарокима» асари фақатгина тарихий манба бўлиб қолмасдан, балки адабий ёдгорлик сифатида ҳам аҳамиятли бўлган, чунки унда халқ афсоналари, халқ этимологияси, этноми, мақол ва маталлари, масаллари моҳирона тасвирланган»¹.

Абулғози ҳақиқатан ҳам ўзининг бу асарини омма тушуниб етадиган содда ва оммабоп услубда ёзишга алоҳида эътибор берган. Муаллифнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «Барча билингим, биздан бурун туркий тарих айтқонлар арабий луғатларни қўшиб турурлар ва форсийни ҳам қўшиб турурлар ва туркийни ҳам сажъ қилиб турурлар. Ўзларининг ҳунарлари ва устозликларини халққа маълум қилмоқ учун. Биз мунарнинг ҳеч қайсисини қилмадик, анинг учунки бу китобни ўқувчи ва тинглаувчи албатта турк бўлғуси турур: бас, туркларга туркона айтмоқ керакки, то уларнинг барчаси фаҳм қилғайлар»².

Абулғозийнинг фикрлари, унинг «туркона айтмоққа» ҳаракат қилиши тарихий — мемуар асари «Шажараи турк»да ҳам ўз ифодасини топган. «Шажараи турк»ни... «Туркий билан айтдум. Туркийни ҳам андоқ айтубманким, беш ёшли ўғлон тушунур», дейди.

Қизиғи шундаки, Абулғози «Шажараи турк» асарида ўз ота-боболарининг шажарасини, ҳукмдорларнинг силсиласини тарихий воқеалар ва жўпича, афсона ва ривоятлар орқали қизиқарли ва ихчам ёритади. Табиат манзараларини, жанг лавҳаларини, қилич товуши, отнинг дукурлаши ва кишиларнинг ҳайқиришини жонли лавҳаларда тасвирлаб, у ора-орада ўз саргузаштларини ҳам қистириб ўтади. Бу хусусиятлар «Шажараи турк»ни эсдаликлар йўсинидаги тарихий-бадий мемуар асарларга, жумладан, «Бобурнома»га яқинлаштиради. Шу билан бирга, Абулғози кишиларнинг хулқ-

¹ Кононов А. Н. Родославная туркмен. М.—Л., 1958, 23-бет.

² Турсунов У., Уринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. Т. «Ўқитувчи», 1982, 97-бет.

атворини тасвирлаганда «Тўранинг давлатли бўлури-нинг нишонаси ул турурким, навкарга меҳрибон бўлур ва бадавлатнинг нишонаси қариндошига меҳрибон бўлур», «ул вақтда ажал келиб, яқосиндин тутуб отасининг қатиға олиб кетди» (жонлантириш), «юлдуздай бўлуб қаравуллар» (ўхшатиш), «ул халқни кўруб димоғиндин дудлар чиқиб буюрди» (Муболаға), «хоннинг тошдай қаттиқ кўнгли мумдай юмшоқ бўлди», «Отангнинг ичи қозоннинг тубидин ҳам қорароқ турур», «Қор улуг тушди, бора-бора отлари арриқ бўлди», «Туркман милтиқ отмасидай, ерга келиб тушди», «ўзбекнинг ола йилқили, олтин ўчоқли ва эл бўлур эрмиш дегани бу турур» (сифатдошлар), «ҳар оёғим ўн ботмон бўлди», «ул ерда кўп дарахтлар пайдо бўлдики, ўқ урса ўтмас эди», «ариқнинг кенглиги отқон ўқ ўтмасдай бўлди» каби ҳикматли сўзлар ва ибораларни ишлатадики, буларнинг барчаси асарнинг бадий ва маърифий-илмий қимматини оширади.

1664 йили Абулғозихон оғир дардга чалиниб ётиб қолди, тожу тахтни эса ўғли Анушахонга (1664—1687) топширди. У 1664 йили вафот этди.

«Шажараи турк» Абулғозихоннинг вафоти сабабли тугалланмай қолди. Асар 9-бобининг давоми, яъни 1644—1663 йиллар воқеалари Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий деган уламо тарафидан ёзилган. Бу ҳақда асарда мана бу қайд бор: «Маълум бўлсинки, Абулғозихони жаннат макон, бу китобни тасниф қилиб ярмига етганда хаста бўлдилар, ўғилларига васият қилиб турарларким, бу китобни нотаом қилманг, итмомига саъй (ҳаракат) қилинг. Ул сабабдан Абулмузаффар валмансур Анушахон марҳум ва мағфурий, бу бандайи бибизоат ва каминайи беиститоат Маҳмудий ибн мулла Муҳаммад замон Урганжий бўлғайман, «бу китобни итмомига еткур», деб ҳукм қилдилар»¹.

«Шажараи турк»нинг ёзилиш сабаблари ҳақида муаллифнинг ўзи муқаддимада шундай ёзади: «Аммо бизнинг акаларимизнинг бепарволики ва Хоразм халқининг бевуқуфлиқи, бу икки сабабдан, бизнинг жамоатимизни Абдуллахоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилиған еридан то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига

¹ Абулғози. «Шажараи турк». Т., 1992, 6-бет.

таклиф қилади деб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадуқ. Зарур бўлди. Ул сабабдан ўзимиз айтдуқ. Туркнинг масали турур: «Ўксук ўз киндигини ўзи кесар», теган.

«Ҳеч подшоҳ ва амир ва ҳеч ҳақим ва донишманд ўз тарихини ўзи айтган эрмас турур. Бизнинг юртимизнинг ҳавосиндин ва аҳли Хоразмнинг бибизотлигидин ҳеч замонда бўлмаган иш бўлди»¹.

Демак, «Шажараи турк асари» ёзилиш сабабларини ўзида ақс эттирган қисқагина муқаддима ва тўққиз бобдан иборатдир. I бобда Одам Атодан то Мўғулхонгача, II бобда Мўғулхондан Чингизхонгача, III бобда Чингизхоннинг туғилишидан то вафотигача, IV бобда Чингизхоннинг учинчи ўғли Угадай Қоон ва унинг Мўғулистонда ҳукмронлик қилган авлоди, V бобда Чигатойхон ва унинг Мовароуннаҳрда подшолик қилган ворислари, VI бобда элхонийлар, VII бобда Жўжихон ва унинг Дашти Қипчоқда подшолик қилган авлоди, VIII бобда Жўжихоннинг ўғли Шайбонийхоннинг авлодидан Мовароуннаҳр, Қрим, Қозоқ ва Туронда хон бўлганларнинг зикри ҳамда Жўжихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темурнинг наслидан Қрим, Қозоқ ва Мовароуннаҳрда подшолик қилганлар, IX бобда эса Шайбонийхон авлодидан Хоразмда подшолик қилган авлоди ҳукмронлиги йилларида (1511 йилдан бошлаб) юқорида таъкидлаб ўтилган мамлакатларда содир бўлган тарихий ижтимоий-иқтисодий воқеалар қисқача баён этилган.

«Шажараи турк» ҳажман у қадар катта бўлмасанда тарихий воқеаларнинг баёни билан илмий қимматга эгадир. Асарнинг V боби, яъни Мовароуннаҳр ва Қашғарда Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой ва авлодларининг подшолиги баёни муҳимдир. Асарда ёзилишича, Чигатойхон дипломат, оқил, доно подшоҳ бўлган. Чингизхон унга Мовароуннаҳрни, Хоразмнинг баъзи ерларини, Қашғар, Бадахшон, Балх, Ғазнадан то синд сувигача бўлган ерларни берган. Асарда Чингизхондан то Илёсхўжагача бўлиб ўтган ҳокимлар санаб ўтилади. Манбада 1365 йили, бир томондан, Илёсхўжа (Мовароуннаҳр ҳокими), иккинчи томондан Амир Темур ва Амир Ҳусайн (Балх ҳокими) ўртасидаги жанг ва унинг оқибатлари, Амир Темур даврида Суюрғатмиш ва унинг ўғли Маҳмуд Султонни номигагина хон қилиб кўтарилганлиги ифодаланган. Қитобда тарихий воқеалар тафси-

¹ Абулғози. «Шажараи турк», Т., 1992, 11-бет.

лотига жуда катта ўрин берилган. Манбада Мўғулистон хони Тўқлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга ҳужуми оқибатида халқнинг хонавайрон бўлганлиги, хоннинг Мовароуннаҳрда бир йил туриб, ўғли Илёсхўжани у ерга ҳоким қилиб, ўзи Қашғарга қайтиб кетиши тарихи баён этилган. Воқеалар тавсифини давом эттириб, муаллиф Илёсхўжа билан Амир Темур ва Амир Хусайн ўртасидаги жанг ҳақида, орадан кўп вақт ўтмай Амир Темур билан Амир Хусайн ўртасидаги Балхда бўлиб ўтган жанг натижасида Амир Темурнинг муваффақият қозониши тўғрисида ҳикоя этади. Амир Темур ўз ҳокимлиги даврида Суюрғатмиш (1370—1388) ва унинг ўғли Маҳмуд Султонни (1388—1402) хон қилиб кўтаради. Аммо бу хонлар номигагина хон эдилар. Ҳар иккала хон ҳам сиёсий ишларга ва Темур берган фармойишларга аралашмасдилар. Шунинг учун муаллиф ёзади. «Қозон Султонхондан сўнг айтилган хонларнинг оти хон эрди ва бас, ҳеч ишга ихтиёри йўқ эрди... Маънода ўзи хон эрди»¹.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, Темур чингизийлар авлодига мансуб бўлмаганлиги учун ўзини хон деб атамади, у амирлик унвонини олди ва унга «Кўрагон» деган лақабни қўшиб қўйди.

Манбаларда ёзилишича, 1470 йили Амир Темур билан Амир Хусайн ўртасидаги жанг натижасида Амир Хусайн қатл этилгач, Темур унинг тул қолган хотини Сароймулкхонимни (Қозоннинг қизи) ўз никоҳига олди. Шундан бошлаб Темурнинг номига «Кўрагон» ёки «Гўрагон» (мўғулча «хон куёви») деган фахрли лақаб қўшиб айтилган.

«Шажараи турк»нинг 9-бобида XVI—XVII асрларда Бухоро билан Хива ўртасидаги сиёсий муносабатларга бағишланган воқеалар тафсилоти алоҳида эътиборга моликдир. Асарда таъкидлаб ўтилишича, Мовароуннаҳр шайбонийлари, яъни Бухородан Убайдуллахон, Тошкентдан Бароқхон, Самарқанддан Жувонмард Алихон, Ҳисордан Ҳамза Маҳдий султоннинг набиралари Хоразмдаги кучайиб бораётган ўзаро келишмовчиликлардан фойдаланиб, 1532—1533 йилларда Хоразмга бостириб кириб борадилар. Бу вақтда Хоразмда Элбарснинг бешинчи вориси Аваниш хонлик қилиб турарди. Бу жангда Аванишхон тутиб олиб ўлдирилади.

¹ Абулғози. «Шажараи турк» Т., 1992, 95—96- беглар.

Муаллиф Хоразм ерларини босиб олиб, шайбонийлар ўртасида тақсимлаш тарихини қуйидагича ёзади: «Урганчни Убайдхон Абдулазиз отлиғ ўғлига берди. Ул Урганжда туриб қолди... Узбекнинг уруқларин санади. Тақриб тўрт бўлди. Бир бўлагини Убайдхон, бирини Хисор тўралари, бирини Самарқанд тўралари ва бирини Тошкент тўралари олди. Тақриб ҳар қайсиси ўз элига киши қўюб, суруб қайтиб кетди»¹.

Демак, Убайдуллахоннинг ўғли Абулазиз отасининг ноиб тарихида Хоразм тахтига ўтказилади. Хоразмдаги ўзбек қабилаларининг кўплари Мовароуннаҳрда қўчиб келтирилади. Аванишхоннинг ўлмай қолган қариндош-уруғлари Дурунга, яъни ўша оиланинг вакили бўлган Динмуҳаммад ҳузурига қочиб бордилар. Ордан кўп вақт ўтмай, Динмуҳаммад ўзининг икки минг лашкарларига ва туркманларнинг атоқли қабиласидан ёрдамга келган минг кишидан иборат қўшинига суяниб Хоразмга бостириб киради, аввал Хивани қўлга киритадилар ва Мовароуннаҳр шайбонийларининг бу ердаги доруғасини (ҳокимини) ўлдирадилар. Ҳазораспнинг доруғаси эса қочиб кетишга улгуради. Бу воқеалардан хабардор бўлган Абулазиз Урганчни ташлаб Бухорога қочиб кетади. Убайдуллахон ор-номусга чидай олмай Хоразм устига қўшин юборади, аммо улар Динмуҳаммад қўшинлари томонидан тор-мор келтирилади...

«Шажаран турк» асари Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ахволига ва маданиятига оид муҳим маълумотлари билан диққатга сазовордир. Асарда Хоразмнинг ўша вақтларда обод бўлганлиги, Амударё ўзанининг ўзгарган вақти ва унинг оқибатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. «Ул вақтда, — деб ёзади Абулғози, — Урганчдан Абулхон бормоқ — бу овулдин у овулға боргантек эрди. Анинг учун Аму суви Урганчнинг қалъасининг тубидан ўтуб Абулхон тоғининг кун тугушига бориб, тоғнинг тубина тегиб, қибла тарафиндин ўргулиб, кун ботишга боруб, андин ўтуб ўғурча бориб Мозандарон тенгизина қуяр эрди».

Хоразм у даврларда жуда ҳам обод бўлган, бу ҳақда асарда қуйидагича ёзилган: «Тақриб улким, Аму дарёсининг икки тарафи то ўғурча борғунча, экинлик ва юзум боғи ва дарахтистон эрди. Баланд ерларга чиқир (чиғир) қурашлар эрди. Молни халқ қўқанун ва чибин вақтида бир-икки манзил йироқроқ қудуқларга кетар-

¹ Абулғози. «Шажаран турк» I т. 1992, 134-бет.

лар эрди. Чибин ётқандин сўнг сувнинг яқасига келурлар эрди. Ободонлиқ ва маъмурлиқнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди».

Мисолдан Амударё қадимги даврларда Каспий денгизига қуйилганлиги маълум бўлади. Манбаларда Амударё ўз ўзанини ўзгартириб, Сарикамиш пастлигига қуйиладиган бўлди, дейлади. «Шажараи турк» муаллифи бу воқеа содир бўлган вақт ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берган.

«Шажараи турк»даги этнографик маълумотлар, яъни турк-мўғул қабилалари, қabila номларининг маъноси ҳақидаги, ўзбеклар, туркман гуруҳлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар бугунги ўқувчи учун бой билим хазинасидир.

Олим китобда Дашти Қипчоқда Ўзбекхоннинг хонлик давридан сўнг «барча Жўжи элини ўзбек эли тедилар» деган фикрга келган. Ўзбеклар кимлар ва улар қачон пайдо бўлган деган савол атрофида тарихчилар орасида анча вақтларгача мунозаралар мавжуд эди. Бу саволларга аниқ ва ҳақиқатга яқин жавобни таъкилли олим Б. Аҳмедов «Кўчманчи ўзбеклар давлати» китобида берган десак, тўғри бўлади.

«Шажараи турк» асарининг фазилатлари гоёт кўп. Унинг ҳатто жўғрофий маълумотларга ҳам бойлиги фикримизнинг бир исботидир. «Шажараи турк»да этнографик ва жўғрофий маълумотларгина эмас, балки исмларнинг маъноларигача берилган бўлиб, унда Ўғузхоннинг йигирма тўрт неваралари исмларининг маънолари зикр этилган.

Биз Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» тарихий-бадий мемуар асарининг илмий қиммати тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, яна бир хусусияти, яъни илмий-педагогик аҳамияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик. Олим бу асарида одоб-ахлоққа оид маърифий-дидактик гоёларни ҳам илгари суради. Абулғози жамиятдаги кишиларни икки гуруҳга ажратади. Бир томонда яхши, одобли, камтар, илмни севувчи, халқ учун хизмат қилувчи кишилар, иккинчи ёқда эса худбин, ахлоқий бузуқ, бойликка ҳирс қўйган, «ўз бошина ва барча юрт бошина ортиқ жафолар келтирган» амалпараст кишилар. Ана шу қарама-қарши гуруҳларга муносабатда, уларни баҳолашда Абулғозининг ахлоқий-таълимий қарашлари аён бўлади. Бу жиҳатдан унинг Хабаш султон билан Элбарс султоннинг феъл-атвори-

га берган таърифи диққатга сазовордир: «Шоҳлик шаробидин маст бўлган нодонлар».

Айниқса, Абулғозининг қуйидаги тасвирида Пўлод султоннинг ярамас одатлари, тентак қилиқлари, ақлсиз, ғайратсиз ва ахлоқсизлиги ғоятда жонли ва тушунарли тил билан баён этилган: «Пўлод султон ақлсиз, ғайратсиз, тентак эрди. Биз кичик эрканда ондин кўп нимарса нақл қилур эдилар. Анинг икки одати бор эди. Таҳи бир: «икки кичик» бармоғини юмуб, ўрта бармоғини бош бармоғининг устинда қўйиб, икки кичик бармоғини уруб, ширқ-ширқ қилиб овоз чиқарад эрди, нечужким масхаралар, маъракатирлар кулурлар. Икки қўлини шундоқ қилиб, «Шилиқру!»— дер эди. Ҳар қилғон сайин, «шилиқру!»— дер эди. Бир карат сўрдиким:

— Хуросонга карвон кетатурғон борму?— деб.

— Карвон туна кун кетди,— дедилар. Бир кишига ҳукм этди:

— Бор, тақи карвоннинг барчасини қайтариб, олиб кел! Соғча қудуғинда карвоннинг кейинидин етиб қайтариб Хиваққа олиб келдилар. Улуғ Мусулмонларнинг кўнглина бу маъқул бўлдиким: «Албатта, султон Хуросон бирла ёв бўладур. Йўқ эрса, ўзга иш учун бўлса, бизни қайтармоқ не керак эрди?» Карвон халқининг барчасини султон олдига олиб келдилар. Султон уларнинг юзларина боқиб, қўлларини ширқ-ширқ этиб деди:

— Манга бир — ети пок шиллиқру! Тўрт-беш карат тақрор этди. Карвон халқи тушунмадилар. Султоннинг навкарлари айтди:

— Менга бир — етти поки келтур! Ўзга нимарса керакмас!— дейтурлар. Боринг кетинг».

Абулғози ўзининг яхши ва ёмон хулқли одамлар ҳақидаги ахлоқий қарашларини «Шажараи турк»да кенг ва атрофлича баён қилар экан; у кишининг хулқ-атворини баҳолашда унинг фаолиятига, жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор беради. Олим жамият учун, ижтимоий турмуш учун бирор фойдали иш қилган одамларнигина яхшилар қаторига қўшади. Аксинча эл-юртга нотинчлик, халқ бошига кулфат ва бахтсизлик келтираётганларни эса қоралайди: «Улуғ ўглининг оти Маҳмуд эрди. Ани Маҳмуд султон дерлар эди. Бениҳоят тентак, ғайратсиз, номуссиз, кўрқоқ ва сорон»,— дейди ва отасининг фитначи ёмон кишиларга бўлган муносабатига тўхталиб, «Хоннинг феъли кенглиги ва гуноҳкорларни авф қилгани отамиз Хоннинг бошина ва барча

юрт халқининг бошина кўргуликлар келтирур»,— деб ёзади.

Абулғози фикрича, яхшилик ва хушахлоқликнинг маъноси мамлакатни обод қилиш, адолатли ва шафқатли, мард ва саховатли бўлиш, фақир-бечораларга ёрдам бериш, эл-юрт тинчлигини ва фаровонлигини таъминлаш хислатларидир: «Агар элу халқ йиғилишиб ўлтира бўлур бўлса ва ё бир иш бошқармоқ қўлидан келур бўлса, анинг учун бир мардга подшо от қўйиб, унинг тўринда ўлтуртириб, барча инон-ихтиёрин анинг қўлига бермоғи» лозим.

Абулғози ота ва фарзандлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатга тўхталиб, Ўғузхоннинг допишманд одам бўлиб етишганини, олти ўғлига жуда кўп яхши насиҳатлар қилиб, «билимлар ўргатиб», шаҳарлар ва эллар инъом бериб, адолат билан ҳукмронлик қилганини улуғлайди:

Ўғуз қилди ул тўйда жарғамиша,
Бу олти ўғилни суяр ҳамиша.
Булар кўрсатиб эрди мардоналик,
Ота бирлан кўп турли фарзоналик...

Ўғузхон болаларини давлатни мустаҳкамлаш учун уларнинг ҳаммасини бир кишидек бўлиб иш олиб боришга даъват қилиб,—«Кўлингизга давлат етгандан оўнг ҳаммангиз бир кишидек бўлиб ҳаракат қилинг. Агар иттифоқ бўлмасангиз, номи насабингиз ва ўзингиз яккаланиб қоласиз. Ҳар ким жанжал ва урушлардан ўзини тўхтатса, отасининг авлоди бўлиб давлат қолдиради. Шу йўл билан иш тутсангиз — ишингиз ривожланиб мамлакат осойишта бўлиб кетади»,— дейди.

Абулғози қўйидаги тасвирда эса Ўғузхоннинг ўз болаларига берган панд-насиҳатларини баён қилади: «Ўғузхон Шом вилоятинда турганда пинҳоний бир навкарнинг қўлига бир олтун ёй ва ўқни берди. Тақри айтди «Ёйни кун туғишда бир чўлда киши оёғи етмас ерда, тупроққа кўмуб, бир учини чиқариб қўйғил ва ўқларни кун ботиш тарафига элтиб, ёйни нечук қўйсанг, ани шундоқ қўйғил!» деди. Ул киши ёрликқа амал қилиб келди. Бу воқеадан бир йил ўтгандин сўнг, уч улуғ ўғли Кун ва Ой ва Юлдузни чорлаб, ёт юртга келиб, ов овламоққа қўл етишмай турур. Кун туғуш тарафинда фалон чўлнинг ови кўб эрмиш деб эшитдим. Ўз навкарингиз бирлан анда бориб кўб ов қилиб келинглар, теди. Андин сўнг уч кичик ўғли Кўк ва Тоғ ва Тенгиз учисини

чорлаб, акаларина айтган сўзларни айтиб, кун ботиш тарафга юборди. Бир неча кундан сўнг, уч улуғ ўғлонлари бир олтун ёй бирлан кўп овни хон олдиға келтурдилар. Уч кичик ўғлонлари тақи олтун ўқ бирлан кўп овни келтурдилар. Ул овнинг эларина кўп этлар ва турлук ошларни кўшуб, халқни чақириб, ёйни ва ўқни топилганини ирим қилиб, ўзларига қайта берди. Уч улуғ ўғли ёйни синдуруб олишдилар, уч кичик ўғли ҳар қайсиси бир ўқни олдилар. Олған вилоятларда кўп йиллар туруб, душманларни йўқ қилиб, дўстларини сийлаб, боши сарйом ва оёқи Мисрғача олған вилоятларининг барчасина ҳожимлар кўюб қайтиб ўз юртина тушди.

Андин сўнг барча навкарларнинг отқон ва чопқон ва қилган хизматларига лойиқ шаҳрлар ва сарҳадлар ва кендлар ва инъомлар берди. Тақи ўғлонларига айди, сиз уч улуғингиз олтин ёй топиб келтирдингиз, тақи ани бузуб олишдингиз. Сизларнинг отингиз бузуқ бўлсун. Сизлардин бўлгон ўғлонларни ҳам то қиёматғача бузуқ, тесунлар. Уч ўқ келтирган уч кичик ўғлини ва анлардин бўлгонларни бу кундин то дунё охир бўлғунча уч ўқ тесунлар. Ёй ва ўқники топиб келтурдингизлар, ул кишидин бўлмади. Тангридин бўлди. Биздан бурун ўтган халқлар ёйни подшоҳ ўрнида билиб турурлар ва ўқ элчилар еринда. Анинг учунким ёй ўқни қайси тарафга тортиб юборса, ўқ анга борур. Энди мен ўлғандин сўнг Кунхон менинг тахтимда ўлтурсун. Андин сўнг бузуқ наслиндин ҳар ким қобил бўлса халқ ани подшо қилсунлар. Дунё охир бўлғунча бузуқнинг бир яхшиси подшоҳ бўлсин, ўзгалари ўнгда ўлтурсунлар. Уч ўқлар сўл бўлсунлар, эвнинг сўл тарафинда ўлтурсунлар ва дунё охир бўлғунча навкарликка рози бўлсунлар...»

Зулм, жаҳолат, разолат, иккиюзламачилик, тожтахт талашиш авж олған феодал жамияти шароитида олим Абулғозихоннинг бу фикрлари катта тарбиявий қимматга эга эди.

Абулғози халқ иши учун жон фидо қилган, умумманфаати учун хизмат этган, ақл-идроқ билан ўз умрини яхши ишларга оқилона сарфлаган инсонларни улуғлайди, ибрат қилиб кўрсатади, уларга ҳавас уйғотади. Улардан ибрат олиб, илм ва касб-ҳунар ўрганиш зарурлигини таъкидлайди:

Андин ҳунар кўтардилар барча эли,
Баъзиларга ўрин берди соғу сўли.
Бирга бўлди, қому бирлан ўзи йўли,
Аллар, беклар кўрган борми Қозон, каби?

Абулғози шошма-шошар, ҳовлиқма, ёлғончилиги туфайли ўлимга дучор бўлган бир шахсни қисмати тўғрисида фикр юритиб, бундай иккиюзламачи, ёлғончи киши тегишли жазога лойиқдир, дейди:

«...Ул киши Қоонга келиб айттиким: «Бу кеча туш кўрдим, Чингизхон менга айтдиким бориб Угадайга айтгил — мусулмонларни ўлтурсун». — Қоон айттиким: «Бу сўзни сенга Чингизхонни ўзи айтдими ё тилмоч айтими?»—«Қоон ўзи айтти». Андин сўнг Қоон «Сен мўғул тилин билурмисан? теди. Ул киши билмайман теди. Қоон айтти: «Бу кишини ўлдурунг» теди, анинг учунким, бу сўзни ёлғон айтатурур. Чингизхон мўғул тилидан ўзга тилни билмас — теди».

Демак, Абулғози фикрича, одамлар орасидаги яхши-ёмонларни ажрата билмоқ керак, бунинг учун уларни ҳар жиҳатдан ўрганиб олмоқ лозим. Чунки одамлар феъл-атворини ўрганиш, уларнинг энг яхши хулқ-атворини қабул қилиш орқали киши ўз хулқини мукаммаллаштиради. Шу билан бирга, кишиларнинг,— дейди олим,— аҳволидан фойдалан, аммо одамлар сенинг ёмон ахлоқларингни кўриб ибратланадиган бўлмасин. Абулғози бу билан «муносиб одамларни» ёмонликдан, ёмон хулқлардан, фисқу-фужурлардан ва ортиқча машатлардан сақланишга даъват этади ва улардан узоқ юриш кераклигини кўрсатади. Ноқобил кишиларнинг ташқи томонларига, амалига ва ярамас хатти-ҳаракатларига қараб эмас, балки хушахлоқ кишиларнинг маънавий фазилатларига қараб ибрат олиш лозимлигини уқтириб: «Урдухон подшо бўлиб бир неча йиллар ароқ ва қимиз ичиб, хитой кимхобини ничиб, сулувларни қучиб, отаси кейнидан кетди»,— дейди у.

Ҳаётий кузатишлар, турли кишилар билан бўлган тўқнашув, муносабат ва муомалалар Абулғозида ана шундай таълимий-ахлоқий қарашларнинг шаклланишига замин бўлганлиги шубҳасиздир. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, Абулғози илғор фикрли донишманд ва мураббий сифатида ахлоқ-одоб масалаларига тааллуқли ибратомуз фикр-мулоҳазаларини ифодалашда ўзбек халқ педагогикасини олтин хазинаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодидан ҳам унумли баҳраманд бўлди. У маърифий-дидактик ғояларни ташувчи халқ мақоллари, маталлари, ривоят ва афсоналар орқали мўғул ва туркий қавмларнинг, эл-элатларнинг турмуш тарзини, таълим-тарбия анъаналарини, айрим тарихий

шахсларнинг яхши ва ёмон хулқларини ҳаётий фактлар ва ишончли далиллар билан тасвирлайди. Масалан, «Яхшилар айтиб турур, ўн дарвиш бир палос ичиға сифар, икки подшоҳ ер юзига сифмас» мақолида нодонлик ва калтабинлик қораланади. Киши салтанатни бошқаришда ҳушёрликка ва тадбиркорликка даъват этилади.

Халқимиз орасида машҳур бўлган «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» мақолини Абулғози Чингизхон тилидан ўз ўғилларига қилган ибратомуз насиҳатларига қуйидагича ихчам тарзда сингдириб юборган: «... тўрт ўғлига элларни бўлуб, бир ерда ўлтуртуб айттиким: «Бир-бирингиз бирлан иттифоқ бўлинг ва мухолифат қилманг,— теди. Тақи садоқидин бир ўқ чиқариб синдирди. Тақи бир неча ўқни бирга қўюб айттиким: «муни синдира билур киши борму? Ҳеч киши синдира билмади. Чингизхон ўғлонларига боқиб айттиким: «бу ўқлар сизларга ўхшаш. Агар барчангиз бирикиб, бирингизни подшоҳ қилиб, анинг тилидин чиқмасангиз, ҳеч киши сизларни синдира билмас. Агар иттифоқ қилмай мухолифат қилсангиз, бир ўқни нечук синдирурсалар, сизни ҳам шундоқ синдурурлар»,— теб яхши насиҳатлар қилди».

Иккинчи бир ўринда Чингизхон тилидан ишлатилган «биликсиз бош, кераксиз тош» мақолида туман ҳокими доно, халққа ғамхўр мураббий бўлмаса не керак, бундай ноқобил ҳоким на халққа, на лашкарға бош бўла олади, айни чоқда эса тошга ўхшатиб, сувга отилиши мумкин, деган ғоя ўз ифодасини топган: «Туман ақоси ва ҳазора ва саъда даъва: ҳар йилнинг аввалинда ва охирида мени кўруб, биликларимни эшитсунлар ва андин сўнг, ул кишилар лашкарға бош бўла билурлар ва ҳар қачон мундоқ қилмасалар алар халққа бош бўлмоққа ярамас турурлар. Андоқ кишилар бир тошга ўхшарким, ани бир сувнинг ўртасига ташлағайлар. У ботиб кетиб ҳеч кўринмағай...» Шунингдек, халқ ҳаётини яхшилаш учун зулм ва зўрликни, ҳар қандай ёмонлик ва ёмонларни йўқотиш; яхшиликнинг ғалабаси учун ахлоқий тарбияни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди: «Ҳар киши ўз уйини яхши сақласа, мамлакатимизни ҳам сақлар». Тақи айтур эрди ким, ҳар киши ўн кишини тартиб бирлан ясаса, улуғ лашкарни ҳам ясар ва тақи ҳар ким ёмонликдин ўзининг ичинини пок қилса, мулкдин ўғрини ҳам пок қилур. Тақи ҳар киши улуғлар қатиға

борса, андин сўз сўрамай сўзламасун. Агар сўз сўрамай сўзласа, унинг сўзини эшитсалар не хўб, агар эшитмасалар, совуқ темурга чўкич урғондек бўлур».

Юқоридагилардан ташқари Абулғози «Шажараи турк»да «бугунги ишни тонглага солган кишининг ҳеч иши битмас», «ит семирса эгасини қопар», «Уксук ўз киндигини ўзи кесар теган» каби халқ мақоли ва ҳикматли сўзларни қўллаб ахлоқ ва ақл ҳақиқат мезони, адолат ва яхшилиқни барқарор этувчи омил бўлгани учун ахлоқий камолатга интилишни ҳар бир одам учун зарурий фазилат деб уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Абулғозининг «Шажараи турк» асаридаги жамият тарихига оид мулоҳазалари ахлоқ ва одобга оид қарашлари билан чатишиб кетган. «Тарихимизнинг ва тарбияшунослик фикри тараққиётининг кўп саҳифалари очилмай қолган шу кунда «Шажараи турк» барча илм аҳли учун муҳим тарихий ва педагогик манба бўлиб хизмат қилади»¹. «Шажараи турк»нинг илмий-тарихий қиммати ҳақида А. Г. Вамбери: «Абулғозининг кўпчилик ишлари Заҳириддин Бобурни хотирага туширади, жаҳон унинг «Шажараи турк»и учун миннатдордир»²,— деб ёзган эди.

Абулғозининг «Шажараи турк» асари машҳур рус ёзувчиси Владимир Галактинович Короленко, буюк рус ёзувчиси А. М. Горькийда ҳам катта таассурот қолдирган эди. М. Горький 1895 йил 7 августида Короленкога ёзган хатида: «Баҳодирхоннинг китобидан бошқа мўғуллар тарихига оид яна бирор манбани менга тавсия қилсангиз-чи, жуда қизиқ экан, бу мўғуллар»³— деб «Шажараи турк» асарини тавсия қилганлиги учун устозига миннатдорчилик билдирган.

Марказий Осиё тарихини ўрганган шарқшунос олимлар Х. А. Вамбери, В. В. Бартольд, Н. Н. Полтов, А. Н. Самойлович, А. М. Горький, А. Н. Кононов, А. И. Абрашчев, Н. Веселовский, А. Якубовский, К. Юсупов, С. И. Иванов, П. П. Иванов, В. Зоҳидов, А. В. Абдуллаев, Н. М. Маллаев, Я. Фуломов, Қ. Муниров, Ҳ. Худойназаров ва бошқалар ҳам Абулғозининг «Шажараи

¹ Қодиров Р., Алимова Р. Аждодларимиз ҳикояси. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси. 1992 йил, 24 апрель.

² Вамбери А. Г. История Бухары или Маварауннахра. М., 1964, 115-бет.

³ Горький А. М. Соч., т. 30. М., 1953, 41—42-бетлар.

турк» асари юксак маърифий-илмий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари XVIII—XIX асрларда жаҳон илм аҳлининг диққат марказида бўлиб, 1726, 1732, 1770 йилларда немис, француз, инглиз, лотин, татар ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилди. 1825 йили бу асар С. Г. Саблуковский томонидан рус тилига таржима қилинди. Ниҳоят қарийб 330 йилдан сўнг, яъни 1992 йилда «Шажараи турк» асарини ўз она тилимизда ўқишга муяссар бўлдик.

Самарқанд давлат университети француз филологияси кафедраси профессори Муҳаммаджон Холбеков асарнинг француз тилига таржима этилиши билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни келтиради: 1871—1874 йиллари шарқшунос барон Демезон «Шажараи турк» ни икки жилд ҳолида Санкт-Петербургда нашр қилдирди. Нашрнинг биринчи жилдида асарнинг рус луғатшуноси В. И. Даль Оренбургдан келтирилган қўлёзмасининг аслияти, иккинчи жилдида шу матн асосида амалга оширилган барон Демезоннинг фаранг тилига таржимаси ўрин олган. Барон Демезоннинг ушбу нашри «Шажараи турк»нинг энг мукаммал қўлёзма нусхаси ва таржимаси ҳисобланади. 1969 йилда Демезон матнини илмий ўрганган профессор С. Н. Иванов «Шажараи турк» матнининг грамматикаси» очеркини яратди.

Шу тариқа, XVII аср туркий тилдаги адабиёти нодир намуналаридан бири бўлган. «Шажараи турк»нинг ҳар иккала фарангча таржимаси Оврупода ҳам шуҳрат қозонишига сабаб бўлди, десак хато қилмаймиз»¹.

Хоразмлик машҳур тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида ёзишча, Абулғози ўз даврининг билимдон тарихчиси ва қобилиятли шоири бўлишдан ташқари, у табобат илми билан ҳам шуғулланган. Абулғози жанглар ва савашларда орттирган жароҳатларини Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон ва Юсуф табибларнинг табобатга доир асарлари, маслаҳатларига кўра ўзи муолажа қилиб, 124 иллатга доир «Манофъе-ул-инсон» («Кишиларнинг сиҳат-саломатлик-

¹ Қаранг: Холбеков М. «Шажараи турк» фаранг тилида. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1991 йил 12 июль, «Фан ва турмуш» ойномаси, 1992 йил, 1-сон.

борса, андин сўз сўрамай сўзламасун. Агар сўз сўрамай сўзласа, унинг сўзини эшитсалар не хўб, агар эшитмасалар, совуқ темурга чўкич урғондек бўлур».

Юқоридагилардан ташқари Абулғози «Шажараи турк»да «бугунги ишни тонглага солган кишининг ҳеч иши битмас», «ит семирса эгасини қопар», «Ўксук ўз киндигини ўзи кесар теган» каби халқ мақоли ва ҳикматли сўзларни қўллаб ахлоқ ва ақл ҳақиқат мезони, адолат ва яхшиликни барқарор этувчи омил бўлгани учун ахлоқий камолатга интилишни ҳар бир одам учун зарурий фазилат деб уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Абулғозининг «Шажараи турк» асаридаги жамият тарихига оид мулоҳазалари ахлоқ ва одобга оид қарашлари билан чатишиб кетган. «Тарихимизнинг ва тарбияшунослик фикри тараққиётининг кўп саҳифалари очилмай қолган шу кунда «Шажараи турк» барча илм аҳли учун муҳим тарихий ва педагогик манба бўлиб хизмат қилади»¹. «Шажараи турк»нинг илмий-тарихий қиммати ҳақида А. Г. Вамбери: «Абулғозининг кўпчилик ишлари Заҳириддин Бобурни хотирага туширади, жаҳон унинг «Шажараи турк»и учун миннатдордир»²,—деб ёзган эди.

Абулғозининг «Шажараи турк» асари машҳур рус ёзувчиси Владимир Галактинович Короленко, буюк рус ёзувчиси А. М. Горькийда ҳам катта таассурот қолдирган эди. М. Горький 1895 йил 7 августида Короленкога ёзган хатида: «Баҳодирхоннинг китобидан бошқа мўғуллар тарихига оид яна бирор манбани менга тавсия қилсангиз-чи, жуда қизиқ экан, бу мўғуллар»³—деб «Шажараи турк» асарини тавсия қилганлиги учун устозига миннатдорчилик билдирган.

Марказий Осиё тарихини ўрганган шарқшунос олимлар Х. А. Вамбери, В. В. Бартольд, Н. Н. Полтов, А. Н. Самойлович, А. М. Горький, А. Н. Кононов, А. И. Абрашчев, Н. Веселовский, А. Якубовский, К. Юсупов, С. И. Иванов, П. П. Иванов, В. Зоҳидов, А. В. Абдуллаев, Н. М. Маллаев, Я. Фуломов, Қ. Муниров, Ҳ. Худойназаров ва бошқалар ҳам Абулғозининг «Шажараи

¹ Қодиров Р., Алимова Р. Аждодларимиз ҳикояси. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси. 1992 йил, 24 апрель.

² Вамбери А. Г. История Бухары или Маварауннахра. М., 1964, 115-бет.

³ Горький А. М. Соч., т. 30. М., 1953, 41—42-бетлар.

турк» асари юксак маърифий-илмий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари XVIII—XIX асрларда жаҳон илм аҳлининг диққат марказида бўлиб, 1726, 1732, 1770 йилларда немис, француз, инглиз, лотин, татар ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилди. 1825 йили бу асар С. Г. Саблуковский томонидан рус тилига таржима қилинди. Ниҳоят қарийб 330 йилдан сўнг, яъни 1992 йилда «Шажараи турк» асарини ўз она тилимизда ўқишга муяссар бўлдик.

Самарқанд давлат университети француз филологияси кафедраси профессори Муҳаммадjon Холбеков асарнинг француз тилига таржима этилиши билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни келтиради: 1871—1874 йиллари шарқшунос барон Демезон «Шажараи турк» ни икки жилд ҳолида Санкт-Петербургда нашр қилдириди. Нашрнинг биринчи жилдида асарнинг рус луғатшуноси В. И. Даль Оренбургдан келтирилган қўлёзмасининг аслияти, иккинчи жилдида шу матн асосида амалга оширилган барон Демезоннинг фаранг тилига таржимаси ўрин олган. Барон Демезоннинг ушбу нашри «Шажараи турк»нинг энг мукаммал қўлёзма нусхаси ва таржимаси ҳисобланади. 1969 йилда Демезон матнини илмий ўрганган профессор С. Н. Иванов «Шажараи турк» матнининг грамматикаси» очеркини яратди.

Шу тариқа, XVII аср туркий тилдаги адабиёти нодир намуналаридан бири бўлган. «Шажараи турк»нинг ҳар иккала фарангча таржимаси Оврупода ҳам шуҳрат қозонишига сабаб бўлди, десак хато қилмаймиз¹.

Хоразмлик машҳур тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида ёзишича, Абулғози ўз даврининг билимдон тарихчиси ва қобилиятли шоири бўлишдан ташқари, у табобат илми билан ҳам шуғулланган. Абулғози жанглар ва савашларда орттирган жароҳатларини Абу Али ибн Сино, Абдурахмон ва Юсуф табибларнинг табобатга доир асарлари, маслаҳатларига кўра ўзи муолажа қилиб, 124 иллатга доир «Манофъе-ул-инсон» («Кишиларнинг сиҳат-саломатлик-

¹ Қаранг: Холбеков М. «Шажараи турк» фаранг тилида. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1991 йил 12 июль, «Фан ва турмуш» ойномаси, 1992 йил, 1- сони.

лари йўлида») рисоласини ёзган¹. Абулғози бу рисола-нинг яратилиши хусусида шундай дейди: «Китобларни назарга келтириб эрдик, мақсади гоҳо топилур эрди ва гоҳо топилмас эрди, улкин топилур эрди, ҳозир машаққат бирла ўртага келур. Шул сабабдин, иллатга илож қилмоқ учун, мўътабар китоблардин хоҳлаб жам қилиб, ондин сўнг иллатларни баён қилдим»².

Ҳақиқатан ҳам, Абулғози айтганидек, бу даврда тиббиётга доир қатор арабча ва форс тилидаги асарлар мавжуд бўлса-да, аммо уларни топиш, соф туркий тилда ўқиб баҳраманд бўлиш айниқса меҳнаткаш омма учун амалга ошириб бўлмайдиган бир орзу эди, холос. Шунинг учун ҳам Абулғози бу соҳада қалам тебратиб, рисоласини халққа тушунарли содда ва жонли тилда ёзганлиги катта аҳамиятга моликдир.

«Маънофеъ-ул-унсон» рисоласи тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда оддий дорилар, иккинчи қисмда эса мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш йўллари, учинчи қисмда дардларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар, касалликларни даволаш тартиблари ҳақида, тўртинчи қисмда эса ўзидан олдин ўтган табибларнинг ва айни вақтда ўзининг беморларни даволаш соҳасидаги фикр-мулоҳазаларини оммабоп, содда тилда баён қилади. Қўлланманинг аҳамияти шундаки, муаллиф халқ табобатида қўлланилган 700 дан зиёд дори-дармонлар тадқиқи 53 бобни ташкил этади. Ҳар бир боб алоҳида хасталикларга ва уларни даволаш усулларига бағишланган. Чунинчи бош, кўз, қулоқ, тиш оғриғи, сариқ касал ва бошқа дардлар муолажаси ҳақида қимматли маслаҳатлар берилган.

Хуллас, Абулғози Баҳодирхон адабиёт, тарих, тарбияшунослик ва тиббиёт фанини янги тараққиёт поғонасига кўтариб, XVII асрда Хоразмда маданий ҳаётнинг тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшган билимдон сиймолардандир.

¹ Абулғози Б. «Манюфеъ-ул-унсон», УзФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 4107, 48-саҳифа.

² Баёний М. «Шажараи Хоразмшоҳи». УзФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 3596, 76-саҳифа.

4- §. Муҳаммаднийез Нишотийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари

Муҳаммаднийез Нишотий XVIII асрнинг биринчи ярмида Хоразмда туғилиб вояга етган истеъдодли маърифатпарвар шоирдир. У қуйидаги мисраларида Ватани Хоразмнинг гўзал табиати, ёқимли об-ҳавоси, хушманзара жойлари ҳақида меҳр тўла сўз юритиб «жаннат-мисол» диёрининг олимлар ва шоирлар маскани эканидан фахрланади:

Бор эди Хоразм диёри — ерим,
Ондин эди яхши-ёмон гуҳарим.

Нишотий ана шу диёрда болалик ва ёшлик чоғларини ўтказди, мактаб ва мадрасада таълим олади. Бу даврдаги Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги ўзаро феодал урушлар бутун ўлкани нотинч, халқни овора қилиб, обод жойларни вайроonga айлантирганидек, Нишотийнинг аҳволини ҳам қийинлаштиради. Шундан сўнг у бир ўзи қийинчилик билан Бухорога келади ва тинч ижод билан шуғуллана бошлайди.

Нишотийнинг туғилган ва вафот этган сайаси ҳозирча номаълум. Нишотийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда академик В. Абдуллаев, Х. Расулов, М. Қосимов, Ҳ. Г. Қор-огли ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлиб, шоир мероси илмий муомалага киритилди.

Нишотийнинг кейинги вақтларда профессор А. Ҳайитметов томонидан топилиб нашр этилган ва илмий муомалага киритилган кичик ҳажмдаги «Қушлар мунозараси» ва катта ҳажмдаги «Ҳусн ва Дил» фалсафий-дидактик дostonлари диққатга молик.

«Қушлар мунозараси» дostonида лайлақ, зoғ, ҳакка, кумри, булбул, тўти, қирғовул, каклик, қарчиғай, тоғус, хумо, ҳудҳуд каби қушлар қатнашади. Шоир қушлар хулқ-атвори ва уларни сўзлатиш орқали инсон ва инсоний фазилат тўғрисида мулоҳаза юритади, манманликни, беҳуда мақтанишни қоралаб, ҳар ким ҳаётда ўз ўрнини, ўз қадрини билмоғи керак деган маърифий-ахлоқий хулосани чиқаради. Демак, шоир қуш мунозараси тасвири воситасида уларнинг фазилатлари билан ўқувчиларни таништиришни ҳам мақсад қилиб қўяди. Агар бу маълумотларнинг айримлари ҳозирги орнитологлар

томонидан қайд қилингани ҳисобга олинса¹, унда Нишотий ўша замон паррандашунослик илмидан ҳам хабардор экани равшанлашади.

Шунингдек, Нишотий ҳар бир тимсолида ўша шароитдаги ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни ва вазифасини, ахлоққа зид бўлган иллатларини фош қилади. Шу жиҳатдан ҳудҳуд тилидан келтирилган масал «Қушлар мунозараси» асарининг ахлоқий-таълимий хулосасидек туюлади:

Эшитинг сизга бор бир тамсил,
Келтирай сизга бир назиру далил,
Бир куни тушти кўкдин борон,
Кўрсаким, ер муҳити бепосн.
Мунда туштию мунфаил бўлди,
Тушканига баса ҳижил бўлди.
Деди: «Ман бунда кимга жо қилсам,
Баҳр ила баҳсу можаро қилсам».
Кўргач ўзини кам ўшал ёмғур,
Садаф ичига тушти-ю, бўлди дур

Бу масал мазмунидан камтарлик камолга, манманлик эса заволга элтади, деган дидактик маъно келиб чиқади. Шу билан бирга, мазкур масал фалсафий-ахлоқий мазмун билан ҳам суғорилган бўлиб, академик В. Абдуллаевнинг ёзишича «унда инсон ва табиатнинг бирлиги, инсоннинг табиатда камолга эришиши табиат эса инсон камолотининг макони ва сабабчиси, деган фикр ҳам ифодаданган». Бу ҳол, Нишотийнинг «Ҳусн ва Дил» достони билан танишиш жараёнида янада ойдинлашади. Шоирнинг «Ҳусн ва Дил» фалсафий-дидактик достонида ахлоқий-таълимий қарашлар етакчи ўринни эгаллайди. Нишотий достондаги Ақл, Фуод, Назар, Ишқ, Ҳусн, Ҳиммат, Қомат, Он, Хаёл, Вафобону, Ғамза, Ишва, Қарашма каби тимсоллар орқали ақл-фаросат, ишқ-муҳаббат, дўстлик ва садоқат, ҳиммат ва мурувват, илм ва ҳунар, ахлоқ-одоб сингари олижаноб инсоний хислатларни улуғлайди. Шунингдек, Ваҳм, Рақиб, Форуқа, Фаҳр, Зарқ сингари тимсоллар орқали эса ўз давридаги жаҳолат ва адолатсизлик, зулм ва зўровонлик, ёвузлик ва ёмонлик, қўполлик ва дағаллик, ҳукмрон доираларнинг ахлоқсизлиги қаттиқ қораланади.

Нишотий энг яхши ахлоқий-тарбиявий йўсинини тарғиб қиларкан, қачонлардир зулм ва зўровонлик, ёвуз-

¹ Қаранг: ЎЗСЭ, 4-жилд, Тошкент, «Фан» 1973, 416-бет.

лик ва ёмонлик устидан эзгулик тантана қилишига ишонади:

Дун элнинг дунлиғ эрур пешаси,
Яхши элнинг яхшидур андешаси.

Айниқса, Нишотийнинг тил ва адабиётга оид муҳим назарий масалалар тўғрисидаги хулосалари юксак илмий-маърифий ва ахлоқий-таълимий аҳамиятга эгадир. Унинг фикрича, сўз дури жон гавҳаридан ҳам азиз бўлиб, сўз кишига жон бағишлайди. Киши жисмонан нуқсонли бўлса ҳам, лекин ширин ва баъмани сўзлай билса, кишилар унинг билан доимо ҳамсухбат бўлишга интилишади:

Сўз дуридур жавҳари жондин азиз,
Балки эрур икки жаҳондин азиз.
Сўздин эрур ҳар тан аро жон дағи,
Жон демайин гавҳари имон дағи,
Бўлса биров шакли забундин забун,
Қомат эса ҳам анго андоқки нун.
Қўл анго шал бўлса, оёқ доғи ланг,
Бошдин оёқ бўлса, агар ору нанг,
Лекин анго бор эса дурри мақол,
Борғусидир ёнига аҳли савол.
Сўз дуридин келтурибсан анга дил,
Тирғузур они гар эса мурда дил.

Нишотий сўзнинг «қабих» ва «малиҳ» бўлишини таъкидлаб, қабих сўз кишиларнинг дилини оғритиб, озор беришини, малиҳ эса, жон озиғи эканини уқтиради. Шунинг учун ҳам қабих сўзламасдан, доимо малиҳ, яъни ширин ва маъноли сўзлаш лозимдир, деб таъкидлайди:

Мантиқ эли қилганида жонда фарқ,
Қилдилар ҳайвон билан инсонда фарқ.
Сўздин эрур маънийи рангин мурод,
Бўлмаса ул сўзни дегил гирдибод.
Кимки ёмон сўзни дер — инсон эмас,
Сўзки ёмондир, ани ҳайвон демас.¹

Нишотий фикрича, «ганжи соз» дунёда шу қадар кўпки, уни ишлатишда тилга ниҳоятда эҳтиёткор бўлиб, сўзга зебу-зийнат бериш лозим. Уни дилу жон деб аталмиш «айвонда» (қалбда) парвариш қилиб чиқариш керак. Шундагина сўз таъсирчан бўлиб, тингловчига «жон» бағишлайди:

¹ Қаранг: Абдуллаев В. Узбек адабиёти тарихи. Т., 1980, 200—201-бетлар.

Аршнинг остида эрур ганжи роз,
Олмоқ ила бўлмагай ул ганж оз.
Сўзки малоҳат била маргуб эрур,
Зийнат анго бўлса агар кўб эрур.
Ҳар киши сўз бикрин пайдо қилур,
Бошдин-оёқ зеб ҳувайдо қилур.
Парвариш айлар ани айвон аро,
Ваҳ, қаю айвонки, дилу жон аро
Нуқта адосин доғи осон дегай,
Сўзни эшитганда улус жон дегай.

Нишотий «Ҳусн ва Дил» достонининг бош қаҳрамони Фуод тимсоли орқали ўзининг ўша замонга муносабатини ва ахлоқий-маърифий фикрларини илгарин сурган. Шоир достонда Фуоднинг инсоний олижаноб хислатларини — ёшлигидан билим олиш, ҳунар ўрганишга интилганини, кенг тафаккурини, ақлий ва жисмоний куч — ҳусн эканлигини мамнуният билан қайд этади. Натижада етти яшарлигида ўқитувчиларини ҳайратда қолдириб, илм ўрганишга берилиб, у фалсафа, тарих, адабиёт, риёзиёт ва бошқа илмларнинг сирларини ўрганиб олади. Унинг учун илмларнинг қийин масаласи йўқ эди, ҳаммасини осонгина ўзлаштирар эди (мушкули илм олишда осон онинг). Унинг бир неча донишманд суҳбатдошлари бор эдики, тарих, шеър, адабиётдан баҳс этардилар.

Нишотий Фуод таълим-тарбияси ҳақида бундай дейди:

Айладилар неки эди тарбият,
Ул доғи юз анча топиб, тақвият,
Гулшани маъни аро ул сарвиноз,
Бўлди чу тавобий сарфароз,
Мушкули илм олдида осон онинг,
Таъби бўлуб шамъи шабистон онинг,
Гоҳи таворих ўқимоқ пешаси,
Эрди гоҳи шеър аро андишаси¹.

Фуод фақат билим олиш, кун-тун китоб мутолааси билан чегараланмай, давлатни бошқариш ишлари билан ҳам жиддий шуғулланади. Мамлакатда адолат ўрнатиш ва мамлакат фаровонлиги йўлида жон куйдиради, илм-маърифат тараққиётига кенгроқ йўл очиш учун бир қанча тадбирлар кўради. У бу ишларида ўз атрофидаги доно ва узоқни кўрадиган ақлли кишиларга суянади.

Нишотий Ҳуснни вафодор, садоқатли, гидрокли, пок

¹ Қаранг: Айёмий. Ут чақнаган сатрлар. Тошкент. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 35-бет.

виждонли, доно, ор-номусли-қиз сифатида таовирлайди. Мана шундай ажойиб фазилатларга эга бўлган маъшуқа Ҳусн ёмонлик ва душманликка юз бурган ҳар бир кимса аҳволини танг қилишга қурби етадиган зўр тadbир соҳиби ҳам эди.

Достондаги Назар эса ақлли, доно, зукко одам, жангда жасур, ҳушёр ва тadbиркор, зоти қоровулдан чиққан, ниҳоят шаҳзода Фуоднинг вазирни даражасига кўтарилган илмли ва адолатли кишидир. Шоир Назарнинг Фуодга ғоят содиқлиги, яқин дўст эканлиги ва юксак инсоний фазилатлари ҳақида бундай дейди:

Нури дили аҳли башорат эди,
Ҳар фан аро анча маҳорат эди.
Аҳли фасоҳат аро соҳиб ҳусун,
Олами даҳр ичра эди зуфунун.

Нишотий ўз достонида халқни маърифатга эмас, балки жаҳолатга судраётган ноқобил шахсларнинг кирдикорларини фoш қилиш мақсадида, подшоҳнинг олимлар, шоирлар, созандалар билан ҳамкор суҳбатидан ғазабга келган жаҳолатпараст — вазир тимсолини яратди. Вазир подшоҳга маърифат аҳлини: «Айёри тарикъ», «Мардуд шариаат» деб ёмонлайди.

Подшоҳ бундай ярамас ўғитларни мулоҳаза қилиш ва шайх-вазирга одиллик билан жавоб айтиш ўрнига, унинг айтганларини бажонидил қабул этиб, ўша илм-маърифат аҳлларини ранжу уқубатга гирифтор қилади. Нишотий бу ҳолдан қаттиқ изтиробга тушди ва у эл ҳолига ачинди. Шунинг учун ҳам. Нишотий халқни адолатсиз подшоҳлардан йироқ туришга чақириб, бундай дейди:

Кимки қилур қурбати шоҳни ҳавас,
Қаҳр ўтига ёнғуси андекки ҳас,
Шоҳ демак кимсаки айлар ҳавас,
Охир анга оҳ бўлур ҳамнафас.

Бу билан Нишотийни умуман подшоҳлардан воз кечгин, деган, хулосага келган дейиш мумкин эмас. Нишотий ҳам Навоийнинг одил, инсонпарвар ва маърифатпарвар подшоҳлар ҳақидаги фикрларини давом эттирган ҳолда маърифатпарвар подшоҳларнинг тимсолларини ҳам тасвирлайди.

Шуниси муҳимки, Нишотий кишиларни ҳар қандай оғир вазиятда чидам ва сабот билан ижодий меҳнат қилишга даъват этаркан, меҳнат ёшларни ахлоқий тар-

биялаш воситаси эканлигини таъкидлайди. Шоир маърифий-инсонпарварлик қарашларида ҳалол меҳнат билан жамиятдаги моддий ва маънавий бойликларни яратувчиларни улуғлаб, эҳтиром ила тилга олади ва бировларнинг манглай тери ҳисобига кун кўрувчилардан эса нафратланади:

Зулмат аро чекмаса заҳри мамот,
Топмоғуси ул киши оби ҳаёт.
Меҳнат аро бўлмаса кимга қарор,
Давлат ичра бермағуси эътибор.

Хуллас, Муҳаммаднӣз Нишотий ўз даврида гўзал одоб-ахлоқ ва сўз санъати учун фидойилик билан курашиб, энг яхши ахлоқий ва маърифий ғояларни тарғиб қилди. Мутафаккир жамиятнинг тараққиёти учун илм-фаннинг ривожини энг зарур омил деб тушунди. Бу омил жамиятда ижтимоий-тарбиявий фикрнинг ўсишига, меҳнатнинг енгиллашишига хизмат қилади. Уша ғоя юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Хусн ва Дил» достонида Фуод (Дил), Хусн ва Назар тимсолларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам шоирнинг мазкур достони ёш авлодга таълим-тарбия беришда муҳим роль ўйнайди. Бу дoston асосида ахлоқий-таълимий йўсиндаги дарсликлар вужудга келган. Жумладан, XIX аср охири XX аср бошларида яшаган қўқонлик маърифатпарвар шоир, муаллим Мирзо Хайрулло ўзи очган мактаблар учун Нишотийнинг «Хусн ва Дил» достонидан ижодий фойдаланиб, «Гулшанул хаёл» номли дарслик яратган. У дostonнинг сюжети ва тимсолларини қайта ишлаб, болаларнинг ёши ва билим савияларига мослаштирган.

5-§. Роқимнинг педагогик фаолияти ва маърифий-дидактик қарашлари

Роқим (1742—1814) ўз даврнинг маърифатпарвар шоири бўлиб, ўзига замондош Андалиб, Равнақ, Зийрак, Нишотий, Мунис каби забардаст шоирлар қаторида туриб, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашди. У буюк Навоий ва Фузулийларнинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик, фалсафий-дидактик қарашларини ривожлантирди.

Роқимнинг ёзган шеърларидан маълум бўлишича, у мактабда муаллимлик қилиб талабаларга дарс ҳам

берган. Шоир мактабнинг илму маърифат тарқатишдаги аҳамиятини таъкидлаб, бу йўлда устоз ўз шогирдларининг бахтли келажagini, ўйлаши кераклигини ва уларга илми эгаллашда меҳр-муҳаббатли бўлишини уқтиради:

Қарилиг бирла бор эди менда,
Шугли мактаб моунати саҳро
Бориб мактабга касб айлаб камолат
Чиқориб ҳар бири хату саводин.
Бўлуб манзил аларга маъдани илм,
Қилиб дарс ибтидосин азкиёдин¹.

Роқим устоз ва шогирдларнинг ўзаро муносабатига тўхталаркан, кимки устозига ихлос қўйиб, уни ҳурмат-иззат қилса, албатта у ўз мақсадига эришади, агар устозини таҳқир этса, у хору зор бўлади, деган хулосага келади:

Кимки устодига ихлос ила иззат қилса,
Ҳақ анинг манзилини жаннати ризвон айлар.
Жаҳлдин илм ила устодини таҳқир эткан,
Дўзах ўтида тану жонини бирён айлар².

Шоир устознинг кадр-қимматини юксак баҳоларкан, ёшларни ўз устозларидан илм-мадад олишга ундайди:

Пок этиб қалбларини берибон,
Ҳомий ҳолларин Аҳмади мухтор айла.
Қалъаи илми фатҳ этмак учун зиҳнларин,
Зулфқори дудами ҳайдари қаррор айла.
Ҳар замон еткурубон файзи футухи оламидин,
Илм ошколидин онларни хабардор айла.
Илми мантиқдан алар кўнглин этиб моло мол,
Бодаи фикҳ оила зарафини саршор айла.
Шафқату марҳамату лутфин этиб арзона,
Донишу фаҳму фаросатга сазовор айла³.

Роқим ёшларни ҳар бир мушкул ишни ҳал эта оладиган қобилиятга эга бўлиш учун илм-ҳикмат йўлидан боришга ва устозу донишмандлар сўбатида баҳраманд бўлишга даъват этади:

Ато қилса сизларга илму амал,
Кўтарманг ўқимоқдин албатта бош,

¹ Роқим. Танланган асарлар. Т., Уздавнашр, 1965, 38—39-бетлар.

² Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 47-бет.

³ Роқим. Танланган асарлар. Т., Уздавнашр, 1965, 61-бет.

Қилиб ғайрату нангу номусу ор,
Этинг илм таҳсилни ихтиёр...
Қилиб сайр, кезмак ҳавас айламанг,
Замони ўқумоқни бас айламанг,
Ўзингизга роҳатни айлаб харом,
Бўлунглар риёзат била субҳу шом.

Мураббий шоир ёшларга талабалик даврида фақат ширин ошу овқат ейишни хаёлларига келтирмасдан, балки бориға қаноат қилиб, муттасил дарс (сабоқ) ни тайёрлаш зарурлигини уқтиради:

Кўруб меванинг хом ила пишмишин,
Ҳавас айламанг пистау кишмишин.
Деманг ейирга ҳалвотар яхшироқ,
Қаноат қилинг, тобсангиз нони қоқ.
Билиб дарсингиз айлаб азбар ўқунг,
Ўқунглар, ўқунглар, ўқунглар, ўқунг.
Ҳавоу ҳавасларни айлаб раҳо,
Сабоқларни такрор этинг барҳо.
...Тамаъни тарк қилмай иззат истар халқдин ҳар ким,
Бўлур бу феълдин албатта хор оҳиста-оҳиста.

Кўриниб турибдики, «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш!» деган ширини Роқим бундан қарийб икки аср олдин ўртага ташлаган.

Роқим ахлоқий қарашларида камтарликка инсоннинг энг қимматли фазилати сифатида юксак баҳо беради ва уни кенг тарғиб қилади. Камтарликни ўз даври феодал муҳитида авж олган жаҳолат, мағрурлик, такаббурликка қарама-қарши қўяди ва кишиларни самимий, софдил, аҳил бўлишга ундайди:

Будур эмди сенга менинг пандим,
Ғар қабул этсанг, эй жигарбандим.
Умру давлатга бўлмайин мағрур,
Кил такаббурни хотирингдин дур.
Кўрсанг ҳар кимни эҳтиром айла,
Яхши сўз бирла шод ком айла.

Роқимнинг фикрича, таълимнинг энг муҳим воситаси — олган билимларни қайта такрорлашдир:

Масалдур, сабоқ бир агар бўлса ҳарф,
Ўқумоқ керак они ҳар кунда алф.
Келинг барҳо саъй бирла жадал,
Ғанимат маҳалдур, ғанимат маҳал,
Хаёл айламанглар, ўқунг муттасил.

Муаллим Роқим ёшлар учун китоб мутолаасининг маърифий-тарбиявий аҳамиятига ҳам юксак баҳо беради:

Китобат дил очар ҳамсуҳбат эмиш,
Улуғлар бу сўзни на яхши демш.

Роқим маърифий-дидактик қарашлари унинг ақлий ва ахлоқий ғоялари билан чамбарчас боғлиқдир. У ёшларнинг ақл-идрокини ривожлантириш масаласига тўхталиб, ақлли ва доно киши ҳечам мағрурлик ва худбинликни ўзига эп кўрмайди, дейди:

Агар бор эрса ақлинг сарф қил умрингни жойига,
Қулоқ солма риё аҳли фиғони бирла войига
Роқим, гар одам эрсанг, хўб бўлмағил ҳайвойи,
Қилма ўзунгни зинҳор зуд аҳлидек риёи.

Шоир кишилар ўртасидаги худбинлик, ёлғончилик, манманлик, тақаббурлик ва кибру ҳавони қоралайди:

Мен отанг бермас насихатлар сёнга бердим валек,
Қар қилиб икки қулоқингни амал қилмай анга,
Ўзни юз турлук балоларга гирифтор айладинг,
Айрилиб мансабдин, элдин, тортибон беҳад изо.

Роқим ўз замонасидаги юқори табақа вакиллариининг ярамас хулқ-атворини, уларнинг қон-қонига сингиб кетган очкўзлик, юлғичлик, таъмағирлик, бахиллик иллатларини қаттиқ танқид қилади:

Емай-ичмай букун кўп жамъ қилдинг сийму зар нақдин,
Бўлур гўрингда тонгла мўру мор оҳиёста-оҳиёста.

Ёки:

Одам эрсанг бил ўзингдин илгари ҳар кимсани,
Бўл мулойим кўб гурур этма қилиб бизга ситам.

Шоир кишиларни эл-юртга садоқатли хизмат қилишга, халқнинг тинч ва яхши ҳаёти учун курашишга, уларни илм нуридан баҳраманд этишга чақиради:

Тобмасун қадрлари аҳли жаҳон ибра касод,
Кунда хизматлариға элни ҳаридор айла,
Кўтариб жаҳл руборини олар кўнглидин,
Илм нуридин они ойина кирдор айла.

Роқим кишиларни инсофга чақириб, агар халққа хизмат этиб, миннат ёки бирор нарса таъма қиладиган бўлсанг, олижаноб фазилатларга эга эмассан дейди:

Роқимо, хизмат эту қилма таъма бир ҳора пул,
Қонъ ўлсанг сенга ҳақ неъматни арзон айлар.

Роқим инсонлар ўртасидаги вафо ва садоқат, аҳиллик ва дўстликни орзу қилиб шундай деб ёзади:

Мақсадки равоқ айвонларга нақш безаклар бериш,
Фалакка бош чўзган олий бинолар қуриш,
Дилрабо боғу бўстонларга гуллару райҳонлар экиш,
Ҳам мевали дарахтлар экиб, уларни парвариш қилиш,
Бўлса ишларни барчасин пайдо бўлишини билиш.

Шоир жоҳил, мунофиқ ва риёкор одамларга хос бўлган хатти-ҳаракат ва феъл-атворни қаттиқ қораларкан, бундай одамлар билан дўстлашиш кишини юз минг балоларга гирифтор қилади, деб уқтиради:

Оқил эрсанг даҳр золи бирла бўлма ошно,
Ошно бўлсанг қилур юз минг балоға мубтало.

Шунингдек, Роқим шеърларида меҳнатсеварликни ҳам ташвиқ этди:

Келки сенсиз юз туман меҳнат менга бўлмиш насиб,
Мунча меҳнат жонима кўруб раво келмасмусен.

Хулоса қилиб айтганда, маърифатпарвар шоир Роқим ахлоқий ва таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрлари билан илғор ижтимоий-тарбиявий фикр тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

6- §. Мунис Хоразмийнинг маърифий-дидактик қарашлари.

Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис Хоразмий (1778—1829) XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда яшаб ижод этган йирик ўзбек шоири, моҳир таржимон, истеъдодли тарихнавис ва ҳуснихат мактабини яратган олимдир. У «Мунисул-тушшоқ» девони, маърифий-тарбиявий «Саводи-таълим» рисоласи, «Фирдавс-ул-иқбол» солномаси ҳамда ўзбек тилига ўгирган «Равзат-ус-сафо» (Мирхонд) асари билан ўзбек халқи маданияти тарихи хазинасига муносиб ҳисса қўшди.

Шермуҳаммад Мунис 1778 йили Хева яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида туғилди. Мунис унинг адабий таҳаллуси бўлиб, «улфат», «ҳамдам», «дўст» демакдир. Муниснинг отаси Авазбий мироб ўз замонасининг фозил ва маърифатга майл билдирган илғор фикрли кишиларидан эди.

Мунис бошланғич таълимни ўз қишлоғида олганидан сўнг Хевадаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрди. «Фирдавс-ул-иқбол»да таъкидланишича, мадрасада «илму фазл»га чанқоқ Мунис тенгдошлари билан «базми

«китоб» қиларди. Чунончи, Муҳаммад Хоксор томонидан ёзилган (1798 й.) «Мунтахабаллуғат»дан фойдаланилган ўнларча дунёвий руҳдаги асарлар ана шу «базми китоб»ларда мунозара ва мушоҳадаларнинг асосий мавзуси ва манбаси бўлганлиги тўғрисида Мунис ўзининг «Фирдавс-ул-иқбол» асарида «... шеършунослиғ ва латифагўйликдан ўзга сўз жорий бўлмас эди», деб ёзади.

Шунингдек, Мунис «Фирдавс-ул-иқбол»да ўз устози, мадраса мударриси Саидэшонхўжанинг етук шоир, дунёвий фанларни чуқур билимдони бўлганлиги тўғрисида ҳам тўхталиб, мураббий ҳузуридаги фозил кишилар суҳбати, шеърят кечалари унинг зеҳнида таъсирчан из қолдирганлигини таъкидлайди. Мунис мадраса дастури бўйича таълим олибгина қолмасдан, балки буш вақтларида илм ва маърифат аҳллари билан бўлган алоқалари ва дунёвий китобларни мустақил мутолаа қилишга берилганлиги тўғрисида «Мунисул-ушшоқ» девонига ёзган сўз бошисида бундай деб ёзади:

Мадраса сари айлаб хиром,
Қаю ерда аҳбоб базм айласа.
Тараб иртиқобиға азм айласа,
Ўзимни алар ичра солур эрдим,
Кўнгул қонгунча баҳра олур эрдим.

Табиати жибиллий ва кайфият иқтизоси билан аҳёнан фузоло хизматиға мойил ва китобхонлиғ суҳбатиға доҳил бўлар эрдим. Шарафи хизмат натойижи ва асари суҳбат маёмини била табъимга кайфиятлар юзланиб ва ҳолатлар даст бериб, назм мусиқида мубайян ва вазн зевари билан музайян бўлур эрди» («Мунисул-ушшоқ», (6-бет).

Мунис «Мунисул-ушшоқ» девонига кирган шеърларида ўз даврининг ижтимоий ҳодисаларини баҳолашда инсонпарварликка асосланди. У ўз шеърларида феодал жамиятда зулм ва ноҳақликни, инсон ақл-заковатининг топталиши ва хўрланишини рангли бўёқларда кўрсатди. Шоир ўз даврининг ижтимоий тузуми адолатсиз эканлигини, синфлар, табақалар, тоифалар мавжудлигини ва улар орасидаги зиддиятларни, адолат ва меҳнат барчага баробар эмаслигини, ҳукмдор ва амалдорлар орасидаги ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, қонун бойларга бир хил, камбағалларга эса бошқа хил эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, Мунис шоҳларни иккига — одил ва зодим шоҳларга ажратади. Мунис «адолат мулкини тузатиб» ўз қўли остидаги фуқаронинг оч ва тўқлигидан хабардор бўлган ҳукмдорни одил ва доно шоҳ деб тан олади:

Шоҳ улдулки, адолат ила мулкин тузатиб,
Бўлса ғамгин фуқаро очига, хуррам тўқиға¹.

Кўрамизки, инсонпарвар шоир феодализм даврида халққа адолат кўрсатадиган халқпарвар ҳукмдорни орзу қилади.

Мунис шеърлятида ахлоқ-одоб масалалари, маърифий-тарбиявий ғоялар муҳим ўрин тутди. Мураббий шоир ахлоқнинг илғор, халқпарвар инсоний қондаларини куйлади. Унинг ахлоқий-дидактик ғояси шахс камолоти учун кўрашдан иборатдир. Халқпарварлик, одамшавандалик, яхшилик ва олижаноблик, меҳнатсеварлик, ҳурмат ва мурувват, саҳоват ва меҳрибонлик, самимият ва сидқидиллик, умид ва андиша, сабр ва қаноат, меҳмондўстлик ва хушмуомалалик, камтарлик ва очиқ юзлилик, ҳалоллик ва жувонмардлик каби фазилатлар унинг ахлоқий қарашларидаги асосий тушунчалардир.

Хушахлоқ меҳнат аҳлига қайғудош бўлган халқпарвар шоир касб-ҳунар ва илм аҳлининг орзу-армонларини, улар бошига тушган ғам-кулфатларни ва жабру жафоларни ўз бошига тушган кулфат деб ҳис этади:

Ҳар ким эшитур беҳуд ўлур навҳалар айлаб,
Бисёр асар нолау афғоним ародур.
Меҳнат тоши зарбидин ушолғон сўнгакимдур,
Гардики бузуқ кулбаи аҳзоним ародур.
Бир шуъладурур оҳим ўтидин олам урғон
Ҳар мисраи жонсўзки, девоним ародур.

Ҳақиқатан ҳам Мунис яшаган замонда инсоний фазилатлар яъни инсоннинг касб-ҳунари, ақл-заковати билан эмас, балки молу дунёси, насл-насаби, олтину зарлари билан қадрланар, ҳалол меҳнат қилмай кун кўрувчи жоҳил, нодон ва билимсиз кишилар роҳатда яшар эдики, шоир бундайларни лаънатлайди:

Бу даврон ичрадур баским ҳунар-айб,
Ҳунар аҳли киби йўқ элда маъюб.

¹ Мунис. Сайланма. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 9-бет.

...Нола булбуллар чекиб кўрмай ҳунардин нафълар,
Беҳунарликдин топиб тожи зумуррад сожлар.
Замона аҳлига изҳори фазл қилма абас,
Аларга айби ҳунар борҳо ҳунар бўлди.

Халқпарвар шоир халқ оммасининг ниҳоятда зўрлигини, бу кучни ҳеч қандай кўч енга олмаслигини тўғри тасаввур этган ҳолда, «Сув»радифли ғазалида подшоҳга хитоб қилиб: — «Эй шоҳ, зулм қилма тагин мазлумларнинг ашки давлатинг биносини йиқмасин», — дейди. Бу билан шоир меҳнат аҳлининг иродасининг улуглигини ва ахлоқи бутунлигини кўрсатади. Мамлакат оёйишталиги, ободончилиги ва мамлакатда қозониладиган ҳар қандай муваффақиятлар халқ кучи билан бўлади, ҳукмдорнинг ҳам мўлжаллаган зафарлари халқ ҳаракати ва илм аҳлининг муваффақиятлари билангина амалга ошиши мумкин. Шу сабабли шоир подшоҳга мурожаат қилиб, шундай деб хитоб қилади: «Шундай бир адолат қонуни тузилсинки, зулм расми жаҳонда қолмасин, йўқса халққа қаратиб ёқилган зулм ўти шуъласининг тутуни билан сенинг рўзгоринг ҳам қоп-қора бўлиши турган гап, ғарибларга вафо қилиш, бева-бечораларни шодлантириш билан давлатинг бой бўлади. Подшоҳлик неъматини топган киши айни замонда ҷўпонлик ҳунарини ҳам касб қилсин, у раиятга тишини қайрайдиған бўлса, қўйға қурт ёпишгандай бўлади»¹, — дейди.

Шуни алоҳида таъжидлаш керакки, Мунис бутун онгли ҳаёти ва ижоди давомида меҳнаткаш халққа хос бўлган самимийлик, пок виждонлилик, хушфеъллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни қадрлайди. Шоир меҳнаткаш халқнинг ҳалол меҳнат билан ва миннатсиз топган арпа нони ва «ёвғон ўмочи» шоҳнинг «олтин тавақдаги паловидан» кўп марта яхшироқ, дейди:

Нони жавини фақр элига хуштурур баса,
Шаҳ суфраи назолида кандил куложидин.
Хуш турур хони қаноат аро ёвғон ўмоч,
Бўлмаса бўлмасун табаку анда полов².

Бу билан шоир меҳнат орқали тирикчилик кўрувчи кишиларни ўзи яратган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлишга даъват этиб, ҳаром-ҳариш йўллар билан бойлик орттираётган ноқобил кишилардан йироқ туришга чақиради.

¹ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1970, 223-бет.

² Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1970, 234-бет.

Мунис худбин бой-амалдорлар ва бекларнинг муҳтож кишига бирор нарсани инъом этиб, кетидан мақтаниб, миннат қилиб юришини нокаслиқдир деб қоралайди:

Фалонбек ким бировга қилди инъом
Валекин айлади изҳори миннат.
Агар ул ёна беклик этса даъво,
Қилур ўзига бўлмас ишни тухмат.
Вагар бу нокас ул инъомин олса,
Мунингдек нокаси дунга лаънат¹.

Шундай қилиб, Мунис камтарлик, саҳоват, ҳиммат, садоқат, марҳамат, тўғрилиқ каби инсоний фазилатларни улуғлаб, худбинлик, мақтанчоқлик, кибрланиш, нодонлик, қўполлик, бепарволик, бераҳмлиқ, таъмагирлик, баҳиллик, порахўрлик ва молпарастлик, ифвогарлик ва ҳасадгўйлик каби салбий иллатларни эса қоралайди.

Муниснинг ахлоқий қарашлари унинг маърифий, ўқув-тарбиявий қарашларига уланиб кетади. У маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди, халқни онгли, билимли бўлишга даъват этди ва халқни жаҳолатдан йироқ туришга чақирди:

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.

Мунис маърифатпарвар шоир сифатида ёшларни илм-маърифатга чақирар экан, бу ишга ёшлиқдан бошлаб киришининг аҳамиятини алоҳида қайд қилади:

Мунис талаб эт камол эурсан чу йигит,
Ким яхшидур этса фазл учун қайғу йигит.
Уқ қилган ишни ё қило билмас ҳаргиз,
Қарилар ила баробар ўлғайму йигит.

Илм-ҳунарда камол топишнинг энг муҳим фурсати «фасли шабоб» — ёшлиқ давридирким, шоир илм ўрганишда бу ғанимат фурсатни қўлдан бой бермасликни уқтириб ўтади:

Камол касбида Мунис шитоб қилки эзур,
Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шаббоб.

Мунис зодагонлик, насл-насаб, мансаб ва бойлик билан ғурурланишни нодонлик белгиси деб ҳисоблайди ва ёшларни бундай ярамас иллатлардан сақланишга

¹ Абдуллаев В. А. Узбек адабиёти тарихи, Т., 1970, 251-бет.

қақриб, эл-юртга фойда келтирадиган илм ва «касби фазл»ни эгаллашга ундайди:

Фурур этма аслинга, қил касби фазл,
Эрур муътабарроқ насабдин ҳасаб.

Мунис ўз даврининг етук мураббий шоири сифатида болаларни саводхонлигини ва ҳуснихатини яхшилаш йўлида кўп изланади ва ёшларга ҳуснихатдан таълим бериб, «билганча суруб қаламни ҳар ён, таълим ишин айлар эрди осон» дейди. «Билимнинг бешиги алифбе» деганларидек, Мунис ҳам таълимдаги муваффақиятларнинг гарови савод эканлигини тушунган ва шунинг учун «умуми арқом» ёзув илмини яратишга бел боғлаган¹.

Муниснинг «Саводи таълим» асари ана шу тарзда 1804 йил 6 декабрда вужудга келади. Бу асар асос эътибори билан ҳуснихатга оид бўлса-да, унда Муниснинг ўз муаллими ибн Ҳожиб ҳақида, ёзувнинг маданият тарққиётидаги роли, хусусан, ҳуснихат таълими ва умуман, дидактик таълим тўғрисида қимматли фикрлар мавжуд. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу мавзуга бағишланган форсча рисола Хўжа Мирали Табризий томонидан ҳам ёзилган эди.

Хўжа Мирали Табризийнинг хат таълими ҳақидаги назмий рисоласи жуда кичик ҳажмда бўлиб, унда фақат ҳарфларнинг ўлчовигина баён қилинган ва у Тошкент, Қозон ва бошқа шаҳарларда тез-тез нашр қилиниб турган «Муфрадот»ларда бериб борилган. Мунис «Саводи таълим» рисоласини ёзишидан мақсадини шундай изоҳлайди:

То илгима тушти бир рисола
Хат қондаси ойиға хода.
Ҳиммат камарин белимга боғлаб,
Назм айлагали ўзумни чоғлаб.
Бердим қаламим отиға маҳмиз,
Майдони варақ уза суруб тез.

Эҳтимол, Мунис бунда Хўжа Мирали Табризийнинг рисоласини кўзда тутган бўлса керак. Ҳеч шубҳасиз, шоир Мирали Табризий, Мирали Хиротий ва бошқа устод котибларнинг ҳуснихат таълимига оид иши билан яхши таниш бўлган.

Мунис «Саводи таълим»нинг муқаддимасида ҳуснихат ўргатган муаллимнинг фазилатлари ҳақида меҳр билан сўзлайди. Ўз устози Ибн Ҳожибни етук олим ва мураббий сифатида тавсифлайди:

¹ Қаранг: Жумаев Н. «Саводи таълим» рисоласи, «Ўзбек тили ва адабиёти» ойнамаси, 1978 йил, 6-сон.

Ҳар илмда жомилу—фазойил,
Ҳар ҳукмда воқифул—масойил.
Илм ичра адили ибн Ҳожиб,
Илм аҳлига эҳтироми вожиб.
Хаттидин ўлуб ҳужаста таълим,
Таълим фани хатига таслим.

Муниснинг «Саводи таълим» рисоласи назарий маълумотлар ва машқларни ўз ичига олган. Рисола икки қисмдан таркиб топгандир. У «Саводи таълим»нинг назарий қисмида ўзигача мавжуд бўлган болаларга хат-савод ўргатувчи рисоаларнинг барча камчилик-нуқсонларини очиб ташлайди ва эски рисола билан ўзи яратган рисолаи бир-бирига таққослаб, эски рисолаининг ўша кунги талабларига жавоб беролмаслигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беради. Мунис ҳарфлар ўлчовини белгилар экан, аввалги савод таълимидаги ҳарфлар ясалишини рад этди. Масалан, у «то», «ро», «ре», «бо», «сод» ҳарфларининг ясалиши ҳақида гапириб келиб, бу тўғрида турли-туман фикрлар мавжудлигини ва устозларнинг бу тўғрида алоҳида фикри борлигини қайд қилади, улар билан мубоҳасага киришиб, ўз мулоҳазаларини баён этади:

«То» зикрида деди баъзи устод,
Зебо алифи-ю, аввали «сод».
Бу нуқтага мен қилурман инкор,
«Сод» ости эрур сатбар бисёр.
Таълим будур, қилурман имо,
«Ро» фавқида тутса ер нигун «ро».
Тутса «алиф» устида нишиман.
Минган кишидек саманди тавсан.
Бир нуқта «алиф»нинг иттисоли,
То «ре» сўнгиким бор эрди ҳоли.

Мунис «Саводи таълим»нинг иккинчи қисмида араб алифбосидаги ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш услубини дидактик нуқтаи назардан содда қилиб тушунтиришга ҳаракат қилади:

«Ро» қомати икки нуқта, аммо
Боши бийик эрмас ўйлаким «зо»,
«Зо» — уч нуқтау лек саркаш,
Қилса бўлур они қушга ўхшаш.
«Коф» аввали «фо» бошига монанд,
«Нун» ҳалқасига валеқ пайванд.
«Вов» аввали «фо» бошига монанд,
Бир нуқтани «ҳо» га айла афсар.
«Ло» аввали бир «алиф» таҳи «ро»,
Сўнгра яна бир «алиф» қил иншо.

«Ло» уч «алиф» қатору мулсаҳ,
«Е» бошидур уч нуқта муайян.
Ҳар ҳарфким мунда бўлмади зикр,
Таълимини қил назирдин фикр.

Мунис «Саводи таълим» асаридан илм толиблари ва муаллимлар баҳраманд бўлишларини орзу қилган эди. Унинг бу рисоласи ўз даврида қандай назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам ўзининг илмий-педагогик қимматини сақлаб қолган.

Мунис ўзининг маърифий-дидактик қарашларида ёшларни ватанпарварлик, нафосат тарбияси хусусида ҳам ажойиб фикрларни билдирган.

Хуллас, Мунис ўз асарларида илм-маърифат ғояларини тарғиб қилиб, илм-ҳунар аҳлини зўр самимият билан эъозлади. У ўзининг маърифий-дидактик таълимотида кишиларни, шу жумладан, ёшларни ҳам ростгўйлик, мардлик, халққа виждонан хизмат қилмоқ, дўстлик, вафо ва садоқат руҳида тарбиялаш ғоясини илгари сурди.

7- §. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг маърифий-педагогик қарашлари

Ўзбек педагогика фикрининг энг сермаҳсул вакилларида бири бўлган Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809—1874) кўз ўнгимизда ўзининг юксак истеъдоди, сермаҳсул ижоди билан забардаст олим, ҳассос шоир, моҳир таржимон сифатида гавдаланади. У «Таъвизул ошиқин» («Ошиқлар тумори») девонини, бешта тарихий асар: «Фирдавс ул-иқбол», «Риёз уд-давлат» («Давлат ишлари»), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), «Жоми ул-воқеоти султоний» («Султонлар воқеаларига доир»), «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол»ни тартиб этди. Бундан ташқари Огаҳий фалсафий, ахлоқий-таълимий мазмундаги «Қобуснома», Шарқда машҳур олимлардан Муҳаммад Вориснинг «Зубдат ул-ҳикоят», Маҳмуд бинни Шайх Али бинни Имомиддин Ғиждувонийнинг «Мифтоҳ ут толибин» асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Қўрамински, Огаҳий ўзи яратган ва таржима қилган асарлари билан халқимизнинг илм-маърифатини оширишга ва ижтимоий-педагогик фикр тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган.

Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий 1809 йилнинг 17 декабрида Хоразмнинг Хива қалъаси

яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб онласида дунёга келган. У таваллуд топган онлавий муҳит санъат, адабиёт ва илм аҳлларида бўлиб, бу муҳит унинг ёшлик даври ҳаётига, тарбиясига, истиқболига таъсир этмай қолмаган эди.

Огаҳийнинг отаси Эрнийезбек мироблик қилиб, бир парча ерида деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб умр кечирган. Амакиваччаси Шермуҳаммад Мунис ва биродарлари Рожий (Муҳаммад Қиличбек), Нозим (Муҳаммад Яъқуббек) ўз замонасининг атоқли ва қобилиятли шоиру фузалоларидан бўлганлар.

Огаҳий ёшликдан яхши тарбия олади, бошланғич мактаб, кейин Хивадаги мадрасаларда ўқиб, диний ва дунёвий илмлар билан танишади. Табиатан зийрак ва истеъдодли бўлган Огаҳий мадрасада ўқиган чоғларини «Таъвизул-ошиқин» девонига ёзган дебоҳада қуйидагича изоҳлайди:

«Қадам айлабон илм йўлида бош,
Хунар касбида айлар эрдим талош,
Не тунлар манга хобу, роҳат эрди,
Не кунлар замони фароғат эди»¹.

Огаҳийнинг маълумотига кўра, замонасининг илғор кишиси бўлган Шермуҳаммад Мунис Хоразмнинг шу даврдаги машҳур шоир, олим, машшоқлари билан яқин алоқада бўлган. Улар тез-тез Муниснинг ҳовлисида тўп-ланишиб адабиёт, санъат ва бошқа илмий мавзуларда суҳбатлар ўтказганлар. Табиийки, Огаҳий бундай суҳбатларда доим қатнашган, бу эса унинг илм-фанга қизиқишига чуқур таъсир кўрсатган. Бу ҳақда унинг ўзи бундай деб ёзади: «Шабоб айёмининг авойидаким, умрим боғининг навбаҳори ва ҳаётим навбаҳорининг мавшукуфта лозори эрди, фазлу камол иқтисобига майл ва рағбат кўргузуб, мадраса нишинлик расмин ихтиёр қилдим ва ҳар ерда фузало ва шуаро ҳайрининг махмун ва мажлиси бўлса, аларнинг хизматиға бормоқни ўзимга вожиб ва лозим билдим...»².

Огаҳий йиғирма ёшида истеъдодли шоир сифатида танилади. Хива хони Оллоқулихон уни саройга тортишга, шоирнинг обрўсидан ўз мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилади. Огаҳий мироблик вазифасига тайинла-

¹ Огаҳий. «Таъвизул ошиқин» девони. 1905 йилги Хива тошбосма нашри, 2-саҳифа.

² Огаҳий. «Таъвизул ошиқин», девони. 1905 йилги Хива тошбосма нашри, 5-саҳифа.

нади. Лекин Огаҳий мироблик вазифасида хизмат қилса ҳам, йирик мулкдор, бўлмаган. Огаҳийнинг асосий мақсади амалдорлик билан эмас, балки юксак савияли маданий киши бўлиб жамият учун хизмат қилиш, олимлик ва шоирлик билан шуҳрат қозониш бўлган. Адабий мероси ва тадқиқ қилган мероси жиҳатидан, маданиятимиз тарихида тутган ўрни жиҳатидан ҳам (Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва Алишер Навоидан кейин) Огаҳийнинг олдига тушадиган санъаткор бўлмаса керак»¹.

XIX асрда Хива хонлигидаги илмий-адабий муҳитда Огаҳийнинг шоир ва олим сифатида қилган хизматларини ҳеч ким унинг замондоши ва дўсти Полвонниёз Комил Хоразмий таърифлаганидай тўла таърифлаган эмас. Шунинг учун Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодиётига доир илмий текшириш ишларида Комил Хоразмийнинг қуйидаги сўзларини ҳар доим эсда тутишимиз лозим:

Улки огаҳларнинг огаҳидир,
Фаҳму дониш сипеҳрининг маҳидир,
Сўзи ортиқдурур гуҳардин ҳам,
Фазлу донишда олам ичра аълам².

Огаҳийнинг «Таъвизул-ошиқин» девони XIX асрда гуллаб-яшнаган Хоразм адабий-илмий муҳитининг гултожидир. Огаҳийнинг бу девонига кирган шеърларида биз Алишер Навоий, Фузулий, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Шермуҳаммад Мунис анъаналарининг аниқ таъсирини ва улўф мутафаккирлар меросининг ғоя ва қарашлари шаклан ва мазмунан янги шароитда бойитилганини кўрамиз.

Огаҳий ижодининг асосини ташкил этувчи чуқур фалсафийлик ва халқчиллик, дунёсеварлик ва инсонпарварлик, одамийлик, маърифатпарварлик ва юксак одоб-ахлоқ ташвиқи, ҳар жиҳатдан камолотга эришган инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни ўзига хос фалсафий-ахлоқий тарзда талқин этилади:

Бу гулшан сайрини этсанг, босма густоҳона
туфроқни,
Ки, гар гом остида бор пайкари озода мадфундур³.

¹ Қаранг: Муҳаммад Ризо Огаҳий. Асарлар, I жилд, Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1971, 5-бет.

² «Таворихи шоҳони Хоразм маа девони мавлоно Комил. Ўз-ҒАШИ, китоб фонди, 1949-рақамли қўлёзма, 26-саҳифа.

³ Огаҳий. Асарлар, I жилд, Девон. Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1971, 24-бет.

Огаҳий адабий-илмий меросининг «шоҳ мисралари» бўлган бу байт Алишер Навоийнинг турмуш фалсафасини ифода этган «Шоҳ ва гадо» ҳикоясини, В. Шекспирнинг Гамлет тилидан мазористон саҳнасида инсон тақдири ҳақида баён қилган фикрларини, Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмуднинг «кўза, кулол ва унинг лойи» тўғрисидаги фалсафий мушоҳадаларини эсга туширадиган чуқур фалсафий ва инсонпарварлик ғоялари билан омухта эканлигини алоҳида қайд этмоғимиз лозим.

Огаҳий ўз адабий-илмий фаолияти марказига халқ учун, юрт учун ҳалол хизмат қилиш вазифасини қўйган. Ўстоз—мураббий шоир шеърятининг лирик қаҳрамонлари одамийлик ғоялари билан вояга етган раҳм-шафқатли ва мурувватли, одил ва ҳақсўз, ахлоқий пок ва ҳалол, кўпчилик манфаатларини шахсий ғараз-интилишлардан устун қўя олувчи олижаноб кишилардир. Шу нарса жуда муҳимки, Огаҳий моҳиятан халқпарвар, элу юрт тинчлиги ва равнақи учун барча қийинчиликларни тортишга, халқ дардига ҳамдард, қайғу аламларига шерик бўлишга тайёр қаҳрамон сиймодир:

Юз ваъда била хизмат ҳар кунда буюрғайлар,
 Ер тутмас агар қилсанг ҳар ваъдага юз хизмат,
 Бу турфаки, юз хизмат буткарғали жон чексанг,
 Бир хизмат учун кўрунг ҳар лаҳзада минг тухмат¹.

Ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, ижод ва илм аҳлининг қадрсизлигидан шикоят оҳангидаги бундай фикрлар Огаҳийнинг ижтимоий виждони бўлиб, асрлар оша бонг уради ва ҳар бир замон кишиларидан ижод ва илм аҳлининг қадр-қимматини сўрайди.

Огаҳий асарларини кўздан кечирар экансиз, унинг шеърятига «яширинган» ижтимоий ҳаёт инъикоси бўлган санъатнинг моҳияти ва вазифаси масаласи нафосат тарбияси нуқтаи назаридан шу кунгача огаҳийшунослар эътиборидан четда қолаётганига амин бўласиз. Огаҳий дутор, танбур, чанг, ғижжакни яхшигина чалувчи созанда бўлган. Шоир ҳофизу созандалар билан яқиндан алоқада бўлиб, уларнинг куйларига ғазаллар ёзган ва ўзи ҳам анча куйлар яратган:

Соз базмидин наво ушшоқға махсуо
 улуб,
 Чангдек фарёдлар маҳзуну дилзоримға
 хос.

¹ Огаҳий. Асарлар. I жилд. Девон. Т., 1971, 12-бет.

Огаҳий шеърни ўқи ҳар хушдил ўлмоқ
истасанг,
Ким, тараб мазмунидур жонпарвар
ашъоримга хос.

Огаҳий мусиқа назарияси бўйича махсус рисола ёзмаган бўлса-да, ҳар қандай ҳофиз ва мусиқа чалғувчининг асосий вазифаси кишиларга эстетик завқ бағишламоқ, уларнинг кўнглини олмоқ, куй ва қўшиқ билан дарддан халос қилмоқ деб тушунди:

Мутрибо, созингни овозинг била,
Айла созу, айла созу, айла созу...

Маълумки, Шарқ табобатида мусиқадан руҳий касалликларни даволашда кенг фойдаланилган. Куй ва қўшиқ киши руҳиятига таъсир этиб, танани соғлом қилади. Демак, Огаҳийнинг уқтиришича, санъаткорнинг асосий вазифаси кишиларга, айниқса, ёш авлодга ҳис-ҳаяжонли — эстетик куч бахш этишдан иборатдир. Ана шунда у санъат ихлосмандлари ҳурматига ва таҳсинига сазовор бўлади:

Умароу фуқаро кўнглини ол базм ароким,
Бедиялингдур умароу фуқаро, э мутриб.
Огаҳий шеъринг ҳар зеру бам ичра ўқуким,
Банданг ўлсун ҳамма шоҳу вузаро, э мутриб.

Мусиқага оид «зеру бам», яъни ингичка ва йўғон товуш тушунчасини ишлатиш Огаҳийнинг мусиқа назариясидан хабардор эканлигини кўрсатади. Мураббий шоир ва санъатшунос олимнинг фикрича, ҳофизнинг сўзи ва куйи «фасоҳат ва нафосат» билан кишилар, хусусан, ёшларнинг ақл-идрокини равшан қилмоғи керак:

Ким санъати беназир тушгай,
Ақл аҳлига дилназар тушгай...
Агар қилса ҳар ким томошасини,
Йўқ этгуси жаннат таманносини.

Огаҳийнинг тасаввуфий ғояларига қараганда, худо одамни яратганда қўлларини арши аълога илтижо қилиб яратибди, унга жон бахш этаётганда бир куй чалибди. Худога илтижо билан қотиб қолган одамларнинг бу куй оғушида дастлаб бармоқ бўғинлари, кейин эса бармоқ, тирсак, қўл, гавда ва бутун танаси ҳаракатга келибди, куй охирлаганда одамга жон кирибди. Шундан буён бу илоҳий куй чертилганда қонимиз жўш уриб,

юракларнинг бир ҳапқириб кетиши бор. Бу сеҳрли куй
лазги эканлигини Огаҳий шундай таърифлайди:

Бир саз айлаб адаб бирла тараб қонунини,
Чекти то тонг атгуча дилкаш наволар бу кеча.
Бириси ўйнаб паридек, ўртада раққос ўлуб,
Олди ҳушим кўргузуб нозу адолар бу кеча...

Маълумки, Огаҳий яшаган даврда чолғу асбоблари
анъанавий ансамбллари мавжуд бўлган. Огаҳий Хоразм
анъанавий ансамбл ижрочилиги турли созлар бирикма-
си, ўз тасвирий ифода имкониятлари, тембр-акустик ху-
сусиятлари билан уйғунлашганлиги тўғрисида санъат-
шунослик учун илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган
ҳикматли фикрлари билдиради. Масалан, найнинг ўзи-
га хос тембр-акустик хусусияти ва инсонга берадиган
маънавий-руҳий озиғи тўғрисида шундай деб ёзади.

Кишиким кўнглини холи тутар печукким най,
Наво этар анго бу базм ичида пайдар-пай,
Бу сўзга тут қулоқ, эй ринду, волау, лошай,
Анго бу дайри фано ичра тутди муғбача май,
Ки тишни боғрига беркитмакени қилди газак.

Шунингдек, Огаҳий мутрибнинг мунис куйини, ноғо-
раю доиранинг «фарёд» солиб наво қилишини, сурнаю
карнайнинг «оламни тутувчи садосини», ғижжакнинг
мунгли нолазию танбурнинг шўх навосини юксак маҳо-
рат билан тасвирлайди:

Созандалар айлабон юз оҳанг
Бозандалар ўртада неча ранг.
Бирисининг илкида нақора,
Юз нағмалар айлаб ошқора.
Илкига бириси олибон даф,
Фарёд наво қилур уруб каф.
Кўкка чиқибон фиғони сурнай,
Оламни тутуб садойи карнай.
Ғижжак қилибон фиғону нола,
Ҳол аҳлини солди ўзга ҳола.
Танбур этибон неча наволар,
Ҳар кимга солиб туман ҳаволар.
Соқий, кетур эмди жами қирқаф,
Мутриб, ол илик қосин дори даф.
Журъангни етур мазоқим ичра,
Нағмангни қаюр қулоқим ичра...

Шундай қилиб, Огаҳийнинг санъат тарбия воситаси
эканлиги тўғрисидаги қимматли фикрлари санъат тари-
хи ва тарбияшунослик фанлари билан шуғулланувчи-
лар учун «очилмаган кўриқ» дир.

Огаҳий фақат бадий ижод билан шуғулланиб қолмай, тарихнавис олим сифатида ҳам катта шухрат қозонди. Огаҳий яшаган ва ижод этган даврда Хива хонлиги тахтида Муҳаммад Раҳимхон I (1806—1825), Оллоқулихон (1825—1843), Раҳимқулихон (1843—1846), Муҳаммад Аминхон (1846—1855), Саид Муҳаммадхон (1856—1865) ва Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910) лар ҳукмронлик қилдилар.

Огаҳий ана шу давр тарихини муфассал равишда баён қилувчи бешта тарихий асарларни яратди. Аввало у Шермуҳаммад Мунис томонидан бошланган ва охиригача етказилмай қолган «Фирдавсул-иқбол» асарини ёзиб тамомлайди. Бу асарда Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлиги даврида Хива хонлиги ва унга қўшни бўлган халқлар тарихи бўйича қадим замонлардан 1825 йилгача бўлган тарихий воқеалар баён этилади. Шулардан 1813 йилдан 1825 йилгача бўлган воқеалар Огаҳий томонидан ёзилган.

Қимматли қўлёзма манбалардан яна бири Огаҳийнинг «Риёзуддавла» асаридир. Бу асар Оллоқулихон Хоразмда ҳукмронлик қилган даврдаги тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Айниқса, Огаҳийнинг 1827—1828 йилларда Ойдўст раҳбарлигида бўлиб ўтган халқ кўзголониинг тафсилоти ҳақида берган маълумотлари қимматлидир. Халқ кўзголониидан олган таассуротларини Огаҳий қуйидагича ҳаққоний ифода этади:

Агар жамъ ўлса учқун бир маконга,
Бўлур албатта оташгоҳ пайдо.
Ва гар ҳар соридин йиғнолса қатра,
Бўлур тадриж ила тўфон хувайдо¹.

Огаҳийнинг «Зубдат ут-таворих» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Раҳимқулихон даврида ҳам Эрон шоҳи ўртасида курашлар бўлган. Бундан ташқари, Хива хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида ҳам кескин феодал курашлар давом этиб турган. 1842 йили Раҳимқулихон ўзи бошлиқ кўп сонли аскарлар билан Хуросон ерларига юриш қилади. Жамшидий тоифасидан 15 минг уйликдан кўпроқ халқни кўчириб Хоразм тарафига олиб келади. 1843 йили хон Чоржўйга ҳужум қилади.

¹ Огаҳий. «Риёзуд-давла». ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 5364, 584-бет.

Хива хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида кураш ҳам кучаяди. Муҳаммад Амин иноқ бошчилигида (1843 йил) Бухоро устига қилинган юришда Огаҳий ўзи ҳам қатнашганлигини ёзади.

Булардан кўринадики, XIX асрда Марказий Осиёдаги хонликлар ўртасида мунтазам равишда зиддият ва урушлар бўлиб турган. Бу курашлар натижасида ҳар икки хонликдаги халқ турмуши, моддий-маиший аҳволи оғирлашарди. Гуноҳсиз халқлар таланар, азоб чекар, қул қилинар эди.

Огаҳий «Жомеъул-воқеоти Султоний» асарида эса Марв ерларини босиб олишга ҳаракат қилганлигини баён қилади.

Муҳаммад Аминхон Марвни босиб олиш ниятида ҳар қандай ёвузликлардан қайтмайди. Лекин у ерда яшаётган халқ ўз озодлигини сақлаб қолиш учун қаттиқ қаршилик кўрсатади. Огаҳийнинг ёзишича, ҳатто бу курашда бутун халқ кўтарилиб, хон аскарларига қарши курашган. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Амин Марвни босиб олишга муваффақ бўла олмаган. Марв халқи ўз озодлигини сақлаб қолган.

Муҳаммад Аминхон 1847—1848 йилларда иккинчи марта Марв устига юриш қилади. Аммо бу сафар ҳам меҳнаткаш халқ хонга қарши қаттиқ туриб курашадилар.

Огаҳий «Гулшани давлат» асарини Саид Муҳаммад Баҳодирхон ҳукмронлик қилган 1856—1865 йиллардаги тарихий воқеаларга бағишлайди.

Асарда 1855—1856 йилларда рўй берган халқ ҳаракати, ўзбек ва туркман уруғларидан ташкил топган қўзғолончиларнинг Россия ҳукмдорларига ёрдам сўраб мактуб ёзиши, унинг оқибатлари, шунингдек, қўзғолончиларга қарши Хива хонлари томонидан уюштирилган қаттиқ чоралар, мамлакатдаги нотинчлик натижасида содир бўлган қаҳатчилик, очлик батафсил тасвирланган.

Огаҳий Хоразм тарихига оид асарларидан охириги «Шоҳиди иқбол»да 1865 йилда Муҳаммад Раҳимхон II тахтга ўтирганидан бошлаб, 1873 йилгача бўлган воқеаларни баён қилади. Шунингдек, «Шоҳиди иқбол» асарида Хива хонлиги билан Россия ўртасида содир бўлган ҳарбий зиддиятлар ва унинг натижалари ҳам мукамал равишда тасвирланган.

Огаҳий қолдирган бешта тарихий китобнинг катта илмий аҳамиятга эга эканлиги, XVII—XIX асрлар Хо-

разм тарихини ёритиш учун нодир манба бўлиб хизмат қилишини тарихчи ва шарқшунос олимлардан А. Л. Кун, В. В. Бартольд, П. П. Иванов, А. Ю. Якубовский, Я. Гуломов, В. Абдуллаев, Қ. Муниров илмий ишларида эътироф этишган. Огаҳий яратган тарихий асарлар илмий фактлар, маълумотларга бойлиги, тарихий ва сиёсий воқеаларнинг анча ҳолисона баён этилгани билан ажралиб туради. Узаро қонли урушлар, тож-тахт атрофидаги кураш, сарой жанжаллари ва хусусан, Хива хонлигидаги халқларнинг нотинч аҳволи, меҳнаткаш омманинг уқубатли ҳаёти, шунингдек, маданий ҳаёт, илму маърифат вакилларининг турмуши Огаҳийнинг тарихий асарларида ишонарли тарзда ифодаланган. Чунки бу тарихий асарларни бутун ҳаётини Хоразмда кечирган ва тарихий ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи бўлган йлғор фикрли тарихнавис олим ёзган. Шунинг учун ҳам Огаҳий тарихий асарларининг илмий-маърифий аҳамиятига баҳо берганда, уларнинг фақат илмий-тарихий жиҳати билан чегараланмасдан, муҳим адабий-педагогик манба сифатида ўрганилишига ҳам аҳамият бериш лозим. Чунки бу асарларда тарихий воқеалар, фактларни қуруқ хронологик тарзда баён этиш ёки илмий таҳлилнинг ўзи билан қаноатланилган эмас. Бу тарихий китобларнинг муаллифи адабий-илмий ҳаётнинг фаол иштирокчиси, ном чиқарган шоири эди. Шунинг учун ҳам, биз Огаҳийнинг тарихий асарларида — тарихий шахсларнинг оз бўлса-да образини беришга интилишини, китобхонни уларнинг хулқ-атвори, характерли белгилари билан таништиришини ҳам кўрамиз. Биз Огаҳий ёзган тарихий китобларни ўрганар эканмиз, муаллиф бунда тарихнавис олим, ҳам сиёсатдон киши, ҳам ёзувчи ва мураббий шоир бўлиб кўринади. Тарихнавис олим сифатида у саналар, географик жойлар, содир бўлган воқеалар ҳақида аниқ маълумот беришга интилса, сиёсатчи сифатида хонликда бўлаётган ишлар, ўзгаришлар, ҳукмдорларнинг фаолиятини маълум даражада таҳлил қилишга уринади, ёзувчи ва мураббий — шоир сифатида эса, ўша воқеаларни сиёсий ва дидактик шеърӣ парчалар, ҳикоят ва ривоятлар билан баён этишга ҳаракат қилади.

Огаҳийнинг тарихий асарларини ҳар томонлама ўрганиб чиққан шарқшунос олим П. П. Иванов «Урта Осиёда ёзилган тарихий асарлар ичида берилган маълумотларнинг кўплиги жиҳатидан XVII аср бошидан 1873 йилгача бўлган воқеаларни баён этувчи Хива тарихи

жуда катта аҳамиятга эгадир»¹— деган эди. Академик В. В. Бартольд ўзининг Марказий Осиё тарихига оид асарларини ёзар экан, хусусан, Огаҳий томонидан яратилган тарихий асарлардан кенг фойдаланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар қанчалик камчиликка эга бўлмасинлар, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради»².

Таниқли ўзбек олими, академик Я. Ф. Фуломов Хоразм ўлкаси суғориш ишлари тарихига бағишланган илмий асарини яратишда, Огаҳий асарларидаги Хоразмдаги суғориш ишлари, янги ерларни ўзлаштириш, каналлар қозиш, дарёлар, шаҳарлар, саҳролар, кўллар ҳақидаги географик маълумотларга, деҳқончилик ишлари ҳақидаги маълумотларга асосланган.

Хуллас, ёш ўлкашунослар Огаҳийдек йирик тарихчининг қимматли асарларини қунт билан мутолаа қилиши орқали катта маънавий-илмий хазина эгаси бўлади. Негаки, Хивадаги ер эгалиги шакли Бухоро ва Қўқон хонлигидаги ерга эгалик қилиш муносабатлари билан таққослаб ва қиёслаб ўрганилганда, ўқувчиларнинг Марказий Осиёдаги мулкий ҳуқуққа доир тушунчалари янада кенгайди.

Хива хонлиги ҳаётида асосий масалалардан бири солиқ эди. Бу масалани ёритиш ва ўрганишда Огаҳий асарларида Хива хонлигида савдогар, ҳунарманд, деҳқон ҳамда шунга ўхшаш касб эгаларидан солиқ қандай йиғиб олингани, йиғиштириш тартиблари, солиқ йиғиш учун қайси шаҳар ва қишлоқларга кимни тайин қилиниши билан танишамиз, ҳатто баъзида солиқ йиғувчилар халқ томонидан ўлдирилганлиги ҳолларини кўрамиз. Огаҳий асарларини ўлкашунос-ўқувчилар учун ўрганишга лойиқ томони шундаки, уларда Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари ва уларга қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлари ўз ифодасини топган.

Огаҳий асарларида тарихий воқеаларнинг ранг-баранг тасвирланиши ўқувчиларни бу воқеаларни янада

¹ Иванов П. П. Очерки истории каракалпаков. Материалы по истории каракалпаков. т. VII., М.—Л., 1935, 43-бет.

² В. В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927, с. 113.

чуқурроқ ўрганишга ундайди ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Огаҳий ўлмас тарихий асарлар ёзиш билан чекланиб қолмасдан, балки форс ва араб тилларида ёзилган тарихий-маърифий асарларни ўзбек тилига таржима қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Огаҳий Муҳаммад Юсуф Мунши ибн Хўжа Баҳодирнинг Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхонга бағишланган «Тазкирани Муқимхоний», Низомиддин Аҳмад бинни Муҳаммад Муқим Хиротийнинг «Табақоти Акбаршоҳий», Муҳаммад Мадҳий Астрободий бинни Муҳаммад Носирнинг «Тарихи Нодири», Мирхонднинг машҳур «Равзат ус-сафо» асаридан бир неча жилдини, «Зафарнома» каби тарихий асарларни таржима қилиб, халқимизнинг маънавий-маданий камолоти, илму маърифатининг тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

Шу тариқа, Огаҳий Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг маърифий-тарбиявий ва фалсафий-ахлоқий «Ҳафт авранг», «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо» каби асарларини ҳам таржима қилди.

Шайх Саъдийнинг бебаҳо асари «Гулистон» ҳам Огаҳий томонидан моҳирлик билан ўзбек тилига ўгирилди. Бу асар Октябрь тўнтаришигача мактаб ва мадрасаларда алоҳида дарслик сифатида ўқитилган, одабийлик фазилатларидан, одоб-ахлоқ ва турмуш сабоқларидан таълим берган. Чунки бу асар чуқур мазмунли дидактик ахлоқ китоби эди.

Огаҳий таржима қилган «Бадоеул вақоеъ», «Анвори сухайлий», «Ҳафт кишвар», «Ахлоқи Муҳсиний», «Зубдат-ул ҳикоёт», «Қобуснома» асарларида адолатнинг аҳамияти, шоҳ ва фуқаро, шоҳ ва аъёнлар, шоҳ ва лашкар, золимларни аниқлаш ва жазолаш, зулм ва бедоликни маҳв этиш ҳақида гап боради. Мутаржим қизиқарли ҳикоятлар билан ўқувчиларни таништиради, сабоқ бўладиган ҳикмат ва насиҳатлар орқали кўнгилларга яхшилик уруғини экади. Бу жиҳатдан «Қобуснома» билан «Ахлоқи Муҳсиний» ажралиб туради.

Маърифий-ахлоқий мазмундаги асарлар Муҳаммад Раҳим Сонийга айниқса ёққан. Огаҳий «Қобуснома»ни таржима қилар экан, сўзбошида таъкидлаб дейди: «Хусусан, ҳар бир китоб мазмуниким, мавоиз ва насиҳатга муштамал бўлса, они бағоят севар эрди ва ўзга кутуб-

дин илгари тутар эди»¹. Бу тушунарли, чунки Шарқ кишилари қадимдан бери ҳикмат-насиҳатни, турмушга яроқли маънодор гаплар, инсон хислатларини кўрсатадиган ва уни ёмон йўллардан қайтаришга даъват этадиган теран, таъсирчан фикрларни хушлаб, уни тарбия воситаси, яхши фазилатларни шакллантириш қуроли деб ҳисоблаганлар.

Бунинг натижаси ўлароқ Шарқда Қайковус, Саъдий, Кошифий, Аттор, Низомий, Жомий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий каби кўп қиррали ижодкорлар ижодидан панд-насиҳат кенг ўрин олган эди. Пандомуз байт битиш — турмуш ҳодисалари, ҳаёт мазмунини умумлаштирувчи теран маъноли ҳикмат яратиш — донишмандликни, заковатни билдирар эди. Шу сабабли бундай пандомуз асарлар тез тарқалган ва ёд олинган. Айтиш керакки, XIX аср Хоразм маърифатпарвар шоирлари Мунис, Огаҳий, Санойӣ, Комил ижодида ҳам анчагина панд-насиҳат мазмунидаги байтларни учратиш мумкин. Зеро, улар ҳамма соҳада бўлганидай, бу борада ҳам салафлари анъанасини давом эттирган эдилар. Аммо кенг маънодаги «маърифий-дидактик асарлар» яратиш Хоразмда таржима ҳиссасига тушган эди. Сирасини айтганда, таржимачилик маърифатпарварлик ҳаракатининг ўзаги ҳисобланади. Огаҳий таржима қилган китобларнинг тўққизтаси бадий, олтитаси тарихий ва тўрттаси ахлоқий-дидактик мазмунга эга экани ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Огаҳий таржимасидаги адолатни, инсоннинг эзгу ниятларини, орзу-ҳавасларини акс эттирган юксак бадий қимматли шоҳ асарлар бугунги кунгача соф ниятли кишиларнинг доимий ҳамроҳи, қалб йўлдоши, ёшларимизнинг эса ахлоқ-одоб китоби бўлиб келмоқда.

Огаҳийнинг илм-фан, мактабнинг жамиятда тутган ўрни, ақлий ва хулқий тарбия ҳақидаги қарашлари ҳам диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг фикрича, бола яхши фазилатларни фақат таълим ва тарбия натижасидагина эгаллаши мумкин. Шунинг учун у бола тарбияси билан кичиклигидан шуғулланишни уқтиради:

Кичикликда адл айламак иртиқоб,
Бил осор иззу жалолатдурур².

¹ «Қобуснома» таржимасига Огаҳий ёзган сўзбоши Ўз ФАШИ қўлғезмалар фонди, 1214-рақамли китоб. 47—48-бетлар.

² Огаҳий. Асарлар., II жилд, Т., 1972, 267-бет.

Бола аста-секин улғая борган сари, сезги ва ақл орқали яхшилик ва ёмонлик тўғрисида тасаввурга эга бўла бошлайди, дейди:

Бас кишиким, оқилу донодурур,
Фаҳм хирад бирла тавонодурур.
Ақл ила фаросатким янсон шарафи ондин,
Шаънида онинг гўё бир ояти манзилдурур.

Мутафаккир бола тарбияси билан шуғулланиш жуда нозик иш эканлигини, киши тарбия борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши, хатога йўл қўймаслиги лозимлигини айтади. Чунки бола ёшликда ўта таъсирчан, тез қабул қилувчи бўлади, яхши фазилатни ҳам, ёмон одатни ҳам фарқига бормасдан қабул қилаверади. Оқибатда боланинг тарбиясига путур етади, дейди:

Бад тийнат улус бум киби шумдурур.
Тарбият анчаким етса мазмундурур.
Заққум ниҳоли ячса гар оби ҳаёт,
Охири беражак меваси заққумдурур.

Демак, Огаҳий фикрича, боланинг яхши ва ёмон бўлиши кейинги тарбияга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бола ярамас одатларни касб қилмаслиги, яхши оила ва жамоада тарбияланиши, бадхулқ одамлардан ўзини тортиши, улар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги даркор. Бола ҳар кунги ҳаётда зарур бўладиган инсоний хислатлар: хушмуомалалик, юриш-туриш қондалари, саломлашиш, ота-онани ҳурмат қилиш, ёлғон гапиришга ўрганмасдан, доимо тўғри ва рост гапиришни, ширинсуҳанликни пухта ўрганиши лозим. Бола бошқалар олдида ўзини камтар тутиши, сергап ва маҳмадона бўлмаслиги, гапиришдан олдин пухта ўйлаб олиши лозим. Кўп ва меъёридан ортиқ сўзлашни у кишининг катта нуқсони деб ҳисоблайди:

Сўзига боқ агар билмак тиларсан кимса
аҳволин,
Ки, асрори ниҳони суратиға келди мазҳар
сўз.

Еки:

Таҳсин умидин сўзда ҳар подондин
этма Огаҳий,
Сўз қадрини билмакни қил шоҳи суҳандондин
тамаъ.

Огаҳий ота-онанинг бола тарбиясидаги, унинг дунёқарашини таркиб топтиришдаги ролини алоҳида таъ-

кидлайди. Мутафаккир фикрича, бола тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг иштирок этиши, иккови ҳам баравар масъулият сезиши лозим. Ота боланинг гўзал фазилатларни эгаллашига, севган касбини пухта ўрганиб олишига ёрдам кўрсатиши, камолотга етишини, илм-фан, касб-ҳунар эгаллаши учун моддий заминни ҳозирлаши даркор. Огаҳий отанинг бола тарбиясидаги ролига катта баҳо берса ҳам, барибир, тарбия масаласида асосий қийинчилик онанинг зиммасига тушади, деб ҳисоблайди. Чунки она ҳомиладорлик машаққатини, туғиш азобини бошдан ўтказди. Она боланинг яшашига сабаб бўладиган биринчи қувватни ўз баданидан беради, узоқ вақт эҳтиётлик билан асрайди, бола тарбияси билан шуғулланади ва ўзининг чексиз меҳр-муҳаббатини ва шафқатини болага фидо қилади:

Гар бу гулшанда ано бўлса гулу сарв ато,
Сан киби туғмағуси сарв гуландом ўрул.

Демак, ота-она болага биринчи ўринда анъанавий тарбия қондаларини сингдиришга, саломлашиш, юриш-туриш, ейиш-ичиш қондаларига, ўз қилмиши учун масъулият сезиш, ёмон қиликлари учун уялишга ўргатиши лозим. Шундай қилиб, Огаҳий болалар тарбияси билан шуғулланишда ота-оналарнинг ўз фарзандларига ибрат бўлишини алоҳида таъкидлайди:

Ибрат ўлғай ҳоли одам аҳлига,
Демайин одамки, олам аҳлига.

Огаҳий ота-она билан устод тарбиясини бир-бирига таққослар экан, устоднинг ўқувчиларни тарбиялаш усули ота-она тарбиясидан юқорироқ деган педагогик хулосага келади. Демак, болага меҳр-муҳаббатли бўлишда ва таълим-тарбия беришда устоднинг роли каттадир:

Қилиб устодлар олида хизмат,
Аён айлаб чоқиндек расми суръат.
Неча устодлар ҳал айлабон олтун,
Ҳамул ишда даранг этмай туну кун.

Огаҳий, устод болаларнинг қобилиятини, нимага қизиқишини билиши ва шунга қараб болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, унинг илм ёки касб эгаллашга бўлган ихлосини сусайтирмаслиги лозим, дейди:

Талаб йўлида азм айлар кишида бўлса гар ихлос,
Муроди манзилига бўлғусидур раҳбари ихлос.

Камол аҳли аро, албатта, топгай рутбаи олий,
Маоний касбида ҳар кимсаким қилди ҳунарга
ихлос.

Етсанг ихлосдин бир сядқ боғида ажаб эрмас,
Ки, ул боғ ичра экилди бир ниҳоли борвар ихлос.
Муродингдин нишони тонг эмас ихлосдин топсанг,
Ки, толибга берур матлуб васлидин хабар ихлос.

Ҳақиқатан ҳам, Огаҳийнинг таъкидлашича, билим бериш жараёнида муаллим болани зериктирмаслиги керак, у ўз фаолиятида «устоди ҳунар шиори комил» га қатъий амал қилмоғи лозим. Чунки билим олишда ҳечам юзакичиликка йўл қўйиб бўлмайти, фақат қунт ва ихлос керак, дейди:

Эй кўнгул, гар хуррам ўлмоқ истасанг,
бўл хоксор,
Ким, кўкармак мумкин эрмас ерга тушмай
донадин.

Оқил эрсанг, нақди умринг қилмоғил беҳуда
сарф,
Ким, бу иш эрмас муносиб ҳеч бир фарзонадин.
Келди асбоби жаҳон авсофи ғафлат мужибн,
Не учунким уйқу ҳосил бўлғуси афсоҳадин.
Сядқу ихлос ўлса кимда жамъ ўлуру ҳосил

мурод.
Ким, турор мундоқ ўғул андоқ атоу онадин.

Таълим-тарбия бирлигини эътироф этган Огаҳий, болаликдан ярқираб кўринган ноёб қобилиятлар ва қизиқишлар ёш улғайган сари сўниши мумкин, деган хулосага келади ва болаларни ёшликнинг қадрига етишга, ўз қобилиятини, малака ва кўникмасини, билим доирасини ривожлантиришга чақиради:

Йигитлик вақти-ю фасли баҳору, айш
чоғидур,
Бу мавсумда қудурат базмима етқурма,
эй носих,
Ҳар кимки тоат-фурсатин қўлдин берур ғафлат
била,
Бўлмас икки олам аро бир дам таҳассурдин
ихлос.

Англаб ғанимат вақтни, саъй эт ишинг
итмомиға

Ким, даҳр авзон эмас ҳаргиз таҳай юрдинг,
халос,

Воқиф ўл ўтқурмағил беҳуда умрингниким,
онинг,

Бир кунига бўлмоғой дунё вамофиҳо эваз.

Огаҳийнинг маърифий-дидактик қарашларида ақлий тарбия, ақлий билиш, маърифатли бўлиш, дунёвий

билимларни ўрганиш масаласи муҳим ўринни эгаллайди.

Огаҳий ақлнинг куч-қудратига катта баҳо берар экан, ундан таълим-тарбия, илм-маърифат ва ахлоқий тарбия муаммоларини ҳал этишда, шахснинг хулқи, хатти-ҳаракати ва фазилатларини ёритишда кенг фойдаланади. Огаҳий фикрича, ақл ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳаларида: хоҳ давлат ишида бўлсин, илмни, ижобий хислатларни эгаллашда бўлсин, таълим-тарбияда бўлсин фаол қатнашади. Огаҳийнинг ақлий билишга таяниши унинг илм-фан, маърифат, таълим-тарбия ва ахлоқ масалаларини талқин этишида кўпроқ намоён бўлади:

Назора қилғоч они лол ўлуб ақл,
Қилиб ҳайрат аро беҳол ўлуб ақл.

Огаҳий илм ва таълим-тарбиянинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у ёшларни дунёвий илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини англашга чақиради:

Қилғали илмли калому ҳикмат ашколини ҳал,
Ҳаддан афзунроқ берибдур тангри истеъдод анго.
Насб этарға ҳайман илм андоқ этти жидду жаҳд,
Ким, мадад еткурдилар ақтоб ила автод анга.

Огаҳий ёшларнинг илм олишини энг юксак фазилат деб ҳисоблайди: «Насби илм этса нетонг афтол устод олдида».

Огаҳий ёшларга билим эгаллашни маслаҳат бериб, нодонлик ва жоҳилликни қаттиқ қоралайди:

Етушмай илму дониш соғардин қатрое дурда,
Бу маҳфил ичра ман мақсад хумори бирла
пажмурда,
Неча умр ўлдимким, бу ҳол ила ман зору
озурда,
Жаҳолат шони ғафлат уйқусядин бўлдим
афсурда,
Мани огоҳлиғ субҳи насими бирла
бедор эт.

Огаҳий билимсизликни, нодонликни қаттиқ қоралар экан, илм-маърифатнинг кишиларга зиё, рўшнолик келтиришини, ярамас, разил хатти-ҳаракатлардан сақлашни таъкидлайди:

Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.
Қасби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,

Икки олам обрўси бўлгуси барбод анго.
Олам улдурким шариятдин тажовуз қилмаса,
Гар тажовуз қилса, билғил, пешадур илҳод анго.
Илмдин бебаҳра эл ҳолини билмак истасанг,
Огаҳийнинг зори ҳолини билғил истишҳод анго.

Огаҳийнинг уқтиришича, илмли киши баркамол инсон, илмсиз киши эса мисли ҳайвондир, унинг хатти-ҳаракатида разиллик ва жаҳолат мужассамдир:

Одамдир илму дониш бярла одам, йўқ эса,
Жумлаи ҳайвонгадур, яксон қаду рухсору лаб.

Юқоридаги фикрини ривожлантириб, Огаҳий киши илм эгаллаш учун аввало пок бўлиши керак эканлигини айтади:

Бўлуб ҳар ҳужраси ганжинан илм,
Мусаффолиқ била ойинаи илм.

Огаҳий ёшларга: агар илм ўрганишни истасанг, уни эрта-кечи йўқ, деб маслаҳат беради ва ўзи ҳам илмсевар бўлганлигини ёзади:

Эй келди фувуну илм таслим санга,
Қилмоқ манго лозим ўлди таълим санга.
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале,
Келдим бош ила олғоли таълим санга.

Огаҳий илмли ва хушахлоқли инсон бўлиш осон эмаслиги, бу чидам билан қилинган тинимсиз меҳнат маҳсулидир, деган хулосага келади:

Ранжлар тортиб туну кун, ҳосил этсанг ганжлар,
Барчаси сандин қолиб, ҳамроҳ борур ҳасрат санго.

Огаҳийнинг маърифий-дидактик қарашларидаги асосий хусусиятлардан яна бири илмли бўлгандан сўнг ўзини бошқалардан устун қўймасликка даъват қилинишидир:

Илм ичра камолоти ул ҳадда етубдурким,
Сўз ақидаси фикрийнинг тирноғи била ҳалдур.

Огаҳий илм-маърифат тарқатишда китобнинг ролига катта баҳо беради, ёшларни китобни севишга, ундан баҳраманд бўлишга чақиради. Унинг фикрича, бу дунёда китобдан яхши дўст йўқ, киши ундан ҳеч ёмонлик кўр-

майди, фақат лаззат олади. Шунинг учун ҳам у ёшларга қарата шундай дейди:

Мураттиб айла хуш мазмун китоби,
Балогат парвари, ҳикмат маони...

Айниқса, Огаҳийнинг инсон камолотида илм-маърифатнинг муҳим омил эканлигига эътибор бериши, унинг болаларга дунёвий илм-фанни, яъни мантиқий (логик) билимларни ўргатиш ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг фикрича, асосан мантиқ илми барча билимларни ўрганиш учун маърифат ва ҳақиқат калитидир.

Огаҳий ўз асарида илмни эгаллаш ҳақидаги чақириқлар билан кифояланиб қолмади, балки биринчи навбатда, унинг жамият учун амалий аҳамияти ҳақида ҳам қайғурди. Унинг айтишича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилса, халқ фаровонлиги йўлида қўлланса, кишиларга рўшнолик келтиради:

Гўё илми ладуннидин топибдур баҳраким,
Ҳар каломи рамзидин ҳайратдадур устод анго.
Илм ила, ё раб, қил онинг рутбасин андоқ баланд,
Ким, бори олимлар ўлсун гобйъу минқод анго.

Огаҳийнинг илғор маърифий-педагогик қарашларидан бири — ўрганилган илмни тажриба билан боғлаб олиб боришдир. Унинг фикрича, ҳар бир киши бирор илм-ҳунарни эгаллар экан, уни ҳаётда қўллай билиши керак, ана шундагина илмнинг жамиятга нафи тегиши мумкин. У ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни «Бу даврон ичра бордур ҳар кишиким оқилу фозил» дея доно кишилар деб атайди:

Илми ҳикматда ўтуб ҳаддин камоли донишинг,
Юз Фалотун ажз ила олингда мулзам бўлди тут.
Киши гар дониш ичра тўрт дафтарга эрур хоно,
Агар ёлғуз эса нодонга қадри бўлмоғой жоно.
Эшит, айтай санго ҳолин онинг такрор ила ёно,
Бори илму ҳунар ичра эса ҳар нечаким доно,
Замон аҳли аро бўлмас замони муҳтарам ёлғуз.

Огаҳий ўша даврда илм-ҳунар эгалламай, ўзининг насл-насаби билан мақтаниб, ота-онасининг молу давлатига ишониб, таралла-бедод қилиб юрган ноқобил ёшларни қаттиқ танқид қилади:

Тараб базми аро бекорлар дойим қилиб ишрат,
Ҳамиша хизмат аҳли мубталодур ранжу меҳнатға.
Оларким беҳунардур дам-бадам хилъат кийиб қат-қат,
Ҳунар аҳли вале муҳтождур бир кўҳна қисватға.
Чу топдинг, эй кўнгул, гардуни дун холдин огоҳлур,
Бериб орқа ҳунарға, бўлма марғур хизматға.

Шундай қилиб, Огаҳий болаларни тарбиялашда илм-маърифатнинг ролига катта баҳо берар экан, нафосат тарбиясини ҳам унутмайди. У мусиқанинг тарбиявий аҳамиятини эътироф қилиб, уни бола дунёқарашининг ўсишига, ижобий фазилатларининг такомиллашувига ёрдам беришини айтади:

Олиб кўнглумни дилкаш ун биля бир хуш
наво ҳофиз,
Команди ишқига қилди асиру мубтало ҳофиз.
Бағишлаб жисмима қувват, етурди жонима роҳат,
Тузуб нозу адо бирла Навоий дилкушо ҳофиз.

Огаҳий халқ ўйинларининг ақлий, нафосат, жисмоний тарбияга оид жиҳатларини фаҳмлаган ҳолда, ўйин вақтида болаларнинг феъл-атворини тезроқ билиб олиш, уларнинг салбий ва ижобий сифатларини осонроқ аниқлаш, бемаъни қилиқларини бартараф этиш мумкин деган дидактик хулосага келади. У кураш, чавандозлик, от устида кураш тушиш, от устида қиличбозлик, чавгон, ёғоч от, чиллак, сопқон, камондан отиш бўйича мерганлик, шатранж, нард, дорбоз, нойга, ёғоч ҳўққа, масхарабозлик, тош кўтариш, пичоқ ўйини ва бошқалар туғри-сида изоҳлар берар экан, болалар ўйинларининг қондаларини бирма-бир таърифлайди. Кураш билан мунтазам шуғулланиш болаларни мустаҳкам интизомга одатлантиради, уларда ўз кучига ишонч ҳосил қилиш билан бирга, уларнинг жисмоний ва ақлий камол топишига ижобий таъсир қилади, дейди:

Бирн бирига зўр изҳор айлаб,
Ияқорға не амалким бор айлаб.
Бирн қўл ёнбоши солиб бирига,
Бирн ичкурмаки олиб бирига,
Солиб ҳубо қули бири дамодам,
Даров бириси олиб чуст маҳкам.
Бирн чанчоқ солиб, изҳор этиб зўр,
Бўюн олиб бириси кўргузуб шўр.
Мадад чун бирига тодеъ атурди,
Кўториб бири ондоқ ерга урди.

Огаҳий дорбоз ўйини болаларни мувозанатни сақлашга, кўзланган мақсадга эришиш учун зийраклик билан ҳаракат қилишга ўргатади, дейди:

Ондин қилайин бирини изҳор,
Қурмиш эдилар баланд бир дор.
Сепояси осмондин ўтган,
Иблар доғи қаҳқашондин ўтган.
Яна қуруб эрдилар иккисин,
Қуш устидан ўтмайин қилиб бям.
Келмишлар эди бир-икки моҳир,
Дор узра ўюн қилурға зоҳир,
Гоҳ дор уза бўлубон сабукхиз,
Гоҳ син уза юргуси тез.
Гоҳ илгари, гоҳ кейинга сачраб,
Юз фан била ташлар эрди партаб.

Огаҳий, ёғоч ҳўққа ўйинини эса сеҳргарнинг усулларига ўхшаб кетади, бу ўйин болаларда тиришқоқлик ва сабр-тоқатлилиқ, малака ҳамда кўникмасини шакллантиришда муҳим тарбия воситасидир, дейди:

Гоҳи оёқига ҳўққа боғлаб,
Сим узра юруб ўзини чоғлаб,
Гоҳ икки лаган олиб, чекиб ун,
Епиб бирига бирин важун.
Сим узра қўубон они чолок,
Устида ўтурди қилмайин боқ.
Қилғоч ҳаракат бириси тушти,
Бир сим уза илгари юрушди.
Гоҳи ётибон уруб муаллақ,
Сим узра яна тушар мутаббақ...

Огаҳий «Пойга таърифича» асарида қадимдан кенг тарқалган халқ ўйини от пойгасини аниқ манзарасини чизар экан, бунинг шахсни жисмоний тарбиясидаги ролини алоҳида таъкидлайди:

Гоҳи гунону, гоҳи чопиб той,
Солди улус ичра хуй ила ҳой...
Гарданга чиқиб садойи қий-ку,
Чу устига чу, чу устига чу...
Гоҳ улур отлар ўлуб раҳнарвад,
Еткурубон кун юзира тийра гард,
Гоҳ гунон ўйла сабук хез ўлуб,
Суръат аро соақадин тез ўлуб.
Гарм равондек бўлубон гоҳ той,
Туйноқи барқин қилибон чархсой.
Гард тутубон бори олам юзин,
Қилди ниҳон наййири аъзам юзин.
Гард аро отлар бўлубон жилвагар,
Чиқрай анингдекки кўшундин шарар.
Барқ киби барчаси суръат қилиб,
Баъзи қолиб, баъзиси сабқат қилиб.
Ўйла назар олдиндин айлаб гузар,
Қим, гузарин англамак асло назар.
Аҳли жаҳон бошдин аёқ йиғналиб,
Барча тамошо била комин олиб.

Огаҳийнинг фикрича, болага ёшлигидан отда елиш кўникмалари ўргатилса, унинг хулқ-атворида ўзгариш бўлиб, унда қўрқув ҳисси барҳам топади, шижоат, жасурлик хислатлари шаклланади.

Бўлуб, отлар онингдек тез равлик,
Ки, сарсар ила қилмай карам рўлик.
Онингдек туёғидин чоқилиб ўт,
Ки, оташгаҳга гўё ёқилиб ўт.
Қуюн янглиғ чиқиб гарду гўбори,
Қуёш юзининг ўлди пардадор.
Бориси издаю, бир илгариди,
Шитобу суръат атвори бориди.
Чу еттилар тамошогоҳга текру,
Фалак узра чиқиб овози ки-қув.
Алолодин улусга беҳжат ортиб,
Ва лекин гарди одамни қарортиб.
Келиб излик изидин барчаси ҳам,
Тамошо бирла этти элни хуррам...

Огаҳий ўйин орқали болаларнинг жисмонан бақувват, соғлом, эпчил бўлиши мумкинлигини уқтириш билан бирга, ўқимоқ ва ўрганмоқ учун бола кучли ва соғлом бўлиши керак, деган хулосага келади ва табиат қўйнига сайр қилишнинг фойдасини алоҳида таъкидлайди:

Қим бўлса сукун аро дил танг,
Сайри саҳрога айласин оҳанг.
Сайр улуб мужибни нишоти онинг,
Ортгой ҳар дам инбисоти онинг.
Зойл ўлуб қудрати қатъо,
Етгуси кўнгил кўзгусига жило.

Маълумки, кўпгина ўзбек халқ ўйинлари оддий жисмоний ҳаракатлардан иборат бўлмай, балки бадийят ва санъатга жуда яқинлашади, баъзан уларга қўшилиб кетади. Огаҳий, сўз ва қўшиқли ўйинлар эса болаларнинг нутқини, ақлини ўстириш билан бирга, уларни бадихагўйлик ва сўзга чечанликка, кишилар билан муносабатга, мустақилликка ўргатади, дейди:

Сўздур бу жаҳон аҳли аро қулзуми жарф.
Покиза маони ангодир дурри шигарф.
Бу баҳр топар кўнгул аро гунжойиш,
Лекин анго ҳар кўнгул бўла олмас зарф.

Шундай қилиб, Огаҳийнинг таълим-тарбия ва ахлоқ тўғрисидаги мулоҳазалари юксак қимматга эга бўлиб, унинг беқиёс ақл-заковатидан, ўз даврининг илғор фикрли мутафаккири эканлигидан далолат беради.

Хоразмлик етук олим ва мураббий шоирлардан Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммадниёз Нишотий, Роқим, Мунис Хоразмий, Огаҳийларнинг маърифий-педагогик қарашларини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, бу алломаларнинг шахс қамолоти ва таълим-тарбия тўғрисидаги илғор фикрлари феодал-хонлик тузуми шароитида жаҳодат, нодонлик ва саводсизликка қарши курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мутафаккирларнинг хизмати шундаки, улар ақлнинг қудратига юксак баҳо берган ҳолда, илм-маърифатни эса бутун борлиқни билишнинг ва жаҳодат ҳамда нодонликдан қутулишнинг энг қулай воситаси деб ҳисобладилар.

Шу боис ҳам Хоразм мутафаккирлари ўз асарларида илм-маърифатли, баркамол инсонни тарбиялаш, мамлакатда адолат ўрнатиш ва илм-фан аҳлини қадрлаш йўлида хонни маърифатпарварликка ва инсонпарварликка чақирадилар. Алломаларнинг юқоридаги насиҳатомуз фикрлари бугунги кунда ҳам ўзининг илмий-тарбиявий қимматини йўқотмаган. Бу бебаҳо мерос жамиятимиз учун соғлом авлодни тарбиялашнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишимизга ёрдам бериши шубҳасиздир.

ХІХ АСР ОХИРИ ВА ХХ АСРНИНГ БОШЛАРИДА ХОРАЗМ МАЪРИФАТПАРВАР ШОИРЛАРИНИНГ УМУМПЕДАГОГИКА ВА ДИДАКТИКАГА ОИД ҒОЯЛАРИ

1-§. Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг маърифий-ахлоқий ҷарашлари

Хоразмнинг буюк фарзанди, суюкли давлат арбоби, мутафаккир олими, истеъдодли шоири, нозиктаъб ва улуғ бастакори Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг (1844—1910) маърифатпарварлик фаолияти бой ва адабий мероси ҳозирги авлод учун илҳомбахш манба, тенгсиз ибрат мактабидир.

Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг асл исми Бобожон. (Бобоси Муҳаммад Раҳимхон шарафига қўйилгандир.) У 1844 йили Хивада таваллуд топган бўлиб, дастлабки бошланғич таълимни сарой муаллимларидан олган. Кейин эса мадрасада таълим ола бошлайди. Туронзаминнинг машҳур тарихнавис олими ва забардаст шоири, моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий унга муаллим қилиб тайинланади. У Ферузга шеърият, тил, мантиқ, тарих, таржима илмидан сабоқ беради. Шу тариқа устоз Огаҳий ёш шаҳзоданинг турли томонлама камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Муҳаммад Раҳимхон ўн тўққиз ёшга тўлганда (1863 йил) унинг падари бузруквори Саид Муҳаммадхон вафот этади. Шундан сўнг тахт соҳиби бўлган Муҳаммад Раҳимхон Соний Хива хонлиги ҳукмдори деб эълон қилинди. Мулла Ҳасан Мурод қори бин Муҳаммад Амин Ҳивақий Лаффасий «Тазкирани шуаро» сида бу ҳақда шундай деб ёзади:

«Ферузким Муҳаммад Раҳимхон Сонийдир. Ул отаси Саид Муҳаммадхон тарихи ҳижрий бир минг икки юздаги саксон биринчи йили охираат бўстониға сафар қилганидан кейин, Муҳаммад Раҳимхон ота мерос Хоразм тахтиға эгалик этиб, тахти жулус қилган. Ул Огаҳийдан шеър машқин таълим олиб, Феруз тахаллуси билан ҳар хил ишқий мажозий ғазал, мухаммас, маснавий, мусаддас, мураббаълар ёзадур. Анинг замонида адабиётчи, шоир, ёзувчилар тараққий қилиб, оларға дағи тарбиялар қиладир. Феруздаги мусиқаға ҳаваскор бўлғонидин Комил Паҳлавон Мирзобошиға фармон қилиб, олти ярим мақом тамбурға катта бир нота таълиф қиладур. Феруз-

нинг ҳузурида доимий етти-саккиз нафар гўяндалар соз, танбур, ғижжак, буломон машқ этиб, ўлтурадурлар. Масалан: Муҳаммад Ёқуб харрот девон ва Муҳаммад Ёқуб позачи, Аваз доричи кабилар. Буломонга Қаландар дўнмас деган, Полвон сўта кабилар ҳамиша Феруз хизматиға тайин бўлғонидек, бошқа сипойизодаларнинг баъзилариға дахл бўлмас эрдилар. Аммо Ферузнинг аҳволотини билмак истасангиз, Хоразм тарихлари саҳифаларини томошайи назар вақт қилсангиз, албатта олардин маълумотлар олиб, Ферузнинг асроридин воқиф бўла билурсиз. Феруз замони адабиётчиларини кўрмоқ орзу қилсангиз, «Мажмуайи шуаро»ни томошайи назар қилсангиз, андин баҳра ола билурсиз...»¹

Муҳаммад Раҳимхон ўша даврга қадар ўтган Хоразм ҳукмдорлари ичида энг кўп муддат, яъни қирқ етти йилу саккиз ой йигирма кун хонлик қилган ва ўзидан кейин улур ном қолдирган халқпарвар ва маърифатпарвар инсонлардан биридир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, у бошқа жоҳил ва мутаассиб босқинчи шоҳларга ўхшаб, қўшни ўлкаларни ва халқларнинг ерларини босиб олиш, шаҳарларни, маданий обидаларни вайрон қилиш, халқни қул қилиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Аксинча, у мураккаб бир даврда хонлик қилди. Комил Авазнинг ёзишича «Феруз давлатни бошқарган 1863—1873 йиллар, яъни дастлабки ўн йил мустақил ҳукмдорлик йиллари бўлса, 1873 йил 21 августдан 1910 йил 15 августгача — 37 йил Россия империясига қарам бўлиб ҳукмдорлик қилган йиллардир. Хонлиkning дастлабки ўн йиллигида Феруз тахтни мустаҳкамлаш, хонлик ҳудудида яшаётган ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқларининг оғиз бирликларини таъминлаш, уларнинг аҳил, мувоса яшашлари учун адолат туғини баланд кўтариб иш юритди: ёмонларни жазолади, яхшиларни улуғлади. Босиб келаётган чор қўшинига қарши салтанатни оёққа турғазди, рус тўпларига қарши қилич яланғочлаб от солди, сулҳ тузди, ўз юртида эркисиз хон бўлди. Лекин у ақл-заковат билан, санъат билан ҳукмдорлик этишда давом қилаверди»². Феруз ақл-заковат билан ҳукмронлик қилган даврда чет эллар билан дипломатик ва савдо-сотиқ алоқалар ривож топди, янги пул зарб қилинди. Хирож тарғибга

¹ Қаранг: Лаффасий. «Тазкиран шуаро». Урганч, 1992, 25-бет.

² Қаранг: Комил Аваз. «Гарчи эрурман толеъи Феруз» Узбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги, 1994 йил, 30 сентябрь.

солиниб, халққа яшаш учун енгиллик берилган. Гарчи Россия ҳукумати бу иқтисодий тадбирларни таъқиқлашига қарамасдан, Хива хонлиги бозорларида Россия пуллари анча вақтгача хон тангаларини муомаладан чиқара олмади. Ферузнинг тадбиркорлиги туфайли хон тангалари анча вақтгача бозорларда муомалада юриб турди. Ферузнинг маърифат ва маънавий, ободончилик ва қурилиш соҳасидаги сиёсати ҳам алоҳида таҳсинга лойиқдир. Унинг раҳбарлиги остида қурилган Феруз мадрасаси ва «Қибла Тозабоб» ёзги дам олиш саройи тўғрисида тўхталсак, шоҳнинг маърифатпарварлик ва ободончилик борасидаги ишлари кўлами яққолроқ аён бўлади.

Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси 1871 йилда қурилган. Қурилишга хоннинг ўзи раҳбарлик қилган. Мадрасада ёзги ва қишки масжид, дарсхона, кутубхона, ҳужралар бор. Мадраса ичида муллаваччалар учун барча қулайликлар яратилган. Мадраса ҳовлиси 76 та бир қаватли ҳужра билан ўралган. Ҳар бир ҳужра уч хонага: қазноқ (омборхона), ётоқхона ва дарсхоналарга бўлинган эди.

Мадраса қурилиши ва безалишида «Қибла Тозабоб» саройига монандлик бор. Бу ҳар иккала бино қурилишини Ферузнинг ўзи жиддий равишда кузатиб борган. Муҳаммад Раҳимхоннинг фармонида биноан вақфдан ташқари умумдавлат даромадидан мадраса мударрислари, охундлар, масжид имомлари ва 1338 ўқувчи, жами 1798 нафар киши моддий таъминоти учун пул сарфланган¹ ва уларга турли инъомлар, ҳадялар бериб турилган.

Уша даврда фақат хон эмас, унинг атрофидаги девонбеги, ясовулбоши, қози калон ва бойлар ҳам ундан ибрат олиб ўз номига мадрасалар барпо эттирганлар. Матниёз девонбеги, Қозикалон, Ислом Хўжа, Матпанобой, Дўст аълам, Юсуф ясовулбоши, Аминтўра мадрасалари шулар жумласидандир. Эътиборга молик томони шундаки, бу мадрасаларнинг баъзилари қурилиши ва безалиши жиҳатидан хон мадрасасидан анча юқори туради. Лекин шунга қарамай, хон уларнинг бу ишига ҳасад билан қарамаган, аксинча бундай маърифат масканларини қуришга илҳомлантирган, моддий ёрдам берган.

Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг нозик дидли инсон

¹ Қаранг: Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, 1991, 100-бет.

бўлганлигини «Қибла Тозабоғ» ёзги дам олиш меъморчилик ансамбли қурилиши ҳам кўрсатади. Тарихчиларнинг таъкидлашича, бу қаср қурилишига ҳам у вазири Исломхўжа билан биргаликда раҳбарлик қилган. Бу меъморчилик ансамбли 1897 йилда қурилган. Боғ ичига қурилган бу қасрда Хоразм меъморчилиги билан оврупача қурилиш усули мужассамланиб кетган.

Сарой учта катта бўлакка бўлинган: иккинчи ҳовли — хон ва сарой аҳли, хизматкорлар ва хоннинг оила аъзоларига мўлжаллаб қурилган бўлиб, бу ерда бир неча айвонлар ҳам мавжуд. Учинчи ҳовли — оврупача услубда қурилган қабулхона ва хоналардан ташкил топган. Қабулхона деразалари оврупалик усталар томонидан ясалган. Айвон кенг саҳндан иборат. Сарой ўртасида ҳовуз ва гулзор мавжуд. Сарой шарқона услубда ниҳоятда гўзал безалган, айвон устунлар, эшик ва дарвозалари ўймакорлик санъатининг ажиб намуналари асосида барпо этилган. Меъморий комплекснинг атрофида қишки ва ёзги масжид, мактаб, мадраса, отхона, тегирмон, новвойхона жойлашган. Унинг гирди боғ билан ўралгани сабабли ниҳоятда баҳаво. «Қибла Тозабоғ» шаҳардан бир ярим километр четда барпо этилган.

Феруз бу ёзги дам олиш саройиңи бежиз боғ ичига қурдирмагандир. Хоразмда ва умуман Шарқ мамлакатларининг пойтахтларида бундай саройлар қуриш анъанаси мавжуд бўлган. У бу анъанани ўз даврида давом эттирди.

Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул ўзларининг «Феруз шоҳ ва шоир қисмати» асарида таъкидлаганларидек, асримизнинг бошларига келиб Хива хонлиги ҳудудида 130 мадраса, 1636 масжид бўлган. Хонлик ҳудудида 1500 мактаб бўлиб, уларда йил давомида 45 мингдан зиёд болалар ўқиган. Мадрасаларда таҳсил оладиган муллаваччалар сони 2300 кишидан зиёд эди. Мадрасаларда илоҳиёт илмлари: Қуръон, Ҳадис, тафсир, фикҳ (дин ва шариаат қонун-қоидалари) билан бирга риёзиёт (математика, ҳандаса, геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, (медицина), тарих, жўғрофия, илми аруз (поэтика), араб тили ва унинг морфологияси (қофия) каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилар эди. Ферузнинг ўзи тез-тез Хивадаги мадрасаларда бўлиб, у ердаги таълим-тарбия ишларини шахсан назорат қилиб борар ва мадрасаларнинг талабаларига давлат хазинасидан моддий ёрдам қилиб турарди. У мадраса мударриси ҳар то-

монлама билимдон бўлишини, дарсларни таъсирчан ва қизиқарли ўтишини истарди. Шу мақсадда Феруз мадрасаларга охун ва мударрисликка тайинлашдан аввал номзодни чақириб танишарди ва имтиҳон қилиб бўлгач, «очич дарс» ўтказишини сўрарди. Ферузнинг олим ва фозиллар ичида бундай ошкора иш тутишининг аҳамияти бениҳоя катта эди. Чунки бунда мударрислик вази-фасига тайинланаётган кишининг шахсияти, зукколиги, маънавий дунёси, фозилу донишмандлиги намоён бўларди.

Хива мадрасаларида Муҳаммад Юсуф Ҳожи-Доий, Худойберган Охунд, Ожиз Муҳаммад Шариф Охунд, Юсуфий, Оллақули Охунд, Муҳаммад Еқуб Охунд, Муҳаммад Шариф Охунд, Муҳаммад Юсуф Охунд, Муҳаммад Ризо каби олиму фозиллар мударрислик қилиб, ёшларга таълим-тарбия берганлиги фикримизнинг исботидир.

Феруз маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида 1884 йилда ўз саройида мактаб очди, бу мактабда Мирзо ва Раҳмонқули каби устозлар ёшларга билим бериш билан шуғулландилар. 1887 йилда бу мактабда 11 ўқувчи таълим олиб, шулардан олти нафари Ферузнинг шахсий ҳисобидан ўқиди. Мана шу мактабда бўлган рус рассоми Л. Е. Дмитриев Кавказский ўз хотираларида бундай деб ёзади: «Эшиклардан бирини очиб, тўғри синф хонасига кириб келдик. У деярли бўш бўлиб, деворига катта жўғрофий харита осилган, тоқчасида бир қанча китоблар бор эди. Соддагина қилиб қўлда ясалган стол, унинг устида сиёҳдон, ёнида иккита ўриндиқ. Синфнинг бутун жиҳози ана шундан иборат эди. Ўқитувчи машғулоти бошқа хонада ўтказарди. У хонада ҳам деярли ҳеч қандай жиҳоз йўқ, фақат ерга кўрпачалар тўшалган эди. Ҳовлида 11 болани (11 ёшдан 15 ёшгача) ва бошқа мусулмон ўқитувчисини кўрдик»¹.

Бундан ташқари Феруз фармонига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда янги усул мактаби очилди. Бу мактаб ўқувчиларининг сони 55 нафар бўлиб, шундан 45 нафари маҳаллий миллат фарзандлари эди.

Ҳусайн Қўшаев 1906—1907 ўқув йилида ҳонликдаги ота-оналарнинг ва илғор маърифатпарвар кишиларнинг

¹ Қаранг: Тўхтаматов Т. Г. Россия и Хива в конце XIX, начале XX вв. ГРВЛ, М., 1969. 75-бет.

орзу-истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактабини ташкил этди. Бу муҳим воқеадан хурсанд бўлган Феруз Урганчга бориб, мазкур мактабдаги таълим-тарбия ишлари билан ўзи танишди ва Ҳусайн Қўшаевнинг бошлаган фойдали тадбири учун уни қўллаб-қувватлаб бош-оёқ сарупо кийгизди ва хазина ҳисобидан мактабга ёрдам бериб туришга қарор қилди¹.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз атрофидаги илғор фикрли кишилар Комил Хоразмий, Худойберган Девонов, Сайид Исломхўжанинг ташаббуслари билан 1891 йилда Хивада рус-тузем мактаби очилди. Феруз бу мактабни ҳам ўз ҳомийлигига олди. Рус-тузем мактабида рус тили ва адабиёти, риёзиёт, тарих, жўғрофия, табиат каби фанлардан ташқари она тили ва ислом фани асослари ҳам ўқитиларди. Шундай қилиб Феруз Хоразмда мактаб ва мадрасаларда таълим-тарбия ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қаради, талабаларга ва мударрисларга доимо ғамхўрлик қилиб турди.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг маърифатпарварлик фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, унинг оилапарварлиги, хотин ва болаларига меҳрибонлигини ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозим. Болаларнинг тарбиясига қараш учун энагалар биркитилган бўлиб, ўғил болаларнинг юриш-туришларидан хабардор бўлиб туриш ўз маҳрамларига топширилган эди.

Феруз уйда жуда ҳам оддий ва камтарин инсон бўлиб, ҳар доим оддий кийимда ўлтирар эди, ўғил-қизлари ва неваралари билан сабоқлар олиб борар, ҳушчақчақлик қилиб ўйнашни жуда ҳам ёқтирарди. Неваралари Саъдулла тўра ва Носир тўра бобоси Феруз ёрдамида савод чиқарди, шеърятга ва рассомчиликка меҳр қўйиб улғайдилар. Ферузнинг муаллимлик хизматлари беҳуда кетмади, унинг оиласидан, авлод-аждодлари орасидан Комёб, Оқил, Содик, Муродий, Султоний, Саъдий, Асад каби йиғирма нафардан ортиқ етук қалам соҳиблари етишиб чиқиб, қатор тарихий асарлар ва шеърый девон яратдилар, хаттотлик ва таржимонлик билан шуғулланиб, маданиятимиз хазинасини бойитдилар.

Феруз моҳир тарбиячи сифатида оила бахти, фарзандлар истиқболи учун кўпгина ибратли ишларни қилди. «Чунки у оиланинг ҳаётда муҳим ўрин тутишини, инсон

¹ Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, 1991, 101—102-бетлар.

зотини давом эттиришдек улуғ вазифани бажаришини яхши ҳис этарди. Оиланинг илдизи фарзанд эканлиги, болаларни тарбиясида оиладаги муҳит, улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва эътибор, ота-онанинг фарзандларига нисбатан мурувватли бўлиши лозимлигини Феруз ҳаёти ва фаолияти мисолида кўришимиз мумкин»¹.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги Хоразм адабий маърифатпарварлик муҳитининг вужудга келишида Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг роли ва ишлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, у илм-маърифат ҳомийси, ташкилотчиси, санъат ва адабиётнинг чинакам фидоийси сифатида катта ишларни амалга оширди. Шоир ва тарихчи Баёний ибораси билан айтганда, «унинг даврида ҳар бир маҳалла ўз мачити, унинг қошида мактаб ва мадраса»сига эга бўлди, жуда кўп нодир асарлар араб ва форс тилларидан ўзбек тилига ағдарилди.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг тарихда ўтган бошқа шоҳи соҳибқиронларга нисбатан инсонпарварлик, маърифатпарварлик фаолияти ва ибратли томони шуки, у ўзгалар ерига кўз олайтирмай, ўз давлатини мустаҳкамлади, атрофига илғор фикрли кишилар — Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо, Табибий, Чокар, Рожий, Аваз Утар, Қомеб каби кўпгина шоирлар, олимлар, созандаю хонандаларни тўплаб, уларга моддий ва маънавий томондан ғамжўрлик қилиб, улар билан мунтазам илмий-адабий мунозара ва китобхонлик оқшомлари ўтказишни кенг йўлга қўяди. Бу хусусда Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида шундай ёзади: «Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун жума ва душанба оқшомларида уламо бида суҳбат қилуб, китобхонлик этурар эрдилар. Андоқким, Юсуф Ҳожии Охунд ва Исмоил хўжа Охунд ва Худойберган Охунд ва олиму улум маъқул ва манқулда мулло Муҳаммад Расул ва фақирини ҳақир мажлиси ҳумоюнларига ҳафтада икки мартаба ҳозир бўлиб, китобхонлик этар эрдуқ. Гоҳо домла Муҳаммад Расул билан икковимиз кириб суҳбат ҳумоюнларида китобхонлик этар бўлур эрдик ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлик этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. Алқисса, «Анносун ало дини мулукаҳум»нинг муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар»².

¹ Раҳим Д. Матрасул Ш. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, 1991. 74-бет.

² Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент, «Камалак» 1992. 257-бет.

Огаҳий ўзининг «Таъвизул ошиқин» девони деб очасида Ферузнинг адабиёт ва санъат ҳамда илм аҳлига муносабатини шундай тасвирлайди: «Ҳамиша ул жанобнинг шарофатлиғ одати уламо ва фузало зумрасиға навозиш ва марҳамат кўргузмак, хусусан, шуаро ва зуфаро жамоаси шаънида баҳшиш ва тарбият русусин тузмакдур. Лиҳозо аксар уламо, фузало ва шуаро ул жанобнинг бихиштойин мажлисиға фазлу дониш вазиласи била йўл топиб, илтифот ва ихсоноти неъматидин махзуз ва баҳраманд бўлуб, субҳу шом балки аладдавом дуойи давлатиға машғул ва машъуфдурлар»¹.

Тил ва адабиёт, мантиқ, мусиқа илмида Ферузнинг олдиға тушадиган аллома ва фузало йўқ эди. Бу тўғрида ҳаттот ва тарихчи Ходим шундай воқеани эслайди: «Биз, яъни Болта девон Нодим, Юсуф Харрот — Чокар ва ман Бобожон тарроқ — Ходимларға Арабхон мадрасасининг охуни Юсуф Ҳожи Дойи адабиёт илми бўйича Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари бўйича сабоқ берганида, Феруз мазкур асарлар юзасидан савол бериб, бизни имтиҳон қиларди. Ана шундай пайтларда бирортамиз ғазал ўқишда хатоликка йўл қўйсак ёки бирорта сўзни нотўғри талаффуз этсак, Феруз бизни тўхтатиб, хатоларимизни тўғриллар, у ёки бу сўзнинг маъносини айтиб бериб, ҳеч хафа қилмасдан камчилигимизни йўқотишга ёрдам берарди»².

Маърифат ва санъат гулшанининг боғбони Муҳаммад Раҳимхон Феруз шоирлар, созандаю хонандаларни саройға йиғар экан, уларнинг ижодий камолоти борасида қайғуради. Ҳар бир шоирнинг шеърларини жамъ қилиб, девон ва баёзлар тузиш каби хайрли ишларни амалга оширади. Бунинг натижасида «Баёзи мусаддасот», «Баёзий мажмуаи ашъор», «Баёзи муҳаммасот», «Баёзи ашъор» сингари юзга яқин девон ва баёзлар яратилди. Бу «баёзлар» ўзининг композицияси, шеърларининг ғоявий мазмунни, китобот услуби ҳамда ҳуснихати билан алоҳида ажралиб туради. Бу ишларға бевосита Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлик қиларди»³. Унинг раҳбарлиги остида

¹ Огаҳий. Асарлар. I-жилд. Тошкент, 1971, 42-бет.

² Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент. 1991, 58-бет.

³ Ҳамидова М. «Қўлёзма баёзлар — адабий манба». Тошкент., «Фан» 1981, 34-бет.

Аҳмаджон Табибийнинг «Мажмуат уш-шуаро», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» тазкиралари яратилди. Шу даврда Ферузнинг ташаббуси билан Хивада тошбосманинг барпо этилиши ўз навбатида адабиётнинг ижтимоий аҳамиятини, таъсир кучини оширди. Хива тошбосмахонаси («Подшоҳи замон типитографияси») ташкил этилгандан бошлаб, кўпгина адабий ва тарихий асарларни форс, араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилишга ва китоб нашр этишга катта эътибор берилди бошланди. 1876 йилда Хива тошбосмахонасининг илк маҳсулоти Абу Носир Фарроҳнинг «Нисо ус-сибиён» («Болалар насибаси») рисоласи нашр этилди. Матбаачи Отажон Абдалов Ферузнинг кўрсатмасига биноан 1879 йилда Шермуҳаммад Муниснинг «Мунис ул-ушшоқ» девони, 1880—1882 йилларда Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Комил Хоразмийнинг бешта девони, Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девони, янгиариқлик улўф шоир ва мутаржим Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжанинг «Девони Холис» шеърий мажмуаси, Комил Хоразмийнинг сўзбошиси билан Алишер Навоийнинг «Чор девон», «Ҳазойин ул-маоний» асарлари нашр қилинди.

1897 йилда деярли бошқа шоирлардан кейин Ферузнинг «Девони Феруз» ғазаллар мажмуаси нашр этилади. Бу унинг ўта камтарлигидан нишонандир. Шунингдек, Феруз бевосита Огаҳий, Баёний, Пири Комил Мирзо Рोजий, Табибий, Комил Девоний, Ғуломий, Султоний, Саъдий, Асад, Ғозий, Раҳмонқули қори каби шоирларнинг шеърларининг нашр этилишига ҳам жонкуярлик қилди. Феруз ўз оға-инилари, жиянлари ижодидан «Хафт шаҳзода» номли шеърий тўплам ҳам туздирган. Бундай хайрли ишлар Ферузнинг бебаҳо маърифатпарварлик, саховатлилик, шуаропарварлик фаолиятининг ва инсонийлигининг кичик бир қиррасидир, холос.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг ҳақиқатан ҳам саховатли, фуқаропарвар инсон эканлиги тўғрисида Ҳасанмурод қори Муҳаммадамин ўғли Лаффасий «Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида қизиқарли бир воқеа келтиради: «Дойи сарой ишлари орасида ўзининг довюраклиги, бетгачопарлиги билан ажралиб турган. Юсуф Ҳожи номи билан машҳур бўлиб, ҳаммавақтлар Хива уламо ва сипоҳиларини мазаммат этиб, ҳақоратлар қилиб юрур эрди. Муҳаммад Раҳимхон Дойига яхши ҳурматлар билан инъомлар бериб турар эди. Муҳаммад Раҳимхон Дойининг шул тариқа

сипоҳи-ю уламоларни ҳақоратлар қилиб, мазаммат қилғонини билиб они Хивадаги масжиди Қалъонга воизлик мансабига тайинлайдур. Аммо... вазирлар ва уламоларни танқид қилғон ҳолида анча шикоятлар этиб турадур. Аммо хон томонидан нима сўзласа хонга бориб айтур эрдилар. Бир кун Муҳаммад Раҳимхон Ислонхўжага айтди «Бу кун наҳори жумъа масжидга бориб, воизнинг яна насиҳатларидан эшитиб кел» деб фармон қиладур. Ислонхўжа ўзини яқинларидан олиб намози жумъага борадур... Юсуф Ҳожи Охун... уларни кўриб мазамматлар этиб айтади: «Мундоғ мадраса ва миноралар бино қилдурса қандай савоб бўлсун, фуқаро деҳқонларга шундоғ жабр-зулм қилиб фуқароларни манглай тери бирлан жамъ бўлган ақчалардин бино бўлғонда нима савоб бўлади. Буларни шундоғ бу иши жазосини топса керак...» Ислонхўжа ушбу бўлғон воқеаларни Муҳаммад Раҳимхонга айтадур. Хон бу тўғрида ҳеч бир нима сўзламайдур. Балки анга (Дойига демоқчи) сарпо бериб юборадур»¹.

Бу ўринда Феруз билан Аваз Утар ўғли муносабатларига ҳам бироз аниқлик киритиш лозим деб ўйлаймиз. Тарихда Муҳаммад Раҳимхоннинг Авазни 200 дарра урдириб, Эшонбобо мозорида кишанлатиб қўйгани тўғрисида узуқ-юлуқ гаплар юради. Бу фикрлар Лаффасий тазкирасида ҳам бор. Бироқ шу пайтгача айтиб келинганидек, Аваз бу можаролардан кейин саройни тарк этиб кетган ва умуман саройдан нафратланиб яшаганмиш. Бироқ асл ҳақиқат бошқача: «Аваз ҳамма вақт айтур эрдиким, бир вақтлар бўлсунким, Хоразм фақир деҳқонлари бу золим қонхўр вазирларнинг темур чангалларидин халослик ҳосил бўлур, деб доимо уламо, вазирларни мазаммат қилиб юрур эрди. Шул сабабли Муҳаммад Раҳимхон Авазга ўзининг ҳузурида ётқузуб икки юз дарра қамчи урдирди. Шунини натижасида «Аваз жинни бўлғон» деб оёғига темур кишанлар солдуруб машойихлар хизматиға юборадур. Аваз машойихлар хизматида қирқ кун бўлуб, мазкур қамчиларнинг заҳматида андек саломат бўлуб яна Ферузнинг хизматиға келиб аввалги мартабасида хизмат қилиб Аваз тахаллуси бирлан шеър абётларни Ферузға пайров ёзиб турадур». Дойи билан Аваз хусусида Лаффасий тазкирасида баён қилинган юқори-

¹ Қаранг: Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Не бўлди, ёрим келмади. Сўнгсўз ўрнида, Тошкент, 1991, 57-бет.

даги воқеаларни ўқиган ўқувчи бир қадар ҳайратга тушиши табиий. Негаки, иккала шоир ҳам бир тоифада, бир хил муносабатда бўлишган-у Феруз бу шоирларнинг бирини тақдирлаб, иккинчисини жазога буюрган? Аваз характеридаги ўта кескинлик, муросасизлик, бу муносабатнинг сабабчисидир. Бунинг устига, Аваз, агар саройдан кўнгли қолган бўлса, бу кўнгилсиз воқеадан кейин тағин ўша даргоҳга қайтиб бормаган бўларди¹. Шу билан бирга қўрқмас ва шижоаткорлиги учун Феруз томонидан Кўҳна Урганчга ҳоким қилиб қўйилган Шиносий гўзал шеърлар ёза бошлаганидан кейин саройга олиб келиниб, вазир этиб тайинланган. Табиий сарой шоирларининг сардори, ғоятда чиройли хат битувчи Чокар хаттотлик вазифасини бажарган. Хуллас, Феруз бу ижодкорларнинг ҳар бирига ўз қобилиятига яраша иш топширган, характериға қараб муомала қилганлигини кўрамиз.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳуснихат устаси бўлиш билан бирга мусиқа сирларидан бохабар бўлган. Саз илми ва гўяндачилик, мусиқа, айтим борасидаги тутган йўли, куюнчаклик билан Хоразм мақомларини тиклаш, сақлаш, кейинги авлодларга тўла етказиб бериш учун интилгани ҳам Ферузни абадиятга дахлдор ҳукмдор сифатида намоён этиб турибди. Феруз «Шошмақом» куйларини тўлиқ ўрганиб, «Наво», «Сегоҳ», «Дугоҳ» мақомларига боғлаб ўн учта куй басталаган. Феруз ўзининг бир мухаммасида Хоразм мақомларини бирма-бир санаб кўрсатади:

Соз айлагил субҳу масо гоҳ «Рост» чертиб, гоҳ «Наво»
«Дугоҳ»у, «Сегоҳ»у, «Сабо» ҳар бирисидур ғамзудо,
Раҳм этмайин ул дилрабо айлар эди нозу адо,
Ҳижрон ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,
Бу дам тутуб расми вафо шўхи сятмакоринг келур?

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламиз, шўро ҳукумати мафкураси ҳукмронлик қилган даврда «Устина» радибли ғазалиға Ферузнинг ўзи куй басталагани учун унинг қўширини куйлаш таъқиқланиб, ўрниға Огаҳийнинг шу радифдаги ашуласи куйланиб келинди.

¹ Исмоилова Г. Хоразмнинг фозил фарзанди. «Еш ленинчи», 1991 йил 23 август.

² Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, 1991. 86-бет.

Феруз саройида Матёқуб Дўнмас, Матёқуб позачи, Полли дўзчи, Ҳўсин калат, Расул Мирзо Хударган махадик, Бобо буломончи, Отажон сўта, Машариф Махрам, Сапар махрам ва бошқа мақомчилару созандалар хизмат қилишган. Шуниси эътиборга лойиққи, ҳар бир созандаю гўяндага созандалик шаҳодатномасини Ферузнинг ўзи тақдим қилган, вақти-вақти билан уларнинг маҳоратларини имтиҳондан ўтказиб турган, кимки созни, куйни, мақом ижросини, талқинларни бузса жазолаган. Айниқса, мақомга бўлган эътиборни кучайтирган ва бу борада махсус фармон ҳам қабул қилган:

Фармони олий

Бизким Хоразм мамлакатининг олий ҳақони Муҳаммад Раҳимхон соний қуйидаги фармони олийга имзо чекдик.

Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёйинки уни бузуб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!

Муҳаммад Раҳим Сони
1299 Ҳ. й. жумадул аввал (1882)¹

Мана шу фармоннинг ўзиёқ Ферузнинг мусиқага бўлган ихлоси нақадар юксак эканини кўрсатади ва санъатни кўз қорачиғидек асраши, уни бузишга йўл қўймаслиги яққол сезилиб турибди. Феруз даврида санъатга эътибор шу даражага етдики, хон Фармонига мувофиқ қўшиқлардан иборат махсус баёзлар тузилди, мусиқий рисоалар битилди, олти ярим мақом нотага туширилди.

Шунингдек, Муҳаммад Раҳимхоннинг 1888 йилнинг 12 апрель санасидаги фармойиши ҳам ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. Унда хонлик ҳудудларида сақланиб қолган қадимий осори-атиқаларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга тўкис етказиш ҳақида гап боради: «Қадимдан қолгон ёдгор нарсаларни йўқ қилдурмасунлар, ҳар бир тариқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлгонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсунлар.»

¹ Қаранг: Комил Аваз. «Гарчи эрурман толеим Феруз...» Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1994 йил, 30 сентябрь.

Хикоя қилишларича, Феруз ўзига ва атрофидаги кишиларга нисбатан ғоят талабчан бўлган, ишда аниқликни, тўқис ижронни ёқтирган. Сухбат чоғида аъёнларидан «Хўш, сизнинг ўзингиз нима иш билан машғулсиз, келажак авлодларимизга ўзингиздан не ёдгорлик қолдирмоқчисиз, ибрат бўларлик не ишларингиз бор», деб сўраб турган ва бу талабларга энг аввало ўзи қатъиян риоя қилган. Бунинг самараси ўлароқ, амалдорларнинг кўпчилиги, мутасаддилар фуқаро оромига хизмат қилувчи кўплаб мактаб, мадраса, масжид, ҳаммом, бозор расталари ва бошқа маданий-маиший иншоотлар қурилишига бош-қош бўлганлар, ариқлар қазиб боғ-роғлар яратганлар.

Феруз бадий ижодда ҳам ўзига хос иқтидорга эга эди. У шеърининг ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоий ва бошқа жанрларида самарали ижод қилиб, ўз асарларини «Ғазалиёти Феруз», «Баёзи Феруз» номлари остидаги ўнга яқин шеърини мажмуалар ва битта девонга жамлаган. Шоирнинг ғазаллари ғоят ўйноқи ва куйларга мосдир. Шу сабабли ҳам унинг кўпгина ғазалларига куйлар басталангандир.

Ферузнинг маърифатпарварлик қарашларини ўрганар эканмиз, англаймизки, у ўз халқини дунёга танитишнинг бирдан-бир йўли халқни маърифатли, мустақил маънавиятли қилишдан бошлаш деб билди. Шунинг учун ҳам унинг маърифатпарварлиги ва халқпарварлиги давлатни мустақкамлаш, адабиёт ва санъат, таржимачилик, китобатчилик, илмий-бадий асарларни яратишни ривожлантириш учун кураш билан доимо боғлиқ бўлган. Бу ҳол Ферузнинг маърифатпарварлик фаолиятида адабиёт ва санъат аҳлининг ҳар бирига ўз қобилиятига қараб иш топширишида, Хивага жаҳон адабиёти ва тарихи дурдоналарининг келтирилиши, уларни туркийга ўгиртириб тошбосмада чоп эттиришида, забардаст шоиру фузалол олиму илм аҳлига арабий ва форсийдан таржималар этиб, қасидалар, ғазаллар битишга, девонлар тузишга фармон-топшириқлар беришида аниқ сезилиб туради.

Феруз ўзининг маърифий-ахлоқий қарашларида инсоннинг феъл-атвори ва сифатини икки гуруҳга бўлади: инсофли ва диёнатли, имонсиз ва диёнатсиз. Ферузнинг назарида, биринчи гуруҳга чин қалбдан ардоқланган, инсоний хислатларга эга бўлган, табиатига юксак инсонийлик, садоқат ва вафодорлик хос бўлган кишилар киради. Иккинчи гуруҳ кишиларнинг кўпчилиги эса хайру

саховат, имон ва инсофдан асарсиздир. Жумладан, Феруз ўзининг ахлоқий тушунчасини Худонинг каломи бўлган Қуръон ва Муҳаммад Пайғамбар ҳадислари асосида ишлаб чиқади ва унга бўйсунди. Ҳар бир қилаётган муруввату саховатини, хушмуомалаю қаттиққўллигини Худонинг хоҳиши деб билади. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган эди:

Онга ҳамдким ҳайи доно дурур,
Бори илми қудратда якто дурур.
Яратти тўққуз ҳарфни мустадир,
Бировни шоҳ этди, бировни вазир.
Жаҳон мулкани исломобод этиб,
Басе, яхши ишларни бунёд этиб.
Шариат била динга берди ривож
Шаҳаншоҳлар бошидин олди тож.
Илоҳий эрурман басе шармисор,
Гуноҳ дуди бирла сиеҳ рўзгор.
Мани айлаб ул дўстунга қарийб,
Шарофат манга ондин этгил насб...¹

Ҳақиқатан ҳам, Феруз динга кучли эътиқод қўйган, ҳурмат билан қараган. Адолат ва инсофни салтанат асосига қўйди, ўзининг инсонга бўлган муносабатини ислом дини, Қуръон, шариат қоидалари асосида тайин этди. Шоир ғазаллари орасида шундай мисралар учрайдики, буларда Ферузнинг дунёқараши, чин эътиқоди ва инсонпарварлиги очиқ сезилиб туради:

Надомат бирла умрим ўтди, ё раб,
Етур тонгла расулингдин шафоат.

Еки

Нечук мақбуллиғ топғусидур аҳли жаҳон аро,
Ул одамким, онга қаҳринг соридин бўлса рад пайдо.
Бариси хоҳиши тақдиринг ила бўлғуси мавжуд
Неким гар бандадин оламда бўлса неку бад пайдо².

«Беайб парвардигор» дейишади халқимиз. Инсон зоти борки, у хато ва камчилик қилади. Одамзод қилган номақбул ишлари, яъни гуноҳи учун охиратда жавоб бериши керак. Бу туйғу инсонни ҳар доим ёмон ишлардан тийиб туради. Унинг яратган олдидаги масъуллигини оширади. Гуноҳ қилиб қўйган ва қилишдан қўрққан одам тавба-тазарруга ружу қилади. Худога сиғинади, ундан

¹ Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Девон. Тошкент, 1995, 108—109-бетлар.

² Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Девон. Тошкент, 1994, 7-бет.

нажот ва мадад сўраб илтижо этади. Ферузнинг ижодий меросида бу фикримизни тасдиқловчи ўнлаб ғазаллар мавжуд:

Бўлсун салом беҳад анга субҳ ила масо
Ким, деди васфини они фуқон аро худо
Ҳокм қудумин айлади бўса ҳама расул,
Билди ўзига шоҳ они жумлаи анбиё.
Ул шомким, ҳақ амри билла айлади уруж,
Топти ҳама мурод ила мақсудин раво.
Албатта ҳашрда топар онинг шафоатин,
Ҳар кимсаким, жаҳонда қилур инқиёд анго
Ҳар кимки, амри шаръийга гар сунмағай бўйин,
Рўзи жазода бўлғуси икки юзи қаро.
Ҳар ким салому саловот этса одатин
Шаҳд шафоатин иҷадур, тоғла ҳашр аро¹.

Кўриниб турибдики, Феруз инсонпарварлик сифатларининг ҳаммасини Аллоҳ таолога манзур бўлган ахлоқ сифатлари деб тушунади. Унинг назарида, Ҳақнинг берганига сабр-қаноат қилиш, саботли, чидамли, раҳмдил, шафқатли, очиқ кўнгилли, софдил, адолатпарвар бўлиш инсонийликнинг энг олий кўринишидир:

Саломат аҳли бошига фалақдин
Даме тинмай ёғар санги мадомат.
Маломат тошидин озурдадурлар,
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат.
Маломат чекмайин десанг жаҳонда,
Худонинг берганига қил қаноат.

Шоир назаридаги «аҳли фаросат», англашиладик, даврнинг илм-маърифатли олим, ва шоирларидир, улар ўз эътиқодига содиқ кишилардир. Ферузнинг бу фикрлари халқ дардини ўзига олиш, уни офатлардан сақлаш, аҳволдан хабардор бўлиб, яхши муомала қилиш ва бошқа фазилатлар мужассами сифатида намоён бўлади. Шу инсоний сифатларни амалга ошириш ташаббускори бўлган Феруз шундай ёзади:

Аҳли хиссат етса давлатга, замона аҳлининг,
Бир фулуси кармана учун баррини бирён қилур.
Сабр қил Феруз, агар қилса жафо бу чархи дун,
Сабр қилгоннинг худо мушкулларин осон қилур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ферузнинг маърифий-ахлоқий қарашларида дўстлик, вафодорлик, қаноат, камтарлик улуғланади, диёнатсиз, тамағир, нафс

¹ Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Девон. Тошкент, 1994, 7-бет.

балосига йўлиққан молпараст, жаҳолатпараст кишилардан жуда эҳтиёт бўлиш кераклиги уқтирилади:

Вафо кўрмайн ҳеч бир дўстдин,
Бўлибман жаҳон аҳлидин асру танг.
Таъма қилма даҳр ичра ҳар дундин,
Таъмадин борур элга номусу нанг,
Тавозени айла ўзингга шиор,
Ҳаво бирла нафсингга берма эрк.

Ферузнинг назарида, соф кўнгиллик, камтарлик, сабртоқатли бўлиш ёшларнинг камолот мезонидир:

Не янглиғ сабр қилсун ул қуёш ҳижронида Феруз
Зиёд айлар жафосин, айламас бир зарра кам ё Раб.

Ёки:

Қаноат бирла сабр ўлса санга иш
Ҳар ишда қилмағунг ҳаргиз надомат.

Шоир кимки, покиза ва шижоатли, ростгўй бўлса бахт-саодатга, фаровон ва осуда ҳаётга эришади деб уқтиради:

Сандин ўзга кўнглум олгон шўх йўқ бу даҳр аро,
Рост бил бу сўзни, жон ёрим, ёшингдин ўргилай.

Феруз инсоннинг энг олижаноб хислатларидан бири ўз севиклисига садоқатли, вафодор ва мурувватли бўлишдан иборатдир, деб таъкидлайди:

Ошиқи бахтиёрингман, вафо айлаб манга,
Айлагил маъшуқликни ихтиёр, эй гулбадан.
Киши гар содиқ эрса ишқ аро бу янглиғ,
Бўлур Феруз бахту камрон оҳиста-оҳиста.

Маърифатпарварлик ғоялари Муҳаммад Раҳимхон Феруз фаолиятида ўзининг амалий моҳиятини намоён қила олди. Феруз ўз фаолиятида Хоразмнинг истиқлолни учун курашиб, халқни, унга тегишли барча маънавий бойликларини инсоният сарвари тимсолида талқин қилди. Урта аср алломаларидан Фахриддин Розий шундай деб ёзади: «Дунёда инсон яратган икки нарса тўла даражада халқ мулкига айланиб қолади. Бир маърифатга йўл очувчи асар. Иккинчиси — тикланган бино. Бу иккисини бир инсон жамулжам қилмоғи қийин. Уларни ўзида намоён қилган инсонларга эса Аллоҳ раҳмати ёғилади». Ҳақиқатан ҳам, улуғ шоҳ ва шоир, олим Муҳаммад Ра-

ҳимхон Феруз бу икки хислатни ўзида жамулжам қилиб Аллоҳнинг раҳматига эришган табаррук инсон бўлган, у қолдирган мероснинг эъзози эса бунинг ёрқин исботидир.

Маърифатпарвар шоҳ, етук шоир ва олим шахсиятининг ана шу порлоқ жиҳати ҳозирги кун учун ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу меросни ҳар томонлама ўрганиш, илмий-адабий, фалсафий, тарихий, ҳуқуқий, тарбияшунослик, санъатшунослик нуқтаи назаридан йирик илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ўзбек маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

2- §. Комил Хоразмий ва Муҳаммад Расул Мирзонинг маърифий-ахлоқий қарашлари

Муҳаммадниёз Комил Хоразмий (1825—1899) ўзбек адабиёти, мусиқашунослиги ва тарбияшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшган забардаст шоир ва моҳир бастакор бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби, таржимон ва хаттот ҳам эди.

Паҳлавон Ниёз Муҳаммад 1825 йилда Хивадаги мадраса мударриси Абдулла Охун оиласида туғилди. «Паҳлавон» унинг лақаби, «Комил» (камолотга эришган) эса адабий тахаллусидир. Отаси ўз ўғлини яхши тарбиялаш баробарида унинг хат-саводини чиқариш учун ҳам ҳаракат қилиб, масжид қошидаги мактабга ўқишга берди. Мактабдан кейинги вақтларда эса сабоқни ўз отасидан олди. Абдулла Охун ўғлига араб, форс тилларини ўргатди, адабиёт ва мусиқага ҳавас уйғотди. Бўлғуси шоир мадрасада ўқиб юрган даврларидаёқ мумтоз адабиёт вакилларининг ижодини зўр ҳавас билан ўрганди. Алишер Навоийнинг ўзига устод билиб, унга тақлид қилиб шеърлар ёза бошлади. Фузулий, Мунис, Отаҳий ижоди Комил учун адабий мактаб ролини ўтади. У йигирма беш-ўттиз ёшларида машҳур шоир бўлиб ётишади. Мусиқа ва хаттотлик санъатини ҳам ўрганади. Комилдаги бундай юксак истеъдоддан хабар топган Хива ҳукмдори Саид Муҳаммадхон (1856—1865) уни саройга чақириб, котиблик вазифасига тайинлайди. Комил атрофига кўп ёшларни тўплаб, уларга ҳуснихатдан таълим берди. Китоб фақат қўлёзма нусхаларда ёки жуда бўлмаганда тошбосма усулида тарқалган даврда бу санъат айниқса, катта маърифий аҳамият касб этган эди. Комилнинг бевосита тарбиясида етишган хаттотлар 50 нафардан ортиқ бўлиб, жумладан, устод Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Муҳр-

кон девон, Муҳаммад Шариф Тарро девон, Муҳаммад Расул, Матёқуб Харрот девон ва бошқалар бу соҳада зўр маҳорат ва шуҳрат қозондилар.

Комил Хоразмий Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1865—1910) даврида мирзабоши лавозимида ишлади. У девонбегилик вазифасини (1873—1879) бажараётган даврда Хоразмда бир қанча иқтисодий, сиёсий ва маданий тadbирларни амалга оширди. Хусусан, унинг чор Русияси маъмурлари билан олиб борган дипломатик алоқалари, Хива хонлиги фуқароларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳаракати ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқлар ўртасида тинч-тотувлик ўрнатишга интилиши ўша даврнинг жуда катта воқеаси бўлди.

Комил Хоразмий бой Шарқ адабиётининг энг яхши намуналаридан баъзиларини таржима қилишда ва тошбосмасида китоб ҳолида чоп этишда фаол қатнашди. Машҳур олим Ҳусайн Воиз Қошифийнинг ўғли Фахриддин Сайфи томонидан 1532 йилда ёзилган «Латоиф-ат таваиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») асарини «Латоиф-ат зароиф» номи билан Комил Хоразмий таржима қилди. «Мумтоз» тахаллуси билан асарлар ёзган Бархудор бинни Маҳмуд туркман Фароҳийнинг (XVIII аср) «Маҳбубул қулуб» («Қалблар севгилиси») асарининг ўзбекча таржимаси ҳам Комил Хоразмий қаламига мансуб. Кичик ҳажмдаги маърифий-дидактик ҳикояларни ўз ичига олган бу асарлар ҳали етарлича ўрганилгани йўқ. Комил Хоразмийнинг бу таржималари, шубҳасиз, ўзбек маданияти тараққиётида салмоқли ўрин эгаллайди.

Комил Хоразмий ўз шеърларини йиғиб, биринчи марта 1880—1881 йилларда, иккинчи марта 1895 йилда девон ҳолида Хива тошбосмасида нашр этган.

Комил Хоразмийдан кўплаб мусиқачилар, гўяндалар мусиқа илми бўйича таълим олган. Масалан, Худойберган Муҳркон, Матёқуб Фозочи, Абдулла Гулобий, Худойберди Маҳсум, Бобожон буломончи, Собир Маҳрам, Отажон сўта, Муҳаммад Расул Мирзо, Матёқуб Харратлар дутор, танбур, ғижжак, буламон, сурнай, чанг, доира ва бошқа мусиқа асбобларини ва мақом йўлларини чалишни, Хоразм танбур чизиги йўлларини ўрганганлар.

Тадқиқотчи Фарҳод Қобуловнинг ёзишича, девонбеги Комил Хоразмий 1875 йил март ойида Муҳаммад Раҳимхон Ферузни Москва ва Санкт-Петербургга маслаҳатчи сифатида кузатиб боради. Комилнинг Русияга қилган бу сафари фақат саёҳат қилишдангина иборат бўлмасдан,

балки Муҳаммад Раҳимхон соний унга Хива хонлиги билан чор Русияси ўртасидаги элчилик алоқаларини янада мустақкамлашдек масъул вазифани топширган эди. Шу сабабли ҳам девонбеги Комил Хоразмий ўша пайтда чор ҳукуматида юқори лавозимларни эгаллаб турган амалдорлар қабулида бўлди. Комил давлат қонцлери Горчаков, ҳарбий вазир генерал-адъютант Милютин ва ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи махфий маслаҳатчи П. Н. Стремоухов қабулида бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш хусусида муҳим масалаларни ҳал қилди¹.

Сафар давомида Комил Хоразмий Санкт-Петербург шаҳрининг меъморий ёдгорликларини томоша қилиш билан бирга завод ва фабрикаларини ҳам бориб кўрди. Шиша заводида бўлган Комил шиша ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб бундан ҳайратланди: «У заводда икки соатча бўлиб, бутун ишлаб чиқариш жараёнини диққат билан кузатди ва кўз ўнгида ишланган битта графин ва бир неча қадаҳларни хотира сифатида сотиб олди»². Буни кўрган Комилда қолоқ Хива хонлигида ҳам ана шундай завод ва фабрикалар барпо этиш истаги туғилди.

Ўз даврининг пешқадам мусиқанависи ва бастакори бўлган Комил Хоразмий Санкт-Петербургни томоша қилиб, концертларда рус мусиқашуносларининг куйларини нотага қараб ижро этишларини кўриб чексиз ҳайратга тушди. Хоразмга қайтгандан кейин Комил Хоразмий ўзбек куйларини келажак авлодларга етказиш мақсадида ўзининг машҳур «Танбур чизиқлари», ёки «Хоразм нотаси» ни яратди ва «Рост» мақомининг бош қисмини нотага олди. Комил Хоразмийнинг «Рост» мақомига боғлаган «Мураббан Комил», «Пешрави Феруз» сингари куйлари нотага ёзилган ҳолда ҳозиргача сақланмоқда ва хонанда, созандалар томонидан куйланмоқда.

Комил Хоразмий Санкт-Петербургда кар-соқовлар билим юртида, кўрлар институтида ҳам бўлиб, ўқиниш жараёни ва талабаларнинг ҳаёти билан танишади. Айниқса, Комил ва унинг ҳамроҳлари кўрлар институти талабаларининг бармоқ сезгилари билан китоб ўқишларини кўриб ҳайратда қоладилар.

¹ Қаранг: Қобулов Ф. Комил Хоразмий ҳақида яна бир янги маълумот. «Адабий мерос» илмий асарлар тўплами, 1991 йил 2-сон.

² «Санкт Петербургские ведомости» рўзномаси, 1878 йил 2-сон.

1891 йилда Комил Хоразмий ташаббуси билан Хивада биринчи янги усул мактаби очилади. Бу мактабда рус тили ва бошқа дунёвий фанлар ўқитилган. Жумладан, шоирлардан Аҳмад Табибий, Аваз Утар ўғли, Баёний, Мирзо ва бошқалар рус тилини ўрганиб, Оврупоча билимлардан баҳраманд бўлишган.

Комил Хоразмий ёшларни илм-маърифатга даъват этиб, мамлакатни замонавий тараққиёт йўлига тушишни орзу қилади, ижтимоий тараққиёт ғояларини олға суради. Шоирнинг «Қамол», «Шуаро», «Фузало», «Дарбаёни таърифи ва тавсиф Тошканд» каби асарларида унинг маърифатпарварлик ва ахлоқий-таълимий ғоялари ўзининг ёрқин аксини топган.

Комил Хоразмий илм-маърифатни нодонликка, жаҳолатга қарши курашда ва инсоннинг ахлоқий камолотида асосий восита сифатида талқин этади. Шунинг учун ҳам шоир илм-маърифатни ҳаётнинг зебу-зийнати сифатида таъриф этиб ёзган эди:

Эмас кишига бу дунёда мулк-мол камол,
Хусули илму ҳунар келди безавол, камол.

Комил Хоразмий одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия мавзудаги асарларида ёшлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган масалалар борасида фикр юритади. Шоир ёшларни камол топиши учун камтар, доно, фаросатли ва хушфёъл бўлишга ундайди:

Жаҳонда истар эсанг сарбаландлиг — паст ўл,
Топар боши ошоқ ўлғон сойи зулол камол.
Тафаввуқ истамагил, эй йигит қариларга,
Топай десанг ёринг ўлсун сафи ниҳол камол,
Ҳамиша тарки такаббур қилу, ўзунг тут кам,
Ки қилғусу санго бу камлик иштимол камол,
Бузургзодага солма назар ҳақорат ила,
Ки бадр бўлғусидур топса ҳилол камол.
Камолсиз киши ҳар ердадур ҳижолатманд,
Еткурмагай кишига ҳаргиз инфиъол камол.

Комил Хоразмийнинг ахлоқий қарашлари унинг нафосат тарбияси тўғрисидаги ғоялари билан чамбарчас боғлиқдир. У ахлоқий тарбияни санъат ва адабиётнинг вазифаларидан бири деб тушунади. Унинг фикрича, адабиёт ижтимоий тафаккур шаклларида бири бўлиб, ҳар доим ўсишда, ривожланишда ва тараққиётда бўлади.

¹ Комил. Девон. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 109-бет.

Шунинг учун ҳам адабиёт жамият тараққиётига, инсоннинг бахт-саодатига, жамиятдаги иллатларни туғатишга хизмат қилиши, энг яхши инсоний хислат ва фазилатларни тарғиб этиши, кишиларнинг оңғи, ҳис-туйғусига ижобий таъсир кўрсатиши керак, дейди у.

Комил Хоразмийнинг таърифича, санъат ва адабиётнинг вазифаси «ҳақ сўз»ни айтишдир. Бунинг учун эса у адабиёт намояналарини санъаткорлик маҳоратини оширишга, Шарқ шеърятининг энг яхши асарларини қунт ва зўр иштиёқ билан ўрганишга, уларнинг анъаналарини давом эттириб, янги ғоялар билан бойитишга, фикрларни жонли ифода этиш омили бўлган тил бойликларини пухта эгаллашга даъват этади. Лекин маърифатпарвар шоир жоҳил амалдорлар ҳукмрон бўлган замонда ҳақиқатни тушунтириш, ёзиш қийин эканини, ҳақиқатгўй шоирларнинг сўзи қадрсизланганини афсус билан таъкидлайди:

Бухл элига демагил, эй зубдан даврон сўзунг,
Хайф этар, қадрини билмай, сифлан нодон сўзунг.
Гарчи сўзунг гавҳари қиймат баҳо йўқ даҳр аро,
Бор аларнинг қошида ҳармуҳрадан арон сўзунг.
Улки қилмайдур маони баҳрига ғаввослик,
Кўрмагай минчоқча гар бўлса дури ғалтон сўзунг¹.

Комил бу ғазалида шу давр ҳукмдорлари ўзларининг манфаати учун фойда келтирадиган шоирларнинг сўзигагина аҳамият берганликларини қайд этади. Агар шоир ғазалида яхши маъноли, дурри ғалтондек қимматбаҳо сўз айтилса ҳам, бундан уларга бир нарса фойда бўлмаса, улар бундай сўзни бир «минчоқча» қадр қилмасликларини таъкидлайди. Комил бой ва амалдорларнинг пасткашликларини кўрсатиб, амалдорларнинг кўнглини занг босган темирга қиёслайди. Маъноли сўз фақат дониш аҳли қошида «лаъли хўшоб», дек қадрланиши мумкинлигини айтиб, шоиру фузало фақат халқ учун сўзлаши, ёзиши керак, деган ғояни илгари суради.

Баъзи шоирлар адабиётни бойлик орттиришга, шахсий манфаатларга хизмат қилдиришга интилдилар. Ана шундай шароитда адабиёт ва санъатнинг олижаноб ижтимоий роли учун дадил курашганлардан бири Комил Хоразмий бўлди. Шоир одамларга, халққа хизмат қилишдан юз ўгирган ва адабиётни шахсий манфаатига

¹ Комил. Девон. Тошкент, 1975, 108-бет.

хизмат қилдиришга интилган риёкор, сотқин шоирларни қаттиқ танқид қилади:

Кеча-кундуз қилодурлар суфаҳоға хизмат,
Гарчи шойистан авранги садорат шуаро.
Бор алардин неча бекорлар иззатда зиёд,
Тилу илги била ҳам айласа хизмат шуаро¹.

Шундай қилиб ўз даври адабий муҳити ва илғор ижтимоий-педагогик тафаккури тараққиётида бениҳоя катта рол ўйнаган Комил Хоразмий ўзидан кейинги Хоразмдаги илғор ижтимоий-педагогик тафаккурнинг равнақ топишига самарали таъсир кўрсатди.

Комилнинг фикрича, ҳар бир кишининг халқпарварлиги ва маданиятлилиги илм-фаннинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши билан белгиланади: шоир «Эмас бу дунёда мулку мол камол, хусул илму ҳунар келди безавол», дебгина қолмасдан, илм-фаннинг безаволлиги учун курашди. У, шахс камолга етмоқ учун илм олсин, ҳунар ўргансин, аммо жамиятда тутган мавқеидан фойдаланиб, қабиҳлик йўлига кирмасин, дея алоҳида эслатади. Унинг: Комил маъноси таҳсил илм холдурур, на ҳосил айлагуси маҳз қийлуқол камол», — мисралари ниҳоятда ўринлидир.

Комил «Камол» радибли ғазалида илму фан инсоннинг қуш каби парвози — камолоти учун қанот бўлади деган ғояни илгари суради:

Камол бергусидир сўзга шуҳрату таъсир,
Бу қушга қилгали парвоз парру бол камол.

Комилнинг маърифатпарварлик ғоялари унинг ватанпарварлик ғоялари билан узвий боғлиқдир. У ўз ватанига содиқ ватанпарвар бўлиб, унга жонини фидо этишга тайёр эди. Шоир ўз ватанини жондан азиз кўргани учун ҳар қандай машаққат ва азобу уқубатларга бардош бериб, унга хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билди. Комилнинг «Фурбат аро» радибли ғазали ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилгандир:

Ниҳон ўт ўзни ватан қофи ичра анқодек,
Сенга йўқ бўлса мурод иштиҳор фурбат аро.
Ватанда сокин ўлуб сайр эт олами боло,
Сафарни айламагил ихтиёр фурбат аро.

Комил ўзининг ахлоқий қарашларида тамагирлик, иккиюзламачилик, жоҳиллик, текинхўрлик, маломат, тух-

¹ Комил. Девон. 1975, 24-бет.

мат, жаҳолатни қоралайди. Шоир ёмон одат, номаъқул хулқни инсон учун бегона деб билади. У бемаъни сўзловчиларни бемаҳал қичқирган хўрозга ўхшатади.

Маҳофил ичра сўз оғоз қилмали ҳангом,
Бошига тир тегар бемаҳал чақирса хўроз.

Комил ҳаётдаги барча носозликларнинг олдини олишни одамларнинг яхши хулқ ва фазилатлар касб этиши билан боғлайди. Шоир бу фикрни, парвонани ўртаган шам монанд ўзи ҳам куйиб тамом бўлади деган ҳикмат даражасидаги ажойиб тимсол билан ифода этади. Шоир бу билан одамлар бир-бирига ёмонлик қилмаслиги керак, акс ҳолда бу ёмонлик бир кунни унинг ўзига ҳам қайтиши мумкин демоқчи бўлади:

Бировни ёқса киши ёнғай ўзи ул ўтга,
Ки шам ўртади парвоналарни, топди гудоз¹.

Муҳаммад Расул Полвонийез ўғли Мирзо (1840—1923) эса отаси бошлаб берган хайрли ишнинг давомчиси бўлди. «У Хоразм мақомларини етти мақомга чиқарди, ашула ва чолғу куйларини тамбурга мослаб нота ёзди. Шу билан бирга Мирзо тузган нотадаги белгилар отасиникидан анча фарқ қилар эди. Агар нотада Комил Хоразмий танбур пардасини кўрсатадиган чизиқни бошишни уст томонига, қайтиши учун эса уни ост томонидан кўрсатса, Мирзо отасининг ихтиро қилган нотасини қуйидагича ўзгартади ва уни тузатади: 1— юқори пардалардан пастга томон ёки пастки пардалардан юқorigа томон чиқилиб тушилганини кўрсатиш учун пардалардан ўрнида бўлган уфқий чизиқлар орасида чизилатурган чизиқни майил ҳамда битишиқ эмас, балки омудий ҳамда айрим чизиқ қилади. 2— шашмақомнинг бутун нағмаларини хоналарга ажратади. 3— ҳар бир мақомнинг бошида бу мақомга махсус усулни ҳам ёзади. 4— айтимли (гўёнда била) чалинатурган нағмаларни айрим айтимсиз (гўёндасиз) чалинатурган нағмаларни айрим бир мўлжалла қилиб икки мўлжалла нотани ишлаб чиқаради. Айтимли нағмаларга махсус ғазалларни тартиби билан ҳар бир хонанинг устига ёзади. 5— шашмақом нағмаларига эскидан Хоразм мусиқийшуносларининг боғлаган нағмалари билан «Олти ярим мақом» бўлган

¹ Қаранг: Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. 1-китоб. Урганч, 1992, 77—78-бетлар.

«панжгоҳ» нағмасида яна бир неча нағмаларни қўшиб шашмақом нағмаларини етти мақомга етказди»¹.

Хуллас, Мирзо томонидан ихтиро қилинган бу нота Хоразмда кенг тарқалади. Кўпгина санъаткорлар шу нота асосида мақом куйларини моҳирлик билан ижро этди санъатини эгаллаб оладилар.

Айни замонда Мирзо Хоразмнинг бошқа тараққийпарвар шоирлари сингари ўз шеърларида халқчиллик, эркпарварлик, адолатпарварлик каби инсоний ғояларни илгари сурди. У инсон эрк-ҳуқуқи, инсон тафаккурининг ҳурлиги йўлида курашди ва асарларига шу ғояларни сингдирди. Мирзо асарларида замона ва унинг зolim ҳукмдорларига норозилик каби халқ оммасининг ижтимоий кайфиятини ифодаловчи фикрлар мавжуддир.

Мирзонинг ижтимоий-маърифий ва ахлоқий мавзудаги асарлари ғоявий мазмуни жиҳатидан ранг-барангдир.. Шоир шеърларида ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-дидактик масалалар, инсон ва унинг ҳаётда тутган ўрни, одоб ва ахлоқи тўғрисида чуқур фикр юритади.

Мирзо ўз замонасидаги софдил меҳнат аҳлини, инсонпарварликни улуғлаш билан бирга, илм-маърифатли, доно, билимдон кишилар ҳақида гапириб, уларнинг фаолиятига юксак баҳо беради:

Мусалламдур онга иқлими маъни ичра аъламлик,
Кишиким илм таҳсил билан кўнгул овуғти².

Мирзо дўстлик ҳақида ҳам чуқур фикр юритади. Шоир ёшларни ўзига қадрдон ва ҳақиқий дўст орттиришга ундаб, асло нокасу пасткаш кишилар билан ҳамсуҳбат ва дўст бўлмасликка чақиради.

Суҳбат ҳар сифла била айлама ҳаргиз Мирзо,
Айла мажлис тузубон ёр қадрдон била базм³.

Замондошлари серқирра ижод соҳиби Мирзони «Шеър элининг алломаси», «Эрур Мирзо барчага устод», «Сабоқи назмда пир» деб бежиз айтишмаган. Унинг серқирра ижоди билан танишарканмиз, мутафаккирнинг ёрқин сиймоси кўз ўнгимизда инсонпарвар шоир, ажойиб

¹ Қаранг: «Аланга» ойномаси. 1928 йил, 4-сон, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ойномаси, 1939 йил, 2-сон.

² «Мутрубул-нозирин», ЎзССР ФАШИ, қўлёзмалар фонди. 904 инвентарь, 140-бет.

³ «Марғубул-нозирин», 130-бет.

санъаткор, етук муסיқашунос олим сифатида гавдала-
нади.

Хулоса қилиб айтганда Комил Хоразмий ва Муҳам-
мад Расул Мирзо барча даврлар учун маърифатпарвар-
лик, ахлоқий-дидактик ғоялари билан қадрли, буюк ва
ардоқлидир.

3- §. Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи ва Аҳмаджон Табибийнинг маърифий-дидактик қарашлари

Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи (1860—1918) Хо-
разм адабий ҳаракатчилигида ва маърифий-педагогик
фикр тараққиёти тарихида ўзинга хос салмоқли ўринни
тутади.

Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи 1860 йилда Гур-
ланда тақводор оиласида дунёга келди. Унинг отаси
Мулла Муҳаммад Бухоро ва Хива мадрасаларида тах-
сил кўриб, мударрислик даражасига кўтарилган бўлса-
да, сўнгги йилларда масжидда имомлик қилиб тирикчи-
лик қилар эди.¹

Илёс бошланғич маълумотни масжид қошидаги мак-
табда ўз отасидан олди. Сўнг у Хивадаги Муҳаммад-
аминхон мадрасасида мударрислик қилаётган отасининг
дўсти Хўжа Охунд ёрдами билан мадрасага киришга
эришди. Илёс мадрасада таҳсил кўрар экан, уни кўпроқ
дунёвий фанлар қизиқтира бошлайди. У ўзининг кўп вақ-
тини адабиёт ва тарих, Шарқ мумтоз адабиётини муто-
лаа қилиш билан ўтказди. Сўфининг камолотида эса ана
шу машҳур сўз усталарининг асарлари мактаб вазифа-
сини ўтади.

Сўфи моддий қийинчиликларга қарамасдан 40 ёшлар-
ида мадрасани муваффақиятли тамомлаган. Олим ва
истеъдодли шоир бўлмасин фақирлиги ва ҳеч кими йўқ-
лигидан бирор мансаб эгаси бўлолмаган. Мадрасадаги
бир ҳужрада умрининг охиригача (1918 йил вафот эт-
ган) яшайди.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, шоирнинг Сўфи
тахаллусининг маъноси тасаввуф ёзулини тутмоқ демак-
дир. Ҳақиқатан ҳам шоир асарларида тасаввуфий-фал-
сафий ва маърифий-ахлоқий ғоялар уйғунлашиб кетган.
Шоирнинг «Талмиз», «Устод», «Мударрис», «Дарс» ра-

¹ Қаранг: Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992,
113-бет.

дифли ғазалларида маърифий-дидактик қарашлари ўз ифодасини топган. Сўфи бу ғазалларида меҳнаткашларнинг жаҳолат ва нодонликдан қутулишлари учун қунт ва чидам билан билим эгаллашлари керак, деган ғояни илгари суради. У илм-маърифатни насл-насаб ва мол-дунё билан қўлга киритиб бўлмаслигини уқтириб, ёшларни қунт ва ҳавас билан билим олишга чақиради:

Қўюб бу илм йўлида қадам дарс,
Уқурил саъй ила ҳар субҳидам дарс.
Ки бу йўлда ғиноға не қадрдур,
Ололмасдур сотиб аҳли дирам дарс.

Шоир илм-маърифат ҳақида гапираркан, ана шу билимни бахш этувчи муаллимнинг, яъни фозил ва олижаноб мударриснинг энг муҳим бурчини таърифлайди:

Тариқи илмға талаб хайлин,
Тутуб илкин мудаллалдур мударрис.
Баногоҳ маънийи дарс ўлса мушкул,
Бу мушкулга мухаллалдур мударрис.
Тўқуб ўртаға дурру гавҳари илм,
Бериб сайқалу, калалдур мударрис.
Очиб толиблари бу илм бобин,
Маҳи матлабға мувассалдур мударрис.
Талаба аҳлининг дарди дилиға
Табиби ҳозиқи галдур мударрис.
Талаба дарс ўқурға тузса маҳфил,
Ҳамона шамъи муҳафалдур мударрис.
Туман минг муршиди жоҳилдин омий,
Фазилат ичра фозилдур мударрис¹.

Сўфи ижодида одоб-ахлоқ масалаларига кенг ўрин берилган. У «Нафс» радифли ғазалида жамиятдаги балойи нафс учун яшовчиларни инсофга чақириб, уларга пул-дунё деб виждонни сотишнинг хунук оқибатларини қоралаб бундай дейди:

Сенга, эй дил, ўзин ҳамро қилур нафс,
Хабардор ўлки ўтдур ёқилур нафс.
Бўшатиб, гар юборсанг ўз бошига
Ажаб ҳангомалар барпо қилур нафс...

Сўфи «Дўст» радифли ғазалида кишиларни бир-бирига вафодор садоқатли бўлишга чақириб, ростгўйлик, ҳушёрлик, ҳамжиҳатликни мадҳ қилади:

Бир-бирига фидо қилиб жонни,
Дўст бўлгуси меҳрибон, эй дўст.

¹ Сўфи. Девон. 74- бет.

Сўфи яна бир ғазалида эса яхши хислат ва одатни меҳнат, касб-ҳунар ва маърифатнинг маҳсули деб қарайди, кишиларни ёшлиқдан меҳнат қилиб, илм-маърифат ва касб-ҳунарни эгаллашга чақиради:

Қойда эрсанг этиб бир иш касбин,
Беталаб юрмагил талабкор ўл.
Бир қадимий масалдур эл дерлар:
«Ибн бой ўлма ибн бозор ўл»

Инсоннинг инсонлиги ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлган иш билан шуғулланиш, ижодий ва маънавий бойлик яратиш билан белгиланади. Шоир меҳнатсиз емак-ичмакнигина ҳаёт деб англаш инсонга эмас, балки ҳайвонга хосдир дейди.

Шоир қуйидаги асарида кишиларни яхшилик ва самимийлик каби олижаноб инсоний фазилатларга даъват этиб, кишилиқнинг олтин ҳаёт йўли яхшиликдан иборат бўлиши кераклигини уқтиради:

Утар дунёда яхшилар била умр ўтказиб яхши.
Бориб яхши, келиб яхши калому сўз суруб яхши,
Ичиб яхши, еюб яхши, туруб ҳам ўлтуруб яхши,
Ҳамиша яхшилар бирла юруб, мажлис қуруб яхши,
Этиб оламда яхши пеша яхши кор айрилманг.

Яхшилар билан дўст-иноқ бўлишни, улардан ибрат олишни ташвиқ этган шоир нокас, нойнсоф ва нодон кишиларга яқин йўламасликни ҳам тарғиб этади:

Йўлиқса бўлмангиз ноаҳил жоҳиллар била йўлдош,
Деманг, ҳеч кимсага роз ул сиза гарчи эрур кўз қош.
Ки бир нақлики дерлар: «Кетмасун сир, кетса кетсун бош»,
Келгунча қўлдин ўлманг ҳар қаю нокас била сирдош,
Бу бир пандин эрур деманг бадкор айрилманг.

Сўфининг замондоши Аҳмаджон Табибий (1869—1910) ҳам шоиру фозиллар орасида катта ҳурматга сазовор бўлади, жуда кўп илм аҳлига устоз сифатида ҳомийлик қилади. Баёний у ҳақда шундай ёзган эди:

Табибийдурки шоири муҳтарам,
Найлай онинг атворин айлаб рақам.
Маорифда бордур бағоят ориф,
Мажлисида бори ҳарифу дориф.
Пур ойинадур сўзлари сарбасар,
Румуз они аксидадур жилвагар.

Сурар нуқта лутфила ул нуқтадан,
Кўруб сўзларини дедим: «Альамон!»¹

Айниқса, Аваз Утар Табибийни ўз устози сифатида
зўр ҳурмат билан тилга олади:

Эй Аваз, қил жаҳд, девонинг қилмоқ истасанг,
Гар Навою Табибий дафтарларига ҳамрадиғ.

Ёки:

Не гам эмди, Аваз, назм илмида бўлсанг Табибийдек,
Ки дерлар, кўрган эл назмингни устодингга салламно.

Ёки:

Аваз гар назм аро бўлмоқ тиларсен даҳр яктоси,
Ҳамиша кўнглинг ичра қил Табибийдек аён ихлос²

Ҳасанмурод қори Лаффасийнинг ёзишича, Табибий
ширин сўзли, нозик табиат, хушмуомала бир киши бў-
либ, шахмат ўйинига ниҳоятда уста экан. Шоирнинг за-
мондоши Ходимнинг ҳикоя қилишича, агар у соз ва тан-
бурни қўлига олиб «Наво» мақомини чалса, кишиларни
мафтун қилиб қўяр экан.

Рус шарқшунос олими А. Н. Самойловичнинг таъкид-
лашича Табибий ўзининг шоирлик ва олимлик мавқеи
билан хоразмлик тараққийпарвар эркин фикрли киши-
лар орасида ажралиб туради³.

Табибий ўзининг маърифий-дидактик қарашларида
ёш авлод камолотида илм-фанни эгаллаш муҳим аҳа-
мият касб этишини алоҳида таъкидлайди. Шоир «Маъ-
рифий» радифли ғазалида ёшларга хитоб қилиб, киши
илмли, одоб-ахлоқли бўлса, қаерда бўлмасин обрў-из-
затга эга бўлишини, агар илму одобдан бебахра бўлса,
умри хор-зорликда ўтишини уқтиради:

Кимдаким, аҳли жаҳондин бор илму маърифат,
Қилғусидур они барҳурдор илму маърифат.
Бу иков баъзига лекин бу замон бордур ниҳон,
Шукрким аксаргадур изҳори илму маърифат,
Ғафлату жаҳл уйқусига ғарқ бўлгон шахсни
Ғайз бирла ул қилур бедор илму маърифат.

¹ Қаранг: Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992, 95-бет.

² Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 200—218-бетлар.

³ Қаранг: Записки Восточного отделения императорского «Русского археологического общества». Т., XX; Санкт Петербург, 1909, 200-бет.

Эй биродар, олиму ориф бўлурга жаҳд қил,
 То етургай кўнглунга ағвор илму маърифат.
 Илм бирла маърифат таълимни тарк этмагил
 Ҳосил эт боринча жон тақрор илму маърифат.
 Илму нафсу маърифат жондур тани инсон аро,
 Елғиз ўлмас дирҳаму динор илму маърифат.
 Илм бирла иззатинг ортуқроқ ўлғай барчадин,
 Келди фазли воҳиди қаҳҳор илму маърифат.
 Маст эсанг субҳу масо оламда подонлиғ била
 Қилғуси ондин сени ҳушёр илму маърифат¹.

Табибий 1908 йилда озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг «Ҳафт жом» («Етти жом») асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилади. Бу асардан таъсирланган ҳолда 1909—1910 йилларда ўзининг «Етти равза» фалсафий-дидактик достонини яратади. Достон етти равза ва ўн тўрт ҳикоятдан иборат бўлиб, унда инсонпарварлик, илм-маърифатга интилиш, меҳнатсеварлик, қаноат, сабр-тоқатли бўлиш, тавозе, самимийлик, дўстлик каби олижаноб фазилатлар илгари сурилади. Достоннинг биринчи боби «Қарам васфида» деб аталади. Бунда шоир саҳийлик ҳимматлиликни кишининг энг яхши ва олижаноб фазилатларидан бири деб, улуғлайди:

Қарам халқий қилғуси нек ном,
 Қарам ҳосил этгуси мақсуд ком².

Табибий маърифий-дидактик фикрининг мантриқий хулосаси сифатида, Саъдийнинг «Ҳотами Тойи» ҳикоятини келтириб, шундай дейди:

Табибий, сенга ҳиммат гар бўлса ёр,
 Бўлур Ҳотам олдингда хизматгузор³.

«Етти равза»нинг иккинчи боби асосан илм-маърифат ва дидактикага бағишланади. Бу ҳақда шоир шундай деб ёзади:

Табибий, мудом айла таҳсили илм,
 На таҳсил бил айла тақмили илм,
 Насиб ўлғуси токи иззат санга,
 Икки олам ичра саодат санга⁴.

Табибий ўзининг маърифий-дидактик қарашларида илм ўрганишни ташвиқ қилиш билан бирга, уларда яхши

¹ Табибий. Танланган асарлар. Тошкент, 1968, 8-бет.

² Табибий, Девон. ЎзФАШИ, инв. рақами — 3460, 310-бет.

³ Қаранг: Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992, 98-бет.

⁴ Қаранг: Қобулов, Н. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992, 98-бет.

фазилатларни таркиб топтиришда ота-онанинг онладаги тарбиявий ролига ва бурчига, муаллимнинг фаолиятига алоҳида эътибор беради. Шу муносабат билан шоир болани қандай тарбиялаш кераклиги, уларнинг илм ва касб-ҳунар эгаллашларида устоднинг меҳрибон, қаттиққўл ва саҳоватли бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди:

Эрур тарбиятда ажаб хосият,
Ки ақсарға таъсир этар тарбият.
Агар тарбият қилмас эрса асар,
Топилмас эди ҳеч соҳиб ҳунар.
Чу устоддин етса қаттиғ суҳан,
Билур жоҳил учун дафъи ранжи миҳан,
Неча қилса устод қоҳаш анго.
Бўлур боиси илми бе интиҳо¹.

Табибий одоб-ахлоқнинг асосий белгиси ростгўйлик, камтарликда деб билади. Унинг фикрича киши одобли бўлиши учун даставвал кибр ва мағрурланишдан сақланиши, камтарин ва ақлли бўлиши керак:

Тавозуъ қилур пеша оқил башар
Ки боши эгилур мевалик шажар.
Тавозуъ азизи жаҳон этгуси,
Замирингни ғамдин омон этгуси².

Табибий ўзининг маърифий-дидактик қарашларини турли хил ҳикоятлар, ривоятлар ва машҳур олимларнинг доно фикрлари орқали ифодалайди. Достонда келтирилган ана шундай бир ҳикоятнинг мазмуни қуйидагича:

«Бир олим шаҳзодага таълим бериш жараёнида устодининг айтганини яхши бажармаганлиги учун унга азоб берган. Шаҳзода эса бу воқеани отасига етказибди. Подшоҳ эса ҳалиги олимни ҳузурига чақириб, «Менинг ўғлимга берган бу азиятнинг бирор фуқаро фарзандига раво кўрмайсан, бунинг сабаби нима!»—деб сўрайди. Олим жавоб қилади: «Бунинг сабаби шуки, андиша билан гапирмоқ ва мақбул ҳаракат қилмоқ лозимдур. Бу қоида барчага баравар, хусусан подшоҳларга алоқадордир. Чунки, уларнинг қилган ишлари ва гапирган гаплари тилларда дoston бўлиб кетади, аммо авом халқнинг гапирганлари эса бундай аҳамиятга молик эмас. Шунинг учун шаҳзодаларнинг устозлари подшоҳ фарзандлари-

¹ Табибий. Девон, УзФАШИ, инв. рақами 3460, 319-бет.

² Табибий. Девон, УзФАШИ, инв. рақами—3460, 321-бет.

нинг ахлоқини тарбиялашда янада зиёдроқ саъий-ҳаракат кўрсатмоқлари вожибдир». Устоднинг жавоблари подшоҳга маъқул бўлди ва унга инъомлар бериб, саруфолар кийдириб уэр сўрайди. Натўжада подшоҳнинг ўғли шаҳзода илмли, ақлли, адолатпарвар киши бўлиб етишадн»¹.

Шунингдек Табибийнинг «Вомиқ ва Узро» достонида ҳам фалсафий-дидактик ғоялар асосий ўринни эгаллайди. Достонда севги йўлида машаққат чекиш, унга етишиш, ақл, илм, тадбиркорлик, мардлик, халқпарварлик, дўстга садоқатлилиқ, адолатпарварлик, яхшилиқ, эзгулик каби ғоялар ифодаланган. Шоирнинг адолатли ва маърифатпарвар, халқпарвар подшоҳ ҳақидаги қарашлари шоҳ Вомиқнинг ўз ўғли Носир сонийга берган насиҳатида ўз ифодасини топган:

Ҳарис ўлма жаҳон молига асло,
Карамни пеша қил ўзга мудамо.
Сипоҳ ҳайлиға қил инъому эҳсон,
Рабоени этиб лутф ила шодон,
Яна бўлгул ҳамиша соҳиб инсоф,
Замони қилмағил ҳажрингда, исроф,
Емонлар суҳбатидин ижтиноб эт,
Накўлар улфатига юртиноб эт.
Улум аҳлига қил доим муҳаббат,
Жаҳолат аҳлидин эт асру нафрат,
Шитоб этмакдин ўлсун эҳтирозинг,
Бўлуб сабру тааммул чора созинг.
Менингдек бўлма ҳаргиз мойиля ишқ,
Ки дарди ғусса бўлғай ҳосили ишқ.
Тузарда доғи ойини ҳукумат,
Санга бўлсун туну кун авф одат,
Низоми мамлакатда субҳ ила шом,
Сиеват айламакни ўзга қил ком².

Шундай қилиб, Сўфи ва Табибийнинг маърифий-дидактик ғояларидаги илм-маърифат ўрганиш, ҳалоллик, саҳийлик, меҳнатсеварлик, қамтаринлик, рўстгўйлик, ширинсуханлик, билимли ва одобли кишилардан ўрнак олиш тўғрисидаги ибратли фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

¹ Қаранг: Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992, 98—99-бетлар.

² Табибий. Танланган асарлар. Тошкент, 1968, 219—220-бетлар.

4- §. Аваз Утар ўглининг маърифий-дидактик қарашлари

Аваз Утар ўгли (1884—1919) мураббий шоир сифатида ўзининг маърифий-дидактик қарашларида илм-маърифат билан таълим-тарбияни узвий қўшиб олиб қараган ҳолда, халқни ва унинг фарзандларини саводхон, ўқимишли қилиш, уларни илм-маърифат нуридан баҳраманд этиш, халқпарвар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ғояларини илгари сурди. Буюк шоирнинг «Мактаб» шеъри таълим-тарбия ҳақидаги энг яхши шеър намунаси бўлиб, унда мактаб тизими ва маърифат, гўзал ахлоқ-одоб тарғиб қилинади:

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,
Уқусун ёшларимиз кўнглини шод этгуси мактаб,
Дилу жон бирла эл мактаб очарға ижтиҳод этсин,
Нединким, бизни ғам-қайғудин озод этгуси мактаб¹.

Мураббий шоир ота-онанинг бола тарбиясидаги ролига алоҳида тўхталиб, фарзанд инсон кўнглининг сурури эканини алоҳида қайд қилади. Шунингдек, мактаб инсон ақл-идрокининг ривожига ривож қўшади ва уни балоғат босқичига кўтаради, демак, ота-оналар ўз фарзандларининг умри обод бўлишини истасалар, улар фарзандларини ўқитиши, билимли қилиши ҳам фарз, ҳам қарздор, деган ғояни илгари суради. Шоир мактабда бериладиган илм ва таълим-тарбия жоҳиллик, нодонликни барбод этишини таъкидлайди:

Кўнгулларнинг сурури, доғи кўзлар нуридор фарзанд,
Аларнинг умрини, албатта обод этгуси мактаб.
Аваз, ҳимматни қил олий очарға эмди мактабким
Балон жаҳду нодонликни барбод этгуси мактаб.

Аваз ёш авлоднинг истиқболига юксак умид билан қараркан, ёшларга билим бериш, уларни замонасининг энг стук кишилари даражасига кўтаришда астойдил бел боғлагани, ҳатто бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр эканлигини таъкидлайди. Шоир «Фидойи халқим» шеърида бундай деган эди:

Умидим: яшасин мактаб боласи,
Улар дар бири, бир шерн жаёним.

Авазнинг халқ оммасини ва унинг фарзандларини саводхон қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари хурофот ва

¹ Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 21-бет.

жаҳолатнинг ношуд вакиллари бўлмиш айрим бидъатчиларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Аммо Аваз «Шайх», «Икки шайх», «Зоҳид», «Худбин», «Уламоларга» ва бошқа радифли ғазалларида маърифат душманлари бўлган бидъатчиларнинг чаласавод эканликларини кескин фош қилган. Шоир «Уламоларга» шеърида илм-маърифат душманларининг жаҳолатпарастлигини ва ёш авлод камолотига тўғаноқ бўлаётганлигини қаттиқ қоралайди:

Йўқса, одаммиз очиб мактаб илм билдирсангиз,
Бехабар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз!
Қайси бир миллатни, айтинг, сиздек озғи оладур
Иттифоқ ила иш этмай барримиз қон этдингиз.

Аваз илм-маърифат душманлари бўлган жаҳолатпарастлар билан баҳсларда бўлиб, баъзиларининг чаласаводликлари, ёлғончиликлари, мунофиқликлари, ўзлари учун фойдали бўлган ҳар қандай ярамасликни ҳам «хайрли иш» деб фатво беришлари инсоний ахлоққа мутлақо зид эканлигини қаттиқ равишда танқид қилди. Авазшунос олим В. Мирзаевнинг ёзишича: «...кунлардан бир кун, Аваз ўз одати бўйича шаҳар бозорини сайр қилиб юрганда, иттифоқо, одамлар йиғинига дуч келади. Йиғилишда шоир билан ҳаммаҳалла мулла Қурбонниёз сўфи йиғилган одамлар гурунгида «Митохул жинон» («Жаннатлар калити») деган диний китобни баланд овоз билан ўқир, лекин унинг мазмуни қолиб хаёлига нима келса, сўзлар эди. Аваз бу сўфининг ерт саводсиз, китобни ўқиёлмаслигини яхши билар эди. Шоир олдин бир оз сабр қилди, сўфининг ёлғончилиги чуққига чиқади. У охир сўфининг қўлидан китобни олиб, қуйидаги мисраларни ёзади ва уни жамоат олдида баланд овоз билан ўқийди:

Ғар бу китоб эрса жинона калид,
Дўзахийдур барча палиду сайд.

Сўфи Аваз берган китобни ушлаб, қизариб-бўзарганича, ҳанг-манг бўлиб қолаверади, ҳеч илож қилолмайди, Қурбонниёз шоирнинг бу шаккоклиги учун уни айбга мубтало қилиши мумкин эди. Аммо, сўфи бу ишни асло қилолмайди, чунки Аваз ҳақ гапни гапирганди. Қурбонниёз аслида саводсиз. Аваз қозихонада бу ёлғончи сўфини тагин ҳам ёмонроқ гуноҳкор қилиши мумкин эди. Чунки, бесавод кишининг ёлғондан китоб ўқиши шарият-

да оғир жинойт ҳисобланади. Аваз эса ҳамма диний китобларни тўла ўқиган, мазмунини ҳам хатм қилган эди. Шу сабабли сўфи Қурбонниёз Аваздан еган даққининг захрини ичига ютишга мажбур бўлди.

Маърифатпарвар Аваз Утар маҳалла болаларини ўқитадиган, айни замонда мулла Шомил билан тўқнашиб қолади. Мулла Шомил масжидда имомлик қилар маҳалла болаларини эса эски усулда ўқитар эди. Шомил мулла саналса-да, аслида хат-саводи йўқ эди, у баъзи сураларни ёдлаб олган бўлиб, уларни болаларга ёдлатар эди. Мулла Шомилнинг бола-чақаси йўқ, сўққабош, ўзи ўлгудай тамагир, ўта хасис, худбин ва маиший жиҳатдан жуда бузуқ эди. Шомил учун имомлик, мактабдорлигидан келаётган даромадлар ичкилиги харажати боисидан етишмас, шу туфайли, болаларни пайшанбалик сабоқ пули, ҳайитлик пулларидан ташқари, ғайрирасмий ҳайитлик хатлари ёзиб, ота-оналардан пул ундиришга интилар эди. Бундай ҳайитлик хатлари агар шеърий, бир чиройлик услуб билан ёзилса, ота-оналар Шомилга кўпроқ оқчалар бериши мумкин эди. Шу туфайли ён қўшниси бўлган шоир Аваз билан ҳамиша тил учида бўлса-да, илиқ гаплашишга интилар, у узоқни ўйлаб иш кўрар эди. Кунлардан бир куни Шомил Авазнинг уйига келиб, шоир билан самимий сўзлашиб, меҳмон бўлади ва у Аваздан ота-оналарга бир дона намунали шеърий ҳайитлик хати ёзиб беришни илтимос қилади. Аваз уни меҳмон қилиб бўлгач, хайрлашар экан, унинг тилагига рози бўлади.

Эртаси куни Шомил Аваз ёзган хатни олиб кетади, уни ўзи ўқиёлмагач, лоақал бировга ўқитиб ҳам кўрмай, ота-оналарга тарқатади. Равшанки, бу ҳайитлик хатида ота-оналар домлага пул бериш эмас, балки Эшим деган кулолдан ўйинчоқ идишлар, сув чиқарадиган чигирчиқлар сотиб олишлари даъват этилган эди, шоирнинг ўша тўртлигидан қуйидаги мисралар сақланиб қолган:

Наврўз келибди очилди лола,
Беш танга беринг Эшим кулола,
Чаноқ ясаин ёш болалара,
Дигир ясаин чигирчилара.

Шомил бундан беҳад ғазабланади ва Авазга нисбатан душманлик йўлига ўтади ва «Аваз шариат пешволарини ҳақорат қилаяпти, ўзи бенамоз, худосиз» сингари иғво гапларни тарқатади. Аваз Шомилнинг бундай иғво-

ларига жавобан янада кучлироқ ҳажвий асарлар битган»¹.

Хуллас, Аваз Утар ўгли илм-фанни доим жаҳолату зулматга, адолатсизликка, нодонликка, хош истибдодига қарама-қарши қўяди. Шу боисдан шоир халқ турмушининг тараққиётида илм-фаннинг роли ҳақида гапирар экан, уни миллатнинг бирдан-бир халоскори деб билади:

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат?
Топиб илму ҳунар бирла маорифдан нишон миллат.
Фидо миллат йўлига молу жон этмак керак, ҳар ким,
Бўлай деса, агар авлоди машҳури жаҳон миллат.
Очиб ҳар бир саридан мактабинг унвонини айлаб чўх,
Тараққий айламасми ўқубон беҳадду сон миллат?
Бу янглиг олам аҳлидин кейин қолмай юриш айла,
Аваз бўлгай уёниб комкору комрон миллат.²

Бу мисраларда Аваз Утар илм-фаннинг тараққиётини эркинлик билан, зулматнинг ёмирилиши билан боғлайди.

Ўзи яшаётган ижтимоий ҳаётда пайдо бўлаётган илм-фан янгиликларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш Аваз Утарнинг маърифатпарварлик ва ахлоқий руҳдаги шеърларида ранг-баранг шаклларда намоён бўлади. Жумладан, шоир «Тил» шеърида тил ва тафаккурнинг баъзи умумий масалалари тўғрисида фикр юритиб, унга ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди ва ёшларни ҳорижий тилларни ўрганишга чақиради. Зеро, бу қараш Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзининг долзарблигини намоён қилмоқда:

Ҳар тилни булув эмди бани одама жондур,
Тил воситан робитан оламиёндур.
Ғайри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,
Ким илму ҳунарлар билонки ондин аёндур.

Аваз «ҳар тилни булув эмди бани одама жондур» мисрасида «эмди» сўзи орқали ўзбек халқининг маданий тараққиётида келгусида қардош халқлар маданиятининг ижобий таъсирини алоҳида таъкидлайди. Шоир «ғайри тилини» билиш — илм хазинасини ўрганиш орқали халқлар ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди:

¹ ҚараиҒ: Мирзаев В. Аваз Утар ижодида маърифатпарварлик ва дидактик ғоялар. «Совет мактаби» ойнамаси, 1984 йил 8-сон.
² Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 19-бет.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилдек
Билмакка они ғайрат этинг фойдаи кондур.
Илumu фан уйиға юборинглар болангизни,
Онда ўқуғонлар бори яктойи замондур.
Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидан они бағри тўла қондур.

Аваз Утарнинг маърифий-дидактик мавзуларда ёзган «Тил», «Уламоларга», «Мактаб», «Топар эркан», «Эй Аваз» сингари асарлари халққа, ватанга хизмат қилиш руҳи билан суғорилганини такрор таъкидлашни истардик. Унинг Ватанга бўлган муҳаббати, меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлагани, жамият ижтимоий тузумини ўзгартиришни жуда ҳам истаганлигида кўринади:

Ватанпарвар, фидойи, фирқлар то бўлмайин пайдо
На мумкин топмоғи ўлган таниға тоза жон миллат?

Ватанпарвар, фидокор кишилар бўлмаса, халқнинг илм-маърифат нуридан баҳра олиши қийин. Шоир «фирқлар» сўзи орқали халқ манфаатини кўзловчи идрокли ватанпарвар кишилар гуруҳининг етишиб чиқишига ишора қилади.

Авазнинг нуқтаи назарига кўра, ўзини халқ хизмати-га бағишлаган киши — ватанпарвардир. Шоир «Хуррият» шеърида ўз халқи бахт-саодати йўлида жонини фидо қиладиган ва ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўрнини эгаллашига ҳар томонлама ёрдам берадиган саҳоватли, ҳимматли ва мард кишини ватанпарвар, деб атайди. Авазнинг ўзи ҳам оташин ватанпарвар бўлиб, ўз ватанида элдошларининг орзу-истакларини амалга ошишини истаб куйлади:

Бу йўл азмида етмак истасанг мақсадға, эй солиқ,
Қадам мардона қўйил келса бошиниға дағи офат.

Ёки:

Эй Аваз, оламда мақсуд истасанг,
Лаҳзае хоби фароғат айлама.

Аваз болаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида гапирар экан, ростгўйлик ва ҳалолликни қадрлаш, ёлғончиликни эса қоралашни алоҳида уқтиради. Авазнинг фикрича, ёлғон гапирган кишига ҳаётнинг ўзи жазо беради. У ёлғон-яшиқ гапириб, мақсадига эришгани билан барйбир охир кулфатга гирифтор бўлади.

Кишиким ҳар иш айлар, чунки кулча,
Емакка ўлса полвон даста-даста
Чекар наргис хижолат, олса ногаҳ,
Гул ар ул чашми фаттон даста-даста.

Аваз ранжу машаққат тортган киши, албатта, ўз меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлишига, роҳатини кўришига ишонади.

Кишиким айш ила роҳат умидин айласа гардун,
Ишин қилғай ҳамиша дарду ранжу меҳнату хироммон.

Ёки:

Қачон ғанжиға восил бўлгусидур,
Киши то чекмагунча ранжи меҳнат?
...Роҳат маоб ўлмоқ тилаб ўзга бу янглир, эй Аваз,
Доим бу кулфатхонада беҳуда меҳнат қилмангиз.

Авазнинг ўзи бу ғоя йўлида ҳар қандай машаққатни енгиб, халқ бахт-саодати учун астойдил меҳнат қилган.

Аваз киши эл-юртнинг ҳурматига сазовор бўлиши, шуҳрат қозониши учун ғайрат билан меҳнат қилиши зарурлигини қайта-қайта уқтиради. Зеро, меҳнат ҳар соҳада бахт келтиради инсонга.

Шоир назарида, ҳимматда ҳикмат кўп. Ҳа, ҳимматли кишига «ҳоки пой» бўлса арзийди:

Ким олиҳиммат ўлса аҳли олам ичра эй, аҳбоб,
Анго лозим гар этсам садқа молу нақди жон ҳиммат.

Ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи киши ҳимматли ва саҳоватли бўлади, инсон қадрини билади. Ўзи ҳам иззат-ҳурматга эришади.

Ким эрса агар жаҳон аро ҳимматли,
Бил они ҳамиша бахтлиғу давлатли.
Ҳимматли киши топиб мурод ўлса доғи,
Ҳотам кибя доим ўлгуси шуҳратлиғ.

Аваз ёшларга панду насиҳат қилиб, киши эл-юртнинг иззат-икромига сазовор бўлмоқ ва юксақ обрў орттирмоқ учун аввало қўлидан келмайдиган ишга асло уринмаслиги лозимлигини уқтиради:

Эйким, санго насиҳат этай ман ғариб, ҳам,
Қилма ҳамиша етмагунча қудрат орзу,
Эйким, санго керакму жаҳон ичра обрў
Ўзга чақирмоқ айламагил шуҳрат орзу.

Шоир болаларни меҳнат тарбияси ҳақида кўп қайғуради. Зеро, бу ҳар бир инсоннинг бурчи. Ҳар бир киши

бирор ишни бажарганда шашмаслиги, пала-партишлик-ка йўл қўймаслиги лозим:

Қилмайин пухта ишингни носаранжом айласанг,
Тушгусидур бошга андуҳи қиёмат оқибат.

Аваз инсоннинг йигитлик даврида шаклланишини назарда тутиб ёшликнинг қадрига етиш лозимлиги ҳақида қайғуради:

Қилурға асру ҳаззу ишрат, эй биродарлар,
Ғанимат ўлгусидур мавсуми шаббооб-шаббооб.

Еки:

Бу дамни бил ғанимат, эй биродар,
Қидур айёми вуслат, эй биродар.

Ақл-фаросат инсоннинг кимлиги-ю қандайлигини билдирувчи мезондир. Ёшликда илм ва касб-ҳунар эгаллаган киши жаҳолатдан анча йироқ бўлади:

Фаросат бодасини айла шом,
Ки то ўзни жаҳолатдин йироқ эт.

Аваз ёшларни ҳаёт машаққатларини енгишда сабр-тоқатли, чидамли бўлишга ундаркан, бундай хислат мақсадга етишнинг бирдан-бир йўли эканлигини таъкидлайди.

Аваз, сабр айла мақсудинг эса ғамдин халос ўлмак,
Ки сабр этганин қалби гусса бунёд ўлмади ҳаргиз.

Еки:

Эй Аваз, ҳар ким ўзига сабрни қилса шнор;
Шаксизин етгусидур мақсудига олам аро.

Аваз бировларнинг муваффақиятларини кўролмайдиган ҳасадчиларни нопок кишилар деб ҳисоблайди ва ёшларни бундай тоифадаги кишилардан йироқ юришга улардан ҳечам ибрат олмасликка даъват этади:

Ул одамким ҳасад ғайриға айлар кечаю кундуз,
Қилиб рашку таассуфни ўтиға бағрини бирён.
Агарчи илгидин келмас бировни ҳуррам этмаклик,
Кўра олмасо валекин кимсани қалби эса нодон.

Аваз кишиларнинг жамиятда тутган ўрнига қараб, қарама-қарши гуруҳларга: меҳнаткаш халққа ва бошқа-

лар ҳисобига роҳат-фароғатда яшовчи текинхўрларга ажратади:

Бировлар бўлиб эл аро аржуманд,
Бировлар ҳамиша чекар кўп азоб.

Аваз Утарнинг ахлоқий қарашларида мол-дунёга ҳирс қўйиш қаттиқ қораланади. Заҳарли илонга ўхшаб очкўзлик билан хазинага қоровул бўлишни асло ҳавас қилма, дейди:

Хирс ила ганж асрамоқ қилма ҳавас афъи сифат,
Заҳр этиб комингни, жисмингни қилур ранжури ганж.

Шоир назарида, бойлик орттириш ҳирсининг бандаси бўлган кимсалар гўзал инсоний фазилатлардан маҳрум бўлишади. Шунинг учун кишиларни бойлик йиғиш ҳирсидан озод бўлишга, текин бойликдан ҳазар қилишга даъват этади ва «қабрингда меҳнатсиз топилган бу бойликлар илон ва чаёнларга айланади», дейди:

Эй Аваз, жамъи зар этмақдин ҳазар қил, тонглаким,
То саросар бўлмасун гўрингда мору мўри ганж.

Аваз насл-насаб ва мол-давлат кишининг фазилатини белгиламаслигини, балки «олий насаб»лар орасида одамийликни билмайдиган нодон жоҳил ва одобсиз кишилар кўплигини таъкидлайди:

Фалони гарчи кўп олий насабдур,
Вале нодону жоҳил, беадабдур.

Шоир дўстга садоқатли бўлган киши ўз мақсадига етиши мумкинлигини алоҳида уқтиради. Бунинг асосий мезони аҳду-вафо ва ор-номусдир:

Ҳар одамнинг талаб йўлида гар ихлоси комилдур,
Гумонсиз жумлаи мақсуд бирла коми ҳосилдур.
Мурод шоҳидининг васлиға сидқ аҳли восилдур,
Садоқат файзини билган киши донову оқилдур.

Аваз ўз ахлоқий қарашларида севги ва оилавий турмуш масалаларига ҳам эътибор беради. У ёшларни ишқ билан, бировнинг ҳаёти билан асло ўйнашмасликка чақиради:

Эй кўнгул, ишқ ўйнамоқ қилма ҳаваским борҳо,
Ишқнинг охирида сани расвойи даврон айлагай.

Аваз ёш келин-куёвни меҳмоннавозлик одобига ва одамшинавандаликка чақиради:

Келди, эй кўнгул, истаб бизни яхши меҳмонлар
Дилбари муҳаббатлик, маҳваши қадрдонлар¹.

Хулоса қилиб айтганда, Аваз Утар ўзининг маърифий-дидактик қарашлари орқали инсонни, унинг ажойиб фазилатларини улуғлади. Халқнинг фарзандлари илмли ва маърифатли бўлиши ва шу асосда ахлоқий баркамолликка эришувини орзу қилди.

5- §. Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўғли Баёний ва Абдураззоқ Фақирийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари

Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўғли Баёний 1840 йилда Хивада замонасининг ўқимишли ва маданиятли арбоби бўлган Бобобек ибн Ҳасанбек оиласида туғилди. Бошланғич билимини ўз уйида махсус муаллимда олгач, Хиванинг энг машҳур мадрасаларидан «Шерғозихон»да таҳсил кўрди. Ешлигида илм, санъат, мусиқа ва айниқса, шеърятга зўр ҳавас қўйган Муҳаммад Юсуф ўзбек, форс, араб адабиёти ва тилларини, шунингдек, мусиқа ва тарих фанини қунт билан ўрганишга киришди. Катта истеъдоди ва меҳнати туфайли замонасининг юксак савияли шоири, олим ва таржимони сифатида машҳур бўлди. Баёний дид ва жўшқин юрак ҳарорати билан йўғрилган ғазаллари эл орасида унга катта шоир сифатида шуҳрат келтирди.

Баёнийнинг фикрича, зулм ва зўрлик ҳукмрон бўлган жойда юрт ҳам, миллат ҳам ривожланиш босқичига кўтарила олмайди. Истибдод барҳам топсагина янгиликка, фаровон ҳаётга йўл очилади. Қуйидаги мисралар замирида Баёнийнинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий-ахлоқий қарашлари ётганлигини сезиш қийин эмас:

Элни курашга чорланг,
Маърифат сари йўланг...

Шоир ўзининг «Аҳли ашъора», «Сизларга сўзим», «Хоразм ёшларига», «Отлан, эл йигитлари» шеърларида истиқлолга эришишнинг бирдан-бир йўли илм-маърифат эгаллашдир деган ғояни илгари суради. Шоир «Сизлар-

¹ Аваз У. Сайланма. Тошкент, 1984, 153- бет.

га сўзим» шеърини эса ёш авлодга васиятнома тарзида ёзган бўлиб, ёшларнинг келажак бахти ва истиқболи «ботирлик ва ақл қўлида», деб хитоб қилади:

Эшит сўзим фарзандлар,
Кўп меҳрибон дилбандлар,
Ошди ёшим саксондан,
Ўзим ҳам чиқдим сондан.
Қани, энди кўзда нур,
Белда қувват ҳам путур,
Бўлса-ю сафга турсам,
Эл билан бирга юрсам.

Янги жамият қурилишини ёшларнинг кучи, ғайрат-шижоатсиз тасаввур қилолмаган шоир уларга «ўқуб аллома бўлинг, замонни олға буринг!»,— дейди. Ана шу бўлажак алломаларнинг «Саодатли дамларда, ғамсиз, ёруғ кунларда, Баёнийни ёд айлаш» ларига умид қилади ва ишонади. Баёнийнинг эзгу ниятлари ёшларнинг куч-қудрати, ғайрат-шижоати, меҳнати, матонати замирига нур каби кириб борди.

Баёний ғазалларидаги фалсафий-дидактик фикрларни, шоирнинг ўз устозлари ва салафлари руҳидан олган маънавий такомил десақ бўлади. Қуйидаги мисраларда шоир маъшуқани садоқатли, вафоли, шарм-ҳаёли баркамол инсон сифатида тасвирлайди. Чунки маъшуқа комил, тўйғулари теран инсон сифатида ҳаётдаги барча фисқу фужурлардан устун келиб, журъат билан ошиғининг забун ҳолидан хабар олиш, кўнгли мулкани ғарот қилишга шайланган ғам лашкарини янчиб, «байтудахзон» ни обод қилиш учун кириб келади. Унинг бу илтифоти шоир учун одабийлик белгиси, вафодорлик, гўзаллик, фаросатлик, камолотнинг юксак чўққисидир:

Ҳолима раҳм айлаб, эй жони жаҳон, хуш келдингиз
Айлабон лутфу қарамларни аён, хуш келдингиз...
Раҳна солмиш эрди кўнглим мулкига ғам лашқаря
Байтулахзоним қилиб дорул-амон, хуш келдингиз...¹

Баёнийнинг таржимонлик фаолияти эса маърифат-парварлик ҳаракати билан омукта эди. Чунки, Баёний форс тилидан «Вомуқ ва Узро» фалсафий-дидактик дostonини, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуро», Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳоифул ахбор», Али Му-

¹ Баёний. Ғазаллар. Ўздавнашр. Тошкент, 1962, 25-бет.

ҳаммад ал-Хиравий (Биной)нинг «Шайбонийнома», Абу Жаъфар Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» каби тарихий-илмий асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Ушбу таржима асарлари билан бирга Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» каби тарихий асарлар ҳам яратди. Баёний бу тарихий асарларни ёзиш билан Хоразмда узоқ асрлар давом этиб келган тарихнавислик мактабини анъаналарини давом эттирди. У ўзининг «Шажараи Хоразмшоҳий» тарихий асарида Хоразмда XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб 1913 йилгача бўлган воқеаларни баён қилиб берди. Баёнийнинг иккинчи асари «Хоразм тарихи» бўлиб, бу асарнинг айрим боблари маъно жиҳатидан «Шажараи Хоразмшоҳий» асарига ўхшаб кетса-да воқеаларнинг янги талқини билан ўша асардан тубдан фарқ қилади. Баёнийнинг ўзи таъкидлашича, «Хоразм тарихи» 16 бобдан иборат бўлган. Афсуски, асарнинг 8 бобигина бизгача етиб келган, холос. Ҳажми эса 91 varaқ.

1911 йилда бошланиб 1913 йилда ёзиб тугатилган «Шажараи Хоразмшоҳий» қўлёзмаси тўлиқ сақлангани учун бўлса керак, С. П. Толстов, А. Ф. Фуломов, М. И. Йўлдошев, Р. Неъматов, В. В. Бартольд, К. Муниров, Б. Аҳмедов ва бошқа тадқиқотчилар тарихимизга бағишланган асарларида, кўпинча «Шажараи Хоразмшоҳий» га мурожаат этадилар.

Баёний асарларидаги маълумотлар ишончли эканига муаллифнинг ўзи кафолат беради: «Тарих китоби ёзишнинг бир шarti бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса, ўнинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди¹». Бу сўзлар Баёнийнинг тарихнависликдаги ҳақиқатга садоқат мезонига қатъий риоя этишини ва кўрган-кечиргани, эшитган воқеаларни ростгўйлик билан баён қилганлигини кўрсатади. Унинг асарлари шу жиҳати билан ҳам қимматбаҳо манбадир. Бу ҳақда М. И. Йўлдошев шундай ёзади: «Баёнийнинг асари фактик материалларнинг кўплиги ва воқеаларни изчил баён қилиши жиҳатидан Мунис ва Огаҳийнинг кўп жилдли қўлёзмаларига нисбатан ҳам қимматлироқдир²».

¹ Қаранг: Баёний. «Шажараи Хоразмшоҳий» Тошкент, «Кама-лак», 1991, 178-бет.

² Йўлдошев М. И. Хива давлат ҳужжатлари. II жилд. Тошкент, 1960. 23-бет.

Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида тарихий шароит, Хоразм адабий муҳити ҳақида Мунис, Оғаҳий, Табибий, Комил, Хусрав, Камрон, Муродий каби шоиру фозилларнинг ижодий фаолияти, илғор маърифий тарбиявий қарашлари, Хива мадрасаларида таълим-тарбия жараёни хусусида янги маълумотлар мавжуд бўлиб, уларни ўрганишда қимматли манбалардан бири сана-лади.

Баёнийнинг замондоши, маслакдоши бўлган Абдураззоқ Фақирӣ (1880—1924) асарларида халқпарварлик, ватанга муҳаббат, адолатпарварлик, халқлар дўстлигини улуғлаш, шахс камолоти ва унинг таълим-тарбияси тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган.

Фақирӣнинг маърифий-дидактик ғояларни ўзида му-жассамлаштирган «Янги мактаблар» асарида эски мак-таб ва мадрасалардаги таълим жараёни билан «ўн ойда саводхон» этувчи янги усул мактабларидаги таълим-тар-бия ишлари таққосланиб, афзалликлари таърифланади:

Билингким, тоза даврон жарчисидур янги мактаблар,
Жаҳолат қасрини ҳам бузғусидир янги мактаблар,
Агарчи мадрасалар, фисқу бидъатга макон эрди,
Вале илму ҳунарлар партавидур янги мактаблар.
Ун-ўн беш йил ўқубон ҳам ёзолмас эрди ўз исмин,
Ун ойда бас, саводхон этгусидир янги мактаблар.

Шоир илм-маърифатдан бебаҳра қолган меҳнатқаш-ларни ва уларнинг фарзандларини янги усул мактабла-рига кириб, беминнат савод чиқаришга даъват этади:

Бизим бечора мазлум халқ билмай сарнигун эрди,
Алар қулфи дилини очғусидир янги мактаблар.
Фақирӣ, эмди келмиш фақр элининг даври даврони
Шу даврон мадҳини ҳам битғусидур янги мактаблар¹.

Фақирӣ «Муллалар» ҳажвий ғазалида ўзини том маънода саводхон қилиб кўрсатувчи, аслида эса «илм-маърифатнинг заволи» бўлган бидъатчи, хурофотчи жо-ҳил ва нодон муллалар»нинг маънавий дунёсини аёвсиз танқид қилади:

Маърифатнинг заволи жоҳил, нодон муллалар,
Ҳайҳотки, юрт бошига офат бўлгон муллалар,
Тилсанг кўксин топилмас «Лом», «алиф» дан бир нафар
Савлатин кўрганлар дерки мардон муллалар...²

¹ Фақирӣ. Шеърлар. Тошкент, 1972, 14-бет.

² Фақирӣ. Муллалар. «Муштум», ойномаси. 1969 йил, 23-сон.

Фақирӣ асарларида гўзал инсоний одоб-ахлоқни тарғиб этувчи бир қанча шеърӣ байтлар, ибратомуз на-сиҳатлар учрайдики, буларнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти каттадир. Маърифатпарвар шоирнинг фикри-ча, инсоннинг одобини белгилайдиган биринчи белги, унинг керакли сўзни гапириб, нокераклигини гапирмас-лигида ва оз сўз билан кўп маънони англатишидадир. Шоир сўз одобини қуйидаги шеърӣ мисраларда баён этади:

Тили гўё сўз ичра барча одам,
Туну кун хоримас сўзлар дамо-дам.
Ҳаммамиз ҳашвлур сўзларга хуррам,
Бил эмди, ҳақ сухан тинглар киши кам¹.

Ёки:

Сўзда навбат етса, минг андиша бирлан сўзлангиз,
Йўқса хомушлиғ улуғ давлат экандур билсангиз.

Лекин киши сўзлайман деб, оғизга келган ҳар қандай гапни айта бермаслиги керак. Шоир тилни тийиш одоби ҳақида фойдали фикр-мулоҳазалар юритади.

Авом ичра бу нақд ҳам эрур фош,
Неча эр оғзида сақлаб эмиш тош.
Сухан дафъи учундур билки қардош,
Кўрар тилдин неча офат ғариб бош.
Яна дебдур неча бир аҳли ҳикмат
Дема кўп сўз, агар истарсан иззат,
Ки, ҳомушлиғ эмиш нодонга давлат,
Хатоға тил очиб, сўнг чекма ҳасрат,
Фикр қил, кўр шимиб сўзни мазосин,
Дебон билмай яна тортма изосин.
Тилидин нечалар кўрмуш жазосин,
Топиб баъзисида танбеҳу сазосин.
Бу тилдин нечалар қилмиш зиёнға,
Неча расво бўлиб жумла жаҳонға,
Нечалар тил сабаб ғарқ ўлди қонға,
Не лозим сир деюб яхши-ёмонға².

Фақирӣ жоҳиллик ва нодонликни қоралаб соддадил, қўли ва кўнгли очиклиги туфайли борини ҳеч кимдан аямайдинган ёшларни фосиқ, мунофиқ кишилардан доимо йироқ юришга ундайди, шунингдек уларни ақлли, илмли кишиларга ҳамроҳ бўлиб, суҳбатидан баҳраманд бўлиш-га даъват этади:

¹ Қаранг: Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент. Фафур Фулом ном-даги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982, 40—41-бетлар.

² Ҳикматлар гулдастаси, Тошкент, 1982, 40-бет.

Аҳли маъни суҳбатин иста, бажо қил, хизматин,
Меҳнату молингни зое қилма ҳар нодона харж,
Жоҳулу фосиқ мунофиқ аҳлидин бўлғил йироқ
Дўст фаҳм айлаб, аларга қилмағил мардона ҳарж².

Шоир дўстлик ҳақида гапириб, ёшларни чин дўст ортиришга ва унинг фазлидан фақат яхшиликка бошловчи хайрли таъсирларидан баҳраманд бўлишга чақиради:

Ки, чин дўст аямас, бир-бирдан моли ила жонин,
Агарчи бўлсалар ҳам бир-бирининг қонига муҳтож.
Эрур нокаслик аввалги ул дўстидин жудо бўлмоқ,
Бўлулар баъзи тоза ҳамнишин бўлғонига муҳтож.
Дўст бўлгон дунёдан қўл ювса бир-бири учун,
Дўнмайин бир-бирига қилса фидо жон беғараз².

Шоир ёшларни ўзаро яқин, самимий муносабатда бўлишга, дўстликка чақирар экан, биров билан дўст бўлмоқ учун, албатта, уни синовдан ўтказмоқ, «имтиҳон этмак керак» деган ғояни илгари суриб шундай дейди:

Дўсти жонинг бўлса ким, хўб имтиҳон этмоқ керак,
Соддалирдин қилма аҳволинги ҳар инсона шарҳ.
Тоza дўстингга ҳамма ҳолинг демак айни хато;
Бўлса бошдош баъзи ҳолинг айла дўсти жона шарҳ³.

Фақирӣй «Кўринг» ғазалида ишонч билан олийҳиммат, вафодор, садоқатли деб ўйлаган дўстлари баҳил ва бевафо, икки юзламачи, «шум фикр», «тамагир», «ғаразғўй» бўлиб чиққанлигини таъкидлаб ёшларни дўст тавлашда ҳушёрликка даъват этади:

Дўстлар, даҳр ичра баъзи ошноларни кўринг,
Баъзи юзғўй, шум фикр рўйи снёларни кўринг.
Кўрса кимдин фойда, таърифин айлар олдида,
Бу таъмагин даққи-ю бахти қораларни кўринг.
Кўрмаса нафъин ҳамиша, тахт этар бошдин-оёқ,
Аямас, устоз, атосин беҳаёларни кўринг.
Дўст бўлса ҳар кишига бўлмас, асло беғараз,
Бу ғаразғўй, тўрба-хуржунсиз гадоларни кўринг...⁴

Фақирӣйнинг оила ва турмуш ҳақидаги ғазалларида эса инсоннинг инсонга бўлган меҳри кишига руҳий қанот бағишловчи, уни тарбиялаб вояга етказувчи восита сифатида талқин қилинади:

¹ Уша ерда, 125-бет.

² Фақирӣй. Шеърлар. Тошкент, 1972, 19-бет.

³ Фақирӣй. Шеърлар. Тошкент, 1972, 48-бет.

⁴ Фақирӣй. Шеърлар. Тошкент, 1972, 22-бет.

Ким оқил эрса бир ёр ила умрин ўткарур доим,
У нодондур жанонни ҳар лаби хандонига муҳтож.
На армондур кишининг бир вафолиғ дилбарн бўлса
Ҳамиша бўлсалар, бир-бирининг фармониға муҳтож!

Мураббий шоирнинг оилавий турмуш одоби ва меҳмондорчилик одоби тўғрисидаги қуйидаги фикр ва мулоҳазалари халқ мулкига айланиб кетганлиги шубҳасиздир. Шоир ахлоқий-дидактик ғояларининг қиммати ҳам ана шундадир:

Келса меҳмон тунд вақтингда, очилғил гул каби
Хушсуханлик қилғил олдида онинг булбул каби.
Сарф этиб бору йўқингни айла хизмат қул каби,
Гар мусибат тушса ҳам рангинг совутма қул каби.

Еки:

Хоҳиш таниш, хоҳ ёт келусун, ҳимматингни тут баланд
Хоҳ фақиру хоҳ гани, тутғил азизу аржуманд.
Бирга ўн ҳисса натижалар кўрарсан чанд-чанд,
Баъзилар бой келса хўб, қашшоқни қилмас писанд,
Ҳам яна бир шарти бордур, келса меҳмони худо
Чоқ бўлмоққа келур, бўлгач маконида жудо.
Шоду хуррам айлабон, кетгунча хизмат қил бажо,
Баъдазон фахр этма, бориси бўлур армон, риё.
Хоҳ келур дўст, хоҳи душман, сийла хандонлиғ била,
Қил тавозе холисанилло мардонлиғ била,
Бўлса ҳам гар душманинги, дўст бўлғай осонлиғ била
Кина кофир феълли аммо, қилма нодонлиғ била,
Қўнглинги ол, хуллас калом, ким бўлса бўлсун тут адаб,
Еткурур ризқини ғойибдин сенга ул дамда раб
Бирга нўш эт дар таом, гар тўқ эсанг ҳам лаббалаб,
Бил, бу ишлардур ду олам обрўйингга сабаб.

Табибий ва Фақирийнинг асарларидаги таълим-тарбияга оид бўлган дидактик мазмундаги насиҳатомуз фикрлар илмий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ёш авлоднинг онгини ўстиришга, дунёқарашини мукамаллаштиришга, маданий даражаларини оширишга ёрдам беради.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Хоразмда яшаб ижод қилган маърифатпарвар шоирларнинг умумпедагогика ва дидактикага оид ғояларини таҳлил қилиб, шунга тўла ишонч ҳосил қилдикки, маърифатпарварлар умумпедагогик ва дидактик масалаларни талқин қилишда бир-бирларидан ажралиб турсалар-да, уларнинг қарашларига хос умумий томонлар аниқ кўзга ташланади.

¹ Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент, 1982, 212—213-бетлар.

Бунн феодаал-хонлик тузумига қарши муносабат, халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилиш, тараққиёт ва илм-маърифат, юксак ахлоқий ғоялар учун курашга чақириш-ларида яққол кўришимиз мумкин. . .

Айниқса, шунн алоҳида қайд этиш лозимки, подшоҳ, шоир, қомусий олим, ажойиб инсон Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳаммадан аввал ўз ижодининг илғор томонлари билан бизга қадрлидир. У ҳукмронлик қилган даврда Хива хонлигида янги мадрасалар, мактаблар қурилади, ўлканинг бошқа маданий музофотлар, халқлар билан алоқаси яхшиланади. Бу эса ўз навбатида, адабий-маданий-алоқалар ва маърифий педагогик фикрлар ривожига ижобий таъсир этганлиги шубҳасиздир. XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмда Мунис, Огаҳий, Комил, Мирзо, Аваз Утар ўғли, Табибий, Сўфи, Баёний, Фақирий каби номдор шоирлар яшаб ўтганлар. Хоразм маърифат-парвар шоирлари ижодида пок инсоний хислатлар учун кураш, инсоннинг ижтимоий бурчи, сурат ва сийратнинг гўзаллиги ҳақида қайғуриш, энг яхши фазилатларни тарғиб этиш бош мавзу бўлган. Улар маърифат ва ёруғлик тарқатишни, ёшларни маънавий камолотини шиор этиб маърифий-дидактик асарлар яратганларки, бу ғоялар ўзидан кейинги маърифатпарвар шоирлар Мутриб, Девоний, Чокар, Сафо Муғанний ижодида ҳам ривож топди. Чунончи, Мутриб бир маснавийсида «Беҳунар, беилм одам»ларнинг «халқ ичра эътибор» топмаслигини алоҳида уқтириб, ёшларни илм олишга чорлайди:

Беҳунар, беилм одамдин не суд,
Билмас ул одоби, икромн муруд.
Даҳр аро бўлғуси дойм хору зор,
Бўлмағай халқ ичра анда эътибор...
Эй халойиқ, сол қулоқ оқил бўлиб,
Қолмангиз бебаҳра чун ғофил бўлиб,
Берса мактабга кишилар ёшларин,
Кўргай ул соғу сарафроз ёшларин.

Мутриб янги мактабларда ёшларга бериладиган таълим-тарбиянинг сифати янгилигини, болалар тарбияси билан шуғулланадиган муаллимларнинг «илм аро якто», саводхон, маданиятли кишилар эканлигини ота-оналарга тушунтиради:

Илм аро якто муаллимлар келиб,
Жаннатасо янги мактаблар очиб,
Ёшларни тарбият бирла мудом
Айлади ҳар бирини олий мақом...

Эй халойиқ, бўлса фарзандинг агар,
Бер муаллимга ани қилмай хазар¹.

Шоир Чокар эса «Уқув» шеърида «илму урфонни» улуғлаб, инсон жисми жонсиз яшамагани сингарни, илм-сиз, маърифатсиз ҳам яшолмайди, деган маърифий-дидактик ғояни илгари суради:

Жаҳонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз,
Анингдекким тура олмас ҳаётда жисм ила жонсиз.
Беринг фарзандингиз мактабга Чокарни сўзин тинглаб,
Жаҳонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз².

Девоний «Кўринг» радифли ғазалида ёшларни инсон камолоти ва жамият тараққиёти омили бўлган илм-маърифат эгаси бўлишга чорлаш билан бирга, жамият ривожига қаршилиқ қилаётган «маърифатсиз жаҳл ила жангу жадал» қилувчи шахсларни, саводсизлик кўзини «кўр» қўл-оёғини «шол» қилиб ташлаётган нодонларни қаттиқ танқид қилади:

Маърифатсиз жаҳл ила мангу жадалларни кўринг,
Соғларни хоҳламаслар кўру шолларни кўринг..
Истамай илму фунун дорусидин ҳаргиз илож,
Мубталойи дарду ваҳшат кўп касалларни кўринг³.

Сафо Муғанний «Хоразм талабаларига» шеърида Хоразм ўлкасининг келажagini ёшлар билимида деб ўғил-қизларга мурожаат қилади:

Хоразмда билим оздур,
Уқимоқ сизларга фарздур.
Муғанний чиқмасун ёддин,

Илм ўрганинг устоддин,
Билинг ҳар бир маълумотдин,
Қайда борсанг, соғ бўлинглар.⁴

Шоир «Ёшларга» шеърида ҳам ёшларга мурожаат қилар экан, уларга илм-фанни эгаллаб, кўкка учиш бахтини тилайди:

Илмсизлар бўлур ночор
Уйғонган халқ кўкка учар

Беақл ўқувдан қочар
Уйғонинглар, уйғонинглар.⁵

Умуман олганда, XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод қилган маърифатпарвар шоирларнинг маърифий-дидактик қарашлари Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиётида янги бир саҳифа бўлди.

¹ «Хоразм хабарлари» рўзномаси, 1921 йил 26 сентябр.

² Чокар. «Юғурма» тўплами, Хива, 1923, 21-бет.

³ Девоний. Шеърлар. Тошкент, 1971, 12-бет.

⁴ Муғанний «Юғурма» тўплами, Хива, 1923, 64—65-бетлар.

⁵ Муғанний. «Юғурма» тўплами. Хива, 1923, 66—67-бетлар.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
I б о б. Хоразмда маърифий-педагогик фикрлар шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шароитлари	
1-§. Хоразмда маърифий-педагогик фикрларнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаган омиллар	6
2-§. Хоразмнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларида маърифий-педагогик қарашлар	38
3-§. Хоразм халқ педагогикасида таълим-тарбиянинг анъанавий шакллари	50
II б о б. Феодализм даврида Хоразмда табиий-илмий ва маърифий-педагогик фикрнинг ривожланиши (VIII—XIII асрлар)	
1-§. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий ва Абу Мансур Ибн Али Ибн Ироқ асарларининг маърифий-педагогик аҳамияти	79
2-§. Абу Бакр Муҳаммад ибн Ал-Аббос ал-Хоразмийнинг маърифий ахлоқий қарашлари	96
3-§. Абу Райҳон ибн Аҳмад ал-Берунийнинг маърифий-педагогик ва психологик қарашлари	103
4-§. Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарининг маърифий-педагогик аҳамияти	123
5-§. Абул Қосим Маҳмуд Ибн Умар аз-Замашарийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари	135
6-§. Сулаймон Боқирғоний ва Нажмиддин Кубронийг тасаввуф тариқатида маърифий-ахлоқий таълимнинг ўрни	149
7-§. Маҳмуд Ибн Муҳаммад Ибн Умар Ал-Чағминий мероси ва унинг маърифий-педагогик аҳамияти	168
8-§. Паҳлавон Маҳмуд ва Носириддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг ахлоқий дидактикаси	172
III б о б. XV—XVIII асрларда Хоразмда маърифий-педагогик фикрнинг ривожланиши	
1-§. Ҳайдар Хоразмийнинг маърифий-дидактик қарашлари	187
2-§. Ҳофиз Хоразмийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари	191
3-§. Абдулғози Баҳодирхон асарлари илмий-педагогик манба сифатида	199
4-§. Муҳаммадниёз Нишотийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари	217
5-§. Роқимнинг педагогик фаолияти ва маърифий-дидактик қарашлари	222
6-§. Мунис Хоразмийнинг маърифий-дидактик қарашлари	226
7-§. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг маърифий-педагогик қарашлари	233
IV б о б. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Хоразм маърифатпарвар шоирларининг умумпедагогика ва дидактикага оид ғоялари	
1-§. Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг маърифий-ахлоқий қарашлари	255
2-§. Қомил Хоразмий ва Муҳаммад Расул Мирзонинг маърифий-ахлоқий қарашлари	271
3-§. Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Суфи ва Аҳмаджон Табибийнинг маърифий ва дидактик қарашлари	279
4-§. Аваз Утар ўғлининг маърифий-дидактик қарашлари	286
5-§. Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўғли Баёний ва Абдураззоқ Фақирийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари	294

Ҳасанов Солий.

Хоразм маърифати—олам кўзгуси: (Олий ва ўрта махсус билим юрт. ҳамда мактаб ўқитувчилари учун тавсия этилган.) И. О. Обидовнинг умумий таҳрири остида.—Т.: Уқитувчи, 1996.—304 б.

ББК 74.26

СОЛИЙ ҲАСАНОВ

ХОРАЗМ МАЪРИФАТИ — ОЛАМ КЎЗГУСИ

*Олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқитувчи
ҳамда талабаларига мўлжалланган*

Тошкент «Уқитувчи» 1996.

Таҳририят мудбири С. Очиллов
Муҳаррир Б. Рўзимухаммад
Кичик муҳаррир Х. Зоиржонова
Бадний муҳаррир Э. Нурмонов
Техмуҳаррир Т. Грешикова
Мусаҳҳиҳ З. Фуломова

ИБ 6455

Тершга берилди 22. 12. 95. Босишга рухсат этилди 2. 04. 96. Формати 84×108¹/₃₂. Тип. қоғози. Литературная гарн. Кегли 10,8 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 15,96. Шартли кр.-отт. 16,06. Нашр. л. 15,5. 3000 нусхада босилди. Буюртма № 2.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 12—202—93.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси,
Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1996.